ISBN 978-9943-8397-4-8

Орзигул Ҳамроева

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ПОЭТИКАГА ДОИР РИСОЛАЛАРДА ҚОФИЯ ИЛМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ПОЭТИКАГА ДОИР РИСОЛАЛАРДА ҚОФИЯ ИЛМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Орзигул Ҳамроева

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРОЕВА ОРЗИГУЛ ЖАЛОЛОВНА

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ПОЭТИКАГА ДОИР РИСОЛАЛАРДА ҚОФИЯ ИЛМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Монография

“BOOKMANY PRINT”
ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 821.512.133.09-1
КБК: 83.3г(5Ў)
М 00

ISBN 978-9943-8397-4-8

Ҳамроева, Орзигул Жалоловна.
Темурийлар давридаги поэтикага доир рисолаларда қофия илмининг қиёсий таҳлили [Матн] : монография / О.Ж. Ҳамроева. – Тошкент: Bookmany print, 2022. - 254 б.

Монография мумтоз қофия илми тадқиқига бағишланган бўлиб, қофия илмининг шаклланиши, қофияга оид манбалар ва рисолалар қиёсий ўрганилган. Тадқиқот иши учун Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия”, “Бадоеъ ус-саноеъ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” асарлари асос қилиб олинган. Бу рисолаларнинг қиёсий таҳлили орқали темурийлар даври қофияшунослигининг такомили белгилаб берилган. Қиёсий таҳлил қофиянинг шеършуносликкдаги ўрни, қофия ҳарфлари ва ҳаракатлари, қофия айблари(нуқсон), қофиянинг бир неча жиҳатларига кўра турлари, қофия асосига қурилган бадиий санъатлар асосида амалга оширилган.

Монография қиёсий адабиётшунослик, мумтоз поэтика, мумтоз қофия, адабиётшунослик илмига қизиқувчи олимлар, тадқиқотчилар ва филолог мутахассислар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
Ҳамидулла Болтабоев, филология фанлари доктори, профессор
Тақризчилар
Нурбой Жабборов, филология фанлари доктори, профессор.
Дилнавоз Юсупова, филология фанлари доктори, профессор.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий кенгашининг 2022 йил 2-июндаги 11-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

© Ҳамроева О.Ж.
© “Bookmany print” нашриёти, 2022.

СЎЗ БОШИ

Мумтоз шарқ адабиётшунослиги, унинг назарий асослари тадқиқи мумтоз матнлар ва уларнинг бадиий-поэтик таҳлилини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мумтоз адабиётда шеъриятнинг етакчилигини, шеършунослик тарихи, вазн, қофия, шеърий нутқ, шеърнинг назарий асослари, шеърий санъатлар, шеърий шакллар каби масалалар ва уларнинг ўзига хослигини белгилаш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Шу жиҳатдан “илми адаб”, кейинчалик “илми сегона”нинг таркибий қисмларидан бири бўлган мумтоз қофия илми назарияси, қофиянинг асосий унсурлари, таркибий қисми, қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофиядаги нуқсонлар, қофия турларининг назарий асослари арабий, форсий ва туркий рисолалар тадқиқи асосида ягона назарий категорияларини тақдим қилиш, жаҳон, хусусан, туркий қофия илмининг ўрганилиши долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Темурийлар даврида қофия илми назарий таълимот сифатида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Ушбу давр вакилларидан Шайх Аҳмад Тарозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний каби ижодкорларнинг асарлари қофиянинг назарий асослари чуқур ва муфассал ёритилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур асарлар ҳақида ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларда баъзи мақола ва тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларнинг ўзаро қиёсий таҳлили фундаментал тарзда ва қофиянинг унсурлари сатҳида махсус ўрганилмаган эди. Темурийлар даврига оид қофия рисолаларини ўзаро қиёсий тадқиқ қилиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидандир.

Мумтоз поэтика илмига оид тадқиқотлар турли даврларда турли усул ва методлар асосида тадқиққа тортилган. Қофия тизими, унинг ривожланиш тамойиллари, қофияшунослик тараққиёти муаммолари ҳар бир тарихий даврда тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида қофия илми билан бир бутунликни ташкил қилувчи аруз ва бадиият илми етарлича тадқиқ этилган. Бироқ қофия ва қофия назариясига оид рисолаларнинг ўрганилиши, бу илмга доир тугал тадқиқотнинг мавжуд

эмаслиги, қолаверса, туркий қофияшуносликнинг шаклланиши босқичи тадқиқ этилмагани бу илмни тарихий-қиёсий йўналишда ўрганиш заруратини туғдиради.

Темурийлар даври ва унга қадар (XII-XV асрлар) яратилган араб, форс-тожик ва ўзбек шеършунослигига доир асарларни, жумладан, ўрта асрлар қўлёзмалари ва рисолаларини тадқиқ этиш, қадимги давр ва ўрта асрлар қофия тизимларини ўрганиш, олимлар илмий мероси, ёндашув ва қарашларини белгилаш, мумтоз адабиётнинг бадиий воситалари ва қофия тизимлари тараққиётини белгилаш бўйича дунё адабиётшунослигида муайян илмий изланишлар олиб борилган.

Ф. Гладвин, Даудпота У. (Ҳиндистон), А.Арберри (Лондон), Кийа Садек (Эрон), Ҳ.Блошман, Б. Реинерт (Германия), Д.Де Уис, Е.Г. Броун, Ж.Клинтон (АҚШ), М.Симидчева (Канада), Е.Э. Бертельс, П.А.Гринцер, А.А. Азер, С.Н.Бациева, Д.А.Огенесян, И.Ю.Крачковский, А.Б.Куделин, Д.В.Фролов, И.В.Стеблева, Н.Ю.Чалисова (Россия), В.В. Котетишвили (Грузия), Ф.Купрулу, Г.Аллаҳвердиев (Туркия), Р.Мусулмонқулов, Ш.Нўъмоний, У.Тоиров, М.Шарифов, С.Амирқулов, У.А.Юсуфов (Тожикистон), Ш.С.Калиева (Қозоғистон), А.Рустамов, И.Султон, У.Тўйчиев, А.Ҳожиаҳмедов, В.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев, Б.Тўхлиев, С.Рустамий, И.Адизова, Г.Тўйчиева, Д.Юсупова (Ўзбекистон), каби олимлар ўз тадқиқотларида ўрта асрларда кенг ривож топган адаб илмлари, хусусан, илми аруз, илми қофия, илми бадиъ, илми балоғага бағишланган рисолалар мисолида араб, форс, туркий қофиянинг ўзига хос хусусиятлари, мумтоз поэтика билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйиб, уларга доир ўз қарашларини билдириб ўтганлар[1].

[1] Gladwin F. "Dissertations on the Rhetoric, Prosody and Rhyme of the Persians", -Calcutta, 1801; Daudpota U. "The Influence of Arabic Poetry on the Development of Persian Poetry. -Bombay, 1934; Arberry A. "Classical Persian Literature", -London, 1958; Кийа Садек. “Меъйар-и джамали” из Шамси Фахрийи Исфахони. Веженомайи фарси. -Т.4. Техрон, 1937; Blochmann H. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. -Calcutta, 1872; Reinert B. "Probleme der vormongolischen arabisch-persischen Poesiegemeinschaft und ihr Reflex in der Poetik", // "Arabic Poetry: Theory and Development", -Wiesbaden, 1973; DeWeese D. The Predecessors of Nava’i in the “Funun al-balagah” of Shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century // Turkish studies, edited by Sinasi Tekin, 2005, volume 29; Simidchieva M.

Imitation and Innovatsion in Timueid Poetics: Kashifi’s Badayi al-afkar and Predecessors, al-Mu’jam and Hada’iq al-sihr // Iraninan Studies, volume 36, number 4, 2003; Browne E.G. "A Literary History of Persia from the Earliest Times to Modern Times", Vol. 2, Cambridge, 1964; Clinton J.W. "Shams-i Qays on the Nature of Poetry", "Edebiyat", n.s. 1, № 2, c. 101 – 128, Philadelphia, 1985; Бертельс Е.Э. "Литература на персидском языке в Средней Азии", // "Советское востоковедение", Вып. 5, -М. — Л., 1948, с. 199 — 228.Азер А.А. "Персидское стихосложение и рифма", -М., 1967/ А.А.Азер. Рифма персидского стиха. Проблема восточного стихосложения. -М. 1973; Гринцер П.А. "Литературы древности и средневековья в системе исторической поэтики" // "Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения", М., 1986; Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке / Изб. Соч., – М. – Л.: Академия наук, Т. II. 1956; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век). – М.: Наука, 1983; С.Н Бациева. Истлотко-социологический тарктат Ибн Халдуна “Муқаддима”. -М. 1965.; Д.А.Огенесян. Книга поэзии и поэтов. Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истироии классической арабской поэзии. АКД. -М., 1980. / Фролов Д.В. Арабская филология. – М.: Языки славянской культуры, 2006; Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука. 1991; Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюрко-язычную поэзию / Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. – М.: Наука, 1964; Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993; Чалисова Н.Ю. Ватват и его трактат “Сады волшебства в тонкостях поэзии” // Ватват. Сады волшебства. – М.: Наука. 1985; Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики // Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – М.: Восточная литература, 1997; Котетишвили В.В. "Структура персидской классической рифмы", Автореф. докт. дис., Тбилиси, 1975; Köprülü M.F. "Harezmçahlar devrinde bir Turk lisancisi Muhammed bin Kays ve eseri", Türkiyat mecmuasi, Istanbul, 1928; Аллахвердиев Г. "Труд Хатиба Тебризи 'Китаб ал-кафи фи-л-аруз ва-л-кавафи' как источник по восточной поэтике", Баку, 1992; Нӯъмонӣ, Ш. Шеър-ул-ачам: чопи 3 / Ш. Нӯъмонӣ.–Теҳрон, Ошно, 1968; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.). – М.: Наука, 1989/ Мусульманкулов Р. "Атауллах-и Махмуд-и Хусайни и вопросы таджикско-персидской классической поэтики", Автореф. докт. дис., Душанбе, 1980./ Мусульманкулов Р. "Атауллах-и Махмуд-и Хусайни", Душанбе, 1983; Тоиров У. С.Саидали Қомуси қофия ва арузи шеъри ажам. Душанбе. Ирфон. 1994; Шарифов М. "Шамс-и Кайс-и Рази и его литературно-критические взгляды", Автореф. канд. дис., -Душанбе, 1985; Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Т.: ТашГИВ, 2002; Амиркулов С., Нигоҳе ба инкишофи таърихии адабиёти тоҷик дар Мовароуннаҳр (қарни 19), -Д., 2010; У.Юсуфов. “Бадоеъ ул-афкор”и Кошифӣ ва рушди назариёти адабӣ дар садаи XV. -Душанбе., 2020; А.Рустамов Қофия нима? – Тошкент: Фан, 1976; А.Рустамов. Қофия структурасига оид бир “назария” ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. Отдельный оттиск. 3 / 1976; И.Султон. Адабиёт назарияси. -Т.: Ўқитувчи, 1980; У.Тўйчиев. Қофия ва унинг назарияси оид // Адабиёт назарияси. II том. -Т.: Фан., 1979; А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз қофия малоҳати. -Т, Шарқ, 1999; Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедиси, 2008; В.Раҳмонов. Шеър санъатлари. -Т.: Шарқ, 2020; Тухлиев Б.Вопросы поэтики «Кутадгу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба. – Т., 2004; Рустамий С. Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2018; Рустамий С. Балоғат илми. Ўқув қўлланма. -Т. 2021; Туйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амир Хосрова Дехлеви. – Т.: ТашГИВ, 2005; Тўйчиева Г.У. Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2019; Д.Юсупова. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. . Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2019 // Д.Юсупова. Аруз ва мумтоз поэтика асослари. Дарслик. -Т.: Академнашр.2021.

Дунё миқёсида Ж.С.Мейсами (Буюк Британия), В.М.Жирмунский, М.Л. Рейснер, Б.Я.Шидфар, И.М.Фильштинский, М-Н.Османов, Д.Самойлов, М.Л.Гаспаров (Россия), Ж.Ландау (Франция), Б.Сирус, Х.Шарифов, Р.Х.Ҳодизода, А.Саттарзода, Т.Мардоний, С.Ж.Чиллаев (Тожикистон), Х.Усмонов, М.Бакиров (Татаристон), М.К.Хамраев, З.А.Ахметов, А.Тилавалди (Қозоғистон), К.Рисалиев (Қирғизистон), А.Бекмурадов (Туркманистон) М.Акбарова (Ўзбекистон)каби олимлар араб, форс, тожик, озарбайжон, татар, қозоқ, қирғиз, туркман, ўзбек поэтикаси, вазн ва қофия тузилишининг тарихи ва замонавий ривожланиш тамойиллари, жумладан, мумтоз адабиётнинг образлар тизими, бадиий воситалари ва қофия асослари, ижодкорлар ижодида қофиянинг қўлланиши каби масалаларни тадқиқ қилган[2].

[2] Meisami J.S.. Structure and Meaning in Medieval Arabic and Persian Poetry. – London, 2003; В.М.Жирмунский. Рифма ее история и теория. Петроград. 1923; Рейснер М.Л. "К проблеме сравнительного изучения иранской и арабской поэтики (характеристика категории 'тахаллус')" // "Вестник Московского университета. Востоковедение", М., 1985 / Рейснер М.Л. "Газель в системе категорий классической иранской поэтики" // "Вестник Московского университета. Востоковедение", М., 1986 / Рейснер, 1989; Рейснер М.Л. "Эволюция классической газели на фарси X — XIV вв.", М., 1989./ Рейснер М.Л. "Персидская касыда в домонгольский период X — начало XIII века", // "Проблемы генезиса и эволюции", Автореф. докт. дис.. М., 1996; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). – М.: Наука, 1974; Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. – Москва: Гл.ред.вост.лит., 1978. – С. 254; Османов М-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. – М.: Наука, 1974; Д.Самойлов. Книга о русской рифме. -М., 1982; М.Л.Гаспаров. Эволюция русской рифмы // Проблемы теории стиха. – Л.: Наука, 1984; Landau J. De rythme & de raison. Paris: Presses Sorbonee nouvelle, 2013; Сирус Б.И. "Рифма в таджикской поэзии", Сталинабад, 1953.; Сирус Б. Рифма персидского стиха. // Проблемы восточного стихосложения. -М., 1973; Шарифов Х. Ташаккули афкори адабӣ-назариявии тоҷик дар асрҳои X-XI. Душанбе.1970 / Шарипов Х. "Формировавние таджикской литературно-теоретической мысли в X — XI вв.", Автореф. канд. дис., Душанбе, 1970; Ҳодизода Р.Х. Адабиёти форси тоҷик дар асрҳои XII-XIV. Ч.1. Душанбе.1976; Саттарзода А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль (IX-XV вв). – Душанбе: Адиб, 2002; Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов IX-XII веков. Дисс. …докт. филол. наук. – Душанбе, 2006; Мардони Т.Н. Арабско-таджикские литературные связи. – Душанбе: Ирфон, 2006; Мардонӣ, Тоҷиддин. Саҳифаҳое аз равобити адабии Арабу Ҷам (гузашта ва имрӯз). – Душанбе: Ирфон, 2010.; У,А.Юсуфов. Взаимовлияние поэтики араба и аджама (IX-XV вв.). Автореф. дисс. ....канд филол.наук. -Душанбе., 2021; С.Ж.Чиллаев Афкори назарӣ-адабӣ ва интиқодии Сайфҷоми Ҳиравӣ дар “Ҷомеъ ус-саноеъ вв-л-авзон”. -Душанбе. 2021; М.К.Хамраев. Основы тюркского стихосложения. Авт.докт.дисс. Алматы, 1964; Усманов Х.У. Древние истоки тюркского стиха. – Казань, 1984; Усманов Х.У. Тюркский стих в средние века. – Казань: КГУ, 1987; Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований.

Монографияда темурийлар даври қофияшунослиги Шайх Аҳмад Тарозий, Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Ҳусайн Воиз Кошифий рисолалари асосида ўзбек ва форс-тожик қофия назарияларининг тараққиёт босқичи сифатида баҳоланган ҳамда ушбу рисолаларнинг қиёсий таҳлили *қофия, қофия ҳарфлари, қофия ҳаракатлари, қофия турлари, қофия айблари, радиф, ҳожиб* каби қофияга оид унсурлар сатҳида амалга оширилган. Қ*офия ҳарфлари* таснифи билан боғлиқ масалада Шамсиддин Қайс Розий, *қофия ҳаракатлари* назариясида Носириддин Тусий, *қофия турлари назариясида* Шамс Қайс Розий ҳамда Носируддин Тусий асарлари бу давр қофияшунослиги учун назарий асос вазифасини ўтаганлиги илмий далилланган. Қ*офия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия айблари, қофия турлари* сонининг турлича эканлиги рисолаларнинг йўналиши, характери ва муаллифларнинг мақсадлари, туркий ва форсий қофияларнинг тил қонуниятлари билан бевосита боғлиқ эканлиги асосланган. Т*уркий қофия* хусусиятлари ва ўзига хослигига оид қарашларнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилган.

Монографияда темурийлар даврида яратилган қофияга доир рисолаларнинг назарий асослари аниқланган ва тизимлаштирилган. Ўзбек ва форс-тожик қофияшунослигининг ривожланиш омиллари қиёсий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этилган. Темурийлар даврида ўзбек ва форс-тожик қофияшунослиги ягона илдизларга эга бўлиб, яхлит ҳолда мавжуд бўлганлиги ва бир маданий-адабий муҳит маҳсули эканлиги исботланган. Рисолаларнинг Шарқ мумтоз поэтикаси тараққиётида тутган ўрни белгиланган.

Автореф. дисс. ....канд филол.наук. – Казань, 1972; Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Казань, 1999; Ахметов З.А. Казахское стихосложение. – Алматы, 1964; Тилавалди А. Древнетюркский книжный стих. – Алматы, 2002; Рысалиев К. Киргизское стихосложение. – Фрунзе, 1965; Бекмурадов А. Основные тенденции развития стихосложения в туркменской советской поэзии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад. 1980; М.Акбарова. Алешр Навоий ғазалларида қофия. -Т.: Фан., 1993. -Б. 27.

I БОБ. МУМТОЗ ҚОФИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

1.1. Мумтоз қофия ҳақидаги илмнинг шаклланиши

Мумтоз поэтиканинг таркибий қисмларидан бири - қофия илми қадим тарихга эга бўлиб, унинг назарий асослари дастлабки даврларданоқ шакллана бошлаган. Илми баён, илми маоний, бадиият илми таркибида мазмун ва шакл мутаносиблиги, ритм ва оҳангдошлик, товуш такрори, қофия, насрдаги шеърий унсурлар ва жанрлар муносабати каби масалалар дастлаб тилшуносликнинг сарф-наҳв бўлими замирида ўрганилган бўлса, кейинчалик бу илм алоҳида шеършунослик ва балоғат фанлари сифатида алоҳида ажралиб чиқди.

Дастлаб араб шеършунослиги таркибида шаклланган поэтика илми форс ва туркий адабиётда ҳам равнақ топди. Поэтика ва унинг таркибий қисми: илми бадеъ, аруз ва қофия илмининг тараққиёти маълум вазият ва шароитлар асосида такомиллашди. Поэтика ва қофия илми назарияси, унинг алоҳида илм сифатида такомилашиши, махсус рисола ва қўлланмаларнинг яратилиши темурийлар ҳукмронлиги даврида янги босқичга кўтарилди. Темурий ҳукмдорларнинг илмга, адабиётга муносабати, ҳомийлиги бир неча турдаги адабиётлар қаторида илмий-назарий асарларнинг яратилишига сабаб бўлди. Бу даврга келиб, шеър илмини эгаллаш нафақат шоирлар, филолог олимлар ва мутахассислар, балки ўзини билимли ва маълумотли деб билган ҳар бир зиёли инсоннинг вазифаси саналган. Шеър битишни билиш учун эса, шеърият қонуниятлари, назариясини пухта эгаллаш зарур бўлган.

Мамлакатимиз тарихида темурийлар даври Ренессанс, яъни Уйғониш даври сифатида баҳоланади. Бу даврда илм-фан, маданият, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва шеърият, шунингдек, савдо-сотиқ юксак даражага кўтарилганлиги бугун жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

Биринчидан, поэтика, хусусан, қофия илми тадқиқи темурийлар даврида, илм-фан тараққиёти учун яратилган кенг

имкониятлар боис кўп соҳаларда бўлгани каби қофия илмида ҳам катта ютуқларга эришилганлиги, қофия илмининг тараққиёти ва ривожи айнан бизнинг ҳудудимизда ягона маданий ва илмий муҳит пишиб етилганлиги сабабли амалга ошганлигини исботлаш зарур ва муҳимдир.

Иккинчидан, темурийлар яратган муҳит негизида шеър тизимлари ва уларнинг назарий умумлашмалари вужудга келган. Қофия илмининг ўрта асрлардаги ривожи икки миллий қофия илми назарияларининг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилган, улар: форс-тожик қофия назарияси ва ўзбек (туркий) қофия назарияси. Улар бир, ягона ва узвий боғланган адабий-маданий муҳит маҳсули бўлиб, айнан темурийлар даврининг ютуғи сифатида эътиборга молик.

Темурийлар давридаги муҳит таъсирида аруз, илми бадеъ ва қофия илмига оид рисолалар яратилиши поэтика илмининг назарий асослари юқори даражада ишлаб чиқилганини кўрсатади. Қофия илмига бағишланган рисолаларнинг аксариятида қофия илмининг назарий асослари пухта ва мукаммал ишлаб чиқилгани бунинг ёркин далилидир. Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ”, “Рисола дар қофия”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” асарлари ана шундай муҳим манбалардан биридир.

Темурийлар давридаги поэтикага оид манбаларда адабий таъсир ва алоқалар яққол кўзга ташланади. Бу рисолаларнинг яратилишида бир қанча араб ва форс тилидаги манбалар назарий асос вазифасини бажарган бўлиб, уларнинг тадқиқи қофия илмининг шаклланиши ва тараққиётини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шарқшунос олим Н.И.Конрад адабий алоқаларни бир халқ адабиётининг бошқа бир халқ адабиёти оламига кириб бориши деб таърифлайди ва адабиётлараро алоқаларнинг 5 та асосий туридан бири сифатида айнан бир хил мавзунинг турли халқлар адабиётида ёритилишини ажратиб кўрсатади[3]. Бу мавзулар турли халқлар тили ва бадиий адабиётидаги такомилига қараб яратилган. Шу сабабдан қофия

[3] Конрад Н.И. К вопросу о литературных связях // Литература и театр. – М.: Наука, 1978. –Б.49 – 59.

илмининг шаклланиш босқичини ўрганиш талаб қилинади. Биз қофия илмининг тадрижий тараққиётини қуйидаги босқичлар асосида тадқиқ қилишни мақсад қилдик:

1. Мумтоз қофиянинг назарий асослари бадиият илмига оид манбаларда дастлабки илмий қарашлар таркибида пайдо бўла бошлади[4]. Сўз санъати, бадиийлик, унинг ўзига хос хусусияти, шеърда қофия танлай олиш, байтлар ўртасидаги боғлиқлик, мазмуний мувозанат кабилар олимлар эътиборида бўлган[5]. Арастунинг "Фи синоъати-ш-шеър" асарида келтирилган фикрларнинг шарҳига бағишланган Форобийнинг "Калом-уш-шеър ва-л қавофи" асарида юнон шеъриятига оид назарий муаммолар тадқиққа тортилган[6]. Форобий "сўзни шеърда бошқа бир сўзга қофиядай қилиб қўйиш" мисра ва байтлардаги оҳангдорликни юзага келтириши ва бу ҳузурбахш ҳолат эканлигини таъкидлайди[7]. Шеър тузилиши, таркиби, шаклий хусусиятлари борасидаги умумий маълумотлар мумтоз қофия илмига оид дастлабки қарашлар сифатида эътиборга молик[8].

Мумтоз қофия илмининг назарий асослари, илмий қарашларнинг шаклланиши вазн ва бадиият илмига нисбатан қадимийроқ бўлиб, шарқ шеъриятида жоҳилия давридаёқ манбаларда акс этган[9]. Кейинчалик араб олимлари томонидан тизимли равишда бадиият илми замирида мумтоз қофияга оид илмий-назарий қарашлар тақдим қилинди[10].

---

[4] Оганесян Д.А. "Книга поэзии и поэтов" Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истории классической поэзии. АКД. –М., 1980.

[5] Арасту. Фи синоъати-ш-шеър/ Поэтика. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2018. –Б. 119.; Ибн Сина. Фанни шеър // Наука Поэтики. –Душанбе, 1985. –Б. 74.; Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Лирика, фалсафий қарашлар, шеър санъати. –Т.: 1980, -Б. 89.

[6] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

[7] Ўша манба. –Б. 119.

[8] Кайковус. Қобуснома. –Т. 1982. –Б. 98.

[9] Стеблева И.В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия/ Тюркологический сборник. –М., 1966. –С.246-254.

[10] Qudama ibn Ja'far. Naqdu-sh-she'r. Bayrut, 1332.(arab tilida).; Qudama ibn Ja'far. Naqdu-sh-she'r. Al-ta'b avvali. Qistantaniya. 1303. (arab tilida); Ibn Qutayba Ash-she'r va shuaro. 1-2-jildlar. Bayrut. 1969. B.12-15. (arab tilida); Abdulloh ibn Mutazz. Kitab al-bade' / Крачковский. И.Ю. Избранные сочинения. Т.6. –М. Л. 1956, -С.179-252.; Крачковский. И.Ю. Арабская поэтика в IX в./ Избранные сочинения. Т.2. –М. Л. 1956, -С.360-372.; Крачковский. И.Ю. "Реторика" Кудамы ибн Джаъфара / Избранные сочинения. Т.2. –М. Л. 1956, - С. 372-387.; Оганесян Д.А. "Книга поэзии и поэтов" Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истории классической поэзии. АКД. –М., 1980.; Бациева С.М. Историко-

Илми қофия назариясига оид дастлабки қарашлар араб олими Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз ибн ал-Мутаваккил ал-Аббосий томонидан тақдим қилинган. Ибн Муътаззнинг “Китоб ул-бадиъ” (IX-X) асари бадиият илмига бағишланган бўлиб, олим тажнис ва унинг турларини баён қилиш баробарида қофиянинг шеъриятдаги аҳамияти борасида фикр юритади[11]. Мумтоз қофия алоҳида илм сифатида эмас, илми бадиъ билан уйғун ҳолда тақдим қилинади. Бу йўналишда яратилган Абу Ҳилол ал-Аскарийнинг “Китоб ас-саноъатайн” асарида бадиий санъат тадқиқи такомили асосида қофия назариясига оид бир қанча маълумотлар келтирилган. Кейинчалик Ал-Аскарийнинг “Девон ул-маъни” (IX-X) сарлавҳаси остида маоний ва бадиият илмига бағишланган бир қанча рисолалар каталогини тузиши бу илмнинг кенгая борганини кўрсатади[12]. Абу Яъқуб Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” (XII) асарида илми бадиъ ва қофия боғлиқлиги нисбатан чуқурроқ таҳлилга тортилган бўлиб, қофия илми аста-секинлик билан мустақил илм сифатида шаклланиши кўзга ташланади[13]. “Мифтоҳ ул-улум” асарида мумтоз қофия хусусиятлари ва қофия айблари (иқво) тилга олинади, изоҳланади. Қиноийнинг “Мезону-з-заҳаб фи синоат шеъру-л-араб”, Даманхурийнинг “Ал-ҳошияу-л-кабири али матну-л-кофи фи илму-л-аруз ва-л қавофий” асарларида ҳам бадиий санъат ва вазн муносабатлари асосида қофия айблари, ихтилофлари борасида фикрлар келтирилган[14].

Мумтоз қофия назарияси оид қарашлар дастлаб араб адабиётида пайдо бўлган бўлса, кейинчалик форс адабиётида такомиллаша борди. Қофия илми илми сегона таркибидаги мустақил илм сифатида алоҳида рисолаларда тадқиқ этила бошланди. Дастлаб араб адабиётидаги сингари илми бадиъга бағишланган манбалар таркибида бадиият илми изоҳида вазн,

---

социологический трактат Ибн Хадуна «Мукаддима». –М.: Наука. 1965.; Абу Ҳилол ал-Аскарий. Китоб ас-синоътайн. Станбул, 1320.;

[11] Abdulloh ibn Mutazz. Kitab al-bade’ / Крачковский. И.Ю. Избранные сочинения. Т.6. – М. Л. 1956, -С.179-252.

[12] Al-Askariy. Divan al-maoniy.T.1-2. Qohira. 1933. (Ушбу каталогнинг рус тилидаги таржимаси А.Б. Куделинннинг “Средновековая арабская поэтика (вторая половина VIII – XI век.)” асарига илова қилинган. (–М.: Наука, 1983. –С. 231-243)

[13]

[14] Freytag A. Darstellung der Arabischen Verkckunst. –Bonn,1830.

қофия бир бутунликда шарҳланган бўлса, кейинчалик мустақил илм сифатида махсус рисолалар яратилган. Араб тилидаги Имом Наср ибн Ҳасан Марғинонийнинг “Маҳосин ул-калом” асари таъсирида яратилган Умар Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға” (XI), бу икки асарга таяниб яратилган Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” (XI-XII), “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари таъсирида яратилган Шарафиддин Ромийнинг “Ҳадойиқ ал-ҳақойиқ” (XIV), Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёри жамоли” (XIV), Ал-Халавийнинг “Дақойиқ аш-шеър” (XIV) асарларида мураддаф шеър шакллари, зулқавофий, зулқофиятайн, тарсиъ, тажнис, ташриъ, тажзия каби бадиий санъатлар изоҳида радиф, ҳожиб, қофия алоҳида тадқиққа тортилганини кўриш мумкин[15].

Форс тилидаги бадиият илмига оид муҳим ва мукаммал манбалардан бири Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида бадиий санъатларнинг кўплиги, маълум тамойиллар асосида турларга ажратилиши ҳисоби билан бадиият ва қофия (1), вазн, қофия ва бадиият (2) узвийлиги асосидаги бадиий санъатлар таснифига кенг ўрин ажратилган[16].

2. Адабий тур ва жанрлар муносабати мумтоз поэтиканинг муҳим қисмларидан бири сифатида бу икки истилоҳ изоҳига бағишланган рисолаларда қофиянинг назарий асосларига бағишланган илмий қарашлар мавжуд. Қудама ибн Жаъфарнинг “Нақду-ш-шеър” (v.922/948) асарида поэтика масалалари атрофлича ёритилган[17]. “Каломи мавзуни муқаффо” (вазн ва қофияли гап) деб таърифланган шеър араб адабиётшунослари томонидан насрдан вазн ва қофияланишига кўра фарқланиши айтилган. Табиийки, бу хусусият жанрларни ҳосил қилувчи асосий омиллар саналади. Қудама ибн Жаъфар шеър тўрт унсур: товуш қофия ва вазн асосига қурилишини таъкидлаган.

---

[15] Mehmet Umar Roduyanı. Tarcumanı-l-Balağa. Hazırlayan Ahmat Ataş. – İstanbul, 1949.; Муҳаммад ибн Умар ар-родиёний. Таржумону-л-балоға. Бо таснифи муқаддима ва зайли ҳавоши ва тарожими аълом ба хомаи қавим. – Теҳрон, 1339.; Мунтахаби “Тарчуману-л-балоға” (Таҳияи матн, муҷаддима ва тавзеҳоти Худой Шарифов). – Душанбе: Дониш, 1987.; Раши ад-дин Ватват. Хада’ик ас-сехр фи дака’ик аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985. –С.161-172.

[16] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси). –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиё ва санъат нашриёти, 1981. –Б.398.

[17] Qudama ibn Ja’far. Naqdu-sh-she’r. Bayrut, 1332.(arab tilida).; Qudama ibn Ja’far. Naqdu-sh-she’r. Al-ta’b avvali. Qistantaniya. 1303. (arab tilida).

Бу орқали шеър учун қофия муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлаган. Ибн Қутайбанинг “Шеър ва шуаро” (IX-X), Ибн Халдуннинг “Муқаддима” асарларида ҳам қофия назариясига оид қарашлар учрайди[18].

3. Дастлаб илми бадиъ таркибида тадқиққа тортилган мумтоз қофия назарияси поэтикага оид рисолаларда алоҳида қисмлар остида тақдим қилина бошланди. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” (X) асарида қофия назариясига оид илмий-назарий қарашлар анча кенгайиб, алоҳида рисолаларнинг яратилишига замин яратиб берган[19]. Олим асарнинг махсус учинчи бўлимини қофия илми назариясига бағишлаган бўлиб, қофия унсурлари, ҳаракатлари, ҳарфлари, қофия нуқсонларига оид назарий фикрлар луғат шаклида тақдим қилинган.

4. Кейинчалик илми бадиъ ва мумтоз қофия узвийлиги асосидаги назарий фикрларнинг такомили вазн ва қофия илмига кўчган. Араб тилидаги аруз ва қофия илми назарияси акс этган муҳим манбалардан бири Абу Закарийё(Ал-Хатиб) ат –Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аруз вал қавофий (“Аруз ва қофияга оид кифоя”)” (XII) асаридир[20]. Хатиб Табризий “Ал-кафи фи-л аруз ва-л қавофий” асарида аруз доираларини тушунтириш баробарида уларнинг қофия тизими ҳақида ҳам маълумот беради. Олим гарчи қофиянинг назарий асосларини тақдим этмаса-да, аруз доираларини шакллантиришда қофияли байтлар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб берган.

Араб ва форс адабиётида бўлгани сингари туркий адабиётда ҳам, қофия назарияси аруз илмига оид бир қанча рисолаларда акс этган. Хусусан, Юсуф Азизийнинг “Аруз” (XV) рисоласида қофия ва радиф тушунчаларига таъриф берилади. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, “Муҳокамат ул-луғатайн”,

---

[18]Оганесян Д.А. “Книга поэзии и поэтов” Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истории классической поэзии. АКД. –М., 1980. Бациева С.М. Историко-социологический трактат Ибн Хадуна «Мукаддима». –М.: Наука. 1965.

[19] Р.М.Баҳодиров. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. –Т.: Ўзбекистон. 1995. –Б. 144.; Зиёвуддинова М.Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” асарида поэтика. –Т., 2001. –Б. 35.

[20] Абу Закарийа (ал-Хатиб) ат-Табризий. Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи (перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролов) / Классический арабский стих. История и теория аруда. –Москва: Наука, 1991. С.245-343.

“Мажолис ун-нафоис”, З.М.Бобурнинг “Мухтасар” асарларида қофияга оид илмий қарашлар мавжуд[21].

5. Мумтоз поэтиканинг ҳар уч илми (аруз, илми бадиъ, қофия) тадқиқига бағишланган рисолалар яратила бошланди, мумтоз шеър илмига, шеършунослик назариясига алоҳида эътибор берила бошланди. Ана шундай муҳим манбалардан бири Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойири ашъор
ул-ажам” (XIII) асари бўлиб, асарнинг иккинчи қисми қофия илмига бағишланган. Мумтоз қофия назариясига оид илмий-назарий фикрлар беш боб таркибида келтирилган[22].

Бу даврга келиб, мумтоз шеър тизимида вазн, бадиият билан биргаликда қофия ҳам муҳим аҳамият касб этиб, шеърнинг асоси сифатида қарала бошланди. Қофия ҳарфлари, ҳаракатлари, турлари, нуқсонлари алоҳида тадқиққа тортилди.

Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асари ҳам мумтоз қофия назариясига бағишланган муҳим манбалардан биридир[23]. Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисоласи Қайс Розийнинг “Ал-Мўъжам” асари таъсирида 1253 йилда ёзилган бўлиб, асарнинг 2-фан (қисм)и илми қофияга бағишланган. Бу қисм ўз таркибида 10 фаслга бўлинган. Ҳар бир фасл қофия назариясига оид қисмларга бағишланган.

Мумтоз қофия назариясига оид тадқиқотлар, рисолалар кўпайиб, назарий қарашларнинг мукаммаллиги ва амалий жиҳатдан далиллаш бу давр рисолалардаги асосий хусусиятлардан бири саналади. Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асари ана шундай манбалардан бири бўлиб, рисолада келтирилган мумтоз қофиянинг назарий асослари “Қофия”, “Қофия ҳарфлари”, “Қофиянинг ўзак таркибига кўра турлари” сарлавҳалари остида келтирилади[24].

---

[21] Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. 16 том. МАТ. 20 томлик. –Т.: Фан, 2000. –Б. 43-98.; Бобир Заҳириддин. Мухтасар. (нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). –Т.; Фан. 1971. Б.412.

[22] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. - Душанбе: Адиб, 1991. - Саҳ. 161.; Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.(перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова) – Москва, 1997. –С.464.

[23] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.

[24] Вахид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.158.

Кейинчалик мумтоз поэтика илмига оид рисолаларда алоҳида қисм ташкил қилиниб, қофия ва унинг назарий асослари борасида фикрлар тақдим қилина бошланди. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор” асари гарчи илми бадеъ тадқиқига бағишланган рисола бўлса-да, олим рисоланинг Хулоса қисмида мумтоз қофияга оид илмий қарашларни келтирган[25]. Қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия айблари “Ал-Мўъжам” асари билан қиёсан ўрганилиб, байтлар мисолида изоҳланган.

Туркий адабиётда Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (XV) асари араб ва форс тилидаги манбалардаги мумтоз қофияга оид назарий маълумотларни жамлаган, қиёсий таҳлил асосида қофия назарияси, қонуниятларнинг туркий шеъриятдаги ўрни борасида кенг ва изчил маълумотларни тақдим этган муҳим манбадир[26]. Олим шеърнинг асоси сифатида вазн эмас, қофия муҳим аҳамиятга эга эканлигини, туркий шеъриятда қофия қонуниятига риоя қилиш шеър мукаммаллигини таъминловчи асосий унсур эканлигини асослаб берган.

6. Дастлаб мумтоз поэтика илмига бағишланган рисолаларда қофия алоҳида илм сифатида эмас, бадиият ва аруз вазни таркибида, уларнинг қонуниятларини изоҳлаш мақсади билан келтирилган бўлса, бу даврга келиб қофия алоҳида илм сифатида шакллана борди, такомиллашди. Форс адабиётида қофия илми шеършуносликдаги муҳим илм сифатида майдонга келди. Бу даврда яратилган рисолаларнинг деярли барчасида мумтоз қофия, радиф, ҳожиб, қофия турлари, қофия ҳаракат ва ҳарфлари, қофия айблари ҳақидаги илмий-назарий қарашлар байтларга таяниб тақдим қилинди. Мумтоз қофияга оид алоҳида мустақил рисолалар яратила бошланди. Қофия илми алоҳида илм сифатида такомиллашди. Форс тилида мумтоз қофия назарияси тадқиқига бағишланган манбаларнинг дастлабкиси сифатида Абулҳасан

[25] Kamal ad-din Xusayn Va-iz Kashifi. Badai-al-afka- fi san-i al-ash’ar (Novыe mыsli o poeticheskom iskusstve) Izdanie teksta, predislovie, primechaniya i ukazateli R.Musulьmankulova. – M.: Nauka, 1977.; Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 387 s.

[26] Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. - Т.: Хазина, 1996.

Али Сараҳсий Баҳромийнинг “Канз ул-қофия” асарини келтириш мумкин.

Мумтоз поэтика илмининг билимдони Абдураҳмон Жомий аруз ва қофия илми назариясига оид “Рисолаи аруз” ва “Рисолаи қофия” асарларини яратди. Жомийнинг бу икки рисоласи назарий маълумотларнинг кенглиги ва мукаммалиги билан ажралиб туради[27]. Олим ўзигача яратилган рисолалардан фарқли ўлароқ, кўпроқ назарий маълумотларни келтиришга ҳаракат қилади. Жомий Ҳамд (Бошланма – Ҳ.О.), Муқаддима, Хотима қисми билан биргаликда 8 қисм (1. Бисмиллаҳи-р роҳмани-р-роҳим 2. Муқаддима 3. Ҳуруфи қофия (Қофия ҳаракатлари) 4. Ҳаракоти қофия (Қофия ҳаракатлари) 5. Мутародифу мутавотир ва мутадорику мутақориб ва мутаковис 6. Муқайяди мутлақу мужаррад 7. Уйуби қофия 8. Хотима) сарлавҳалари асосида қофия илми билан таништирган.

Форсий манбаларнинг аксариятида қофия илми назарияси араб адабиётидаги рисолалар билан ўзаро қиёсий ўрганилди. Араб адабиётида қофия мумтоз поэтиканинг таркибий қисми сифатида эътиборга олинган бўлса, форс шеъриятида қофия ва унинг қўлланиши шеършуносликда муҳим қонуният сифатида мукаммалликка эришди. Мумтоз қофияга оид назарий асослар тўлиқ ишлаб чиқилди. Қофия нуқсонлари сифатида келтирилган ийто, икво, иқфо, синод кабилар араб шеъриятида у қадар катта камчилик сифатида кўрсатилмаса, форс адабиётида олимлар бундай нуқсонларга жиддий муносабатда бўлдилар. Қофия турлари кенгайди. Мумтоз қофия ҳақида алоҳида рисолалар дунёга келди.

Форс адабиётида мумтоз қофия илми такомилига муносиб ҳисса қўша олган рисолалардан бири Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” асари бўлиб, олим “Бадое ус-саное” асари сўзбошисида илми сегона таркибидаги аруз, бадиият илми ва қофия илмига оид алоҳида мукаммал тадқиқот иши яратишини маълум қилган эди. Олимнинг “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” асари ана шундай мукаммал манбалардан бири сифатида яратилган.

[27] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. Калькутта, 1867.

Мумтоз қофия назарий асослари XIV-XV асрга бориб, мукаммалликка эришди. Бу илмнинг такомилига хизмат қилувчи манбаларнинг аксарияти XIV-XV асрларда яратилган бўлиб, форс тилидаги манбалар етакчиликка эга. Кейинчалик анъанавий услубда илмий рисолалар яратилиши давом этди. Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Мадориж ул-балоға” (1800-1971), Муҳаммад Ҳусайн Қорахонийнинг “Абдаъ ал-бадеъ” ва “Кутуф-ар-рабиъ фи сунуф ал-бадиъ” (1844-1927) асарларида издошлик кўзга ташланади.

XX аср бошларида Абдураҳмон Саъдий[28] ва Абдурауф Фитрат[29] каби олимлар адабиёт назарияси оид қарашларини матбуот орқали эълон қилиш билан бирга, назарий илмлар йиғинди бўлмиш дарсликларда қофиянинг ўзига хос кўринишларини XX аср ўзбек шеърияти мисолида асослаб берган. Абдураҳмон Саъдий Фитратдан фарқли ўлароқ қофияни битим деб атайди. Фитрат қофияга таъриф берар экан, “мисраларнинг охирида товушлар бир хил турли бўлган бўғум(бўғин)”ларга нисбатан қофия сўзини ишлатади. А.Саъдий келтирган таъриф ҳам Фитрат таърифи билан айнан бўлса-да, бироқ бўғин тушунчасини ҳижо тушунчаси билан алмаштиради. Маълумки, ҳижо атамаси аруз илмига оид, бармоқ вазнида бўғин билан алмашган. Баъзи ҳолатда бармоқ вазнидаги бўғин ҳодисаси ҳижо атамаси остидаги ҳодиса билан айнан эмаслиги ҳам маълум.

А.Саъдий битим(қофия)ни тизмаларнинг муҳим шарти сифатида баҳолайди. Қофияга таъриф бериш асносида илми қофияни ўқувчига таништириш мақсади билан 4 мисралик тизмадан намуна келтиради.

Ҳар кимда бир шодлик, ҳар кимда бир руҳ...
Ҳар ким кулуб қарар эмиш дунёға;
Ҳатто чол-боболар айталармиш: Уҳ...
Чиқиб юрсак эди ёзға, ҳавоға![30]

[28] Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. - Т.: 1923. - Б. 123

[29] Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). - Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б. 17.

[30] Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. - Т.: 1923. - Б. 123

А.Саъдий ушбу мисралар муаллифини келтирмайди. Мисрани таҳлил қилар экан, 1-ва 3-мисра (*руҳ, уҳ*) ва 2-ва 4-мисра (*дунёга, ҳавога*) ўзаро қофияланганини таъкидлайди. Фитрат "Адабиёт қоидалари"да қофияга таъриф берар экан, намуна сифатида иккиликдан парча келтиради.

Адам адамдир, саждалар ортиқ,
Адам сўзлари адамға тортиқ.
Бордан тугар куч бунга бор шоҳид,
Ўйларинг тубсиз, самарсиз зоҳид[31].

Ушбу мисралар Боту қаламига мансуб бўлиб, Фитрат мисрадаги қофиядош сўзларни кўрсатар экан, бурунги шеърлар(мумтоз адабиёт)имизда қофиянинг жуда катта ўрни борлигини алоҳида таъкидлайди. Ҳатто вазн, қофияси бўлмаган шеърни шеър сифатида баҳолашмаганлигини эслатиб ўтади. Фитрат жанрни белгилаётганда қофиянинг ўрни борлигини таъкидлаб, маснавий ва ғазал жанри асосида муносабат билдиради.

А.Саъдий ҳам бу икки жанрга алоҳида тўхталади. Маълумки, маснавийда ҳар икки мисра эркин қофияланади. Енгиллиги боис ҳам А.Саъдий айтганидек, масал ва достонлар айнан шу шаклда ёзилади. А.Саъдий бундай асарлар сирасига Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" ва Алишер Навоий достонларини киритади. Фитрат ҳам "Адабиёт қоидалари"да маснавийни изоҳлар экан, Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" асаридан 3 байт ҳолида маснавий келтиради. Ғазалнинг ўзига хос қофияланиши ҳақида муносабат билдирган олим "Ғунчадек кўнглум менинг" деб бошланувчи ғазални намуна сифатида келтиради.

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,
Ғам билан буткан кўнгил гулгашт ила очилмағай....[32]

Келтирилган ғазал тўлиқ ҳолда эмас, 4 байти келтирилган, холос. Ушбу ғазалда *қилмағай, очилмағай, қилмағай* (қофия

[31] Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). - Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б. 17.

[32] Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). - Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б. 17.

қайтарилган: радд ул-қофия санъати), *санчилмағай, айрилмағай* сўзлари қофиядош сўзлар сифатида қўлланган.

А.Саъдий “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари” асарида ғазал жанри ҳақида тўхталади, бироқ намуна келтирмайди. А.Саъдий ғазални муҳаббат ва ҳасрат шеърлари сифатида баҳолайди. Гарчи А.Саъдий радиф сўзини келтирмаса ҳам, радиф тушунчасига таъриф бериб ўтади. “Баъзан мисраларнинг кетида ҳамон илгариги мисраларнинг сўнгдағи сўзларнинг ўзи такрор этила борадир. Лекин бу чоғда асл битимлар шу такрорланған сўзларнинг юқори ёғидағи қўшни сўзларда бўладир”. Фитрат эса “баъзи ғазалларда ҳар мисрадан кейин биргина сўз қайтарилиб” туришини, бу эса радиф дейилишини алоҳида таъкидлаб, Бобур ижодидан намуна келтиради:

Жонима ўт солди ул рухсорайи зебо *яна,*
Кўнглума ул зулф бўлди мояйи савдо *яна.*[33]

Ҳар икки олим ҳам фикрий тадрижийлик асосида кейинги муносабатни тўртликларга қаратадилар. Бироқ фикрий муносабатда айричалик бор. А.Саъдий тўртликларнинг *а-а-а-б* тарздаги қофиясини эътироф этиб, А.Яссавий ҳикматлари ҳамда Элбекнинг “Иккинчиси” тизмаси айни шу шаклда ёзилганини таъкидлайди.

Фитрат эса тўртликнинг қофияланишига кўра бошқа шаклини тушунтиришга ҳаракат қилади. Худди рубоий каби а-а-б-а тарзидаги қофияланиш тартибига эга тўртликларни изоҳлар экан, 1-ва 2- мисралар ва 3- ва 4-мисраларнинг ўзаро қофияланишига асосланган тўртликлар ҳам мавжудлигини маълум қилади. Бундай қофияланиш Фитрат таъкидлаганидек, эл адабиётининг ашула ва достонларида учрайди. Бу каби қофияланиш тартиби қатъий бўлмай, баъзан улар ўзаро алмашган ҳолда ҳам қўлланган.

А.Саъдий ҳам, Фитрат ҳам бугунги шеъриятда(ўз даври шеъриятини назарда тутган) қофиянинг йўқолиб бораётганлигини эътироф этадилар. Фитрат бундай вазиятни адабиётнинг эл адабиёти(халқ оғзаки ижоди адабиёти)га яқинлашиб, унинг йўлидан бораётгани билан изоҳлайди.

[33] Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. - Т.: 1923. - Б. 123.

А.Саъдий қофиясиз шеърни битимлардаги оҳангсизлик сифатида баҳолайди. Гарчи олим бу тушунчани атама сифатида баҳоламаса ҳам, матн ичидаги ички қофияни (сажъ) оҳангдошлик сифатида кўрсатади. “Оҳанг ўлчовли сўзларнинг ўз ораларида қулоққа завқ ва лаззат бераркик бир равишда сайланиб тўпланишлари ва мусиқийлик туғдиришларидан иборат”. Олим “*шошилиш, шошиш, кулишиш, сўзлашиш, чопишиш, шодлиқлиқ, тўғрилиқлиқ*” каби сўзларнинг оҳангдош (қофияси тўлиқ эмас) эмаслигини инобатга олиб, жумланинг оҳангини бузадиган восита сифатида муносабат билдиради. Демак, олим бармоқ вазни урф бўлаётган бир даврда қофия айбларига ҳам қисман муносабат билдириб ўтган.

Агарчи йўқдир “дерлиқ” *талоши,*
Эрур тош бўлса ҳам, чақмоқ *тоши. Алишер Навоий.*

Ёки

Куз қўшуни оғу тўлиқ ўқларни
Муни билгач, улар буни тушундилар.
Алданишға нега кундилар? *Чўлпон.*

Кўриниб турганидек, гарчи *талоши* ва *тоши* сўзлари қофиядош саналса ҳам, қофия унсурлари ўртасида фарқ бор. Олим бу ҳолатни яхши илғаган. А.Саъдий Ғулом Зафарийнинг “Ваннайчажон” асарини таҳлилга тортар экан, шеърдаги *“янгратар*” ва “*интилар*” сўзларининг битимдош (қофиядош) қилиниши оҳангни бузишини айтади. Олим Чўлпоннинг “Бокуга, Шарқ қурултойиға кетганда” шеърида эса тўлиқ оҳангдошлик касб этган битимдош сўзлар келтирилганини оҳангдошликнинг ўзига хос хусусияти сифатида баҳолайди. А.Саъдийнинг фикрича, бу каби оҳангсизлик “тизманинг кўб ғазаллигин йўқотиш”га сабаб бўлади. Олим бундай шеърга намуна сифатида Элбекнинг “Тилак йўлида” тизмасига эътибор қаратади. Шеърни илмий таҳлил қилган олим битимларнинг оҳангсизлигини шеърнинг камчилиги сифатида баҳолайди.

А.Рустамов “Қофия нима?” рисоласида шарқ поэтикасига оид рисолаларга таянган ҳолда биринчилардан бўлиб, қофия ҳақидаги қарашларини умумлаштириб, алоҳида китоб шаклида

тақдим қилган[34]. А.Рустамов қофия байтнинг шакли, мазмуни ва ижодкор услубига боғлиқ эканлигини таъкидлаб, Навоий ижодиёти мисолида фикрларини далиллаган. Олим поэтикага оид рисолалардаги мавжуд анъанани давом эттирган ҳолда қофия, радиф таърифидан сўнг қофия ҳарфларини изоҳлайди. Намуна сифатида келтирилган байтларнинг аксарияти Навоий ижодидан олинган. А.Рустамов қофиянинг иштироки билан боғлиқ тажнис, сажъ, эънот, зулқофиятайн каби бадиий санъатларни қофия билан узвий боғлиқликда тушунтиради.

И.Султон “Адабиёт назарияси” асарида қофияга “...эргашувчи маъносида бўлиб, бир-бирига оҳангдош сўзларнинг бирин-кетин тизилиб келишини ифода этади” дея таъриф беради[35]. Бармоқ вазнидаги шеърий тизим асосида қофиянинг оч, тўқ ва қўш қофия каби турларини келтиради.

Кейинчалик “адабиёт назарияси” мавзуидаги умумий тадқиқотда У.Тўйчиев қофия ҳақидаги қарашларни умумлаштириб тақдим қилган[36]. Олим “қофия элементлари ҳақидаги назарияни ўзбек қофиясига рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувида татбиқ” этади, қофия ҳарф ва ҳаракатларини ўзак ва қўшимчалардаги унсурлар сифатида изоҳлайди.

Муяссар Акбарова “Алишер Навоий ғазалларида қофия” номли тадқиқотида қофия назариясининг амалий татбиғи сифатида қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия турларини Навоий ижоди, байтлари мисолида содда усулда тушунтиради[37].

А.Ҳожиаҳмедовнинг “Мумтоз қофия малоҳати” қўлланмасида қофияга оид назарий фикрлар умумлаштирилган ҳолда, бугунги кун ўқувчисига тушунарли ҳолда етказиб берилади[38].

“Шарқ мумтоз поэтикаси” китобида қофия илми, манбалари, тараққиёт босқичлари борасидаги қарашлар араб, форс ва

---

[34] А.Рустамов Қофия нима? – Тошкент: Фан, 1976 // А.Рустамов. Қофия структурасига оид бир “назария” ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. № 3, 1976.

[35] И.Султон. Адабиёт назарияси. -Т.: Ўқитувчи, 1980. Б.332.

[36] У.Тўйчиев. Қофия ва унинг назарияси оид // Адабиёт назарияси. II том. -Т.: Фан., 1979. -Б.368-385.

[37] М.Акбарова. Алишер Навоий ғазалларида қофия. -Т.: Фан, 1993.

[38] А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз қофия малоҳати. -Т.: Шарқ. 1999.

туркий манбаларга таянилган ҳолда келтирилади[39]. Ҳ.Болтабоев поэтика ва унинг таркибий қисмлари: бадиий сўз, сурат ва маъни бирлиги, адабий тур ва шеър навълари, шеър тузилиши, аруз илми, қофия илми, бадиий санъатлар, тил одоби, бадиий нутқ ва услуб масалаларидаги кичик илмий тадқиқотни махсус сўзбошиларда тақдим қилади.

Кейинги тадқиқотларда қофияга асосланувчи бадиий санъатлар ва қофия навълари янгича йўналиш ва номлар билан тақдим қилина бошланди. Хусусан, В.Раҳмоновнинг “Шеър санъатлари” рисоласида қофия навълари хатқофия, мукаррар қофия, ички қофия, бош қофия, зулқофиятайн, тажнисли зулқофиятайн, радд ул-қофия, мусаллис қофия, мураббаъ қофия, муламмаъ қофия, мусалсал қофия каби турларга бўлинган[40]. Қофиянинг бу каби турларга бўлиниши олимнинг ижодий ёндашуви билан боғлиқ бўлиб, тақдим қилинган қофия турларини ажратишда аниқ мезон белгилаб олинмаган. Аксарият қофия турлари бадиий санъатлар билан боғлиқ ҳолатда тақдим қилинган. Масалан, мурабба қофия байтда тўрттадан саккизта сўзни қофиядош келишига асосланувчи тур сифатида келтирилиб, тарсиъ санъати асосида ёзилган Бобурнинг

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас

байти намуна сифатида келтирилган. Ёки мусаллис қофия тури шоирлар учтадан ортиқ сўзни қофиядош қилишларига асосланувчи тур сифатида келтирилади. Демак, бу қофия тури зулқавофий санъати асосига қурилади. Олим томонидан тақдим қилинган бош қофия алоҳида тур сифатида қофиянинг мисра бошида келишига асосланади. Бундай ҳолатда радифнинг ёйиқ шаклда келиши кузатилади.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак андин ортиқ ўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

[39] Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедиси, 2008. -Б. 425.

[40] В.Раҳмонов. Шеър санъатлари. -Т.: Шарқ, 2020. -Б.92-105.

Ваҳоланки, бу ўринда радифнинг ёйиқлиги ҳисоби билан қофия мисра бошида келтирилган, холос. Бу қофия асосий қофия саналади.

Поэтикага оид рисолаларда бадиий санъат сифатида келтирилган радд ул-қофия санъати В.Раҳмонов томонидан радд ул-қофия тури сифатида берилади. Кўриниб турибдики, олим қофия ва унинг турларини белгилашда ўзига хос ижодий ёндашган.

Д.Юсупова “Аруз ва мумтоз поэтикага кириш” дарслигининг “Илми қофия ҳақида маълумот” қисмида қофия назарияси, қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия турлари борасидаги илмий-назарий қарашларини қофияга оид арабий, форсий ва туркий манбаларга таянган ҳолда тадқим қилади[41].

Қофия мумтоз поэтиканинг муҳим илмларидан бири бўлиб, бу илмнинг шаклланиши борасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-Қофия илми шеършуносликда муҳим илмлардан бири бўлиб, олимлар томонидан тан олинган.

-Қофия илми дастлаб араб адабиётида бадиият илми таркибидаги қофия қонуниятларига асосланувчи бадиий санъатлар негизида пайдо бўлган. Кейинчалик бу анъана форс адабиётида ҳам давом этган *(Ибн Муътазз, ал-Аскарий, Юсуф ас-Саккокий, Қиноий, Даманхурий, Умар Родиёний, Рашидиддин Вотвот, Шарафиддин Рамий, Фахри Исфаҳоний, Атоуллоҳ Ҳусайний)*

-Қофия илмининг назарий асослари тадрижий асосда адабий тур ва жанрлар муносабати асосида илмий рисолаларда акс эта бошлади*(Ибн Қутайба, Ибн Халдун, Қудама ибн-Жаъфар)*

-Дастлаб бадиий санъатлар негизида изоҳланган қофия илми кейинчалик арузга оид рисолаларда ҳам такомил топа бошлади *(Хатиб Табризий, Юсуф Азизий, Алишер Навоий, З.М.Бобур)*.

-XI-XII асрдан бошлаб, мумтоз қофиянинг назарий асосларига бағишланган рисолаларда алоҳида қисмлар остида

[41] Д.Юсупова Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. -Т.: Академнашр, 2020. -Б. 289-297.

қофия илми назарияси тақдим қилинди*(Сараҳсий Баҳромий, Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий, Воҳид Табризий, Воиз Кошифий, Аҳмад Тарозий)*.

-XIV-XV асрларда яратилган, мумтоз қофия назариясига бағишланган форсий рисолалар мумтоз қофия илмининг такомили сифатида кўзга ташланади*(Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Аҳмад Ибн Абдужалил)*.

1.2. Араб тилидаги манбалар таснифи

Маълумки, мумтоз поэтика таркибидаги аруз, бадиият илми ва мумтоз қофия назарияси дастлаб араб адабиётида шаклланди. Сўнг форс адабиётида такомиллашди. И.Ю. Крачковский араб адабиёти поэтикасига таъсир кўрсата олган манбалар устида тадқиқот олиб борар экан, уларнинг таркибий қисми ва тузилиши борасидаги илмий қарашларини биринчилардан бўлиб тақдим қилди[42]. Олим мумтоз поэтика илмига доир араб тилидаги манбаларни даврий жиҳатдан тақсимлаб олади. Олим тадқиқот объекти сифатида IX асрда яратилган манбаларни дастлабки манба сифатида тадқиққа тортади. Араб поэтикаси борасида И.Ю.Крачковскийдан олдин А.Мерен араб адабиётида нутқ маданияти ва поэтикани ўзаро бир бутунликдаги фан сифатида ўрганади[43]. А.Мерен таҳлилга тортган давр манбаларда поэтика илми фалсафа ва балоғат фанлари доирасида шаклланган боис шу йўналишни танлаган. Бу йўналишда араб олимлари орасида Аҳмад Даиф араб шеъирияти ва поэтикаси, манбалари борасида жиддий тадқиқот олиб борди[44]. И.Ю.Крачковский дунё адабиётида поэтика илмида уч катта йўналишни фарқлаб тушунтиради. Дастлабкиси, грек поэтикаси, бу илмнинг манбалари сифатида Аристотель асарларини тақдим қилади. Иккинчи йўналиш сифатида ҳинд поэтикаси ва ундаги шеър метрикалари, вазн, қофия каби шеърий истилоҳлар борасида қарашларини баён қилади. Учинчи йўналишда араб

[42] Крачковский. И.Ю. Арабская поэтика в IX в./ Избранные сочинения. Т.2. –М. Л. 1956, -С.360-372.

[43] A.Mehren. Die Rhetorik der Araber. Kopengagen und Wien, 1853.

[44] Ahmed Deif. Essai sur le lyrisme et la critique litteraire chez les arabes, Paris, 1917// Huart, JA, serie 11, t. XI, 1918, - P.351.

адабиёти ва унинг ўзига хос хусусияти, шарқ адабиёти поэтикаси учун тамал тоши вазифасини бажарганини исботлаб беради.

Араб адабиётидаги поэтика илмига бағишланган рисолалар икки асосий анъана асосида поэтика илмини ёритишга хизмат қилган:

1. XI-XII асрга қадар араб адабиётида адабиёт, шеърият, поэтика грамматик қонуниятлар асосида тушунтирилган. Поэтика сўз ёрдамида грамматика таҳлил асосида аниқланадиган тилшунослик назариясига асосланган нутқ сифатида таҳлил қилинган[45]. XI-XII асрдан кейинги даврда поэтика грамматика таркибидан ажралиб чиққан ҳолда, мустақил илм сифатида ривожланган. Демак, айни давргача яратилган рисолаларнинг аксариятида поэтика илми тилшуносликнинг таркибий қисми, бевосита матн таркиби сифатида ўрганилган.

2. XI-XII асрга қадар мумтоз поэтика манбаларда Қуръон карим тафсири билан боғлиқ ҳолда таҳлилга тортилган, балоғат фанлари доирасида англатилган. Дастлаб Қуръони карим оятларини шарҳлашга қаратилган балоғат илми XI-XII асрдан кейинги даврда мумтоз матнларни таҳлил қилишда асосий мезон қилиб олинган. Кейинчалик бу илм адаб илми сифатида рисолаларда акс эта бошлади. Маҳмуд Замахшарий “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ал-аруз” рисоласида адабий илмлар сифатида 12 турни келтириб ўтади. Бу илмлар таркибида аруз, қофия ва бадиият илми алоҳида йўналиш сифатида тақдим қилинади[46].

Бу манбалар мумтоз поэтика, аруз, бадиият илми, илми қофия назарияси акс этган рисолалар учун асос вазифасини бажарди. **Ибн ал-Муътаззнинг “Китоб ул-бадиъ” асари** араб поэтикасидаги дастлаб ва муҳим манбалардан бири бўлиб, Н.Ю.Чалисова “Китоб ул-бадиъ”нинг араб поэтикаси, шакл ва мазмун мутаносиблиги, сўз ўйини, бадиият такомилиги хизмат

[45] Крачковский. И.Ю. Избранные сочинения. Т.6. –М. Л. 1960, -С.29.

[46] Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. –Байрут. Мактабат ул-амориф. С.15-16.

қилганлигига урғу беради[47]. М.Халафаллоҳ, А.Трабулси, В.Хайрикс, А.Б.Куделин каби филологлар VIII-XI аср араб адабиётидаги филологик илмлар, мумтоз поэтика асослари, илми бадиъ тавсифи ва назариясига оид манбалар тадқиқи асосида поэтиканинг шаклланиш босқичини белгилаб беришда Ибн Муътазз асарига мурожаат қиладилар[48]. А.Б.Куделиннинг VIII-XI аср араб дунёси ва поэтикасига оид манбаларнинг илмий тадқиқи акс этган монографиясида илми бадиъ қонуниятлари назарий жиҳатдан ўрганилади[49]. Олим араб поэтикасининг назарий асосларини тақдим қилишда Ибн Муътаззнинг "Китоб ул-бадиъ" китобига суянади.

Ибн Муътазз "Китоб ул-бадиъ" асарида бешта асосий ва ўн иккита уларнинг тармоғи саналган бадиий санъатларни изоҳлайди. Олим илк асосий санъат сифатида истиора санъатини келтиради. Рисоладаги иккинчи санъат тажнис санъати бўлиб, олим тажнис санъатининг жинос ва мужаннаса шакллари хусусида тўхталади. Тажнис санъатининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда оҳангдошлик, товушлар такрори ва қофия, сўзларнинг оҳанг жиҳатидан боғланишига эътибор қаратилади. Шу орқали қофия илк маротаба илми бадиъ таркибида эътиборга олина бошланади. Учинчи асосий қисм сифатида мутобақа санъати назарияси тақдим этилади. А.Мехрен бу санъатни антитеза эканлигини таъкидлайди[50]. Бироқ И.Ю.Крачковский бу санъат Ибн Муътазз назариясига кўра тўлиқ ҳолда сўзларнинг маъно жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилигидан ташкил топмаслигини таъкидлайди[51]. Тўртинчи қисм сифатида радд ал-ажуз илал садр санъати тавсифи келтирилади. И.Ю.Крачковский кейинчалик бу санъат араб поэтикасида

[47] Чалисова Н.Ю. Рашид ад-дин Ватват и его трактат "Сады болшебства в тонкостях поэзии" // Рашид ад-дин Ватват. Хада'ик ас-сеҳр фи дақа'ик аш-ши'р. Перевод с персидского, факсимиле и комментарий Н.Ю.Чалисовой. –М.: Наука, 1985. –Б. 15

[48] Khalafallah M. Badi'. El.Bd 4. Leuden, 1957.; Trabulsi A. La critique des Arabes. Damas, 1966.; Heinrichs W. Literary theory: the problem of its efficiency. – Arabic poetry: Theory and Development. Wiesbaden, 1977.

[49] Куделин А.Б. Средневеовая арабская поэтика. –М., 1983.

[50] A.Mehren. Die Rhetorik der Araber. Kopengagen und Wien, 1853. P.97.

[51] Крачковский. И.Ю. Арабская поэтика в IX в./ Избранные сочинения. Т.2. –М. Л. 1956, -С.365.

тасдир санъати сифатида ишлатилганини эътироф этади[52]. Ибн Муътазз радд ал-ажуз илал садр санъати орқали сўзларнинг матн боши ва охирида қайтарилиши, оҳангдошликни юзага келтириши асосида матндаги товушлар уйғунлиги вазн ва ўлчов билан ўлчанишини кўрсатиб берган. Ал-мазҳаб ал-каломий санъати “Китоб ул-бадиъ”да сўнгги объект сифатида келтирилади. И.Ю.Крачковский бу атама поэтикага оид эмаслиги ва кўпроқ фалсафий мушоҳадага асосланиши таъкидлайди.

Араб мумтоз поэтикаси назарияси акс этган муҳим манбалардан бири **Қудама ибн Жаъфарнинг “Нақд уш-шеър” асари** бўлиб, бу асарни араб поэтика илмидаги шеър назариясига оид дастлабки асар сифатида баҳолаш мумкин. Қудама ибн Жаъфар ўзининг рисоласида шеърнинг йигирма шаклини жамлаган ҳолда уларни тўрт тамойил асосида тақсимлайди: лафз, маъно, вазн ва қофия. Шеърининг асоси сифатида кўрсатилган бу тўрт тамойил араб филологлар томонидан қабул қилинган тамойиллар бўлиб, шеър бутунлигини таъминловчи асосий талаб саналади.

Қудама ибн Жаъфарга қадар шеърият таҳлилида беш жиҳатдан эътиборда бўлган: вазн, қофия, сўз таркиби, сюжет ва танқид. Араб олимларининг аксарияти танқид шеърият учун муҳим эканлигини таъкидлайдилар[53]. Қудама ибн Жаъфар эса шеърни мазмун бутунлиги ва қофиявий нутқ асосига қурилган тур сифатида баҳолаб, товуш, сюжет, вазн ва қофия шеър таркибини ташкил қилишини таъкидлайди. Саналган тўрт унсур орасида товуш қофия билан узвий боғлиқ бўлиб, товушларнинг бирикуви қофияни юзага келтиради. Қофия эса шеърдаги сюжет билан боғлиқ бўлади. Қудама ибн Жаъфар шу асосда шеъриятда 8 унсур борлигини таъкидлайди. Улардан тўрттаси асосий ва тўрттаси бир нечта унсурларнинг қўшилувидан ҳосил бўлади. Олим тўрт унсурдан учтаси: товуш, қофия, вазн шакл учун хизмат қилишини кўрсатиб, сюжетга эътибор қаратади.

---

[52] Ўша манба. –Б.365.

[53] Крачковский. И.Ю. Арабская поэтика в IX в./ Избранные сочинения. Т.2. –М. Л. 1956, -С.370.

“Нақд уш-шеър”нинг иккинчи қисмида унсурларнинг ўзаро бириккан ҳолатидаги назарияси ёритилса, учинчи қисмда товуш, вазн, сюжет, қофия бирикувидан ҳосил бўлган шеърий тизимдаги камчиликлар хусусида маълумотлар келтирилади[54].

Араб тилидаги манбалар ичида **Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” асари** мумтоз поэтика илми, аруз ва қофия назарияси ҳақида маълумотлар берувчи муҳим асарлардан биридир[55]. Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” асари қўлёзмалари Буюк Британия музейи, Берлин кутубхонаси ва Истанбул шаҳри кутубхоналарида сақланади. Асарнинг дастлабки тадқиқотчиси голландиялик шарқшунос Ван Флотен бўлиб, 1985 йилда “Мафотиҳ ул-улум” асарини нашр қилдирган. Асар луғат шаклидаги қомусий асар бўлиб, фан соҳаларининг деярли барчасини қамраб олади[56]. “Мафотиҳ ул-улум” асари муаллиф ўзи айтганидек, икки қисмдан иборат бўлиб, “...бу асарни икки қисмдан иборат қилиб туздим. Биринчи қисм шариат ва у билан боғлиқ араб илмларига, иккинчи қисм эса араб бўлмаган, яъни грек ва бошқа халқлар илмларига бағишланади”.[57] Асардаги турли фанга оид қисмлар олимлар томонидан жиддий тадқиққа тортилган бўлиб, мумтоз поэтика, аруз ва шеър тузилиши, қофияга оид назариялар олима М.Зиёвуддинова томонидан ўрганилган. Хоразмий биринчи қисм «араб» илмлари қисмининг ўн бир бобини фиқҳ, етти бобини калом, ўн икки бобини грамматика (сарф ва наҳв), саккиз бобини иш юритиш, беш бобини эса шеър ва аруз, қофия ва тўққиз бобини тарих фанига оид атамалар изоҳига бағишлаган. Олим асарда қофияланишнинг бир қанча турларини фарқлаб кўрсатади. Фақат бир байт доирасида икки мисра қофияланиши, бир неча байт доирасида мисраларнинг охирлари қофияланиши, бир байт доирасида нафақат икки мисранинг охири қофияланиши, балки қофияланаётган сўзлар

[54] Қудама ибн Жаъфар. Нақд уш-шиър. Стамбул, 1302, изд. Аҳмад аш-Шидйақа.-Б.6.

[55] Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” асарида поэтика. –Т., 2001. – Б.35.

[56] Баҳодиров. Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. –Т.: Ўзбекистон. 1995. - Б. 6.

[57] Liber Mafatih Al-Olum. Auctore Abu Abdallah Muhammed ibn Ahmed Yusuf al-Katib al-Khowarwzmi. Ed., indices G.V.Vloten. Lugduni Batavorum. 1895. - P.4

гоҳида қофияланмайдиган сўзлар билан такрорланиб келишини таъкидлайди[58]. Асарнинг учинчи бўлими мумтоз қофия назариясига бағишланган бўлиб, бу қисм бошланғичида қофия, равий, хуруж, ридф, таъсис, расс, ишбоъ, ҳазф, тавжид, мажро, нифоз, мутаковис, мутақориб, мутадорик, мутародиф каби қофия ҳарфлари, ҳаракатлари, қофия турлари номларининг изоҳи келтирилади. Олим қофияга "шеърдаги мисранинг охирги сўзи" деб таъриф беради. Шеърнинг қофия тизимини аниқлашда тасриъ, тарсиъ ва тасмит каби ҳодисалар ёрдам беришини айтади ва бирма-бир уларнинг изоҳини келтиради. Хоразмий ички қофияга алоҳида эътибор қаратади. Шарқ шеъриятида шоир қофияга амал қилишда фақатгина мисра охиридаги қофиядошликка эмас, балки мисра ўртасидаги ички қофияга ҳам амал қилганликларини таъкидлайди. Ички қофияга асосланадиган тасриъ, тарсиъ, тасмит ҳақида маълумот келтиради. Тасриъ биринчи мисрадаги охирги сўз билан қофияланганда содир бўладиган ички қофиядир[59]. В.Фрейтаг ҳам тасриъга худди шундай таъриф берган эди[60]. Шеъриятда тасриъ биринчи мисраларнинг қофияланиши бўлиб, одатда бир байт доирасида кузатилади. Хоразмий қасиданинг биринчи мисрасигина ўзаро қофиядош бўлиши, қолган қисмларининг айни шаклда келиши мажмурий эмаслигини таъкидлайди. Ғазал ва қасиданинг биринчи байти - матлаъ ўзаро қофиядош бўлиши мажбурий бўлиб, бу ҳолат давомий бўлиши шарт эмас. Агар ғазал бошдан оёқ қофияланган байтлардан ташкил топса, бундай ғазал мумтоз поэтика илмида ғазали зебқофия саналади. "Мафотиҳ ул-улум"да тарсиъ нотўлиқ қофия сифатида келтирилади. Тарсиъ алоҳида байтнинг қофияланган қисмлардан тузилишидир[61]. Хоразмий байт мисраларидаги сўзларнинг ўзаро қофияланишини тарсиъ сифатида баҳолайди. Бу қофия мисралар охирида бўлмай, одатда мисралар боши ва ўртасидаги сўзлар асосига қурилади. Тарсиъ назарияси дастлаб Қудама ибн

[58] Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "Мафотиҳ ул-улум" асарида поэтика. –Т., 2001. – Б.35.

[59] Ўша манба.

[60] Жирмунский В.М. Рифма, ее история и теория. –Петроград, 1923. –С.117.

[61] Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "Мафотиҳ ул-улум" асарида поэтика. –Т., 2001. – Б.36.

Жаъфар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг амалий натижаси Хоразмий томонидан амалга оширилган. Хоразмий “Мафотиҳ ул-улум” асари тарсиъни изоҳлаб, Абу Али ал-Басир ва Қуръони каримдан мисол келтиради. Асарда ички қофия (тасриъ), нотўлиқ қофия (тарсиъ) ва тўлиқ такрорланувчи ички қофия (тасмит) ҳақида маълумотлар келтирилади. Тарсиъ, тасриъ ҳодисаси фақат баъзи байтлардагина учраса, тасмит ундан фарқли ўлароқ шеърнинг барча байтлари ички қофияга асосланади[62]. Хоразмий ички қофиялардаги ўзига хосликни изоҳлар экан, қасида жанри мисолида тушунтиради. Қасидаи мусамматада барча байт мисралардаги ички қофия тасмитни юзага келтиришини таъкидлайди[63]. Хоразмий билан замондош Абу Наср Жавҳарий ҳам ас-самт (тасмит)ни шеърда чорак байтнинг қофияланиши сифатида баҳолайди[64]. Бу ички қофиялик барча байт мисраларида бир хил қофия тизимига эга эмас. Бир пайтдаги ички қофияга асосланувчи қофиялар кейинги байтдаги ички қофияни юзага келтирган сўзлар билан ўзаро қофиядош эмас. Маълумки, ғазали мусажжаъ, умуман мусажжаъ шеър шакли айнан шеърнинг бошдан охир ички қофияга асосланишини талаб қилади. И.Ю.Крачковский ҳам айнан мусажжаъ шеър шакли қадиман мавжудлиги, бундай ички қофия тасмит деб номланиши хусусида тўхталади[65].

“Мафотиҳ ул-улум” асарининг 3-боби қофия назариясига бағишланган бўлса, 4-бобда тўлиқ ҳолда қофия айблари изоҳи келтирилади. Хоразмий қофия айблари сифатида ийто, икво, икфо, синод кабиларининг назарий асосларини тақдим этади.

Абу Ҳилол ал-Аскарийнинг “Китоб ал-синотайн” асари бадиият илми ҳақидаги асар бўлиб, ал-Аскарий мавжуд манбалардаги аанъанага риоя қилган ҳолда исломий тушунчалар ва Қуръони каримдаги оятлар мисолида бадиият

---

[62] Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” асарида поэтика. –Т., 2001. – Б.37.

[63] Мусаммат шаклларининг бирида ёзилган қасида.

[64] Абу Наср Жавҳарий “Тожул-луғат ва саҳоҳу-л-арабийа” (“Луғат тожи ва арабчанинг ҳақиқийси”) асарида шеър шакллари хусусида фикр юритади.

[65] Крачковский. И.Ю. Арабская поэтика в IX в./ Избранные сочинения. Т.2. –М. Л. 1956, -С.370.

илмини изоҳлайди[66]. Ал-Аскарий асарида бу бадиийликнинг аруз ва қофия илми билан мутаносибликда тушунтиради.

Мумтоз поэтика назарияси акс этган муҳима манбалардан бири **Ибн Рашиқнинг "Ал-Умда фи маҳосин аш-шиър ва адабиҳ ва нақдиҳ" асари** бўлиб, асарда адабий танқид илми бадиъ, аруз ва қофия билан узвийликда тушунтирилади[67]. Бу асар бадиий илми ҳақидаги назариянинг такомиллашаётганини кўрсатувчи манбалардан биридир. Ибн Рашиқнинг "Ал-Умда" асарида бадиият илми поэтик шакллар замирида ўрганилади. Н.Ю.Чалисова "Ал-Умда" асарида 60 дан ортиқ шакллар хусусида фикр юритилади[68].

Араб арузшуноси **Хатиб Табризийнинг "Ал-кафи фи-л аруз вал қавофий ("Аруз ва қофияга оид кифоя")" асари** мумтоз поэтика таркибий қисмлари: аруз ва қофия тизимини ўзаро бир бутунликдаги тадқиқига бағишланган муҳим манбалардан биридир. Хатиб Табризий янгича ёндашув асосида Халил ибн Аҳмад ва Абулҳасан Ахфаш Балхий фикрларини, назарияларини қиёсий тадқиқ этган ҳолда аруз вазни замирида қофия тизимини ҳам таҳлилга тортади[69]. Бу икки илмни бир бутунликда тақдим этади. Хатиб Табризийнинг "Ал-кафи фи-л аруз вал қавофий" асари рус олими Д.В.Фролов томонидан рус тилига таржима қилинган[70]. Асарнинг кейинги нашри Ал-Ҳасаний Ҳасан Абдуллоҳ томонидан амалга оширилган[71].

Хатиб Табризийнинг "Ал-кафи фи-л аруз вал қавофий" асари Аллоҳга ҳамд, пайғамбаримиз(с.а.в.)га наът келтириш билан бошланади. Гарчи кириш қисми сифатида сарлавҳа қўйилмаган бўлса-да, асарнинг бошланғич қисмида аруз, зиҳоф,

---

[66] Абу Ҳилол Аскарий. Китоб ас-синатайн. Қоир. 1971.

[67] Ибн Рашиқ. Ал-Умда. –Т. 1-2. Байрут, 1972.

[68] Чалисова Н.Ю. Рашид ад-дин Ватват и его трактат "Сады болшебства в тонкостях поэзии" // Рашид ад-дин Ватват. Хада'ик ас-сеҳр фи дақа'ик аш-ши'р. Перевод с персидского, факсимиле и комментарий Н.Ю.Чалисовой. –М.: Наука, 1985. –Б. 17.

[69] Аллахвердиев. Г. Труд Хатиба Табризи "Китаб ал кафи фи-л- аруз ва-л-қавофи". Баку. 1992.

[70] Абу Закарииййа (ал-Хатиб) ат-Табризий. Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи (перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруда. –Москва: Наука, 1991. С.245-343.

[71] Хатиб Табризий. Китоб-у-л-Ал-кафи фил аруз-у-л вал қавофий. Таҳқиқи Ал-Ҳасаний Ҳасан Абдуллоҳ. – Теҳрон., 1994.

қофия, рукн, зарб, вазн тушунчаларини умумий ҳолатда изоҳлайди. Хатиб Табризий аруз доиралари асосида доиралар таркибидаги баҳрлар ва уларнинг вазнлари, рукнларини бирма-бир тушунтиради. Асарда *“Биринчи доира: тавил, мадид, басит”, “Иккинчи доира: вофир ва комил”, “Учинчи доира: ҳазаж, ражаз, рамал”, “Тўртинчи доира: сари’, мунсариҳ, хафиф, музори’, муқтазаб, мужтасс”, “Бешинчи доира: фақат мутақориб асосида”* сарлавҳаси остида илмий-назарий маълумотлар келтирилиб, арабий байт ва мисралар асосида тушунтирилади. Асар сўнгида 45 сўз изоҳидан иборат луғат қисм келтирилган бўлиб, унда аруз ва қофияга оид тушунчалар бирма-бир изоҳланади.

Хатиб Табризий аруз вазнини изоҳлашда шеъриятнинг бир қисми сифатидаги вазифани алоҳида таъкидлаб ўтади. “Шеърият – маълум тизимга, вазнга, қофияга бўйсундирилган нутқдир. (Аш-шиър қавл мавзу:н муқаффо: ядуллу ала: маънан)”[72]. Замахшарий ҳам шеърдаги айни хусусиятларни тилга олади[73]. Хусусан, шеърият учун лафз, маъно, вазн, қофия асосий тамойил эканлигини таъкидлайди. Ибн Рашиқ ҳам бу тамойилларга алоҳида эътибор берган ҳолда шеъриятга таъриф берган[74].

Олим шеър таркибий қисмларидан бири - байтнинг маъносини беришда байтдаги рукнларга алоҳида эътибор қаратади. Байт икки мисрадан иборат бўлиб, мусарраъ деб номланиб, зарб ва аруздан иборат бўлади. Бунда мисралар ўзаро қофияланган бўлиши шарт эмас. Аксинча, мисралардаги охирги рукнлар, яъни зарб ва арузнинг ўзаро бир хил қофияга эга бўлиши ҳам байт деб номланиб, бундай байт мукаффоъ байт сифатида келтирилади.

Садр / аруз.

Ибтидо / ажуз (зарб)

---

[72] Ўша манба. –Б. 245.

[73] Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. Байрут: Мактабат ул-амориф, 1989. С. 14.

[74] Ибн Рашиқ. Ал-Умда фи маҳосин аш-шиър ва-адабиҳ ва-нақдиҳ. 4-е изд. Т. 1-2, Байрут. 1972.

Муқаффо байт зарб қисмининг охирги рукни ***мафоийлун(V - - -)*** (ҳазаж) рукни билан тугаса, аруз қисми ҳам айнан ***мафоийлун*** рукни билан тугаши шарт. Ёки зарб ***фаувлун (V - -)*** (мутақориб) рукни билан якунласа, ўз-ўзидан аруз қисми ҳам ***фаувлун*** рукни билан якунланади. Шу орқали Хатиб Табризий байтдаги қофиядош сўзлар рукнлараро ҳам айнан бўлиши кераклигини таъкидлайди.

اجارة بيتينا آبوک غيور
фа / ув/ лун
V - -
وميسور ما يرجى لديک عسير
фа / ув/ лун.
V - -

Мумтоз қофия назариясида қофия ҳарфларидаги хатоликлар (*уюби қофия*): *ийто*, *икфо*, *синод*, *иқво* алоҳида изоҳланади. Хатиб Табризий гарчи қофиядаги камчиликларни номма-ном келтирмаса-да, байтдаги зарб ва аруз рукнларининг қофия жиҳатидан ўзаро мос тушмаслигини айтиб ўтади.

قفا نبک من ذکری حبيب و منزل
بسقط اللوی بين الدخول فحومل[75]

Таҳлилга тортилган байтлар ўзаро қофияланган байтлар бўлиб, олим мисралардаги зарб ва аруз рукнлари ўзаро қофияланмаслиги ҳам мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Агар шеър қасида жанрига оид бўлса, мисралар ўзаро қофияланмаслиги(мусмат) мумкинлигини Зуур Руммийнинг басит баҳрида ёзилган байти билан исботлайди.

Олим аруз доираларининг биринчиси сифатида **тавил, мадид** ва **басит** баҳрларидан таркиб топган доира хусусида фикр юритади. Манбадаги маълумотлар ўзига хос тизим асосида шакллантирилган бўлиб, дастлаб **тавил** баҳри вазни хусусида маълумот берилади. Тавил энг узун шеърий мисра

[75] Хатиб Табризий. Китоб-у-л-Ал-кафи фил аруз-у-л вал қавофий. Таҳқиқи Ал-Ҳасаний Ҳасан Абдуллоҳ. – Теҳрон., 1994. -С. 31. // Абу Закарииййа (ал-Хатиб) ат-Табризий. Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи (перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруда. –Москва: Наука, 1991. С.247.

сифатида таърифланиб, **фаувлун (V - -)** ва **мафоийлун (V - - -)** рукнларининг такрори натижасида ҳосил бўлиши айтилади. Олим намуналар бераётганда дастлаб қофиясиз мисраларни, сўнг ўзаро қофиядош рукнлар асосига қурилган байтларни келтиради.

الا انعم صباها ایها الطلل البالی

Фаувлун / мафоийлун / фаувлун / мафоилун

V - - / V - - - / V - - / V - V -

وهل ینعمن من کان فی العصر الخالی

Фаулун / мафоийлун / фаувлун / мафоилун

V - - / V - - - / V - - / V - V -

Зарб ва арузнинг айнан рукний қофияланишига намуна сифатида Муаллақий Зуҳайронинг қуйидаги байти келтирилади:

امن ام اوفی دمنة *لم تکلم*

фаувлун / мафоийлун / фаувлун / мафоилун

V - - / V - - - / V - - / V - V –

بحومانة الدراج فالمتثلم

фаувлун / мафоийлун / фаувлун / мафоилун

V - - / V - - - / V - - / V - V -

Хатиб Табризий жуда кўп ўринларда Халил ибн Аҳмад ва Ахфаш Балхий фикрларини қиёсий таҳлилга тортади. Олим бу доирага кирувчи **мадид** баҳрини алоҳида сарлавҳа остида келтириб, чизмаси ва рукнларини бирма-бир изоҳлайди. Айни тизим: ўзаро қофиядош ва қофиясиз рукнлардан таркиб топган байтлардан намуналар келтиради. Биламизки, мадид баҳри мусаддас рукнли вазнларга эга бўлиб, **фоилотун (- V - -)** ва **фоилун (- V -)** рукнларининг такроридан ҳосил қилинади.

Қофиясиз байт:

یا لبکر انشرو لی کبکلیین

фоилотун / фоилун / фоилотун

- V - - / - V - / - V - -

یالبکر این ای نلفرارو

фоилотун / фоилун / фоилотун

- V - - / - V - / - V - -

Рукнлари қофияга эга байт:


یالبکر این ای نلفرارو

фоилотун / фоилун / фоилотун

- V - - / - V - / - V - -
لیس لی بعد کلیب قرارو
фоилотун / фоилун / фоилотун
- V - - / - V- / - V - -

Олим баҳр вазнларини алоҳида тушунтиради. Рукн таркибидаги зиҳофлардаги ўзгаришларни бирма-бир изоҳлаб**,** ***мақсур, маҳзуф, мақтуъ*** каби вазний турларни ҳам қофияли ва қофиясиз байтлардан иборат намуналар асосида тушунтиради.

Халил ибн Аҳмад томонидан “Доираи мухталифа” деб номланган ушбу доира таркибида **басит** баҳри ҳам ўрин эгаллаган. Басит баҳри мусамман ва мусаддас рукнли вазн бўлиб, **мустафъилун (- - V -)** ва **фоилун (- V -)** рукнларининг такроридан ҳосил қилинади. Олим басит баҳри вазнлари доирасида **махбун, мақтуъ, музол** шаклли вазнларга батафсил тўхталиб, уларнинг бундай номланиш сабабини изоҳлайди. Олим “Доираи мухталифа”ни тушунтирар экан, айнан Халил ибн Аҳмад келтирган чизмани тақдим этади.



Асардаги барча доиралар шу шаклда қофияли ва қофиясиз байтлар мисолида тушунтирилади. Хатиб Табризий Халил ибн Аҳмад келтирган 5 доирани асос қилиб олган ҳолда аруз ва қофия илмига оид қарашларини баён қилади. Хатиб Табризий “Ал-кафи фи-л аруз ва-л қавофий (Аруз ва қофия ҳақида кифоя)” асарида аруз доираларини тушунтириш баробарида

уларнинг қофия тизими ҳақида ҳам маълумот беради. Олим 5 аруз доирасини изоҳлар экан, Халил ибн Аҳмад кашф этган доиралар билан чекланади. Уларни ўзгаришсиз келтиради. Аруз атамалари изоҳига бағишланган луғат орқали атаманинг атама (вазифаси) ва истилоҳий маъноларини таққослайди.

Абду-л-Қаҳир Журжоний (471 ҳ./1078 й. в.эт.).нинг бир қанча рисолаларида мумтоз поэтика масалалари акс этган бўлиб, **“Китоби асрору-л-балоға”** (“Балоғат сирлари китоби”) асарида поэтиканинг таркибий қисми сифатида бадиият илми муаммолари, бадиий санъатларнинг қофия билан муносабати кенг ва изчил баён қилинган[76]. Журжоний ўзидан олдинги фикрларни такомиллаштирган ва уларни маълум тизим асосида таснифлаган. “Асрору-л-балоға” асарида лафз ва маъно, тажнис, унинг қисмлари ва турлари, истиора, ташбиҳ ва тамсил, истиора ва тамсил орасидаги фарқ, ташбиҳ ва истиора орасидаги фарқ, мажоз турларига оид фикрлар шакл ва мазмун мутаносиблиги асосида тушунтирилган. Гарчи асарда балоғат ва поэтика илми тугал ҳолатда шакллантирлмаган бўлса-да, аксарият форс олимлари рисолаларида “Китоби асрору-л-балоға” асарига мурожаат қиладилар.

Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” асарида “Асрор ул-балоға”дан фарқли ўлароқ балоғат илми тугал шаклга келтирилган. “Мен ўз китобимга тилшунослик фанининг, луғатшуносликдан ташқари, зарур бўлган соҳаларини киритдим. Улар қуйидагилар: араб тили сарфи-наҳви ҳамда маъоний ва баён илмларидир. Маоний ва баён ҳақидаги илмларни эгаллаш учун назм ва насрни таҳлил эта билиш кераклигини тушундим, айни вақтда, шоир аруз ва қофия илмларини билишга муҳтож эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Шу сабабдан мазкур масалаларни мукаммал ёритишга жазм этдим[77]”. Баён ва маоний илми араб адабиётида XII-XIII асрларда балоғат фанлари сифатида поэтикага оид деярли барча рисолаларда акс

[76] Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. –М.: Наука. 1983. –С.150.

[77] Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг «Мифтоҳ ал-улум» асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. –Т.: ТошДШИ, 2005. – Б. 178-179

этган[78]. Юсуф Саккокий балоғат илмининг асосчиларидан бир саналади[79]. “Мифтоҳ ул-улум” асарида балоғат фанлари доирасида илми бадиъ, илми баён ва илми маонийга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бошқа манбалардан шу хусусияти билан фарқ қилади. Бу асар Саккокийга бўлган даврларда яратилган рисолаларнинг умумий хулосаси, жамланмаси сифатида муҳим аҳамиятга эга[80]. Саккокий асарнинг “маоний ва баён илмлари ҳақидаги” қисмида балоғатнинг асосини ташкил қилувчи илмларни қайта тартиблайди, уларни “илму-л-маоний”, “илму-л-баён” деб номлайди. Биринчи фасл маоний илми бешта бобга ажратилган ва улар التمنى في االول الباب (“Биринчи боб истак ҳақида”), الإستفهام في الثاني الباب”) Иккинчи боб сўроқ ҳақида»), االمر في الثالث الباب”) Учинчи боб буйруқ ҳақида”), الباب الخامس في الباب الرابع في النهي “) Тўртинчи боб инкор ҳақида (“النداء”) Бешинчи боб ундалма ҳақида”) деб аталган. Иккинчи фаслда эса баён илми таркиби: ташбиҳ, мажоз, истиора, киноя масалалари ҳақида маълумот келтирган. Асарнинг кейинги қисмларида бадиий воситалари, маъновий санъат турлари: муқобала, тибоқ, марўату-н-назир, мушокала, музоважа, тафриқ, лафф ва нашр, жамъ, тақсим, ал-жамъ маъа-т-тафриқ, ал-жамъ маъа-т-тақсим, ийҳом, тавжиҳ, илтифот; лафзий санъатлардан: тажнис, иштиқоқ, радду-л-ъажз ъала-с-садр, қалб, сажъ, тарсиъ турлари ҳақида баҳс юритади. XIII асрда араб ва форс тилида бир вақтнинг ўзида икки йирик рисола яратилган. Бир Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” асари бўлса, форс адабиёти Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-Мўъжам” рисоласидир. Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” асари поэтика илмига оид мустақил ва тўлиқ илмий рисола саналади. “Мифтоҳ ул-улум” асари араб поэтикаси илмидаги ўзигача яратилган рисолаларнинг йиғиндиси сифатида эътиборга молик[81]. Асарда

[78] Н.Ю.Чалисова. Персидкая пэзия на весах поэтики./ Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.(перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова) – Москва, 1997. –С.26.

[79] Салима Рустамий. Балоғат илми. Ўқув қўлланма. – т: Зилол булоқ. 2021. -Б.25.

[80] Н.Ю.Чалисова. Персидкая поэзия на весах поэтики./ Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.(перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова) – Москва, 1997. –С.26.

[81] Крачковский. И.Ю. Избранные сочинения. Т.6. –М. Л. 1960. -С.174.

поэтика илми беш қисм асосида тушунтирилади. Қофия, аруз ва илми бадиъга оид уч бўлим ва илми баён ва маоний илми алоҳида сарлавҳа остида келтирилади.

Араб тилидаги манбаларда поэтика масалаларини тадқиқ қилиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-XI-XII асрга қадар араб адабиётида адабиёт, шеърият, поэтика грамматик қонуниятлар асосида тушунтирилган. Поэтика сўз ёрдамида, грамматика таҳлил асосида аниқланадиган тилшунослик назариясига асосланган нутқ сифатида келтирилган.

-Поэтика XI-XII асрдан кейинги даврда грамматика таркибидан ажралиб чиққан ҳолда, мустақил илм сифатида ривожланган.

-Поэтика илми иккинчи йўналиш сифатида манбаларда Қуръон карим тафсири билан боғлиқ ҳолда таҳлилга тортилган, балоғат фанлари доирасида англатилган. XI-XII асрдан кейинги даврда мумтоз матнларни таҳлил қилишда асосий мезон қилиб олинди. Кейинчалик бу илм адаб илми сифатида рисолаларда акс эта бошлаган.

-Илми адаб таркибида аруз, қофия ва бадиият илми алоҳида йўналиш сифатида тақдим қилина бошланган.

-VIII-XI аср араб адабиётидаги филологик илмлар, мумтоз поэтика асослари, илми бадиъ тавсифи ва назариясига оид манбалар тадқиқи асосида поэтиканинг шаклланиш босқичини белгилаб беришда Ибн Муътаззнинг “Китоб ул-бадеъ” асари таянч манба саналади.

-Шеър бутунлигини таъминлаб берувчи тўрт тамойил: лафз, маъно, вазн ва қофия дастлаб Қудама ибн Жаъфар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Қудама ибн Жаъфар ўзига қадар шеърият таҳлилида эътиборда бўлган: вазн, қофия, сўз таркиби, сюжет ва танқид тамойилига ўзгартириш киритган. Кейинчалик Қудама Ибн Жаъфар тақдим этган тамойил поэтикага оид рисолалар таркиби учун асос вазифасини бажарди.

1.3. Форс тилидаги манбаларда қофия илми тадқиқи

Мумтоз поэтика илмининг назарий асослари форс тилидаги манбаларда илмий жиҳатдан такомиллаша борди. Дастлаб араб

адабиёти таъсирида яратилган манбаларда илми адаб араб адабиётидан фарқли ўлароқ мустақил фан сифатида тадқиққа тортилди. Қофия дастлаб бадиият фани доирасида ўрганилган бўлса, XII асрдан бошлаб унинг тадқиқи ва назариясига оид бир қанча рисолалар яратилди. Бу рисолалар қофия илми назарияси такомилига хизмат қилди.

Форс тилидаги мумтоз поэтика илмига оид дастлабки манба сифатида **Муҳаммад ибн Умар Родиёнийнинг "Таржимон ул-балоға" асари**ни келтириш мумкин. Асар олима Н.Ю.Чалисова томонидан рус тилига таржима қилинган бўлиб, олима бу асарни "Ҳадойиқ ус-сеҳр" билан қиёсий ўрганган. Тожик олими Х.Шарифов эса биринчилардан бўлиб, "Таржимон ул-балоға" асаридан парчалар эълон қилган[82].

"Таржимон ул-балоға" араб тилида ёзилган Имом Наср ибн Ҳасан Марғинонийнинг "Маҳосин ул-калом" асари таъсирида яратилган. Муаллифнинг ўзи асар сўзбошисида буни алоҳида таъкидлаб ўтган. "Ва оммаи бобҳои ин китобро дар тартиби фусули "Маҳосин-ул-калом", ки Хоҷа Имом Наср ибн ал-Ҳасан… ниҳодааст, тахриҷ кардам ва аз тафсири вай мисол гирифтам ва лақабашро "Тарҷумон-ул-балога" ихтиёр кардам"[83]. Аҳмад Оташ бу икки манбани қиёсий ўрганган[84]. Гарчи Умар Родиёний Ҳасан Марғинонийдан таъсирланган бўлса-да, бадиий санъатлар тадқиқини такомиллаштирган. "Маҳосин ул-калом"да бадиий санъатларнинг 33 тури ҳақида маълумот келтирилса, "Таржимон ул-балоға"да 73 та бадиий санъатлар тасниф қилинади. "Маҳосин ул-калом"да бадиий санъатлар намунаси сифатида фақат Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан парчалар келтирилса, "Таржимон ул-балоға"да Қуръони карим ва Ҳадиси шариф билан бирга араб ва форс шоирлари ижодига ҳам мурожаат қилинади.

Форс шеършунослигида мумтоз поэтика илми ва бадиият илми такомилида "Таржимон ул-балоға" асари муҳим

[82] Мунтахаби "Тарҷумон-ул-балоға" ва "Ҳадоиқ-ус-сеҳр".-Душанбе: Дониш, 1987. - 145с.
[83] Родуёний, Муҳаммад ибни Умар. «Таржумон-ул-балоға». Ба тасхеҳ ва эҳтимоми Аҳмади Оташ / Теҳрон, ҳ. 1362.- 324 с.
[84] Ўша манба. – Б.4-10.

манбалардан биридир[85]. “Таржимон ул-балоға” асарида 60 га яқин шоирлар шеърларидан намуналар келтирилади.

“Таржимон ул-балоға”да мумтоз қофияга оид махсус қисм бўлмаса-да, бадиий санъатлар изоҳида қофияга оид мулоҳазалар билдирилган. Тарсиъ санъати изоҳига бағишланган фаслда қофияга “аввалги ва охирги ҳарфларнинг бири-бирига мос тушиши” сифатида таъриф беради. Муламмаъ санъати изоҳига бағишланган фаслда муламмаъ санъатини “шундай санъат турики, унга кўра шоир ўз қасидасида бир хил вазн ва бир хил қофияда бир байт форсийдан ва бир байт арабийдан айтур” деб таърифлаб ўтади.

Қофия илми такомилига ўз таъсирини кўрсатган муҳим манбалардан бири **Абулҳасан Али Сараҳсийнинг “Канз ул-қофия” асари** бўлиб, шеършуносликдаги муҳим рисолалардан биридир. Ҳар кимнинг “ шеър табъи мустаҳкам, сўзлари эса равон бўлса, шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади. Устод Абулҳасан ас-Сарахсий ал-Баҳромийнинг “Ғоятал-арузайн” асарини ҳамда “Канз ул-қофия”, “Нақди маоний”, “Нақди алфоз”, “Сариқот”, “Тарожим” китобларини мутолаа қилади”[86].

Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър” асари мумтоз поэтика илми тарихида муҳим аҳамиятга эга манбалардан биридир. Араб ва форс тилини мукаммал билган Рашидиддин Ватвот қалами ўткир шоир сифатида филологик илмларга қизиққан. Рисоланинг илмий-танқидий матнини илмга тақдим қилган (1929) Эрон олими Аббос Иқбол Аштиёний “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарига “форсий насрнинг дурдона асарларидан бири ва ҳозирги кунгача форсийда ёзилган шеърият назариясига оид энг муҳим асарлардан бири” сифатида юқори баҳо берган эди[87]. “Ҳадойиқ

[85] Сатторов, А. Қадами муборак / А. Сатторов// Маориф ва маданият.–1975.–18 феврал.; . Мунтахаби “Тарҷумон-ул-балоға” ва “Ҳадоиқ-ус-сеҳр”.-Душанбе: Дониш, 1987. - 145с.; Кадканӣ, М.Ш. Дар бораи «Тарҷумон-ул-балоға» / М.Ш. Кадканӣ// Сухани ишқ.–№2.-1379.- 132 с.; Пӯлодова Ш.С. “Тарҷумон-ул-балоға” – сарчашмаи муҳимми шеършуносӣ / Номаи донишгоҳ. № 3, 2015. -114 с.

[86] Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар. –Т., 1986. –Б. 31.

[87] Рашид ад-дин Ватват. Хада’иқ ас-сеҳр фи дақа’иқ аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985.

ус-сеҳр” асарининг рус тилидаги нашрини амалга оширган Н.Ю.Чалисова ҳам нашр сўзбошисида Рашидиддин Ватвотнинг 21 асари ҳақида маълумот келтириб, уларнинг аксарияти маъно илми, баён илми ва бадиият илмига бағишланганини, “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарлари улар орасидаги муҳим асарлардан бири эканлигини эътироф этади. Йирик олим У.С.Нафисий Рашидиддин Ватвот асарлари орасида “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари бошқа асарларига нисбатан ҳажман катта ва машҳур асар эканлигини алоҳида таъкидлайди. Чиндан, “Ҳадойиқ ус-сеҳр” рисоласи мумтоз поэтика илмига бағишланган машҳур асарларидан биридир, буни асардан келтирилган иқтибослар, рисола ҳақида ёзилган бир қанча шарҳлар орқали билиш қийин эмас. Хусусан, “Ҳадойиқ ус-сеҳр” таъсирида XIV асрда яшаган Муҳаммад Ромий Табризий “Шарҳ-и Ҳадойиқ ус-сеҳр” (“Ҳақойиқ ал-ҳадойиқ”) асарини, айни даврда яшаб, ижод этган шоир Некий Ҳасан “Баҳр ус-санойи” номли шеърий рисоласини яратган[88]. Мумтоз поэтика илмига бағишланган форс тилидаги ҳар қандай рисоланинг яратилишида Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари таъсири яққол сезилиб туради. Гарчи турли даврлар назариётчилари бу рисоладан тўғридан тўғри иқтибослар келтирмасалар-да, назарий маълумотлар ва байтлардан намуналар олганлар. “Ҳадойиқ ус-сеҳр” турли тилларда бир неча маротаба нашр қилинган. Хусусан, Эрон ва Ҳиндистонда 6 нашри мавжуд. “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарининг қачон ёзилгани борасидаги маълумотлар манбаларда қайд этилмаса-да, муаллиф яшаган давр асосида олимлар томонидан XII аср ўрталарида яратилган деган қараш тан олинган. Олимларнинг аксарияти асар қўлёзма нусхаларининг муқаддима қисмидаги маълумотларга таянишган. Яқин даврларга қадар Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари поэтика илмига бағишланган форс тилидаги илк асар сифатида қаралар эди. Бироқ турк олими Аҳмад Аташ 1948-йилда ўзининг мақоласида Муҳаммад Умар Родиёнийнинг “Таржимону балоға” асари “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асаридан олдин ёзилганини маълум қилди. Рашидиддин Ватвот рисолани ёзишда Наср ибн

[88] Шарафиддин Ромий Табризий . Ҳақойиқ ал-ҳадойиқ. Саййид Муҳаммад Козим Имом - Теҳрон. 1962.

Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом” асаридан ижодий фойдаланган. Рисоладаги бадиий санъатлар таснифи ва намуналар бу таъсирни яққол акс эттирган. Олим араб ва форс олимларининг мумтоз поэтика назариясига бағишланган асарлари билан таниш бўлган, уларни ўрганган. Шу асосда рисолада йирик араб назариётчиларидан 6 тасини алоҳида эътироф этган. Хусусан, Халил ибн Аҳмад, Жоҳиз, Али Исо ар- Руммоний, Ибн Жинни, Жираб ад-Даула, Кади Қуда каби араб филологларнинг асарлари, уларнинг араб поэтикасига қўшган ҳиссалари борасида батафсил маълумот келтирилади.

Рашидиддин Ватвот “Ҳадойиқ ус-сеҳр” таркибидаги маълумотларни ўзига хос тизимда тартиблаган. Асарнинг асосий қисми 55 боб таркибига бирлаштирилган. Олим ҳар бир бобни алоҳида санъат тадқиқига бағишлаган. Рашиддин Ватвот асосий 55 санъатдан ташқари илова қисмида 8 бадиий санъат (*мусарраъ, хасий, таржиъ, акс, тадвир, мукаррар, мутанафир, муталайим*) изоҳини ҳам келтиради. Олим бадиий санъат табиатини ўрганар экан, уларни тақсимлашда ўзига хос усулдан фойдаланади: уларнинг табиати ва хусусиятидан келиб чиқиб икки турга ажратади. 1. Наср ва назмга боғлиқ бадиий санъатлар 2. Фақат назмга тегишли бадиий санъатлар. Табиийки, бу санъат турларининг сони бир хил эмас. Назмга тегишли санъат турлари наср ва назмга асосланадиган санъат турларига нисбатан кўп. Хусусан, рисоладаги 37 санъат тури назмга, 26 та санъат тури ҳар икки адабий турга асосланган. Олим *ташбеҳ, истиора, тарсиъ, тажнис, иштиқоқ, иғроқ, мақлуб, мутаддад, радд ул-ажуз* ва бошқа санъат турларини наср ва назмда бирдек ишлатиладиган санъат тури сифатида эътироф этади. Шу ўринда олим сажъ ҳақида тўхталиб, сажъ асосан насрга тегишли санъат тури эканлиги, унинг учинчи тури – *сажъи мутаваззин*гина шеъриятга тегишли бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Олим бадиий санъатлар изоҳини қисқа шаклда келтириб, асосий эътиборни байтларга қаратади. Санъат моҳиятини англатиш мақсадида аввал Қуръони карим оятлари, Ҳадиси шариф, сўнгра араб, форс ижодкорлари байтларига мурожаат қилади.

“Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари таркибидаги бадиий санъатларни бир неча жиҳатига кўра тадқиқ этиш мумкин. Таснифлаш асосида мумтоз қофия илми билан ўзаро боғлиқ санъат турлари анчагина эканлигини кўриш мумкин.

1. *3 илмнинг (илми аруз, илми қофия, илми бадеъ) ўзаро узвий боғлиги асосидаги бадиий санъатлар.* Бундай санъат турида аруз, қофия ва бадиий санъатлар ўзаро бир бутунликда шаклланади. Масалан, *тарсиъ, сажъ, муталаввин, эънот, зулқофиятайн, мусарраъ* каби бадиий санъатлар 3 илмнинг бутунлиги асосида юзага келган.

2. *Мумтоз қофияга асосланган бадиий санъатлар*. Қофия ва бадиий санъат уйғунлигидаги *сажъ, зулфиятайн, мусарраъ, мураддаф* каби бадиий санъатлар бу икки илм асосида шаклланган.

Мумтоз қофия назариясига бағишланган муҳим манбалардан бири Шамсиддин Қайси Розийнинг **“Ал-мўъжам фи маъойири ашъор ул-ажам” асаридир.** “Ал-мўжам”га қадар яратилган рисолаларда мумтоз қофия тадқиқи учун махсус қисм ажратилмаган. Улар бу илм бадиият илми таркибида изоҳланган. Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асарининг 2 қисми махсус мумтоз қофия тадқиқига бағишланган.

Ал-мўъжам” асари дастлаб 1909 йилда йирик олимлар Эдвард Браун, Мирза Муҳаммад Қазвинийларнинг саъй-ҳаракатлари билан Лейденда нашр қилинган бўлиб, бу нашр поэтикага оид тадқиқотлар учун замин яратди. Асар матнининг нашр этилиши шеър тузилиши ва қофия соҳасидаги кўплаб олимларнинг, тадқиқотчиларнинг эътиборини тортди, асар тадқиқига оид бир қанча илмий шарҳлар, таҳлиллар юзага кела бошлади.

Эрон адабиёти шеър тизими, аруз ва қофияга оид бир қанча рисолаларда Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асарига мурожаат қилинди, асарда келтирилган илмий-назарий қарашлар асосида таҳлиллар амалга оширилди. М.Шарифов “Шамсиддин Қайс Розийнинг адабий-танқидий қарашлари” номли диссертациясида Аббос Иқболнинг “Таърифи муфассали Эрон”, Саид Нафисийнинг “Тарихи назм ва наср дар Эрон ва дар забони форсий”, Забиҳуллар Сафонинг “Тарихи адабиёти

дар Эрон” асарларида Қайс Розийнинг илмий-назарий қарашларидан унумли фойдаланилганлиги келтириб ўтади[89].

Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асари шарқ шеърияти, жанрлар такомили, шеър тузилиши, аруз ва қофия назариясига оид бир қанча илмий тадқиқотлар учун назарий асос - асосий манба вазифасини бажарди. К.Тойсеркани “Баҳс дар баройи китаб “Ҳадойиқ ус-сиҳр фи дақойиқ аш-шеър” асарида “Ҳадойиқ ус-сиҳр” ва “Ал-мўжам” асарларини қиёсий аспектда ўрганади[90]. П.Н.Ханлари “Таҳқиқи интиқоди дар арузи форсий”, “Вазни шеъри форсий” асарларида “Ал-мўжам” асарига кўп мурожаат қилади[91].

Зарринкуб Абдул Ҳусайннинг “Нақди адабий” асари Шамсиддин Қайс Розий ва унинг илмий-назарий қарашлари тадқиқига бағишланган муҳим асар бўлиб, асарда олимнинг адабий-эстетик қарашлари акс этган бир қанча тадқиқотлари билан бирга, мумтоз шеър шаклига оид адабий-танқидий қарашлари, уларга асос бўлган арабий, форсий манбалар таҳлилга тортилган[92]. Абдул Ҳусайн Зарринкубнинг “Шеьри бедуруг, шеъри бениқоб”, “На шарқи, на ғарби инсоний”, “Ёддоштхо ва андешахо” каби бир қанча асарларида ҳам Қайс Розий қарашларига мурожаат қилинган.

Яна бир эронлик олим Маҳмуд Каенуш “Қудамо ва нақди адабий” асарида танқид ва бадиий ижод, жанрлар масаласига тўхталганда, “Ал-мўжам” асарини бир неча бор тилга олади, баҳсга киришган ҳолда асар матнидан парчалар келтиради.

А.А.Азернинг “Персидское стихосложение и рифма”, Б.И.Сируснинг “Рифма в таджикской поэзии”, В.В.Котетишвилининг “Структура персидской классической рифмы” асарлари, И.В.Стеблованинг “Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязичная поэзия”, В.М.Жирмунский “Рифма, ее история и теория”, И.Ю.Крачковскийнинг “Арабская поэтика в IX в.” мақолалари, А.Сатторовнинг “Аристотель и таджикско-

[89] Шарифов М. Шамс-и Кайс-и Рази и его литературно-критические взгляды. Автореф. ғанд.дисс. Душанбе. 1984.

[90] Тойсеркани К. Баҳс дар баройи китоб Ҳадойиқ ус-сиҳр фи дақойиқ уш-шеър. Теҳрон. ҳ.1336.

[91] Ханлари П.Н. Вазни шеъри форсий. Теҳрон. ҳ.1354.

[92] Зарринкуб. А. Нақди адабий. Теҳрон. ҳ.1338.

персидская литературная мысль (IX-XVвв.)” номли докторлик диссертацияси, М.Л.Рейснернинг ғазал, қасида, маснавий жанрларга оид мақола ва тадқиқотларида “Ал-мўъжам” асари асосий манба бўлиб хизмат қилган[93].

Араб ва форс тилидаги мумтоз поэтиканинг назарий асослари, поэтик шакллар, жанр тадрижи, мумтоз шеър, вазн ва қофия ўлчовларига оид тадқиқот, диссертацияларнинг аксариятида Қайс Розийнинг назарий қарашлари асос қилиб олинган. Худой Шариповнинг “X-XI асрларда тожик адабий-эстетик тафаккурининг шаклланиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясида шеършунослик ва унинг яралиш тарихи, тавсифи борасида фикр юритиш чоғида “Ал-мўжам” асарига мурожаат қилади[94]. Олимнинг “Шеърият ҳақидаги энг қадимги рисола” ва “Шоир ва шеърият” каби бир қанча мақолаларида Шамсиддин Қайс Розийнинг илмий-назарий қарашларининг тадқиқот объекти сифатида танлаб олади, уларни Умар Родиёний ва Рашидиддин Ватвотнинг рисолаларидаги муносабатлар билан таққосан ўрганади.

Эронлик олим А.Сатторов Эрон ва тожик халқининг қадимги давр адабиётидан то X асрга қадар даври адабиётига оид адабий-эстетик қарашлари акс этган “Форс-тожик адабий-эстетик тафаккури тарихидан” асарида Қайс Розий учун махсус боб тартиб беради[95]. Бу бобда Шамсиддин Қайс Розийнинг форс мумтоз поэтикаси илмига қўшган ҳиссаси борасида чуқур тўхталади. Олимнинг “Маҳорат даражаси” ва “Тўлиқ ва

---

[93] А. Азер. Рифма персидского стиха / Проблемы восточного стихосложения. - М., 1973. - С.110.; Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии. - Сталинобод, 1953. –Б.211.; Котетишвили В. В. Структура персидской классической рифми. АДД. - Тбилиси, 1975.-С.284.; Стеблова И.В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязичная поэзия./ Тюркологический сборник. М., 1996.- С. 246-254.; Жирмунский В. М. Рифма, ее история и теория /Теория стиха. - Л., 1975.; Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX в. / Избранные произведения. Т.2.- М., - Л., 1956. – С. 360- 372.; Сатторов А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль (X-XI в.в.) Автореф. док. дисс. Душанбе. 1984.; Рейснер М.Л. Газель в системе категорий классической иранской поэтики. –Вестник Московского университета. Востоковедение. –М., 1986, № 3. –С. 32-41.

[94] Шарифов. Х. Формирование таджикской литературно-теоретической мысли в X-XI в.в. Автореф. Канд.дисс. Душанбе. 1970.

[95] Сатторов А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль (X-XI в.в.) Автореф. док. дисс. Душанбе. 1984.

мукаммал китоб” номли мақолаларида ҳам адабий тур ва жанр тадқиқ этилиб, Қайс Розий фикрлари асос қилиб олинган.

Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асари шарқшунос олима Н.Ю.Чалисова томонидан чуқур ўрганилган. Даставвал олима Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сиҳр” асари тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясида бу икки асарни қиёслаб ўрганади. “Ал-мўъжам” асари тили хусусида “Язык описания поэзии в трактате Шамс-и Кайса Рази “Свод правил персидского стихотворства” сарлавҳаси остида мақола эълон қилади[96]. Кейинчалик олим “Ал-мўъжам” асарининг рус тилидаги таржимасини эълон қилади[97]. Н.Ю.Чалисова томонидан амалга оширилган ушбу нашрда муаллиф томонидан берилган шеърий ва бадиий парчаларнинг асл ва рус тилидаги таржималари билан бирга келтиради. Ушбу нашрнинг илмдаги қиммати шундаки, Н.Ю.Чалисова китобнинг сўзбоши қисмида асар борасида жиддий тадқиқот олиб бориб, илмий хулосаларни тақдим этади. Асарнинг ёзилиш тарихидан тортиб, таркиби, ўзига хос тузилиш услуби, поэтикага оид бошқа асарлардан фарқли жиҳатлари батафсил ёритилади. Нашр сўнгида олима томонидан “Изоҳ” қисм қўшилган. Бу қисмда асардаги изоҳталаб ўринлар таҳлилга тортилган, парчалар муаллифлари ва уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган.

Шарқшунос олим Р.Мусулмонқулов ўзининг деярли барча тадқиқотларини шарқ мумтоз поэтикасига оид рисолаларни ўрганишга бағишлади. Олимнинг номзодлик диссертацияси форс шеъриятида сажъ санъатининг тарихига бағишланган бўлса, докторлик диссертациясида Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асари тадқиқ этади. Шу орқали араб-форс тилида яратилган поэтика илмига бағишланган рисолаларни чуқур ўрганади. Ўз илмий хулосаларини “Персидско-таджикская классическая поэтика. X-XV в.в” тадқиқотида тақдим этади[98].

---

[96] Чалисова Н.Ю. Язик описания поэзии в тарактате Шамс-и Кайса Рази “Свод правил персидского стихотворства”. –Восток. 1993, № 1 , -с. 73-83.

[97] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.(перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова) – Москва, 1997. –С.464.

[98] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 95-116.

Асарда шарқ мумтоз поэтика илми назариясига бағишланган арабий, форсий, туркий рисолалар таҳлилга тортилган, қиёсий ўрганилган. Бу рисолалар орасида Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асари илмий-назарий жиҳатдан мукаммал асар сифатида баҳоланган.

“Ал-мўъжам”да илми бадиъ билан бирга бошқа илмлар: аруз ва қофия илми жиддий тадқиқ этилган. Асарнинг биринчи қисми аруз, иккинчи қисми эса махсус қофия ҳамда бадиият илмига бағишланган, бадиият масалалари 2-қисмнинг 6-бўлимида келтирилган.

“Ал-мўъжам” асари Муқаддима, 2 асосий қисм ва Хотимадан иборат. Асарнинг биринчи қисми аруз илмига бағишланган бўлиб, 4 боб асосида аруз илми назарияси тушунтирилади. Олим аруз илми назариясига оид маълумотларни келтиришдан олдин наср ва назм тушунчаларини изоҳлашга ҳаракат қилади ва шу тартибда шеъриятнинг асосий ўзаги бўлмиш аруз илми назариясига кириб боради. Тўрт бобнинг дастлабки боби аруз истилоҳининг изоҳига бағишланган бўлиб, олим истилоҳларни шарҳлашда маълум тартибга риоя қилади. Дастлаб бу истилоҳларнинг асл луғавий маъносини келтириб, сўнг атама сифатидаги маъноларини тушунтиради. Иккинчи бобда рукн, жузв ва вазнлар байтлар мисолида изоҳланади. Биринчи қисмнинг учинчи бобида эса зиҳофлар, тармоқ рукнлар таҳлилга тортилади. Тўртинчи бобда аруз доиралари, қадим ва ҳадис баҳрларга оид назарий маълумотлар байтлар ва уларнинг тақтиълари асосида таҳлил қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қайс Розий ўзигача бўлган даврларда яратилган араб ва форс тилидаги аруз илмига оид деярли барча рисолалар билан таниш бўлган, уларга мурожаат қилган, баҳсга киришган. “Ал-мўъжам”нинг иккинчи қисми эса қофия ҳамда бадиият илмига бағишланган. (*Аввалги боб: Шеър ва қофия маънолари зикри ҳамда унинг ҳақиқиати ва имкониятлари хусусида; иккинчи боб: қофия ҳарфлари зикри ва уларнинг асоси ҳақида; учинчи боб: қофия ҳарфларининг ҳаракатлари ва уларнинг номланиши ҳақида; тўртинчи боб: қофия ҳудуди ва синфлари хусусида; бешинчи боб: манзум каломда баъзан учровчи қофия айблари зикри ва номаъқул*

сифатлар ҳақида)[99] Қайс Розий биринчи қисмдаги анъанани давом эттирган ҳолда дастлабки бобда *шеърият ва қофия, радиф* истилоҳлари, қофиянинг шеъриятдаги аҳамияти, қўлланиш ўринлари борасида маълумот беради. “Билгилки, шеър асли луғатда “билим дир ва тўғри сўз идроки маъносини берур ва истилоҳий жиҳатдан маъносини мураттаби (тартибли) маънавийи мавзун (вазнли) мутакаррир (такрорланувчи) ва мутасовий (ўзаро баробар) ва охирги ҳарфлари бир-бирига монанд келувчи сухандир[100]. Қайс Розий шеър учун тартиб (шакл), вазн, моҳият ва қофияни асосий талаб сифатида қўйилишини кўрсатади. Араб ва форс адабиётидаги шеърнинг дастлабки намуналари, адабий тур ва жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқади. Иккинчи боб *“Қофия ҳарфлари ва уларнинг номланиши”* деб аталади. Бу бобда қофиянинг асосий унсурларидан бири равий тушунчаси ва равий бўла оладиган ҳарфлар алоҳида сарлавҳа асосида ажратилиб, намуналар асосида тушунтирилади. Айни боб ўз ичида бўлакларга ажратилиб, аввало, қофиядаги асосий тиргак товуш - равий ва равий бўла оладиган ҳарфлар келтирилиб, кейинги қисмда қофия ҳарфлари: ридф, таъсис, қайд, дахил, мазид, нойира, васл, хуруж таҳлил қилинади, байтлар, мисралар асосида изоҳланади. Учинчи боб *қофия ҳаракатлари*га бағишланган бўлиб, расс, ишбо, ҳазв, таужих, мажро, нафоз – қофия ҳаракатларининг назарий асослари тақдим этилади. Тўртинчи бобда *қофиянинг мутаковис, мутароқиб, мутадорик, мутавотир, мутарадиф* каби қофия қисмлари ҳамда қўшимча таркибига кўра *муқайяд ва мутлақ* турлари келтирилади. Иккинчи қисмнинг бешинчи боби қофияда учровчи баъзи камчиликлар, яъни *қофия айблари* (уюби қофия)га бағишланган бўлиб, бобда икво, иқфо, синод, ийто, муноқаза, тазмин, таҳлиъ кабиларга мисоллар келтирилиб тушунтирилади. Олтинчи боб наср ва назмда учровчи бадиий санъатларга бағишланган. Бу бобда тафвиф, тарсиъ, мувозина, тажнис, ташбиҳ, ийҳом, иғроқ,

[99] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. - Душанбе: Адиб, 1991. - Саҳ. 161.; Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.(перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова) – Москва, 1997. –С.464.

[100] Ўша манба. –Б. 76.

истиора, тамсил, ирдаф, тафсир, тақсим, тафриъ, талмиҳ, иъжоз, илтифот, иънот, тансиқ ус-сифат, тасмит, таржиъ, ҳусни матлаъ, лутфи тахаллус каби бадиий санъатлар; луғз, муаммо, байт ул-қасида, нақл каби бир қанча адабий жанрларнинг санъат ва жанр сифатидаги аҳамияти келтирилади. Асарнинг “Хотима”сида махсус изоҳ қисми келтирилиб, шеърларнинг насрий баёни ва изоҳи берилган. Айни қисмда Қайс Розийнинг йирик олим сифатидаги изланишлари яққол кўзга ташланади. Чунки олим бу қисмда назарий илмларни амалиётга татбиқ қилган ҳолда байт ва мисраларни таҳлил ва тадқиқ қилади.

Мумтоз қофия тадқиқига бағишланган рисолалар орасида **Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асари** қофия ва аруз вазнининг назарий асосларига бағишланган муҳим манбадир[101]. Носириддин Тусий истеъдодли шоир бўлиб, ғазал, қасида, рубоий жанрида самарали ижод қилган. Шу билан бирга шеър илмининг назарий жиҳатларини мукаммал билган. Унинг фалсафий, ахлоқий, шеър илмига оид қарашлари “Ахлоқи Носирий”, “Ахлоқи мўхташамий”, “Авсоф ул-ашроф”, “Асос ал-иқтибос”, “Равзат ул-таслим”, “Қасоид ул-ақоид”, “Тажрид ул-ақоид”, “Таҳрири Уқлидус”, “Усули ҳандаса”, “Шакл ул-қитъа”, “Тазкираи Носирия” каби асарларида акс этган. Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисоласи Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асари таъсирида 1253 йилда ёзилган.

“Меъёр ул-ашъор” Оллоҳга ҳамд ва Муҳаммад (с.а.в.)га наът билан бошланади. Носириддин Тусий Оллоҳдан мадад сўраб, Муҳаммад (с.а.в) руҳи покларига саловот айтади. Сўнг дўстининг илтимосига кўра форс тилида илми аруз ва илми қофияга оид асар ёзаётгани, уни “Меъёр ул-ашъор” деб номлагани, асар Муқаддима ва икки фан (қисм)дан иборат эканлигини таъкидлайди. Носириддин Тусий асарнинг Муқаддима қисмини 3 фаслга бўлади, унда шеър ва шоирликнинг моҳияти, илми бадеъ, шеърнинг тузилиши, қофиянинг шеърдаги ўрни борасида маълумот беради. Носириддин Тусий “Меъёр ул-ашъор” асари ўзигача мумтоз поэтикага оид асарлардан фарқли ўлароқ назарий фикрлар ва

[101] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.

уларнинг амалий жиҳатини кўрсатиб берувчи байтларнинг ҳажман кўплиги жиҳатидан эътиборга молик. “Меъёр ул-ашёр” асарида илми арузга алоҳида эътибор қаратилган, асарнинг ҳажман йирик қисми аруз илмининг тадқиқига бағишланган. Муаллиф илми арузга бағишланган қисмни 10 фаслга бўлиб, назарий масалаларни тадрижий тақсимлаб чиққан. Биринчи фаслда шеърдаги мутаҳаррик ва сокин ҳижоларни изоҳлайди, уларни ҳуруф (ҳарфлар) ва ҳаракатлар асосида тушунтиради. Иккинчи фаслда эса мутаҳаррик ва сокин ҳарфларнинг ишоралари ва тақтиълари билан таништирилади. 3-4-фаслларда эса аруз вазнининг асосий тушунчалари сабаб, ватад, фосила ҳодисалари байтлар мисолида изоҳланади. Носириддин Тусий 5-фаслни аруз доираларига бағишлаб, “Доираи мухталифа”, “Доираи муъталифа”, “Доираи мужталиба”, “Доираи муштабаҳа”, “Доираи муттафиқа” каби 5 доирани байтлар мисолида изоҳлаб беради. “Доираи муштабаҳа” доирасига асос бўлувчи сареъ, қариб, мунсариҳ, хафиф, музориъ, муқтазаб, мужтасс баҳрларига мос келувчи мисрани ҳар бир вазнга мослаб беради:

Сареъ: Бода ба ман деҳ, ту, буто, ҳам як бор.
Қариб: Ба ман деҳ ту, буто, ҳам як бор бода.
Мунсариҳ: Деҳ ту, буто, ҳам як бор бода ба ман.
Хафиф: Ту, буто, ҳам як бор бода ба ман деҳ.
Музореъ: Буто, ҳам як бор бода ба ман деҳ ту
Муқтазаб: Ҳам як бор бода ба ман деҳ ту, буто.
Мужтасс: Як бор бода ман ман деҳ ту, буто, ҳам.

Асарнинг 6-фасли рукн ва рукнларда ҳосил бўлувчи зиҳофларга бағишланган. Носириддин Тусий “Меъёр ул-ашъор”нинг 7-фаслидан бошлаб амалда бўлган баҳрларнинг таснифини келтиради. Ҳар бир баҳр алоҳида сарлавҳа остида тушунтирилади. Асарнинг 8-қисмида рукнга тааллуқли бўлмаган тушунчалар изоҳланса, 9-фасл - луғат қисм шаклида. Унда арузга оид тушунчаларнинг истилоҳий маънолари келтирилган. Қисмнинг охирги 10-фаслида арузнинг фойда ва манфаатлари ҳақида фикр юритилган. “Меъёр ул-ашъор”нинг 2-фан (қисм)и илми қофияга бағишланган бўлиб, бу қисм ҳам ўз таркибида 10 фаслга бўлинган. Қисмнинг биринчи фаслида қофия тушунчаси

ва унинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Тусий қофиянинг шеърдаги аҳамияти хусусида тўхталар экан, Халил ибн Аҳмаднинг қофиянинг араб шеъриятидаги ўрни борасидаги фикрларини келтириш орқали мумтоз шеър илмида қофиянинг ўрни катта эканлигини кўрсатиб беради. 2-фасл ҳаракат ва ҳарфларнинг қофиядаги ўрни ҳақида бўлиб, Носириддин Тусий аввал араб адабиёти мисолида тушунтиради. Унга кўра араб шеършунослигида қофия ҳуруфи - 6 та: равий, равийдан олдин келувчи 3 ҳарф: таъсис, дахил, ридф; равийдан кейин келувчи 2 ҳарф: васл ва хуруж. Асарда қофия ҳаракатларининг 6 кўриниши: расс, ишбоъ, ҳазв, тавжиҳ, мажро нафозларни келтирилади. Қофия ҳаракатлари ҳақидаги фикрлар жуда қисқа бўлиб, уларнинг қайси ҳуруфнинг ҳаракати эканлиги тушунтирилган, холос. Носириддин Тусий бу ҳаракатларнинг номланиши китобхон ёдида сақланиб қолиши учун уларнинг бошланғич ҳарфларини бирлаштириб “роҳати ман” сўзини тавсия қилади. Кейинги фаслда эса қофия ҳуруфи ва ҳаракатлари батафсил тушунтирилади. Ҳарф ва ҳаракатлар мисолида қофия турларини бериб ўтади. Тусий таъкидлаганидек, ҳеч бир шеър қофиясиз бўлмайди: “Ва равий агар муҳаррик бувад, қофияро мутлақ хонанд ва агар сокин бувад, муқайяд хонанд”. Эътибор берилса, бу қофия турлари равийдан кейинги ҳаракатга асосланган, асарда равийдан олдин келувчи ҳуруфларга асосланган қофия турлари: мурдаф, муассас, мужаррад ва муқайяд кабиларга эътибор қаратилган. 4-фасл 3-фаслнинг тадрижий давоми сифатида сўзлар мисолида изоҳланган. Масалан, “*жамол - хаёл*” сўзларидаги *л* ҳарфи равий саналса, *о* ҳарфи ридфдир. Ридфли қофия мурдаф қофия дейилганидек, бу сўзлар муқайяди мурдаф қофия турига киради. “Меъёр ул-ашъор”нинг 2-қисми 5-фасли “Қофия айблари” деб номланади. Бу фаслда қофияда учровчи баъзи камчиликлар, сўзларнинг ноодатий қофияланишлари борасида фикр юритилади. Шу орқали қофия айбларининг 6 шакли тушунтирилади, изоҳланади. Қисмнинг 6-фаслида форс шеършунослигида қофия ҳарфлари ва ҳаракатлари тадқиқ этилган. Араб ва форс манбалари ўзаро қиёсланган. Айни қисмда радиф тушунчасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Қизиғи шундаки, кейинги қисмлардаги илми қофияга оид маълумотлар форс адабиётидаги назарий манбалар асосида тушунтирилган. Демак, қофияга бағишланган 2-қисмнинг дастлабки 5-фасли араб адабиётидаги қофияга оид назарий қарашларга бағишланган бўлса, кейинги 6-фасли форс адабиётидаги манбаларда илми қофиянинг назарий асослари қиёсий ўрганилган. Айни юқоридаги сарлавҳалар такрорланиб, улар форс адабиёти мисолида тушунтирилган. Хусусан, қофия айблари ҳақида маълумот бериш чоғида форс адабиётидаги бу ҳолатнинг 4 шакли келтирилиб, уларнинг номланиши келтирилмаган. “Қисми аввал он чи тааллуқ бар ридф дошта бошад. Ва он ду навъ бувад: аввал ихтилофи ҳазв, масалан, “мард” ва “дурд” ва “вирд”. Ва агар қофия мутлақ бувад, чунонки, “даста” ва “руста” ва “баста” айб нўшидатар бувад”. Демак, Тусий ридф билан боғлиқ камчиликнинг қофиянинг икки турида фарқлаб кўрсатган: муқайяд ва мутлақ қофияда. “*Мард”, “вирд”, “дурд*” сўзларидига *а, и, у* унлилари ридфдаги камчиликлар сифатида кўрсатилган. “Меъёр ул-ашъор” рисоласи ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, назарий фикрлар тушунарли, содда шаклда келтирилган.

Фахри Исфаҳоний “Меъёри жамоли” асари поэтика илмига оид муҳим манбалардан бири бўлиб, асарда тўрт илм ҳақида маълумот берилади[102]. Биринчи қисм аруз илми, иккинчи илм қофия, учинчи илм илми бадиъ, тўртинчи илм сифатида луғат илми келтирилган. Шамс Фахри Исфаҳоний бу илмларни тақдим қилишда ўз ижоди ва отасининг ижодидан намуналар келтирган[103]. Отаси ҳам машҳур шоирлардан бири бўлиб, поэтика илмида беназир киши бўлган. Фахри Исфаҳоний асар сўзбошисида вазнлар билан боғлиқ асар ёзишни мақсад қилганини таъкидлайди.

Асарнинг 5 нусхаси мавжуд бўлиб, профессор Садеҳ Киа асарнинг дастлабки нусхасини *айн (ع)* нусхаси сифатида номлаган. Бугунги кунда бу нусха Теҳрон кутубхонасида

[102] شمس فخری . معیار جمالی. کتابخانه مجلس شورای ملی . 33 / / لغث شمس فخری. معیار جمالی. کتابخانه مجلس شورای ملی//

[103] لغث شمس فخری. معیار جمالی / Persian dictionary. Being part IV of Me’yar e jamali. By Shams e Fakhri.Edited by dr. Sadegh Kia. Publications de l’universite de Tehran. № 486.

сақланади. Бу нусха “Меъёр ул-жамоли” асарининг тўла ва қадимий нусхаси бўлиб, 207 саҳифадан иборат. Қўлёзмада асарнинг 4 фан соҳасига тегишли барча қисмлари мавжуд. 7 (алиф - ا) – 54(алиф - ا) саҳифаларида аруз илми, 54(алиф - ا) - 79 (ب) - қофия илми, 79 (ب) – 131 (алиф - ا) – бадиият илми, 131 (алиф - ا) саҳифадан охирига қадар форс тили луғати баёни келтирилган[104]. Насталиқ хатида кўчирилган бу нусхада матн қора, сарлавҳалар қизил рангда берилган. Қисқа луғат қисми учун алоҳида саҳифалар илова қилинган. Асар бошланғичи мувашшаҳ қасида билан бошланади. Аруз ва баҳрлар (55 баҳр) ҳақида маълумот келтирилади. Илми бадиъга оид қисмда Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари тилга олинади. Фахри Исфаҳоний бадиият илми қисмини Рашидиддин Ватвотдан таъсирланиб ёзганини таъкидлайди.

“Меъёр ул-жамоли”нинг кейинги нусхаси (م нусхаси) Теҳроннинг Миллий Мулук кутубхонасида № 6039 рақам остида сақланади. Бу нусха 146 саҳифадан иборат бўлиб, настақил хатида кўчирилган. Котиб номи келтирилмаган. Луғат ва сарлавҳалар қизил, матн эса қора рангда кўчирилган. Бу қўлёзма нусха ҳам нисбатан тўлиқ бўлиб, тўрт илмга оид барча матн жамланган. 5 (ب) – 45 (ا) гача аруз илми, 55 (ب) – 54 (ا) – қофия илми, 54 (алиф - ا) – 92 (ب) – бадиият илми, 92 (ب) саҳифадан охирига қадар луғат қисми келтирилган. Бу қўлёзмадан бир неча саҳифа йўқолган.

Асарнинг учинчи нусхаси (ک *нусхаси*) 125 саҳифасидан иборат бўлиб, саҳифа 15 қатордан иборат бўлгани учун бўш ўринлар жуда кўп. Бу нусхада аруз қисми мавжуд эмас, қофия илмига оид қисмлар ҳам тўлиқ эмас. Бир неча саҳифалар ёқолган. Қўлёзма қуйидаги байтлар билан бошланган:

Онки хоҳад офтобаш оби рўй,
Онки бошад осмонаш хоки дар.

Қўлёма тўлиқ бўлмагани, бошланғич қисми йўқолгани боис (аруз қисми мавжуд эмас) 24 (алиф - ا) саҳифаси қофия илми якуни билан тугайди.

---

[104] لغث شمس فخری. معیار جمالی / Persian dictionary. Being part IV of Me’yar e jamali. By Shams e Fakhri.Edited by dr. Sadegh Kia. Publications de l’universite de Tehran. № 486. 18 ش

“Меъёр ул-жамоли”нинг тўртинчи нусхаси ҳам Теҳроннинг Миллий Мулук кутубхонасида № 418 рақам остида сақланади. Бу нусха 82 саҳифадан иборат бўлиб, асарнинг тўртинчи – луғат қисми келтирилган, холос.

Асарнинг бешинчи нусхаси ҳам Теҳроннинг Миллий Мулук кутубхонасида сақланади. Бу нусха жуда чала – 48 саҳифадан иборат бўлиб, асарнинг тўртинчи – луғат қисми келтирилган.

Шамс Фахри Исфаҳоний “Меъёр ул-жамоли” асарида “илми сегона”нинг назарий асосларини тўлиқ ишлаб чиққан, аруз вазни, баҳрлар, аруз доиралари (чизмалари билан) хусусида тўлиқ маълумот келтирган. Олим қофия хусусида тўхталганда, қофия таърифи, радиф ва қофия ҳарфлари ва ҳаракатлари, турлари борасида араб ва ажам уламоларнинг илмий-назарий қарашларни қиёсий ўрганган ҳолда ўз фикрларни баён қилган.

Шарафиддин Ромий Табризий “Ҳадойиқ ук-ҳақойиқ” асари илми бадиъга бағишланган йирик асарлардан бири бўлиб, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари таъсирида яратилган. XIV асар бошларига келиб, пэтика илмига оид асар ўзига хос услуб ва йўналиш асосида яратила бошланди. Адабиётшунослик тарихи бу каби асарларнинг яратилиши мукаммалликка эриша бошлади[105]. Шарафиддин Ромий Табризда Мансур Музаффар замонида яшаган, ўз даврида “поэтика илмининг билимдони” сифатида шуҳрат топган[106]. Ромийнинг “Ҳадойиқ ук-ҳақойиқ” асари соф филологик йўналишдаги ўзига хос услуб асосида ёзилган бўлиб, гарчи Рашиддиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари таъсирида яратилган бўлса-да, асарнинг иккинчи қисмида “Ҳадойиқ ус-сеҳр”да мавжуд бўлмаган адабий шакллар ҳақида маълумот келтирилган[107].

---

[105] Brown E.G. A History of Persian Literature under Tartar Dominion (A.D. 1265-1502). Cambridge University Press. London.

[106] Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират аш-шуаро. Теҳран, 1959. // Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират аш-шуаро. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981.

[107] Шараф ал-Дин Ҳасан б. Муҳаммад Ромий Табризий. Ҳақайиқ ал-ҳадойиқ. Нашрга тайёрловчи Саид Муҳаммад Козим Имом. Теҳрон университети, ҳ.1341 й. м.1962.

Асар ўзига хос услуб асосида яратилган. Шарафиддин Ромий шеъриятни маълум бир калитлар асосида тушуниладиган тизим сифатида баҳолаб, байтлар таркибидаги сўзлар моҳиятини билмаслик, шеърни тушунолмасликка сабаб бўлишини таъкидлайди. Олим бадиий санъат ва шакллар, образлар хусусиятини байтдаги мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради. Шунинг учун ҳам "Ҳадойиқ уқ-ҳақойиқ" асарининг таржималарида муаммолари масалалар юзага келган[108]. Чунки Шарафиддин Ромий асарнинг 19 бобида ёрнинг соч, қош, кўз, лаб, қулоқ, бурун, дудоқ, зулф, оғиз, тиш каби тана азолари номларининг байтдаги рамзий маънолари хусусида бирма-бир тўхталади. Масалан, соч образининг поэтика тадқиқини амалга оширишда кофир, зуннор каби рамзий образ сифатида келиши, қоралик, сир, касрат, дунё каби моҳиятларни ифодалаши билан боғлайди[109]. Асарда қофия оид махсус қисмлар мавжуд бўлмаса-да, баъзи ўринларда санъатлар замирида қофия таърифи, унга муносабат кўзга ташланади. Ийҳом санъати ҳақида маълумот бериш чоғида сўзлардаги оҳангдошлик, шакл бирлиги нуқтаи назарида қофияга оҳангдош сўз сифатида муносабат бериб кетади.

Воҳид Табризийнинг "Жамъи мухтасар" рисоласида "илми сегона" -илми қофия, илми арузнинг назарий ва амалий асослари қисқа, аниқ, мукаммал шаклда изоҳланган. Маълумки, XV аср манбаси "Жамъи мухтасар" форс тилида яратилган. Асар муаллифи Воҳид Табризий ҳақидаги манбаларда етарлича маълумотлар учрамайди, ҳатто XV аср ижодкорлари ҳақидаги тазкираларда ҳам Воҳид Табризий билан боғлиқ маълумотлар йўқ. Фақат Хўжа Халифа ўз асарида Воҳид Табризий ҳақида қисқагина маълумот келтириб ўтган, холос. Унга кўра Воҳид Табризий ўзининг жияни учун форс тилида арузга оид рисола яратган ва уни "Жамъи мухтасар" деб номлаган[110]. Демак,

[108] Чаличова Н.Ю. Персидская классическая поэтика о конвенциях описания феноменов красоты. Трактат Шариф ад-Дина Рами «Собеседник влюбленных»// Памятники литературной мысли востока. Москва ИМЛИ РАН 2004. –С. 165-250.

[109] Шараф ал-Дин Ҳасан б. Муҳаммад Ромий Табризий. Ҳақайиқ ал-ҳадойиқ. Нашрга тайёрловчи Саид Муҳаммад Козим Имом. Теҳрон университети, ҳ.1341 й. м.1962.

[110] Haji Khalifa. Lexicon bibliographicum et encyclopadicum. Edidit… Gustavus Flügel, Leipzig – London, vol IV, 1837, f. 205.

Воҳид Табризий ўз асарини жиянининг мумтоз шеър тузилиши, аруз илми, қофия илмини тўлиқ англаб олиши учун амалий ёрдам сифатида яратган. Олим рисоланинг “Муқаддима”сида шеър тузилиши, поэтик шакллар, аруз ва илми қофияга оид қисқа маълумотлардан иборат бўлган ушбу асарни “Қисқа жамланма” (“Жамъи мухтасар”) деб номлаганини айтади. Афсуски, Воҳид Табризий бу асарни қачон ёзиб тугатганлиги ҳақида маълумот келтирмайди. “Жамъи мухтасар” асарининг мавжуд қўлёзмаларининг ҳеч бирида асарнинг ёзилган йили ҳақида маълумотлар учрамайди. “Жамъи мухтасар”нинг сўнгида “кимки қофия илми ҳақида билмоқчи бўлса, унга шу маълумотнинг ўзи кифоя қилади” мазмунидаги жумла келтирилади, холос.

“Жамъи мухтасар”нинг рус тилидаги таржимаси А.Е.Бертельс томонидан 1959 йил нашр қилинган[111]. А.Е.Бертельс бу таржимани “Жамъи мухтасар”нинг 7 нусхасини ўзаро солиштириш асосида амалган оширган. Олим қуйидаги нусхаларни қиёсий ўрганиб, матн моҳиятини тўғри етказиб беришга ҳаракат қилган: 1. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фондида сақланаётган № 447 рақамли нусха 2. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фонди № 1206 рақамли нусха 3. Россия ШИ № С 857 рақамли нусха 4. Россия ШИ № А 483 рақамли нусха 5. Россия ШИ № А1454 рақамли нусха 6. Ленинград Сальтиков-Шедрин кутубхонаси № 498 рақамли нусха 7. Асарнинг 7-нусхаси Россия Шарқшунослик институтида сақланаётган нусха эканлиги айтилган, бироқ қўлёзманинг инвеньтар рақами кўрсатилмаган. Олимнинг кўрсатишича, бу қўлёзма XVII асрда Туркияда кўчирилган.

“Жамъи мухтасар”нинг бир қанча қўлёзма нусхалари Европа давлатлари кутубхоналарида сақланади. Британия музейидаги каталогларида[112], Готи[113], Вена[114], Берлин[115],

[111] Вахид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.158.

[112] Ch. Rieu. Catalogue of the Persian manuscripts in the British Museum, vol. 11. London, 1881, p.789a.

[113] W. Pertsch. Die orientalischen Handschriften der Herzoglichen Bibliothek zu Goth, Th.1. Wien, 1859. S.14

Мюнхен[116] кутубхоналарида, Бодлян кутубхонаси[117] каталогларида бу асарнинг нусхалари номлари келтирилган.

А.Е.Бертельс танлаган ҳар бир қўлёзма нусха тўлиқ матнга эга бўлиб, таянч манба сифатида нисбатан қадимийсини танлаган. Хусусан, А.Е.Бертельс шартли “Д” нусха сифатида белгилаб олган қўлёзма таркибида 4 рисола бўлиб, “Жамъи мухтасар” 1516 йилда (ҳ.922) кўчирилган. Олим асарнинг таржимасини шунчаки келтириб қолмай, нусхалар матни ўртасидаги фарқларни асарнинг сўнгида келтирилган “Изоҳлар” қисмида қиёсан ўрганади. А.Е.Бертельс асар сўзбошисида В.Табризий ва унинг асари борасидаги илмдаги баҳсли саволларга аниқлик киритган.

1948 йилда С.Мирзаев биринчилардан бўлиб, В.Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асари ҳақида кичик тадқиқот олиб боради. С.Мирзаев Ўзбекистондаги қўлёзмалар орасида айнан “Жамъи мухтасар” асари қўлёзмаларига эътибор қаратади. А.Е.Бертельс С.Мирзаевнинг бу хизматини алоҳида таъкидлайди. А.Е.Бертельс “Жамъи мухтасар” асари таржимасини амалга оширишда Ўзбекистондаги қўлёзмалардан ҳам фойдаланган. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фондида “Жамъи мухтасар” асарининг № 477 рақами остида сақланаётган нусхаси мавжуд. Бу қўлёзмада “Жамъи мухтасар”дан ташқари 6 рисола ҳам келтирилган. Қўлёзманинг 15а саҳифасидан 29а саҳифасигача “Жамъи мухтасар” рисоласи келтирилган. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фондида сақланаётган кейинги нусха № 1206 рақами остида сақланади. Тадқиқотлар натижасида “Жамъи мухтасар” асарининг Ўзбекистон ва хориж қўлёзмалар фондларида сақланаётган 17 тадан ортиқ нусхалари аниқланган.

Воҳид Табризий, у яшаган давр, “Жамъи мухтасар” рисоласи борасида бир қанча баҳсталаб мулоҳазалар борки,

---

[114] G. Flügel. Dıe arabıschen, persıschen u. Türkıschen Handschrıften der. Hofbıbılıothek zu Wıen. Wıen.1865. S. 206.

[115] W. Pertsch, Die Handschriftenverzeichnisse der Komglichen Bibliothek zu Berlin, Bd. IV, Berlin, 1888. № 43, 48, 118

[116] J.Aumer, Die persischen Handschriften der… Staatsbibliothek in Muenchen. Muenchen, 1866. № 315, 316.

[117] Ed. Sachau, H.Ethe, Catalogue of the Persian, Turkish, Hindustani and Pushtu manuscripts of the Bodlian Library, Part.1, Oxford, 1889. № 1346, 1347.

А.Е.Бертельс ўз фикрларини далиллар асосида исботлаб, бу мунозарали қарашларга якун ясаган. Биринчи масала – В.Табризийнинг қачон яшаб ижод этгани масаласидир. Маълумки, В.Табризий исмли икки ижодкор мавжуд: бири "Жамъи мухтасар" асарининг муаллифи В.Табризий бўлса, иккинчиси мутасаввуф шоир 1669-1670 йилларда вафот этган Мавлоно Воҳид Табризийдир. Жуда кўп хориж мамлакатлари каталогларида бу икки ижодкорнинг асарлари аралашиб кетган. Шарқшунос олим Ҳаммер Пургшталль каталоглардаги бу хатоликлар кейинчилик бошқа каталогларга ҳам кўчганлигини афсус билан таъкидлайди[118]. Олим Ч.Рьега қадар тузилган каталогларгача бу камчиликлар давом этган. А.Е.Бертельс ҳам бу ҳолатни алоҳида таъкидлаган. Г.Этенинг "Янги форс адабиёти" очеркига ҳам, Г.Этенинг бошқа тадқиқотларларига ҳам бу каталогларнинг таъсири катта бўлган. Иккинчи масала - Воҳид Табризийнинг "Жамъи мухтасар" асари мустақил асар ёки қайсидир бир асарнинг қисқартмаси, парчаси эканлиги масаласидир. Г.Эте "Жамъи мухтасар"ни қайсидир асардан келтирилган парча сифатида баҳолайди. А.Е.Бертельс эса Г.Этенинг ушбу фикри нотўғри эканлигини исботлаш учун Г.Эте нотўғри тушунган жумлани келтиради. "Ин мухтасарист аз муншаот Воҳид Табризий" жумласи Г.Эте томонидан "Бу парча Воҳид Табризийнинг "Муншаот" китобидан олинган" деб таржима қилинган. А.Е.Бертельс эса бу фикрнинг янглиш эканлигини исботлаш мақсадида "Мифтоҳ ул-бадеъ" ва "Жамъи мухтасар" асарининг бошланғич ва сўнгги саҳифаларидаги парчаларни таржима қилиб, уларни солиштириб кўрсатади. "Мифтоҳ ул-бадеъ" асарининг бошланғичида ўзини Яратганнинг бандаси эканлигини эслаб, китоб жияни Сайфиддин учун ёзилгани айтади. Унга кўра жияни Воҳид Табризийдан илтимос қилган: "Мен учун шеър шакллари ҳақида рисола ёзиб беринг. Бу шеър шаклларини ўзингизнинг шеърларингиз мисолида тушунтиринг". Муаллиф айнан шунинг учун ҳам ушбу рисолани ёзгани, уни "Мифтоҳ ул-бадеъ" деб номлаганини

[118] J.Hammer. Geschichte der schönen Redekünste Persiens nebsi einer Blüthentese aus zweyhundert persischen Dichtern, Wien, 1818. S.380.

айтади. “Жамъи мухтасар”да эса бу асар Воҳид Табризий томонидан ёзилган қисқа рисола эканлиги, унда аруз, қофия, поэтик шакллар ҳақида маълумотлар келтирилганлигини, рисолани жияни учун ёзганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. А.Е.Бертельс бу парчаларни бериш орқали “Мифтоҳ ул-бадеъ” ва “Жамъи мухтасар” асари алоҳида асар эканлигини исботлаб берган. Гарчи бу икки асар ҳам поэтик шакллар ҳақида бўлса ҳам, “Жамъи мухтасар” асари “Мифтоҳ ул-бадеъ” асарига нисбатан мумтоз поэтиканинг 3 илмига батафсил тўхталган рисола сифатида муҳим аҳамиятга эга. Демак, “Жамъи мухтасар” алоҳида мустақил асар, парча эмас. Воҳид Табризий икки асарини жияни учун ёзган бўлса ҳам, “Жамъи мухтасар” мураккаб тузилиш, назарий фикрларнинг чуқурлашгани билан аҳамиятли. “Мифтоҳ ул-бадеъ” 1417-1418 йилларда ёзиб тугатилган бўлса, “Жамъи мухтасар” рисоласи ундан кейин яратилган.

В.Табризий “Жамъи мухтасар” рисоласидаги маълумотларни махсус бобларга ажратмаган, бироқ поэтика илмига оид назарий фикрларни алоҳида тизим асосида кичик сарлавҳалар остида берган. Асарнинг кичик кириш қисмидан сўнг “илми сегона”нинг таркибий қисмларидан бири аруз илми ва унинг назарий асосларини бирма-бир изоҳлаган. Хусусан, аруз вазни тўғрисида маълумот келтирар экан, фикрни вазн таркибидаги асосий тушунчаларни изоҳлашдан бошлайди: аруз сўзининг маънолари, мутаҳаррик ҳижо, сокин ҳижо, рукн, байтнинг асосий хусусиятлари. В.Табризий байтни “уй” маъносини англатишига поэтик илмларнинг таъсири катта эканлигини моҳирона тушунтириб беради. Маълумки, байт тўрт қисмга бўлинади.

Садр (ҳашв) аруз
Ибтидо (ҳашв) ажуз (зарб)

Садр ва аруз, ибтидо ва зарб ўртаси ҳашв дейилади. Агар байт уй бўладиган бўлса, қофия уйнинг пастки қисми, маъно эса юқори қисми, байтдаги 4 бўлиниш унинг деворларидир. Олим таъкидлаганидек, қолган поэтик шакллар уйнинг безагидир. Асарнинг зиҳофлар ҳақидаги қисмида В.Табризий 30 зиҳофнинг маънолари, уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини

изоҳлаган. Олим шеър шакллари, жанрлар ҳақида маълумот келтирар экан, шеърнинг 3 хил шаклда бўлишини таъкидлайди: қасида, маснавий, мусаммат. Маълумки, бу 3 жанр ўзига хос қофияланиш тизимига эга, яъни уларнинг қофияланиши бир-биридан фарқ қилади. Айни 3 шеър шакли шаклан бир-биридан тубдан фарқ қилгани боис ҳам Воҳид Табризий шу жанрлар мисолида тушунтиришни мақсад қилган. Аруз вазни баҳрлари, уларнинг афоийллари ҳақида кенг маълумот берган олим аруз доираларини ҳам назардан четда қолдирмайди. Аруз доиралари сони арузга доир рисолаларда турлича келтирилган бўлиб, Жомийнинг “Рисолаи аруз”ида 4 та, Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий”ида 5 та, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида 7та, Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 9 та доира ҳақида маълумот келтирилади. В.Табризий эса арузнинг 6 доираси ҳақида тўхталиб ўтади: 1. Доираи муталифа – ҳазаж, ражаз, рамал баҳри асосида юзага чиқадиган доира. Бу доирага В.Табризий *“Бузад моҳ пиши рухсорат ба рағбат ой санам чокар”* мисрасини намуна сифатида келтиради. Арузга оид рисолаларда доираларнинг номланиши турлича бўлиб, биз айнан “Жамъи мухтасар” рисоласидаги номланиш билан келтирдик. 2. Доираи муттафиқа. Бу доира икки баҳрни ўз ичига олади: вофир ва комил баҳрлари. Бу доирага *“Туйи моҳи мо ба лутфи назар туйи шоҳи мо ба фадлу ҳунар”* мисрасини намуна сифатида келтиради. 3. Доираи мужталиба. Бу доира тавил, мадид, басит баҳрларидан таркиб топган. Мисра: *“Биё, ой моҳат чокар ки хасти зи моҳ бихтар”* 4. Доираи муштабиҳа. Бу доира мутақориб ва мутадорик баҳрларини ўз ичига олади. Мисра: *“Туро кас ва хуби набинанд назири”* 5. Доираи муҳталифа. Бу доира 4 баҳрдан таркиб топган: мунсариҳ, музориъ, мужтасс, муқтазаб. Мисра: *“Нози туро шуд зи ҳусн айши туро шуд ли лутф”* 6. Доираи мунтазиъа. Бу доира 5 баҳрни ўзи ичига олади: сариъ, ғариб, қариб, хафиф, мушокил.

“Жамъи мухтасар”да рубоий вазнлари ҳақидаги маълумотлар алоҳида сарлавҳа остида келтирилган. В.Табризий рубоий вазнлари ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларининг 24 вазни ҳақида қисқа маълумот бериб, қофия илми ҳақидаги назарий маълумотларни беришга ўтади.

Рисолада келтирилган мумтоз қофиянинг назарий асослари “Қофия”, “Қофия ҳарфлари”, “Қофиянинг ўзак таркибига кўра турлари” сарлавҳалари остида келтирилади.

Қофия илми назариясига бағишланган форс тилидаги манбалар тадқиқи асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-Дастлаб араб адабиёти таъсирида яратилган манбаларда илми адаб араб адабиётидан фарқли ўлароқ мустақил фан сифатида шаклланган. Қофия дастлаб бадиият фани доирасида ўрганилган бўлса, XII асрдан бошлаб қофия илми тадқиқи ва назариясига оид бир қанча рисолалар яратилган.

-Муҳаммад ибн Умар Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға” асари бадиият илми тадқиқига оид асар сифатида ўрганилган. Бироқ бу рисола қофия илми назарияси акс этган дастлабки ва муҳим манба сифатида тадқиқ этилиши керак. Кейинчалик бу асар таъсирида Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари яратилган.

-Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асари қофия назариясига оид муҳим манбадир. Носириддин Тусий “Меъёр ул-ашъор”, Воҳид Табризий “Жамъи мухтасар”, Абдураҳмон Жомий “Рисолаи қофия”, Фахри Исфаҳоний “Меъёр ул-жамоли”, Ҳусайн Воиз Кошифий “Бадоеъ ул-афкор”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарларида Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асаридан ижодий фойдаланган.

-Форс тилидаги манбаларнинг аксариятида қофия илми бадиият илми билан бир бутунликда тадқиқ этилган. Муҳаммад ибн Умар Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, Шарафиддин Ромий Табризийнинг “Ҳадойиқ уқ-ҳақойиқ, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарларида қофия илми илми бадеъ таркибида изоҳланган.

- Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асарларида “илми сегона”нинг таркибий қисмлари: аруз ва қофия илми алоҳида илм сифатида тақдим этилади.

-Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Фахри Исфаҳоний “Меъёр ул-жамоли”, Ҳусайн Воиз Кошифий “Бадоеъ ул-афкор” асарларида бадиият илми ва қофия

илмининг илмий-назарий асослари мустақил фан сифатида ишлаб чиқилган.

-XIV – XV асрга келиб “илми сегона”нинг ҳар бир қисмига оид рисолалар яратила бошланди. Аруз, бадиий санъатлар ва қофия илми тадқиқига бағишланган махсус асарлар яратилди. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарлари қофия илми назариясига бағишланган муҳим манба саналади.

1.4.Темурийлар даврига оид рисолаларда қофия такомили

Темурийлар даврида адабиёт билан бир қаторда илм-фан ҳам юқори поғонага кўтарилди. Шоирлар нафақат маҳоратга эга бўлишлари, шу билан биргаликда шеър илми назариясини ҳам мукаммал билишлари кераклиги зарурат бўлиб қолди. Темурий ҳукмдор ва шахзодаларнинг эътибор ва адабий таъсир натижасида мавжуд манбалардаги поэтикага оид назарий масалалар давр шеъриятига ҳамоҳанг тарзда мукаммалликка эришди. Мавжуд анъана ва назарий қолиплар форс ва туркий шеъриятга мослаштирилган ҳолда қайта ишланди, камчиликлар тузатилди. Поэтика илми, илми баён ва илми маон ҳақидаги рисолаларга шарҳлар ёзилди. Саъдуддин Тафтазонийнинг “Файёз ул-маоний”, “Ал-Мутаввал”, Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” асарига ёзилган “Шарҳ мифтоҳ ал-улум” рисолалари балоғат илмига оид асарларга ёзилган шарҳлар сифатида темурийлар давридаги адабий муҳитни белгилаб берувчи муҳим манбалардир[119].

Темурийлар даврида яратилган поэтикага оид рисолаларнинг аксариятида уч илм: аруз, қофия ва бадиий санъатлар алоҳида қисмлар асосида тақдим қилинди. Форс ва туркий тилда параллел ҳолда поэтика илмига оид рисолалар яратилди. Араб, форс қофияшунослиги таъсирида туркий қофияшунослик шаклланди, туркий тил қонуниятлари асосида қайта ишланди, такомиллаштирилди. Шу асосда қофия тадқиқига бағишланган рисолалар яратилди.

[119] Ў.Полвонов. Саъдуддин Тафтазоний. -Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2021. 32 б.

Компаративистика назариясига кўра адабий жараённи икки хил ёндашув орқали қиёслаш мумкин: 1. Адабий жараёнга тарихий генетик ёндашув (келиб чиқиши жиҳатидан бир хил ёки яқин халқлар адабиёти); 2. Адабий жараёнга қиёсий типологик ёндашув (келиб чиқишидан қатъий назар умумий томонларга эга бўлган халқлар адабиёти)[120].

Темурийлар давридаги адабий жараён, хусусан, поэтика ва мумтоз қофия назариясига оид рисолаларнинг яратилиши билан боғлиқ жараённи тарихий генетик ёндашув асосида қиёсий таҳлил қилиш яхши самара беради. Давр адабий жараёни адабий таъсир ва генетик алоқа натижаси ўлароқ такомиллашган. Темурийлар давридаги поэтикага оид рисолалар муаллифлари рисола ёзиш сабабларини келтириш, илмий-назарий қарашларни тақдим қилиш ва мисра ва байтлар мисолида тушунтириш асносида мавжуд манбаларга мурожаат қилишган, баъзи ўринларда улардаги илмий қарашларга таянишган. Адабий алоқалар ва таъсирлар масаласи миллий адабиётлар тараққиётини кафолатлайдиган омиллардан бири экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланган. Жаҳонда бирор адабиёт йўққи, фақат ўз қобиғида, ўз адабиёти анъаналари доирасида бошқа миллий адабиётларнинг илғор тажрибаларига таянмаган ҳолда ривожланиб, ўз тараққиётининг юқори чўққисига кўтарилган бўлсин[121].

Шарқшунос Н.И.Конрад қиёсий адабиётшунослик объекти бўлиши мумкин бўлган 5 та жиҳатга эътиборни қаратади: 1.Тарихий умумийликка эга миллат адабиётлари қиёси 2. Турли халқлар адабиётида типологик хусусиятлар қиёси. 3. Турли макон ва замондаги халқлар адабиёти қиёси 4. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда типологик хусусиятларга эга бўлган адабиётлар қиёси 5. Халқлараро адабий алоқалар қиёси[122]. Демак, темурийлар давридаги рисолаларни тарихий умумийликка эга миллат адабиёти сифатида қиёсий ўрганиш

[120] Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. Ўқув қўлланма. -Т.: МУМТОЗ СЎЗ. 2020. - Б.10.

[121] Курамбоев К. Адабий алоқалар – миллий адабиётлар тараққиётининг қонуниятларидан бири //
<http: // uzadab.ndpi.uz/ adabiy_aloqalar.html>

[122] Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М.: Наука, 1978. – С.32 – 33.

давр адабий жараёни ва шу билан биргаликда маълум илмнинг – мумтоз қофия илмининг даврий такомили ва тадрижини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Темурийлар давридаги туркий қофия тадқиқига бағишланган муҳим манбалардан бири Аҳмад Тарозийнинг **“Фунун ул-балоға” асари** асаридир. Поэтикага бағишланган араб, форс тилидаги асарлар таъсири натижасида яратилган “Фунун ул-балоға” асари туркийгўй ижодкорлар талаби билан юзага келган эди. Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари поэтика илмига оид араб, форс манбалардаги қонуният, муносабатларнинг жамланмаси бўлиши билан бирга унда бу илмларнинг анча мукаммал, такомиллашган кўриниши акс этган. Асарда адабий тур, жанр, бадиий санъатлар, вазн ва қофия илмига оид назарий фикрларнинг тараққий этганлигини кузатиш мумкин[123]. Аҳмад Тарозий илмлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, таркибий қисмлари, тушунчаларига изоҳ берар экан, мисоллар, байтлар орқали тушунтиради. “Илмлар учлиги” таркибининг муҳим қисмларидан бири қофия ва унинг назариёти хусусида “Фунун ул-балоға”да кенг маълумот берилган. Маълумки, асарда муқаддимадан ташқари 5 қисм келтирилган, бу қисмларда олим адабий тур ва жанрлар, илми қофия, илми бадеъ, илми аруз ва муаммонинг назарий масалаларини ёритиб берилган. Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да қофияни бир умумий “Ал-фанн-ус-соний-фи-л-қофия ва-радиф” сарлавҳа остида тушунтиради[124]. “Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли табъға қофия илмин билмак муҳимдир” жумлалари билан бошланган бу қисмда олим қофияга юқори баҳо бериб, уни “шеърнинг асли, асоси” сифатида баҳолайди. Қофиясиз шеър бўлиши мумкин эмас. Олимнинг айтишича, баъзан қофиясиз шеър ҳам учраб туради. Бу шеърга “ҳарора шеър” деб ном беришган. Қофия муносабатида олимлар ўртасида ихтилофлар мавжуд

[123] Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов) - Т.: Хазина, 1996. // Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016.

[124] Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов) - Т.: Хазина, 1996. –Б.61

бўлиб, “Фунун ул-балоға”да уларга бирма-бир эътибор қаратилган.

Олим асарда қофия назариясига оид манбалар номини келтирмайди. Араб ва ажам олимларининг фикрларини ўзаро қиёсий ўрганади, туркий адабиётдаги ҳолатни тақдим қилади. Мумтоз қофиянинг туркий адабиётдаги ўрнини белгилаш мақсадида “шеърнинг асоси” сифатида қофияни асосий унсур сифатида тақдим этади[125].

Гарчи мумтоз қофияга оид рисола бўлмаса-да, Алишер Навоий ва З.М.Бобур поэтика илмига оид асарларида қофияга оид қарашларини билдириб ўтишган[126]. Айниқса, Бобурнинг қофия илмига оид махсус асар яратгани ва бу асар бизгача етиб келмаганлиги ҳақида адабиётшуносликда бир қанча қарашлар мавжуд.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари темурийлар даври қофия илми тадқиқига бағишланган форс тилидаги муҳим манбалардан бири бўлиб, 1465 йилда яратилган. Жомий ушбу рисоласини Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам...” асарининг “Қофия” қисмига асосланиб ёзган[127]. “Рисолаи қофия”нинг бир қанча қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улардан бирини фан доктори А.Эркинов Берлин Давлат кутубхонасидан келтирган. Бу нусха “Арузи Сайфий Бухорий” таркибида “Рисолаи қофияи Мулла Жомий” сарлавҳаси асосида киритилган.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари дастлаб немис олими Ҳенри Блошман томонидан тадқиқ этилган бўлиб, олим “Prosody of Persians according to Saifi, Jami and others writers” (“Сайфи, Жомий ва бошқа ижодкорларнинг форсий шеършунослик оид қарашлари”) номли тадқиқотида Жомий рисоласини эълон қилиш билан бирга, тадқиқотнинг кириш қисмида Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари хусусида

[125] Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов) - Т.: Хазина, 1996.

[126] Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. З,М.Бобур. Мухтасар

[127] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. Калькутта, 1867.; Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия. // Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедиси, 2008, Б. 274-314.

назарий фикрларини тақдим қилади[128]. Ҳенри Блошманнинг бу тадқиқоти талабалар учун мумтоз поэтика илми, қофия ва аруз назариясини тушунтиришда қўлланма сифатида яратилган[129].

Асар форс тилидаги қофия илмига бағишланган муҳим рисолалардан бири бўлиб, Жомий Ҳамд (Бошланма – Ҳ.О.), Муқаддима, Хотима қисми билан биргаликда 8 қисм (1. Бисмиллаҳи-р роҳиани-р-роҳим 2. Муқаддима 3. Ҳуруфи қофия (Қофия ҳаракатлари) 4. Ҳаракоти қофия (Қофия ҳаракатлари) 5. Мутародифу мутавотир ва мутадорику мутақориб ва мутаковис 6. Муқайяди мутлақу мужаррад 7. Уйуби қофия 8. Хотима) асосида қофия илми билан таништирган.

Рисола анъанавий ҳамд билан бошланади. Жомий рисоланинг Ҳамд қисмида Аллоҳга чексиз ҳамд, Расулимизга мадҳу санолар айтган ҳолда асарнинг ёзилиш тарихи хусусида маълумот бериб ўтади. Фикрни шеърий -қитъа жанри шаклида келтиради.

Чу гул ба ханда дарояд лаби амал зи нишот,
Агар зи гулшани лутфаш вазад насими қабул.

Яъни:

Лабингнинг хурсандчилигига амал қилиб гул ханда қилсун,
Агар гулшанда шамол унинг лутфини қабул қилса.

Асардаги кейинги қисм “Муқаддима” сарлавҳаси остида берилган бўлса-да, бу қисм асарнинг муқаддимаси сифатида эмас, қофия илмининг муқаддимаси вазифасини бажарган. Жомий бу қисмда қофия, радиф, ридф сўзларига таъриф беради. Қофия ҳақидаги рисолалар каби аввалида қофияга, умумий тушунчаларга эътибор қаратиб, кейинчалик уларнинг қисмларига бирма-бир тўхталиб ўтади. Жомий ажам шоирлари одатича, қофияни байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келиши сифатида баҳолайди. Бироқ олим бунинг бир шарти - талаффузда мустақил бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди. Жомий ўзигача яратилган қофия ҳақидаги рисолалардан хабардор бўлган, рисола ва муаллиф номларини келтирмаса-да,

[128] Henri Blochman. Prosody of Persians according to Saifi, Jami and others writers. Reprint 1970 of the edition Calcutta 1872 prited in the Netherlands. Amsterdam philo press.

[129] Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. Монография. –Т.: Ta’lim-media, 2019. – Б. 37.

“баъзилар жумланинг охирини қофия деса, баъзилар равий ҳарфини қофия деб аташади” шаклида қофияшуносликдаги мавжуд қарашларни тақдим қилади.

Мумтоз бадиият илми назариясига бағишланган рисолалар орасида **Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор” асари** муҳим манбалардан саналади. Мумтоз поэтика илми назариясига бағишланган муҳим манбалардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор” асаридир. Кошифийнинг ушбу рисоласи мумтоз поэтиканинг таркибий қисмларидан бири илми бадиъ тадқиқига бағишланган. Илми бадиънинг аруз ва қофия билан ўзаро боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган ушбу асар форс адабиётининг муҳим манбаларидан биридир. Ҳусайн Воиз Кошифий ўзигача яратилган арабий ва форсий тилдаги рисолалар ва илмий манбалар билан чуқур танишган ҳолда ушбу асарини яратган. XV аср Хуросондаги илмий муҳит бу асарнинг юзага келишига замин яратиб берди. Мумтоз поэтика илмининг билимдони Абдураҳмон Жомийнинг поэтика илми таркибий қисмларидан бўлмиш аруз ҳамда қофияга оид “Рисолаи қофия” ва “Рисолаи аруз” асарларининг яратиши, бу давр илмий муҳити юқори поғонада эканлигидан далолат беради. Алишер Навоийнинг аруз вазни назариясига бағишланган “Мезон ул-авзон” асари эса туркий тилдаги илми аруз бағишланган муҳим манбалардан биридир. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор” асари ҳам шу даврда яратилган муҳим манбалардан бири бўлиб, муаллиф асар сўзбошисида ўз рисоласини Ҳирот шоҳи Султон Ҳусайнга тақдим қилганини таъкидлайди. Султон Ҳусайнни адолатли ҳукмдор сифатида таърифлаб, “Бадоеъ ул-афкор” унинг эътибори билан яратилганини маълум қилади.

Мумтоз поэтика илмига бағишланган ушбу асарда мумтоз шеър назарияси борасида баҳс юритилади. Адабий тур ва жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусияти, бадиий санъатлар тавсифи асар моҳиятини белгилаб берган.

“Бадоеъ ул-афкор”нинг матни олим Р.Мусулмонқулов томонидан Москвада эълон қилинган бўлиб,[130]. нашрга асарнинг факсимел нусхаси ҳам илова қилинган. Кейинчалик Р.Мусулмонқуловнинг “Персидско-таджикская классическая поэтика” асарида “илми сегона” таркибига кирувчи аруз, қофия ва илми бадиъга оид X-XV асрларга оид манбалар тадқиқот объекти сифатида қиёсий ўрганилган.[131].

Ҳусайн Воиз Кошифий асар сўзбошисида “Бадоеъ ул-афкор”да мумтоз шеър илми, назарияси, жанрлар, шеър қисмлари, бадиий санъатлар, қофия илми назарияси келтирилганини таъкидлайди. Кошифий рисолани яратишда ўзигача яратилган барча илмий манбалар билан таниш бўлган.анъавий тарзда уларнинг услубини давом эттирган. Гарчи асарда уларнинг номлари келтирилмаса-да, санъатлар кетма-кетлиги, намуналарнинг берилишида бу ҳолат кўзга ташланади.

“Бадоеъ ул-афкор” асари муқаддима, икки боб ва хотимадан иборат, боблар маълум тартиб асосида шеър қисмлари, жанрлари, бадиий санъатлар ҳақида маълумот беради. Муқаддима 4 фаслдан таркиб топган. Кошифий фаслларни тақдим қилишда ўзига хос услубга таянган: ҳар фасл сўнгида махсус икки қисмли “Нукта” ва “Фойда” сарлавҳаси остида изоҳ қисм келтирган. Дастлабки фасл “Шеър таърифи” ҳақида бўлиб, шеърнинг ўзига хос хусусиятлари, ёзилиш тартиби хусусида батафсил маълумот берилади. Иккинчи фасл “Шеър наъвлари” хусусида, Кошифий умумий хусусиятга эга бўлган шеър шаклларини бир ном остида бирлаштиради. Учинчи фаслда “Дар баёни ақсоми шеър” сарлавҳаси билан қофия ва шакл жиҳатидан бир умумий хусусиятга эга шеър шакллари ҳақида маълумот берилади[132].

---

[130] Kamal ad-din Husayn Va-iz Kashifi. Badai-al-afka- fi san-i al-ash’ar (Novыe misli o poeticheskom iskusstve) Izdanie teksta, predislovie, primechaniya i ukazateli R.Musulmankulova. – M.: Nauka, 1977.

[131] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XVвв) – Москва: Наука, 1989. –Б.240.

[132] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 387 s.

Ҳусайн Воиз Кошифий асарнинг Хотима қисмида қофияга оид илмий-назарий қарашларни тақдим этади. Бу қисмда ғазал ва қасида жанрилари тўлиқ шаклда келтирилган, баъзи ўринларда қасида ва ғазал байтлари билан таништириш баробарида қофия ҳарфлари, ҳаракатлари ва қофия айблари хусусида маълумот келтирилади. Кошифий “Якунловчи қисмнинг хулосалари” сарлавҳаси остида дастлаб бир рақами остида VII асрнинг машҳур нотиқи Имом Ҳиравийдан қасида келтирилади.

Аё зи баҳри тафохур мйхадароти сипеҳр,
Ҳамиша дар ҳарами ҳурмате ту, карда сужуд!

Сабаб вужуд ту буд, ар на чаркҳ ворункор
Наёфариди худ Вожиб-ал вужуд, вужуд.

Ундан сўнг қофия ҳаракатлари номлари акс этган, мумтоз қофияга оид форс тилидаги рисолаларнинг деярли барчасида келтирилган байт тақдим қилинади.

Расс-у ишбо-у, ҳазв-у тавжиҳ аст;
Боз мажро-ю бад азуст нафоз.

Маълумки, қофия илми назариясига кўра қофия ҳаракатлари (олтита): расс, ишбо’, ҳазв, тавжиҳ, мажро, нафоз, улар қофия ҳарфлари билан ёнма-ён жойлашади. “Бадоеъ ул-афкор”да бу ҳаракатлар, уларнинг ўрни ва жойлашуви борасида батафсил маълумот келтирилмайди. Асарнинг кейинги қисмларида ғазал, қасида, қитъа, рубоий жанрига оид шеърий парчалар тўлиқ ҳолатда тақдим қилинади. Келтирилган адабий парчаларнинг аксарияти Камол Хўжандий қаламига мансуб бўлиб, Кошифий Камолиддин Хўжандийнинг бадиий жиҳатдан мукаммал ғазал ва қасидаларини танлаб олган. Кейинги қисмларда қофия айблари келтирилади. Айни ўринда Ҳусайн Воиз Кошифий бу соҳанинг етук мутахассиси сифатида қофия ҳарф ва ҳаракатлардаги айбларни (ихтилофлар) араб ва форс тили шеърияти асосида алоҳида изоҳлаган. Олим ўзигача яратилган рисолалардаги назарий маълумотларни қиёсий ўрганган. Қофиядаги ихтилофлар хусусида тўхталганда, араб ва форс адабиётидаги фарқли жиҳатларни кўрсатади, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарига мурожаат қилади. “Бадое ул-

афкор”даги назарий қарашларнинг тамал тоши сифатида “Ал-мўъжам”даги маълумотларга таянади[133].

Мумтоз поэтика илмининг билимдони **Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асар**и бадиият илми назарияси тадқиқига бағишланган муҳим манбалардан бири бўлиб, олим илми бадиъ таркибида қофиянинг назарий асосларини тақдим қилади. XV асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган шоир, олим Атоуллоҳ Нишопурий Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асари илми бадеъга оид мукаммал рисолалардан биридир.

“Бадоеъ ус-саноеъ”нинг бир қанча қўлёза нусхалари бўлиб, рисола дастлаб 1974 йилда Душанбеда Раҳим Мусулмонқулов томонидан нашрга тайёрланган[134]. Рисоланинг ўзбек тилидаги таржимасини поэтика илмининг билимдони А.Рустамов амалга оширган[135].

Асар анъанавий ҳамд билан бошланади. Атоуллоҳ Ҳусайний рисоланинг сўзбошисида аруз ва қофия илмига оид мукаммал рисола ёзиш ниятида эканлигини таъкидлайди. “Бадоеъ ус-саноеъ”нинг “Муқаддима” қисми аруз илмига бағишланган, олим бу қисмда зиҳоф ва баҳрларга оид илмий-назарий қарашларини тақдим қилади. “Муқаддима”дан кейинги қисмлар лафзий, маънавий ва муштарак санъатлар тавсифига бағишланади. Атоуллоҳ Ҳусайний лафзий санъатлар тавсифи қисмида қофия ва вазн уйғунлиги асосида шаклланадиган бадиий санъатларни тақдим этади. Асарнинг “Маъноға тақалғучи айблар” қисмида шеъриятдаги айрим нуқсонлар ҳақидаги илмий ёндашувлар тақдим этилади. “Бадоеъ ус-саноеъ”нинг “Шуаро орасинда амалда бўлған баёнға муҳтож бўлғон баъзи алфоз баёнинда” сарлавҳали қисмида қофияга боғлиқ: мусарраъ, муздаваж, муқаффо байтлар тадқиқ этилади.

---

[133] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 387 s.

[134] Камал ад-Дин Хусайн Ва-’из Кашифи. Бадаи- ал-афка-р фи- сана-и ’ал-аш’ар (Новые мысли о поэтическом искусстве). Издание текста, предисловие, примечания и указатели Р. Мусульманкулова. – Москва: Наука, 1977.

[135] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 397.

Атоуллуоҳ Ҳусайнийнинг **“Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” рисоласи** мумтоз қофия илми назариясига бағишланган мукаммал манбадир[136]. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Бобурнинг “Бобурнома”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарларида илмий салоҳиятига юқори баҳо берилган Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асари 1487 йилда Алишер Навоийнинг топшириғи билан ёзилган. Ушбу рисоланинг “Рисолайи қофия”, “Рисолайи дар қофия”, “Рисолайи вофий дар қавойиди илми қавофий”, “Қофия ё мунтахаб мақтаъа такмилул санойеъ”, “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” номлари остидаги 80дан ортиқ қўлёзма нусхалари жаҳон кутубхоналарида сақланади. “Бадое ус-саное” асарининг кириш қисмида ҳам бу рисоланинг 79 нусхаси борлиги айтилади. Теҳрон ва Тожикистон кутубхоналарида рисоланинг бир қанча нусхалари мавжуд, қўлимиздаги ҳиж.1393 йилдаги нашри сўзбошисида ҳам асар икки нусхани солиштириш асносида Фозил Аббосзода ва Доктор Ражаб Тавҳидён томонидан Теҳронда нашр қилингани айтилади.

Рисола анъанавий тарзда ҳамд билан бошланади. Атоуллоҳ Ҳусайний рисолани 9 қисмга бўлади. Қисмларни “Ҳарф”[137] атамаси остида келтиради:

1-ҳарф. Қофия таърифи

2-ҳарф. Қофия ҳарфларининг сони. Равийдан олдин ва кейин келувчи ҳарфларнинг ифодаланиши

3-ҳарф. Қофия ҳарфларининг ифодаланиши (Равийдан кейинги ҳарфлар)

4-ҳарф. Қофия ҳаракатлари хусусида

5-ҳарф. Равий ва унинг ўзига хос хусусиятлари

6-ҳарф. Қофиянинг тақтиъ эътиборига кўра турлари

7-ҳарф. Қофия отларига тегишли бўлган айблар хусусида

8-ҳарф. Қофия отларига тегишли бўлмаган айблар хусусида

9-ҳарф. Ҳожиб ва радиф ҳақида

Атоуллоҳ Ҳусайний қофия илмига оид илмий-назарий қарашларни бошқа манбаларга таянган ҳолда, қиёсий ўрганган

[136] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисолаи қофия. (Доктор Юсуфбек Бобопур). Теҳрон. 1393.

[137] Боб, бўлим маъносида

ҳолда тақдим қилади. Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам, Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарларига мурожаат қилиб, баъзи ўринларда улар билан баҳсга киришади.

Кўриниб турибдики, темурийлар даврида яратилган, қофия илми тадқиқига бағишланган рисолалар ўз структураси ва услубига эга. Унда мавжуд манбалардан таъсирланиш билан бирга ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Бу манбаларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш натижасида темурийлар даври қофияшунослигининг ўзига хос тенденцияларини аниқлаш мумкин. Д.Дюришин ҳам бундай таҳлилнинг вазифаси адабий таъсирнинг моҳиятини аниқлаш, ички қонуниятларини очишдан иборатлигини таъкидлаган эди[138].

Темурийлар давридаги қофияга оид рисолаларда адабий-типологик ўхшашликлар кўзга ташланади. Бу ўхшашлик ва умумий жиҳатлар бевосита қофия илми назарияси, поэтика илми ва адабиётшунослик масалаларига бағишлангани билан изоҳланади. Шу билан биргаликда бу рисолалар муаллиф ёндашуви ва даврий ўзгаришлар, бадиий адабиётга таъсир, тил қонуниятлари каби ўринларда хусусийликка эга:

-“Фунун ул-балоға” асари – туркий қофияшунослик назариясининг дастлабки манбаси саналади. Аҳмад Тарозий форс қофиясини туркий қофия билан қиёсий ўрганган ҳолда туркий қофия қонуниятларини ишлаб чиққан.

-А.Жомийнинг “Рисолаи қофия” ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” асари мухтасар қўлланма сифатида ўзига хос услубга эга.

-А.Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асари ўзигача яратилган форс тилидаги қофия илми назариясига бағишланган рисолаларнинг қиёсий тадқиқи хулосалари ва форсий қофиянинг замонавий (ўз даври учун) қонуниятлари ишлаб чиқилган мукаммал қўлланмадир.

-А.Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асари қофия ва илми бадеъ назариясининг уйғун жиҳатлари акс этган муҳим манбадир.

[138] Дюришин Д. Теория сравнительнго изучения литературы. – М., 1979.

1.5. Туркий қофияшунослик ва унинг бадиий адабиётга муносабати

Темурийлар давридаги поэтикага оид рисолалар икки: форс ва туркий тилда параллел равишда яратилди. Табиийки, рисолалардаги бу икки тиллилик форсий ва туркий қофияшуносликнинг ўзига хос хусусиятларини асос қилиб олди, тил қонуниятидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос назарияларни тақдим қилди. Бу жиҳатдан илк ва мукаммал манба сифатида туркий қофияшунослик учун Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари асос манба сифатида хизмат қилади. Шу билан биргаликда темурийлар давридаги бир қанча асарларда туркий қофия махсус тадқиқ этилмаса-да, уларда муаллифнинг шеър илми, хусусан, туркий қофия илмига оид илмий-назарий қарашлари акс этган. Масалан, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, З.М.Бобурнинг “Мухтасар” асарларида вазнлар изоҳи қисмида қофияга оид илмий-назарий қарашлар келтирилади. Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида тақтиъ ва уларнинг талаффуз билан боғлиқ ҳолатлари, рукнларнинг таркиб топиши ва мисра ва байтдаги ўрни масаласи акс этган ўринларида қофия ҳаракатлари ва равий ҳарфи хусусида тўхталинади. Биз юқоридаги назарий манбалар ва бадиий адабиётдаги такомилига таяниб, туркий қофиянинг ўзига хос хусусиятлари белгилашга ҳаракат қилдик:

1. Араб ва форс тилидаги поэтика илмига оид рисолаларда шеърнинг асоси сифатида вазн белгиланса, туркий шеъриятда қофия шеърининг асоси сифатида қабул қилинган. Шоирлар ижодида қофиядош сўзларни мкаммал ҳолатда ишлатишга ҳаракат қилишган.

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод-у *байрамлар,*
Манга юзу қошиндин айру байрам ойида *ғамлар.(Бобур*)

Шоирлар қофиядош сўзлардаги ҳар бир ҳарф ва ҳаракатнинг иштироки ва оҳангдорлигига алоҳида эътибор берганлар.

Зийнати бўстон юзунг, бас, қилса юз гул алвидо,
Ошиқинг оҳи етар, гар қилди булбул алвидо.(*Атоий*)

2. Туркий қофияшуносликда радифнинг иштироки ва вазифаси анча кенгайгани ва радифнинг ёйиқ шаклига мурожаат кўп учрайди. Қофия назарияси дастлаб араб адабиётида

шаклланган бўлса-да, радиф қўллаш араб адабиётига хос хусусият бўлмаган. Рисола муаллифлари радиф “форснинг ихтиросидир” деб келтирадилар. Форс адабиётида радифнинг бир сўз ҳолидаги кўриниши учраса, туркий адабиётда, темурийлар даврида яшаб, ижод этган шоирлар ижодида бадиий матн оҳангдорлигини таъминлаш ва ижодкор мақсадини ифодаси сифатида радифли – мураддаф байтлар салмоғи кўп.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники, севмак андин ортуқ бўлмас,
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз. (*А.Навоий*)

Ёки

Не бало ҳусн-у малоҳат берди субҳон юзига,
Ким эрур инс-у малак жон бирла ҳайрон юзига.(*Лутфий*)

3. Араб адабиётида қофия қисмларининг иштирокига кўра беш тури: *мутародиф, мутавотир, мутарокиб, мутадорик, мутаковис* қофия амалда бўлган. Кейинчалик форс адабиётида ҳам қофиянинг бу беш тури қўлланилган. Ажам фозиллари бу беш турга қўшимча равишда уч турни кашф қилганлар: *мутавосий, мутарожиҳ, мутазойид.* Бу уч турнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қофиянинг сўнги ўта чўзиқ ҳижо билан тугайди. Туркий адабиётдаги байтларда қофиядош сўзларнинг аксарияти ўта чўзиқ ҳижо билан тугайди. Шунга ассоланиб айтиш мумкинки, туркий адабиётда туркий тил қонуниятидан келиб чиққан ҳолда қофия қисмларининг иштирокига кўра мутародиф, *мутавосий, мутарожиҳ, мутазойид* турлари кўпроқ учрайди.

*Е*й жамолингдин топибтур ҳусн ҳар дам эҳтиром,
V ~
Мубтало бўлди ғами ишқинг била ҳар хос-у ом.
V ~ (мутавосий қофия)

Ёки

Неча кўнглум пора бўлса, раҳм қилмас **ёр** анга,
Неча бағрим бўлса қон, боқмас даме дил***дор*** анга.
Бир югурук тифл эрур кирпикларим ичинда ёш
Ким, йиқилиб сончилибтур ҳар тарафднн **хор** анга.
(Мутародиф қофия)

4. Қофия таркибидаги қофия ҳарфларини иштироки, уларнинг бир хил ҳарфдан иборат бўлиши оҳангдорликни таъминлаб берувчи асосий хусусиятлардан биридир. Шу жиҳатдан ридфи аслийнинг қўлланишида туркий тилдаги унлиларнинг иштирокига ва бадиий адабиётдаги қўлланишига қараб у (вов-и маъруф)ва ў (вов-и мажҳул), и (“йо”и маъруф) ва э (“йо”и мажҳул) унлилари ўзаро ридф сифатида иштирок эта олишига оид назарий қарашлар туркий қофиянинг ўзига хос хусусияти сифатида қабул қилинди.

Бузулган бу менинг кўнглимни, эй ҳ<u>у</u>р,
Қил эмди бир табассум бирла маъм<u>у</u>р.

Лабинг узраки хаттанг қўйди сабзи,
Намакдонларга солди лабларинг ш<u>ў</u>р.

5. Туркий адабиётда қофия ҳарфларининг иштирокига кўра барча турларидан унумли фойдаланилган. Тил хусусиятидан келиб чиқиладиган бўлса, араб ва форс адабиётида мужаррад қофия тури кўп учраса, туркий адабиётда шоирларнинг ижодида мурдаф қофия салмоқ жиҳатидан кўп.

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақс<u>у</u>д,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не с<u>у</u>д.

Ёки

Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йир<u>о</u>қ,
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фир<u>о</u>қ.

6. Васл равийдан кейин келувчи қофиянинг асосий ҳарфлардан биридир. Араб ва форс қофияшунослари васлни белгилашда равий ва васл ўртасидаги уловчи қофия ҳаракати – мажронинг иштироки муҳим эканлигини таъкидлайдилар. Агар равий ва васл орасида мажро иштирок этмаса, қофиядош сўз таркибидаги асосдан кейинги ҳарфлар радиф сифатида баҳоланади. Бу эса форс ва араб тилидаги сўзларнинг ясалиши ва грамматик шаклларнинг қўшилиши билан боғлиқ. Туркий тилда эса бу икки тилдан фарқли ҳолатда қўшимчалар асосдан кейин қўшилади, қўшимчаларнинг чегараси билиниб туради. Бу қўшимчалар асос сингари мустақил қўллана олмайди. Шу жиҳатдан бу қўшимчалар асос билан бир таркибий қисм

сифатида қаралади ва равийдан кейинги ҳарф мажронинг иштирокидан қатъи назар васл сифатида қабул қиланади.

Қайси бир кўкнинг юзунгдек меҳри оламтоби бор?
Қайси гулшаннинг жамолингдек гули сероби бор?

Ёки

Ол энгдин олса ногоҳ ўшул моҳ ниқобни,
Топмас фалакда ўзга киши офтобни.

“Фунун ул-балоға”да келтирилган ушбу байтдаги *ниқобни – офтобни* қофиядош сўзлардаги *б* ундоши равий саналса, ундан кейинги *н* ундоши васл, *и* унлиси хуруж сифатида келтирилади. *Б* ундоши сукунли ҳолатда турибди, равий ва васлни уловчи мажро мавжуд эмас. Демак, туркий қофияда равий ва васлни ва қолган ҳарфларни улашда қофия ҳаракатларининг иштироки мажбурий эмас.

7. Туркий қофия қофия ҳарфларининг иштироки ва уларнинг сони жиҳатидан араб ва форс қофиясидан фарқ қилади. Араб ва ажам қофияшунослари равийдан кейин келувчи васл ва хуруж ҳарфларини қабул қилишади. Бироқ гарчи назарий жиҳатдан мазид ва нойира ҳарфлари қофия ҳарфи сифатида тақдим этилса-да, уларнинг иштирокидан фойдаланмайдилар. Хуружни қофиядош сўз таркибидаги охирги ҳарф сифатида баҳолашади. Айниқса, араб адабиётида равийдан кейинги ҳарфларнинг иштироки жуда кам учрайди. Бироқ туркий адабиётда оҳангдорликни таъминлаш мақсади билан равийдан кейинги ҳарфлар иштирокидаги сўзлардан фойдаланиш асосий хусусиятлардан бири саналади.

Чун қуюнни дашт аро айлондуруб,
Сувда игримни доғи тўлғондуруб.*(А.Навоий)*

Ёки

Улча ул қилди комронлиғидин,
Шоҳлар ичра паҳлавонлиғидин.*(А.Навоий)*

8. Маълумки, равий ҳарфдан иборат бўлади. Гарчи сўз унли ҳарф билан тугаса ҳам, араб ва ажам қофияшунослари сўз охиридаги ҳаракатларни равий сифатида қабул қилмайдилар. Туркий қофияда эса сўз охиридаги унлилар ҳарфлар билан берилиб, бундай сўзлар қофиядош сўз сифатида қабул қилинади. “Яна туркча алфоздурким, анда “алиф” ва “вов” ва

“йо” “фатҳа” ва “замма” ва “касра” ҳаракати ўрниға битилурки, бу ҳеч маҳалда ҳар ҳисобиға кирмас, балки ҳаракат ўрниғадурур, магар баъзи ердаким, байтнинг охирида тушгай ва ани заруратдин қофия қилмиш бўлғайлар, андоққим:

Белинг-у зулфунг хаёлин шарҳ этармен мў-бамў,
Ташнадурмен лаълинга то борбурур жонимда су”[139].

Навоий қофияда равийнинг ўрни муҳим эканлигини, равий ҳарфдан ташкил топиши, баъзан қофиядаги баъзи камчиликлар сабаб ҳаракатлар ҳам зарурат юзасидан равий сифатида олиниб, бундай сўзлар қофиядош сўз сифатида келтирилишини таъкидлайди. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида унли ҳаракатларнинг ифодаланишида қофияга оид ёндашувларини тақдим қилади. Туркий тилда жумлани кенгайтириш ва қофияни осонлаштириш учун бир нечта ҳарфни бир-бирига шерик қилишларини таъкидлайди. Масалан, “алиф” билан “ҳо” ҳарфи бир қофияда жамъ бўлади. “Алиф” – [ā - о], “ҳо” – сўз охирида келадиган “а” унлиси учун ишлатилади. Навоий бу икки ҳарф иштирокидаги сўзларни ўзаро қофиядош қилиш мумкинлигини таъкидлайди: ара - сарā, дарā; ара – сара, дара; йада - садā, бāда. “вов” ва “замма” орасида ҳам шундай боғлиқлик бор. Ерȕр – ҳūр, дūр. “Ё” ва “касра” билан ифодаланган сўзларни ҳам ўзаро қофияда жамъ қилиш мумкин: саğīр – баğїр; тāхī – таğйир.[140]. Навоий бу ҳолатни туркий адабиётдаги енгиллик сифатида баҳолайди. Форс сўзларида бу каби осонлаштириш, енгиллик мавжуд эмаслигини таъкидлайди.

9. Туркий адабиётда аслий, маъмулий ва шойгон қофиянинг бир шеърий жанр таркибида қўлланиши кўп учрайди. Асослари бир-бирига оҳангдош бўлмаган сўзларда қўшимчалар асосида қофиядошлик ҳосил қилинади. Ҳазрат Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Мавлоно Атоий таърифида шоирнинг машҳур

Ул-санамким сув яқосинда паретек ўлтурур,
Ғояти нозуклугидин сув била ютса бўлур

[139] Алишер Навоий. Мезон ул-авзон // Тўла асарлар тўплами. 10-жилд. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013. -Б. 547.

[140] Алишер Навоий. Муҳокамату-л луғатайн. Қ.Содиқов таҳилил, табдили ва талқини остида. – Т.: Академнашр 2017. -Б. 66.

байтида келтирилган қофиянинг “айбғинаси бор”лигини айтади[141]. Байт таркибидаги қофиядош сўзларга эътибор берилса, *ўлтур – бўл* сўзлари қофиядош бўла олмайди. Демак, бу икки сўзни қофиядош сўз сифатида *-ур* қўшимчаси шакллантирган. Равийнинг қофия ҳарфи эканлигини инобатга олсак, равий сифатида *р* ҳарфи олинади. Навоий айтмоқчи бўлган “қофиясидаги айбғинаси” равий асос таркибида эмас, қўшимча таркибида иштирок этганидир.

Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ***ўлтурур,***
Ўт ёқиб эл жониға менинг ичимни ***куйдурур.***

Кўнглум аҳволин сабодин сўрдум эрса дедиким:
Телбалардек бир парий кўйида саргардон ***юрур,***

Ул қуёш юзига боққан сойи ортар кўз ёшим,
Меҳр тобидин агарчи ҳар неким, ўлдур, ***қурур.***

Қон ёшим ранги ёшурди ҳотами лаъл оғзини,
Ўйнамоқда ёшлар андоққим узукни ***яшурур.***

Сенки йўқсен моҳрухлар жилва айларлар валек,
Кеча ишнар қурт нури меҳр чиққач ***билгурур.***

Ул қуёш ҳижронида ҳар тун ики мунглуғ кўзум,
Тонгға тегру субҳидам йўлиға боқиб ***телмурур.***

Тузлук айлаб шамъдек, ваҳ, билмадимким, бу ниҳол
Меҳнат ўти гул очар, ёш қатраси бар ***келтурур.(****А.Навоий)*

Ушбу ғазалдаги *ўлтурур - куйдурур – юрур – қурур – яшурур – билгурур – телмурур – келтурур* қофиядош сўзлардаги равий сўзларнинг асосларида эмас, қўшимчалар таркибида келган.

Чун мени мажнун бошин атфол тоши ***синдурур,***
Оҳ ўти жўлида сочимдин анга киз ***кундурур.***

[141] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами. 9-жилд. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013. -Б. 314.

Аҳли диллар чеҳра очди, ёр очманг дийдаким,
Ҳар киши ул юзга кўз олдурди кўнглин ***олдурур.***

Кўргач ул юзни бошимға урди юз тиғи бало,
Кўрки, чиққур кўз бошимға не балолар ***келтурур.***

Кўзда асрабмен бағир қонин тилар бўлсанг хино,
Суртсам кўзни аёғингға ҳамул дам ***билгурур.***

Бул-ажаб йиғлар жунунум ичра кўрким, халқни
Ишқ бир дам йиғлатур ҳолимға, бир дам ***кулдурур.***

Навбаҳори ҳусндин топма фиреб, эй шўхким,
Чарх даври навбаҳор ўтмай хазонин е***ткурур.***

Эй Навоий, ҳажр андуҳида маст ўл зинҳор
Ким, кўнгулдин ғамни бир дам зойил эткан ***майдурур.***

Ушбу ғазалдаги *синдурур – кундурур - олдурур – келдурур – билгурур – кулдурур – еткурур – майдурур* қофиядош сўзлар ҳам таркибан турлича. Шунинг учун ҳам равий асос таркибидан эмас, қўшимча таркибидан танлаб олинади.

10.Туркий адабиётда Аҳмад Тарозий айтганидек, сўз (калима) ва қўшма сўз (икки калима) ҳолидаги сўзларнинг қофиядошлиги кўп учрайди. Араб ва форс қофияшунослари бу ҳолатни қофиядаги камчилик сифатида қабул қилишса, туркий адабиётда бунга рухсат берилган.

Хилъатин айлабтур ул шўхи ***сийминбар*** қаро,
Тун саводи бирла келгандек маҳи ***анвар*** қаро.

Ул пари ҳиндусимен мен телбаким, урён таним
Тифллар тошидин ийнак бўлди ***сартосар*** қаро.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, темурийлар давридаги поэтикага оид рисолаларда қофия илми тадқиқи такомиллашди, янги қонуниятлар ишлаб чиқилди, тил қонуниятига мослаштирилди. Хусусан, туркий қофия туркий

тилнинг грамматик тузилиши асосида ўзгариб, бадиий адабиётда такомиллашди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Қофия илмига оид мавжуд илмий ёндашувлар таҳлили ва темурийлар даври қофияшунослиги учун асос бўлган илмий-назарий манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қофия илми аруз ва илми бадеъ сингари Шарқ халқлари тафаккурида яратилган шеърият шаклига оид илмий-назарий умумлашмалар мажмуи бўлиб, унинг илм ва махсус фан сифатида шаклланиши, тадқиқи адабиётшуносликда, адабиётнинг тарихий ривожидаги мавжуд жараёнларни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

2. Қофия илмининг тарихий илдизи, фан сифатида шаклланиши ва ривожи аруз вазни ва поэтика илмига нисбатан қадимийдир.

3. Қофия илмига доир бир қанча илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, мавжуд рисолалар унинг мустақил илм, фан сифатида ўз йўналишига эга эканлигини кўрсатади.

4. Юртимизда қофия илмига оид ёндашувлар, тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, бу илмни таянч манбалар асосида қайта тадқиқ этиш лозим.

5. Темурийлар даврига келиб, аруз ва илми бадеъ каби қофия илмига оид назарий қарашлар икки йўналишда шаклланди, тараққий этди. Бири форс-тожик қофияси назарияси бўлса, иккинчиси туркий қофия назарияси асосида ривожланди. Гарчи бу икки назариялар бир муҳит ва бир даврда шаклланган, тараққий этган бўлса-да, тил қоунуниятлари асосида бир-биридан фарқли асосларга эга бўлди.

6. Дастлаб араб адабиётида пайдо бўлган қофия илми назарияси кейинчалик форс тилидаги манбаларда тараққий этди. Бу ёндашувлар дастлаб ижодий таъсир натижасида шаклланган бўлса, кейинчалик мустақил илм сифатида шаклланди. Темурийлар даврига келиб яратилган рисолалар учун араб манбалари эмас, араб тилидаги манбалар таъсирида яратилган рисолалар назарий асос вазифасини бажарган. Умар

Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға” асари учун Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом” асари назарий асос бўлган бўлса, “Таржимон ул-балоға” Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарининг яратилишига асос бўлган. Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” ва Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарлари нафақат форс тилидаги, балки туркий тилда яратилган манбалар учун ҳам назарий асос вазифасини бажарган. Хусусан, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарига Жомийнинг “Рисолаи қофия”, Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли”, Ҳусайн воиз Кошифийнинг “Бадое ул-афкор”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” ва “Рисола дар қофия” асарларида мурожаат қилинади. Носириддин Тусийнинг “”Меъёр ул-ашъор” асари Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарларида тилга олинади.

7. Жомийнинг “Рисолаи қофия”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарлари темурийлар давридаги форсий қофияшунослик; Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарлари туркий қофияшуносликнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланган ва тараққий этгани шуни кўрсатадики, бу манбаларни қиёсий тадқиқ этиш бугунги кун қофияшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир.

8. Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари туркий шеършуносликдаги муҳим манбалардан бири бўлиб, қофия илмига бағишланган махсус бобида келтирилган илмий-назарий қарашлар бу асар жиддий тадқиққа тортилиши кераклигини кўрсатади.

9. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асари ва муаллифнинг қофия илмига оид қарашлари “Рисола дар қофия” асари учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилган. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг қофия назарияси аруз ва бадиий санъатлар уйғунлигида ёндашуви темурийлар даври қофияшунослиги фонида ўрганилмаган.

10. Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор ” асарида келтирилган қофия назариясиига оид ёндашувлар форсий ва

туркий манбаларда баҳсли ҳолатларга сабаб бўлган. Рисола муаллифлари ўз ёндашувларини тақдим қилиш баробарида араб ва форс тили қонуниятларидан келиб чиққан ҳолатда Тусий тақдим қилган назарий қарашларни қабул қилганлар. Носириддин Тусийнинг “Меъёр-ул ашъор” асари бу йўналишда ўзига хос тамойил ва услубдаги манба сифатида темурийлар давридаги манбалар учун асос вазифасини бажарган.

II БОБ. ПОЭТИКАГА ОИД РИСОЛАЛАР СТРУКТУРАСИДА ҚОФИЯ ТАДҚИҚИ

2.1. Қофия илмида қофия, ҳожиб ва радиф масалалари

Қофия таърифи поэтика илмида, мумтоз шеършуносликда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда назариянинг амалий татбиқи, ижодкор услуби, ғоявий мақсади акс этади[142]. Мумтоз қофияга оид илмий-назарий қарашлар акс этган манбалар илмий рисолаларнинг деярли барчасида акс этган бўлса-да, бироқ қофия илми назариясига бағишланган рисолалар сифатида Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-лум”, Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Абу Заккариё Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фил аруз вал қавофий”, Абулҳасан Али Сараҳсий Баҳромийнинг “Канз ул-қофия”, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи”, Нуриддир Аҳмад ибн Абдужалилнинг “Қофия”, Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор”, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” каби асарларни келтириш мумкин. Бу рисолалар мумтоз қофия илми такомилига ўз таъсирини кўрсатган муҳим манбалардир.

Қофия шеър асосини белгиловчи асосий унсурлардан бири бўлиб, Ибн Сино шеър мукаммалигини таъминловчи 3 хусусиятнинг бири сифатида қофияга алоҳида эътибор беради. Шеърият уч бутунлик: мазмун, шакл (вазн) ва қофия асосига қурилган бўлса, тўлиқ шеърият бўлади[143]. Абу Абдуллоҳ Хоразмий қофияни “шеърдаги мисранинг охирги сўзи” сифатида таърифлайди. Хоразмийнинг бу таърифи мисра охиридаги ҳар қандай сўзга нисбатан қофия атамасини қўллаш мумкин деган тасаввурни беради. Қайс Розий ҳам Абдуллоҳ Хоразмий сингари қофия байт охиридаги сўз эканлигига ишора қилади. Олим қофиянинг мисра ёки байтнинг охирги жузвида

[142] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. X-XV вв. Москва. Наука. 1989. –С.95.

[143] Абу Али ибн Сино. Осори мунтахаб. Чилди 2. Душанбе. 1980. –Б. 243.

такрорланишига ишора қилади[144]. Олимнинг таъкидлашича, байт охиридаги сўз (қофия) бошқа байтлар сўнгида шакл ва мазмун жиҳатидан такрорланмаслиги керак[145]. Агар мисра охиридаги сўз такрорланса, радиф сифатида номланишини айтади. Қайс Розий ҳам байт охиридаги сўз - қофия эканлигига ишора қиляпти. Демак, Қайс Розийнинг қофияга берган таърифида ҳам ноаниқлик кўзга ташланади[146]. Носириддин Тусий берган таъриф эса қофия хусусиятларини тўлиқ очиб бера олган. Байт охиридаги ўхшаш (оҳангдош) сўзлар қофия дейилади[147]. Қофия асосини белгилаб берувчи асосий ҳарф эса равийдир. Табиийки, равий оҳангдошликни таъминлаб берувчи асосий қофия ҳарфидир. “Ва бошад, ки як ҳарфро, ки асли қофия бувад ва онро ҳарфи равий хонанд, чунончи баъд аз ин гуфта шавад, қофия хонанд”. Равий бўлмаса, қофия ҳосил бўлмайди[148]. Носириддин Тусий қофиянинг ўрнини қатъий белгилаб беради: “..ки калиммоти муташобиҳаро ки дар авохири абёт бошад”[149]. Демак, қофия байт ёки мисра сўнгида келиши шарт. Фахри Исфаҳоний ҳам қофияга ҳарфлар йиғиндисидан ташкил топган, мисра охирида келувчи сўз сифатида таъриф беради[150]. Носириддин Тусий ва Фахри Исфаҳоний таърифига кўра қофия фақат мисра сўнгида келади. Бу таъриф ҳам қофия хусусиятларини тўлиқ оча бера олмайди. Чунки қофия мисра боши ва ўртасида ҳам иштирок этишиши мумкин[151]. Воҳид Табризий қофия мисра охирида жойлашгани учун ҳам “ортидан эргашмоқ” деган маънони англатишини таъкидлайди. Воҳид Табризий ҳам қофия учун энг асосий ҳарф

---

[144] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.(перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова) – Москва, 1997. –С.203.

[145] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.(перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова) – Москва, 1997. –С.81.

[146] Сирус.Б.И. Рифма в таджикской поэзии. Сталинабад. 1953. –С. 13.

[147] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325. –Б.108.

[148] Равийдаги ихтилофлар (нуқсонлар) қофия айблари сифатида ўрганилади.

[149] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325. –Б.108.

[150] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.82.

[151] Қофияга берилган ушбу таърифларда асосий қофия назарада тутилган бўлиши керак. Чунки мисра боши ва ўртасидаги қофия ички қофия сифатида баҳоланади. Радиф сонинг кўпайиши ҳисоби билан қофия мисра боши ёки ўртасида иштирок этиши мумкин. Бироқ аслида бу ҳолат ҳам қофиянинг мисра сўнгида келишиш, радифнинг эса ундан кейин жойлашишига асосланади.

сифатида равийни тақдим қилади. Равий “арқон” деган маънони англатади. Туяни эргаштириш учун арқоннинг аҳамияти қай даражада бўлса, равий ҳам қофиядош сўзларни улаб турувчи асосий арқон вазифасини бажаради[152]. Воҳид Табризий қофиянинг икки тури: қофияи аслий ва қофияи маъмулийни фарқлайди:[153]. Аслий қофия асослардан ташкил топган қофиядир. *Рост – мост* сўзлари қофиядош сўзлар саналса, бу сўзлар шаклан бир асос ҳолида. *Ҳавост – кужост* сўзлари эса қофияи маъмулий саналади. Чунки бу қофиядош сўзларнинг асоси *ҳаво – кужо* сўзларидир. “Син” ва “то” ҳарфлари асосдан сўнг жойлашган.

Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам қофияга мисра охиридаги ўхшаш сўзлар сифатида таъриф беради. Бу ўхшашлик (оҳангдошлик) сўзлар охиридаги ҳарфлар воситасида юзага чиқади[154].

Абдураҳмон Жомий қофия ажам шоирлари одатича, байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келишига асосланишини маълум қилади[155]. Бироқ бу такрор талаффузда мустақил бўлмаслиги керак. Мисранинг бир қисми сифатида келиши лозим. Баъзи олимлар мисра охирини қофия сифатида таърифлайдилар. Баъзи олимлар эса равий (қофия ҳарфи)ни қофия эканлигига ишора қиладилар. Чунки равий қофиядошликни, оҳангдошликни таъминловчи асосий товуш саналади.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарида қофия таърифи бошқа рисолаларга қараганда тўлиқроқ ва аниқроқ шаклда келтирилади. Мисра ёки байт охирида такрорланувчи сўзлар ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатдан ўхшаш бўлиши керак. Бу ўхшашликни (оҳангдошликни) юзага келтиришда ҳарф ва ҳаракатларга алоҳида эътибор бериш керак[156]. Атоуллоҳ

---

[152] Вахид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.77.

[153] Ўша манба. –С.78.

[154] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.

[155] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедиси, 2008, Б. 301.

[156] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. Зири назр Др. Юсуфбег Бобопур. 1393. Теҳрон. –С. 29

Ҳусайний ўзигача мавжуд манбаларда берилган қофия таърифига ўзгартириш киритади. Носириддин Тусий мисра сўнгида ҳар қандай сўзни қофия сифатида баҳолаган бўлса, Ҳусайний бу таърифга аниқлик киритади.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг қофиянинг ғазал байтлари, матлаъ ва мақтаъдаги кўриниши ва маснавийдаги ҳолатини ўзаро қиёсан ўрганади. Атоулллоҳ Ҳусайний ўз рисоласида ўзига хос уч йўналишда илмий-назарий қарашларни тақдим қилган. 1. Сўнгги таърифларни асос қилиб олган. 2. Қофия илми ҳақидаги рисолаларнинг номини тилга олмаган[157]. “Баъзилар айтадиларки” ибораси асосида маълумотларни тақдим қилган. 3. Мавжуд таърифларни таҳлил қилмаган ва уларга изоҳ бермаган[158]. Р.Мусулманькулов рисолада қофияга оид асарлар номи келтирилмаганини айтади. Бироқ рисоланинг жуда кўп ўринларида “Ал мўъжам” ва “Меъёр ул-ашъор” асарларига мурожаат қилинади[159].

Ай ***дўст***, ки дил зи банда бардоштаий
Некуст ки дил зи банда бардоштаий.
Душман чу шунид менагунжид зи нишот,
Дар ***пусти*** ки дил зи банда бардоштаий.

Шеърдаги *дўст – некўст – пўст* сўзалари ўзаро қофиядош бўлиб, ёйиқ радиф билан бирга қўлланган.

Атоуллоҳ Ҳусайний қофия хусусиятларини келтириш билан бирга, атама сифатидаги таърифига ҳам эътибор қаратади. Қофия мисра ёки байт охирида жойлашгани учун ҳам “изидан бормоқ” деган маънони англатади[160].

Гарчи қофияга берилган таърифлар бир-бирига ўхшаса-да, қофияга муносабат, қофия назариясининг такомили араб ва форс манбаларида фарқли хусусиятга эга. Мумтоз қофия илми араб адабиётидан кўра форс адабиётида мукаммалликка

[157] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М.: Наука, 1989. - С. 97.

[158] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М.: Наука, 1989. - С. 97.

[159] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. Зири назр Др. Юсуфбег Бобопур. 1393. Теҳрон. –С. 29

[160] Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” асарида ҳам қофияга айнан шу шаклда таъриф берилган.

эришган. Форс-тожик қофия илми араб шеъриятига нисбатан аниқ ва қатъий. Фахри Исфаҳоний ҳам қофия назарияси баъзи тилларда осон ва енгил, баъзи тилларда мураккаб ва мукаммал эканлигига ишора қилади. Масалан, *зарб –салб* қофиядош сўзлари араб шеъриятида қофиядош сўз сифатида баҳоланса, форс қофия илми назариясига кўра бу икки сўз қофиядош бўла олмайди[161]. Чунки форс шеъриятида қофиядош сўз таркибидаги қайд ҳарфининг бир хил бўлиши белгилаб қўйилган. Жомий ҳам *амўд-амид* сўзлари араб шеъриятида қофиядош сўз сифатида қабул қилиши, форс қофия назариясига кўра қофиядош бўлолмаслигини таъкидлайди[162].

Аҳмад Тарозий қофияга таъриф берар экан, араб ва форс манбаларида келтирилган таърифларни ҳам эслаб ўтади. Гарчи манбалар ва муаллифлар номлари келтирилмаса-да, “баъзилар” изоҳи билан таърифларни келтириб ўтади, қофия илмида араб ва ажам уламолари ўртасида ихтилофлар борлигини маълум қилади. Қофия – равий (1), мисранинг сўнгги қисми (2), байтнинг охирги жузви (3), сифатида таърифланади[163]. Мисранинг охирги жузви сифатида тавил баҳри жузви *мафоийлун*ни, ражаз баҳри жузви *мустафъилун*ни, рамал баҳрининг *фоилотун* жузвлари қофиядош сўзлар сифатида баҳоланган.

Аҳмад Тарозий қофиядош сўзларнинг бир калима, яъни сўз ҳолида ва сўзнинг бир қисми ҳолида қофиядошлиги ёки бир сўз ва икки сўздан иборат (қўшма сўз) сўзларнинг ўзаро қофиядош бўлиб кела олишини форсий сўзлар мисолида тушунтиради[164]. Олим қисм ва бутунлик тушунчасини баъз калима ва бир калима мисолида изоҳлайди. Ғазалда *парвар* ва *хокистар* сўзлари ўзаро қофиядош сўзлар сифатида олинса, *парвар* бир калима ҳолида, *хокистар* сўзи таркибидаги *густар* сўзи *хос*

---

[161] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.8-9.

[162]Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедиси, 2008, Б. 309.

[163] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б.52.

[164] Бунда ўзаро қофиядош сўзлар, сўзларнинг қисми бўлиб келиши, равийнинг белгиланиши каби қонуиятлар форс ёзуви шакли билан боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

сўзи билан бирга қисм ҳолатида турибди[165]. Баъзан қофиядош сўзлар бир калима + баъз калима ва икки калимадан иборат бўлиши мумкин. *Дисар – дурхур* сўзларида шу ҳолатни кўриш мумкин. *Ди* – баъз калима, *сар* – калима, *дур* –калима, *хур* – калима.

Пеша қилди шева жавру ситам пайваста ёр (калима)
Гўйиё мундоғ кечадур иқтизойи рўзгор (калима + баъз)

Ғояти тақрирэтармен, йўса бўлмасмен малул,
Заҳри қотил илкиндин кўринур хушгувор (икки калима)

Бермади зўру шижоат бирла ганжи ишқ даст,
Саъй кўргузди нечаким Рустаму Исфандиёр (баъз)[166].

Абдурауф Фитрат ҳам қофияга таъриф берар экан, мисра охиридаги “бир хил турли сўз бўғинлари” қофиядош сўзларни ҳосил қилишини таъкидлайди. Мумтоз адабиётшуносликда вазн ва қофияси бўлмаган шеър шеър сифатида баҳоланмаслигини маълум қилган олим, байт ва маснавийнинг фарқли қофияланишига “Шайбонийнома” достони ва Бобур ғазалидан намуна келтирган ҳолда тушунтиради[167]. Фитрат гарчи адабий тур, жанр, вазн ва образлар тизими янгиланган бир даврда яшаган бўлса-да, адабиётшунослик назарияси, қофия илми тамойилларини мумтоз анъаналарга таянган ҳолда тақдим қилади.

Мумтоз поэтикага оид арабий, форсий ва туркий рисолаларнинг аксариятида мумтоз қофиянинг таркибий қисми сифатида радиф ва ҳожиб назарияси алоҳида тадқиққа тортилган.

Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Умар Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Фахри

[165] Бунда парвар сўзи тўлиқлигича, хокистар сўзи эса гоф, син, ро ҳарфларига қадар қофиядош сўз сифатида белгиланади.

[166] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 53.

[167] Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). - Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б. 17.

Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадое ул-афкор” рисолаларида радиф ва ҳожиб назариясига оид муносабатлар байтлар мисолида тушунтирилган.

Радиф. Радиф байт мисралари охиридаги такрорланувчи сўз бўлиб, оҳангдошликни таъминлаб берувчи асосий унсурдир. Атоуллоҳ Ҳусайний “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” асарининг 9-қисмида радиф ва ҳожиб тушунчаларини изоҳлайди[168]. Рашидиддин Ватвот “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарида мураддаф санъати шарҳида радиф, ридф ва ҳожиб тушунчаларининг фарқли хусусиятларини тушунтиради[169]. Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарининг 2-қисм 6-фаслида “Қофия ҳарфлари, ҳаракатлари ва радиф зикри форс олимлари наздида” сарлавҳаси остида радиф ва ҳожиб тушунчаси батафсил изоҳланган[170].

Рашидиддин Ватвот “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарида радиф ва ридф тушунчаларини қиёсий ўрганади. Радиф – форс адабиётида қофиядан кейин келувчи бир ёки бир неча сўздан иборат такрорланувчи қисм эканлигини қайд этади[171]. Рашидидин Ватвот араб адабиётида радиф мавжуд эмаслигини таъкидлаб, унинг қўлланиши форс адабиётига хос хусусият эганлигига ишора қилади. Араб адабиётида радиф шеърни мураккаблаштирувчи восита сифатида қаралиб, замонавий араб шеъриятида баъзи шоирлар ижодида учрашини айтади. Олим шу ўринда радиф ишлатилган байтга намуна сифатида Фахри Замахшарийнинг Хоразмшоҳ мадҳига бағишланган қитъасини келтиради. Рашидиддин Ватвот ушбу байтда Замахшарий ҳам форслар каби радиф ишлатганини айтади.

Ал-фадлу ҳассалаҳу <u>Алоу-д-Давлати</u>
Ва – л-мажду ассалаҳу <u>Алоу-д-Давлати.</u>[172]

---

[168] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.36

[169] Рашид ад-дин Ватват. Хада’иқ ас-сеҳр фи дақа’иқ аш-ши’р. Перевод с персидского и комментарий и факсимиле Н.Ю.Чалисова –М.: Наука, 1985. –С.164

[170] Насируддини Тўсий. Ми’йар ал-аш‘ор. / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Ҷалол. –Душанбе: Ориёно, 1992. -С.122

[171] Рашид ад-дин Ватват. Хада’иқ ас-сеҳр фи дақа’иқ аш-ши’р. Перевод с персидского и комментарий и факсимиле Н.Ю.Чалисова –М.: Наука, 1985. –С.164.

[172] Рашид ад-дин Ватват. Хада’иқ ас-сеҳр фи дақа’иқ аш-ши’р. Перевод с персидского и комментарий и факсимиле Н.Ю.Чалисова –М.: Наука, 1985. –С.164

Олим форс шеъриятида радиф ишлатилган байтлардан намуна сифатида ўз ижодига мурожаат этади.

Назом ҳоле замоне қавоме коре <u>жаҳон,</u>
Тамом гашт беиқболе шаҳриёре <u>жаҳон.</u>

Ватвот келтирган юқоридаги байтда яхлит бир сўз - *жаҳон* сўзи радиф вазифасини бажарган бўлса, намуна сифатида келтирилган кейинги байтда радиф ёрдамчи феъл билан ифодаланган:

Мо ро баҳоре эйш моҳанно <u>конад ҳами</u>
Асбобе сад нешот моҳаййо <u>конад ҳами.</u>[173]

Олим форс шеъриятида радиф муҳим аҳамиятга эга эканлиги, радифнинг ўз ўрнида, шеър моҳиятига мос танланиши ижодкор маҳоратидан дарак беришини таъкидлайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” рисоласида радифга атрофлича таъриф беради. Рисоланинг 9-махсус қисмида “Радиф ва ҳожиб” сарлавҳаси остида ўзининг радифга оид қарашларни тақдим этади. Олим радифга бир ёки бир нечта сўздан иборат бўлган асосий қофиядан кейин такрорланувчи мустақил сўз дея таъриф беради[174].Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг бу таърифи радифнинг мисрадаги ўрни, таркиби, шакли каби барча хусусиятларини қамраб олган. Олим радиф шеър моҳиятига мос танланмаса, катта камчилик эканлигига алоҳида эътибор қаратади.

Ё Раб, ту халосим зи ҳар исён *деҳ,*
Ташрифи либос раҳмати ғуфрон *деҳ.*
Най-найки муроди туст мақсуди дилам
Яъни ки ба ман ҳар чи ту хоҳий он *деҳ*.

“Рисола дар қофия”да келтирилган ушбу байтда *деҳ* сўзи радиф ва *исён – ғуфрон – он* сўзлари қофия саналади. Атоуллоҳ Ҳусайний радифга таъриф бериш баробарида Шамс Қайс Розий ва Носириддин Тусийнинг радиф борасидаги қарашларини ҳам келтиради. Носириддин Тусийнинг равийга уланган васлдан кейинги такрорланувчи қофия ҳарфлари радиф эканлиги хусусидаги фикрга ўзининг танқидий муносабатини билдиради.

---

[173] Рашид ад-дин Ватват. Хада’ик ас-сеҳр фи дақа’ик аш-ши’р. Перевод с персидского и комментарий и факсимиле Н.Ю.Чалисова –М.: Наука, 1985. –С.164

[174] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.66.

Атоуллоҳ Ҳусайний бу ҳолат “шеър усуллари”га кирмаслигини таъкидлайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний радифнинг қўлланиши зарурат эмаслиги, қўлланган радиф шеърда бошдан оёқ такрорланиши, шеър моҳияти ва вазнига тушиши кераклиги, радифига эга қофияли байт муқаффойи[175] мураддаф деб номланишига доир илмий-назарий қарашларини тақдим қилади.

Сапайда дам ки насими баҳор ***миояд,***
Нигоҳ кардам дидам ки ёр ***миояд.***

Зи баҳри фол зи мозий шудам ба мустақбил,
Ки бар аном чунин хушгувор ***миояд,***

Зиҳи расида ғояти ки пеш хотири ту,
Ҳама ниҳон сипеҳр ошкор ***миояд***[176]**.**

Воҳид Табризий “Жамъи мухтасар” асарида радифни қофия билан бир бутунликда тушуниш кераклигини айтади. Радиф – бир ёки бир неча сўздан иборат бўлиб, равийдан кейин келувчи, айнан шу шаклда барча мисранинг охирида такрорланувчи қисм[177].

Шамсиддин Қайс Розий “Ал-мўъжам” асарида қофия ва радифнинг қиёсий тадқиқини амалга оширади. “Қофия мисра охирида келиб, бошқа мисра ва байтлар сўнгида такрорланмаслиги керак. Агар бу сўз мисра охирида такрорланса, радиф саналади, қофия одатда радифдан олдин келади”[178]. Олим асарнинг яна бир ўрнида “*шакар дорад – қамар дорад*” қофиядош сўзларини изоҳлар экан, “*шакар - қамар”* сўзлари қофия бўлиб, *“дорад”* ёрдамчи сўзи радиф вазифасини бажарганини ва бу қофия мураддаф қофия сифатида номланишини таъкидлаган.

[175] Матлаъдан кейинги фақатгина жуфт мисралари қофияланувчи байт назарда тутилган.
[176] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.69.
[177] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.86
[178] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.172.

Рухи ту равнақи қамар дорад,
Лаби ту лаззати шакар дорад.[179]

Демак, олим радифни қофия билан узвийликда тушунтиради. Шеър мазмун-моҳиятига кўра радифга муҳтож бўлмаслиги кераклигини уқтиради.

Фахри Исфаҳоний "Меъёр ул-жамоли" асарида радифга алоҳида эътибор қаратилади. Олим радифни қофиядан алоҳида, мустақил бир ҳодиса сифатида баҳолайди. Радиф қофиядан айрилган алоҳида мустақил сўз бўлиб, байтлар охирида такрорланиши, шеър мазмун ва шакл жиҳатидан радифга муҳтожлигини таъкидлайди. Фахри Исфаҳоний фикрининг исботи сифатида икки рубоийни таҳлилга тортади.

Айём ба ками шайх Абу Исҳоқ аст,
Ажрам ба ками шайх Абу Исҳоқ аст.
Гу душман-и курбахти хунхўр ки фалак,
Мадам ба ками шайх Абу Исҳоқ аст. (121).

Эътибор берилса, Фахри Исфаҳоний радифнинг бир нечта сўздан иборат ёйиқ шакли акс этган рубоийни намуна сифатида келтирган. Фахри Исфаҳоний кейинги рубоийнинг изоҳида бутун мисра қофия ва радифдан иборат бўлиши, қофияга олинган сўз икки ҳарфдан (бир мутаҳаррик ва бир сокин) бўлиши мумкинлигини айтиб, намуна сифатида келтиради.

Йам гуфт ки ман ҳақ-и Абу Исҳоқам.
Жам гуфт ки ман ҳақ-и Абу Исҳоқам.
Хуршид ки аби руҳи ажрам аз у-ст,
Ҳам гуфт ки ман ҳақ-и Абу Исҳоқам.

Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам "Бадое ул-афкор" асарининг Хотима қисмида қофия ва қофияга оид тушунчалар ҳақида маълумот бериб, радифга таъриф беради. Олим радиф икки асосий: шеърнинг бадиийлигини ошириш ва ижодкор маҳоратини кўрсатиб бериш хусусиятларини санайди.[180]

---

[179] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: "Восточная литература" РАН, 1997. –С.81

[180] Камал ад-дин Хусайн Ва-из Кашифи. Бадаи-ал-афка- фи сан-и ал-ашъар (Новые мысли о поэтическом искусстве) Издание текста, предисловие, примечания и указатели Р.Мусульманкулова. – М.: Наука, 1977. –с. 28

Носириддин Тусий “Меъёр ул-ашъор” асарида араб ва форс адабиётидаги назарий қарашларни қиёсий ўрганади. Қофия илми тадқиқига бағишланган қисмда араб адабиёти ва форс адабиётидаги тафовутларни бирма-бир кўрсатиб беради. Тусий дастлаб радифнинг пайдо бўлиш тадрижига эътибор қаратади. Олим Шамс Қайс Розий сингари радиф араб адабиётида эмас, форс адабиётида пайдо бўлганига ишора қилади. Кейинчалик араб шоирлари форслардаги бу унсурни ўзлаштириб, шеърларида қўллай бошлаганларини таъкидлайди. Олим асарнинг “Дар ҳуруф ва ҳаракоти қавофи наздики порсигўён ва зикри радиф” қисмида равийдан кейинги ҳар қандай такрорланувчи ҳарфни радиф сифатида баҳолайди. “Ва чун маънии радиф рӯшан шуд, маълум шуд, ки он чи баъд аз равӣ ва васл ояд, агар як ҳарф бошад ва агар зиёдат, жумла аз ҳисоби радиф бувад”[181]. Айни ўринда олим васл ва радифнинг фарқлари хусусида тўхталади. Дастлаб равийдан кейинги ҳарфларни радиф эканлигини таъкидлаган олим, равийдан кейин келувчи васл ҳарфини қофия билан узвий боғлиқлигини, қофия таркибида бир сўз ҳолида бўлишини таъкидлайди. Васл ҳарфи шу хусусияти билан радифдан фарқ қилишини айтади.

Носириддин Тусий радифнинг ўрни ва такрор келиши унинг қатъий хусусиятларидан бири эканлигига алоҳида урғу беради. Радиф такрор келиши шарт, шеър таржима қилинганидагина радиф тушиб қолишини кечириш мумкинлигини таъкидлайди.

Юсуф Азизийнинг “Аруз” рисоласида ҳам радиф назарияси, қўлланиш ўрни, таркиби борасида маълумотлар келтирилган. Юсуф Азизий радифни икки маънода ишлатади. Биринчиси, қофиядан кейин келувчи таркорланувчи мустақил сўз. Иккинчиси эса, Носириддин Тусий айтганидек, равийдан кейинги такрорланувчи қисм. Шарқшунос олим Р.Мусульманқулов ҳам Юсуф Азизийнинг радиф борасидаги фикрлари Носириддин Тусий қарашлари билан жуда ўхшаш эканлигини қайд этади. Бунда араб ва ажам шоирлари равийнинг мутаҳаррик ва сокин ҳолда бўлиши муҳим

[181] Насируддини Тӯсий. Ми’йар ал-аш‘ор. / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Ҷалол. –Душанбе: Ориёно, 1992.. –С.122

эканлигини айтадилар. Агар равий сокин ҳолда бўлса, бундай ҳолатда равийдан кейинги ҳуруфнинг қофия билан боғлиқлиги қолмайди ва улар қофиядан ташқарида турувчи такрорланувчи ҳарфлар саналади. Шунинг учун ҳам улар радифнинг бир тури сифатида тақдим қилинади[182]. Бунда равий ва васлни улаб турувчи ҳаракат – мажронинг иштироки муҳим. Равий мутаҳаррик бўлса, демак, ундан кейинги ҳарфлар васл, хуруж, мазид, нойира шаклида қофия ҳарфлари сифатида тақсимланади[183].

Мумтоз поэтика илмига бағишланган муҳим манбалардан бири Нажотий Нишопурийнинг “Рисолаи пирўзий ва мақолаи наврўзий” рисоласида ҳам радиф назарияси батафсил ёритилган. Олим рисолада қофиясиз, аммо радифли шеър шакли ҳақида маълумот беради. “Форсларда яна бир шеър шакли бўлиб, уни жарада (харада, хасрада?) деб атайдилар. Бундай шеър шаклида қофия бўлмайди, бироқ мисралар сўнгида такрорланувчи радиф иштирок этади”. Нажотий замонавий форс шоирлари ижодида бундай шеър шакли учрамаслигини таъкидлаб, қофиясиз радиф такрорланган байт сифатида 4 байтдан иборат Саноийнинг шеъридан намуна келтиради. Р.Мусульманқулов Нажотий намуна сифатида келтирган бу байтдаги радифни алоҳида таҳлилга тортади[184].

Аруз ва қофия илми назариясига оид махсус рисола яратган Абдураҳмон Жомий “Рисолаи қофия” асарининг Муқаддима қисмида бир жумла билан радифга таъриф беради. “Радиф деб шундай калимани айтурларки, бу калима ҳамма байтлар охирида бир хил тарзда такрорланиб келсин”[185]. Жомий ҳам радиф ишлатилган қофия мурдаф қофия деб номланишига эътибор қаратади.

---

[182] *Бормудур – ёрмудур* қофиядош сўзларидаги “ро” ҳарфи сокин бўлиб, араб ва ажам олимлари *бор* ва *ёр* сўзига васлни улашнинг имкони йўқлигини айтиб, равийдан кейинги *“мудур”* такрорини радиф сифатида тақдим қиладилар.

[183] *Қаҳрим – меҳрим* қофиядош сўзлардаги “ро” ҳарфи равий сифатида олинса, равийдан сўнг васл билан уловчи восита қофия ҳаракати бор: касра, демак, “мим” ҳарфини васл сифатида беиш мумкин.

[184] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 95-116.

[185] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси. –Т.: Ўзбекистон Милий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2009. –Б.301

Демак, радиф тушунчаси мумтоз поэтикага оид рисолаларнинг деярли барчасида илми қофиянинг таркибий қисмларидан бири сифатида тадқиққа тортилган. Бу рисолаларда радиф тушунчаси билан параллел равишда ҳожиб тушунчаси, унинг ўзига хос хусусияти ҳақида ҳам етарлича маълумотлар келтирилган.

Ҳожиб. "Ҳожиб" сўзи "пардадор, беркитувчи" деган маънони англатади. Ҳожиб мумтоз қофиянинг муҳим унсурларидан бири бўлиб, радиф сингари такрор асосига қурилади. Бироқ бу такрор радифдан фарқли ўлароқ, қофиядан олдин жойлашади. "Меъёр ул-ашъор" муаллифи Носириддин Тусий ҳожибни *"кард ёд, кард шод"* сўзлари мисолида тушунтиради. Ушбу сўзлардаги "*ёд - шод*" сўзлари қофиядош сўзлар саналса, қофиядан олдинги такрорланувчи "*кард"* сўзи ҳожиб саналади[186].

Рашидиддин Ватвот "Ҳадойиқ ус-сеҳр" асарида радиф такрорланиш хусусияти билан ҳожибга ўхшашини, фақат ҳожиб қофиядан олдин жойлашишини таъкидлайди:

Эй шаҳи замин бар осмон дори тахт,
Суст – аст адув то камон дори сахт.
Ҳамлаи сабок ори-у гиран дори рахт.
Пири то бедонишо жавон дори бахт.

Олим ҳожиб қўлланган байт бир қанча олимлар томонидан *маҳжуб* байт номи билан аталишига ишора қилади[187].

Воҳид Табризий "Жамъи мухтасар" асарида ҳожибни радифнинг шакли сифатида таништиради. Бироқ у ҳожиб равийдан олдин такрорланиб келишини, бундай шеър *маҳжуб шеър* деб номланишини таъкидлайди. Воҳид Табризий асарида бир неча маротаба Шамсиддин Қайс Розийнинг "Ал-мўъжам" асарига мурожаат этади. Шамс Қайс Розийнинг ҳожиб ҳақидаги қарашларини тақдим қилган ҳолда ўз муносабатларини билдиради[188].

---

[186] Насируддини Тўсий. Ми'йар ал-аш'ор. / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Ҷалол. –Душанбе: Ориёно, 1992. –С.123

[187] Рашид ад-дин Ватват. Хада'иқ ас-сеҳр фи дақа'иқ аш-ши'р. Перевод с персидского и комментарий и факсимиле Н.Ю.Чалисова –М.: Наука, 1985.

[188] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.139.

Атоуллоҳ Ҳусайний “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” асарида ҳожиб икки қофия ўртасида келиши кераклигини айтади. Фахри Исфаҳоний ҳам икки қофия ўртасидаги такрорланувчи сўз ҳожиб эканлигига урғу беради. Демакки, ҳожиб ишлатилган байтлар ички қофияга асосланадиган санъат турларини юзага келтиради. Атоуллоҳ Ҳусайний ҳожибнинг қўлланиши мажбурият бўлмай, у ижодкор ихтиёрига боғлиқ эканлигини айтади[189].

Ей шоҳ, бар осмон ***дори*** тахт,
Суст аст аду то ту камон ***дори*** сахт.
Ҳамла-и сабук оре гирон ***дори*** рахт,
Пири ту ба тадбир-у жавон ***дори*** бахт.

Атоуллоҳ Ҳусайний келтирган ушбу рубоийда ҳожиб(*дори*) икки: асосий ва ички қофия ўртасида келган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қофия таърифи, қофиянинг асосий хусусиятлари, қонуниятлари рисолаларда қатъий қоидалар асосида ишлаб чиқилган. Радиф ва ҳожиб қофия билан ёнма-ён келгани боис қофиянинг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилган. Гарчи рисолаларда қофия, радиф ва ҳожиб қонуниятлари муаллифларнинг ўзига ҳос услуби, ёндашуви асосида тушунтирилса-да, барча қарашларда умумийлик кўзга ташланади.

2.2. Қофия ҳарфларига оид қарашларнинг қиёсий таҳлили

Мумтоз қофия илмида қофия таркиби қофия турларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Қофиянинг таркибий қисми қофиядош сўз мукаммалигини таъминлаб берувчи асосий унсурлардан биридир. Араб шоирлари қофия асосида 6 ҳуруф, 6 ҳаракат бўлишини таъкидлайдилар. Улардан ҳуруфи таъсис, дахил, ридф, равий, васл, хуруж кабилар қофия ҳарфлари бўлса, итлоқ, хазв, расс, ишбоъ, тавжиҳ, нафоз кабилар қофия ҳаракатлари (унлилар) сифатида келтирилади. Ажам олимлари эса араб олимларидан фарқли ўлароқ ҳуруфи қофияни 9 тага етказадилар. Мумтоз қофияга оид манбаларда қофиянинг 9 ҳарф ва олти ҳаракатдан иборат бўлиши айтилади. Қофия

[189] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393.

ҳарфлари сифатида таъсис (1), дахил (2), ридф (3), қайд (4), равий (5), васл (6), хуруж (7), мазид (8), нойира (9) келтирилади.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий қофиянинг 4 ҳарфига таъриф беради: равий, хуруж, ридф, таъсис[190]. Бу ҳарфларнинг 3 таси асос таркибида, биттаси асосдан кейин жойлашади. Қайс Розий қофиянинг 9 ҳарфини алоҳида сарлавҳалар остида изоҳлайди[191]. Носириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" асарининг 2-фасли ҳаракат ва ҳарфларнинг қофиядаги ўрни ҳақида бўлиб, Носириддин Тусий дастлабки маълумотларни араб адабиёти мисолида тушунтиради. Унга кўра араб шеършунослигида қофия ҳуруфи - 6 та: равий, равийдан олдин келувчи 3 ҳарф: таъсис, дахил, ридф; равийдан кейин келувчи 2 ҳарф: васл ва хуруж мавжуд[192]. Олим "Дар баёни ҳуруф ва ҳаракоте, ки ажзои қофия бошад" ва "Дар аҳкоми ин ҳуруф ва ҳаракот" сарлавҳаси остида араб шеъриятидаги қофия ҳарфлари хусусида тўхталса, "Дар ҳуруф ва ҳаракоти қавофи наздики порсигўён ва зикри радиф" сарлавҳали қисмда форс шеъриятида қофия ҳарфлари ва ҳаракатларини тадқиққа тортади[193]. Аҳмад Тарозий қофия ҳуруфига муносабат билдиришда ажам олимлари таснифига таянади. Олим қофия ҳарфларига шарҳ берар экан, шарҳни равийдан бошлайди[194]. Бироқ Аҳмад Тарозий "Фунун ул-балоға"да қофия ҳарфларига бағишланган "Фасл"нинг сўнгида "устодлар бу тўққуз ҳуруфдин бошқа равийдин ё ридфдин ё таъсисдин бурун бир ҳарфни илтизом қилган"ликларини айтади. Бу ҳар фаслида қофиядош сўзларда оҳангдошликни юзага келтирмаса ҳам, олим айтмоқчи "лузум мо ло йалзум" қиладилар.

Сарв десам қаддини, сарв узра ким кўрди самар,
Қаддиға қуллуқ учун боғлади белга не камар.

---

[190] Абу Абдуллоҳ Хоразмий. Мафотиҳ ул-улум // Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "Мафотиҳ ул-улум" асарида поэтика. –Т., 2001. – Б.37.

[191] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: "Восточная литература" РАН, 1997. –С.83-144

[192] Носир ад-Дин Туси. Ми'йар ал-аш'ор. — Теҳрон, 1325. – Б. 110.

[193] Носир ад-Дин Туси. Ми'йар ал-аш'ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 110-115.

[194] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 60.

Зулф ичинда кўргали юзунгни бурур меҳр ила,
Ҳар кеча то субҳ эшикинда асос янглиғ қамар.

Байтдаги қофиядош *самар – камар – қамар* сўзларидаги “ро” ҳарфи равий бўлса, “мим” ҳарфи илтизом қилинган ҳарф саналади. Қолган байтларда “мим” ҳарфи келтирилмаса ҳам, яъни *гузар – зарар* сўзлари ҳам юқоридаги қофиядош сўзларга қофиядош сифатида олинади. Ёки

Хайли бахман расиду ботил кард,
Тоби хуршиду қуввати гармо.
Обро тахтабанд кард завол,
Шоҳҳо кард жомҳо яғмо.

Ушбу байтдаги *гармо – яғмо* сўзларидаги алиф (о) равий бўлиб, “мим” илтизом қилинган ҳарфдир. “Мим” келтирилмаса ҳам, *пайдо – дарё – анқо* сўзлари юқоридаги сўзлар билан ўзаро қофиядош бўлиши мумкин. Аҳмад Тарозий бу ҳолатни араб шуаросида эънот дейилишини айтади. Мумтоз поэтика илмига оид рисолаларда айни хусусиятга эга қофиядош сўзларнинг келиши эънот санъати сифатида келтирилади[195].

Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли” асарида қофиянинг 9 ҳарфи таърифи анча кенг ва мукаммал келтирилади[196]. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарининг 3-фасли қофия ҳарфлари (ҳуруфи қофия)га бағишланган бўлиб, Жомий қофиянинг 9 ҳарфини шеър шаклида тушунтиради.

Равий-у ридф-у дилгар қайд-у баъд аз он таъсис,
Дахил-у васл-у хуруж-у мазид-у ноира дон.
Яъники Равий-у, ридф-у, яна қайд ундан сўнгра таъсис,
Дахил-у васл-у хуруж-у мазид-у ноирадир бил[197].

Воҳид Табризий қофия ҳарфлари ва ҳаракатларини “Қофия ҳарфлари рўйхати” сарлавҳаси остида изоҳлайди. Бу қисмда қофия ҳарф ва ҳаракатларининг назарий асослари келтирилади,

---

[195] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. // Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.

[196] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.8-9.

[197] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси. –Т.: Ўзбекистон Милий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2009. –Б.302.

қофиядош сўзлар асосида тушунтирилади. “Қофия ҳарфлари ва ҳаракатларини тушунтириш учун мисоллар” сарлавҳаси остида эса қофия таркибидаги ҳуруф ва ҳаракатлар байтлар мисолида изоҳланади[198].

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарининг 2-қисми қофия ҳарфларига бағишланган. Олим бошқа рисолаларда келтирилгани каби қофия ҳарфларининг 9 тасини изоҳлайди. Қофия ҳарфлари сони борасида Носириддин Тусий билан мунозарага киришади. Маълумки, Тусий қофия ҳарфларини 5 та эканлигини таъкидлайди: равий, ридф, бирлик равий, мазоъаф, васл, хуруж. Атоуллоҳ Ҳусайний Тусийнинг бу муносабати форс-тожик адабиётигагина тегишли эканлигини айтади.

Рисолаларнинг аксариятида қофия ҳарф ва ҳаракатларининг номи махсус шеър шаклига солинган ҳолда тақдим қилинади. Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам қофиянинг 9 ҳарфи номи ва ўрни келтирилган шеър келтиради.

Қофия дар асл як раф аст ҳашт-у ро табаъ,
Чор пеш-у, чор пас, чун нуқтаи онҳо доира.
Ҳарф таъсис-у дахил-у ридф-у қайд онга равий,
Баъд аз он васл-у хуруж аст ва мазид-у ноира[199].

Равий. Равий қофия таркибидаги тиргак товуш бўлиб, қофиядош сўзларни улаб турувчи асосий ҳарфдир. Қофия ҳарфларининг 4 таси равийдан олдин, тўрттаси равийдан кейин жойлашади. Манбаларнинг аксариятида қофия ҳарфлари орасида равий биринчилардан бўлиб, изоҳланади. Абу Абдуллоҳ Хоразмий “равий қасида қофияси тузиладиган ҳарф, шоирнинг “фамуқамуҳа” сўзидаги мим ҳарфидир” деб изоҳлайди. Демак, Хоразмий қофияли сўзни тузадиган асосий ҳарф сифатида равийни кўрсатади.

Шамсиддин Қайс Розий қофия ҳарфлари орасидан равий ҳарфи таърифи ва қофиядош сўз таркибида қўлланиш ўринлари, тартиби борасида тўлиқ ва кенг маълмуотни тақдим

[198] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.78-86

[199] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.35

қилади. Равий қофия асосидаги энг охирги ҳарф бўлиб, “арқон” сингари туяларни (қофиядош сўзларни) бир-бирига боғлайди[200].

Эй наргис, бар хумор ту *маст*.

Мисрадаги *маст* сўзи қофиядош сўз сифатида келтирилиб, “то” (т) ҳарфи равий саналади. Қайс Розий сўз охиридаги ҳар қандай товуш – ҳарф ҳам равий бўлолмаслигини таъкидлайди. Масалан, “ҳойи ҳавваз” (ه) ҳарфи خند ه – ханда (кулги), گریه - гиря (йиғламоқ), نامه – нома сўзларида *ҳ* ҳарфини эмас, ҳаракатдаги а унлисини ифодалагани учун ҳам равий бўла олмайди. Аксинча кейинчалик асоси таркибига бириккан (ясалиш қонунияти асосида) сўзлардаги ҳарфлар асос билан бир бутунлик ҳосил қилгани учун равий ҳарфи сифатида қабул қилинади. Масалан, رنجور *ранжур,* مزدور *– маздур* сўзларидаги *р* ундоши, دانا *– доно,* بینا *– бийно* сўзларидаги о (алиф), دانشمند *– донишманд* ва خداوند *худованд* сўзларидаги дол (д) ҳарфи равий сифатида олинади[201]. Қайс Розий “Ал-мўъжам”да асос сўнгида кела оладиган форс ҳарфларини алифбо тартибида кетма-кет тақдим қилади. Олим бу тартибни ҳарфларнинг асосга қай тарзда қўшилиши ва ўрни, қандай маъно англатишини бирма-бир бериб ўтади. Агар шундай қилинса, мисра охиридаги ҳарф нима мақсадда қўшилганини билиш, равий сифатида қабул қилиниш-қилинмаслигида адашилмаслик мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, алиф (ا) ҳарфи ҳақида тўхталганда, бу ҳарф сўзлар охирида мурожаат, эътибор (1) мазмунини: خداوندا *– Худовандо,* شاها *– шоҳо;* тақсимлаш (2) мазмунини: اورا *– уро (унга),* شمارا *– шуморо* (сизга); кўплик (3) маъносини ифодалайди: زرها *– зарҳо (олтинлар),* گوهرها *– гувҳарҳо(гавҳарлар).*

Равийнинг ўрни қатъий, у, албатта, сўзнинг охирида жойлашиши керак. Ҳар қандай шеърий шаклда қофия борми, демак, равий бор. *Зарб – салб* сўзлари қофиядош сўзлар саналса, уларни ушлаб турувчи бирламчи ҳарф “*бо”* ҳарфи равий саналади. Ёки *жумал – Зуҳал* сўзлари ўзаро қофиядош сўзлар

---

[200] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам.Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.83.

[201] Ўша манба. 84.

сифатида келтирилса, улардаги охирги тиргак товуш сифатида “*лом”* ҳарфи равий вазифасини бажарган[202].

Қофиядош сўзда равий бўлмаса, сўзнинг маъноси бўлмайди[203].

Ҳар ки жўяд нишони фазлу карам,
Ҳар ки дорад умри молу наъам,
Лавҳи наъби замири нақш кунанд
Муддао соний шоҳу ажам[204].

Мисралардаги қофиядош сўзлар сифатида *карам, наъам, ажам* сўзлари иштирок этган бўлиб, “мим” (м) ҳарфи равий саналади. Асосий оҳангдошликни ҳосил қилиб турган “мим” ҳарфи бўлмаса, табиийки, сўз маъносини йўқотади. Н.Тусий равийни икки гуруҳга бўлади: 1. Равийи муфрад, яъни оддий (якка) равий. 2. Равийи музоъаф, яъни мураккаб равий[205]. Равий бир сўздан иборат бўлса, оддий равий сифатида баҳоланади: ردا - *ридо* - خدا *Худо* сўзларидаги о (“алиф”). Равийнинг музоъаф шакли икки ҳарфдан иборат бўлиши айтилади. Носириддин Тусий икки ҳарфдан иборат равийни мурдаф қофия дейилишини таъкидлайди. Равийи музоъаф маъдудли ҳарфдан иборат бўлиши кераклиги айтилади. Демак, Тусий сукунли ҳолатдаги ридф ва қофиядош сўз сўнгидаги(асос) ҳарфни биргаликда равий сифатида олинишига ишора қиляпти.

Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида ҳам дастлабки шарҳ равийдан бошланади[206]. Қофия ҳарфлари орасида равий қофия таркибидаги доимий учрайдиган ҳарфдир. Қолган ҳуруф қофия таркибида баъзан учраши, баъзан учрамаслиги мумкин. Аҳмад Тарозий равийдан бошқа ҳуруф қофиядан “гузир”(ташқарида) эканлигини таъкидлайди[207]. Олим таъкидлаганидек, “қофиянинг асли равий”дир. Аҳмад

[202] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 110.

[203] Шамсиддин Қайс Розий ва Воҳид Табризий ҳам айнан шу таърифни келтиради.

[204] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.8-9.

[205] Атоуллоҳ Ҳусайний Тусийнинг бу фикрига қўшилмайди. Чунки равий ўзгармас, бир ҳарфдан иборат бўлиши кераклигини айтиб, барча қофиядош сўзларда бравий битта бўлишига ишора қилади.

[206] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 60.

[207] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 60.

Тарозий равий қофия таркибида келувчи, ўзаро бир хил товуш эканлигини таъкидлаб, *санам* ва *манам* сўзларини намуна сифатида келтиради. *Санам* ва *манам* сўзларидаги “мим” (м ҳарфи) рафий саналади. Равий мисра охирида баъзан сокин, баъзан мутаҳаррик(ҳаракатли) тарзда бўлади. Аҳмад Тарозий равийнинг бу икки шаклига алоҳида мисол келтириб, қофия турларини белгилаб беради. Агар равий сокин бўлса, муқаййад, агар равий мутаҳаррик бўлса, мутлақ қофия сифатида баҳоланади.

Суйулур кўрса лабларингни шакар,
Рашк олур кўрса ой юзунгни қамар.

Ушбу байтда қофия сифатида *шакар - қамар* сўзлари келтирилади. Қофиядош сўзлардаги равий “ро” (р ҳарфи) ҳарфидир. Қофиядош сўзлар равий (р) билан тугаган, демак, бундай қофия муқайяд қофия сифатида баҳоланади. Айни шу ўринда Аҳмад Тарозий Хожа Камолдан бир байт келтиради. Бу байтдаги қофиядош сўзларнинг охири сукунли равий билан тугаган, шу боис ҳам бундай қофия муқайяд (кишанли) қофия сифатида тушунтирилади.

Ман талаб кардам висолат рўзу шаб,
Ёфтам ийнак ба ҳукми ман талаб.

Аҳмад Тарозий мутаҳаррик равий билан тугаган қофияга қуйидаги байтни намуна сифатида келтиради.

Эй лабингдин хижил Миср шакари
Кўрса сени нетар фалак қамари

Ушбу байтдаги *шакар -қамар* сўзларидаги “ро” ҳарфи равий сифатида баҳоланади. Айни қофияда “ро” ҳарфи касра - и ҳаракати билан бирга келгани боис бундай қофия мутлақ қофия саналади. Бундай қофия турига намуна сифатида Мавлоно Умид Камолийнинг

Зулфи нигор гуфтки, ман аз қир чанбарам,
Шаби сурати шибҳи сифат мушк пайкарам.

мисраларини келтиради. Байтдаги *чанбарам - пайкарам* қофиядош сўзларидаги “ро” ҳарфи равий саналса, равий мутаҳаррик тарзда келган. Демак, олим қофия турини белгилашда равийнинг ўрни катта эканлигини кўрсатиб беради.

Жомий ҳам равийни сўз асосидаги сўнгги ҳарф сифатида баҳолаб, “лом” (л) ҳарфи равий бўлиб келган байтни намуна сифатида келтиради.

Дар азал нақши ту бар тахтаи гул дидаи дил,
Диду нои дили бечора фурӯ рафт ба гил.

Юсуф Азизий равийга “қофия таркибидаги асосий ҳарф, қофиясиз шеър бўлмаганидек, равийсиз қофия ҳам бўлмайди. Қофиянинг бошқа ҳарфларидан фарқли ўлароқ равий қофия таркибида бўлиши шарт” деб таъриф беради[208].

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарида равийга кенг ва атрофлича таъриф берилади. “Равий – бир-бирига ўхшаш (оҳангдош) сўзлар асосидаги энг охирги ўхшаш ҳарф бўлиб, шоир шу ҳарфнинг сифатига қараб қофияни юзага келтиради, қофия аниқланади”. Ҳусайний *равий* сўзининг этимологиясига тўхталади[209]. Олим Шамсиддин Қайс Розий сингари равийнинг бир қанча ҳолатларини тақдим қилади. Айнан асос таркибида келувчи равий сифатида *фарёдам – озодам* сўзларидаги “дол” (д) ҳарфини кўрсатади. Равийнинг кейинги ҳолати равий вазифасини бажарувчи бир қанча ҳарфлар туркумининг келиши билан изоҳланади. Бу ҳарфлар бирикма тарзда асос таркибида яхлитланиши, унинг бир қисми вазифасида келиши тушунтиралади. Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам Қайс Розий келтирган сўзларни намуна тарзида келтиради: *ранжур,* رنجور *– маздур* مزدور сўзларидаги “ро” ундоши, *доно,* دانا *– бийно* بینا сўзларидаги о (алиф), *донишманд ва хазованд* دانشمند *–* خداوند сўзларидаги “дол” (д) ҳарфи.

Баъзан шоирлар ҳарфларни қофияни таъминлаш мақсади билан расман равий сифатида тақдим этадилар. *Ҳам, марҳам, ғам, занам* сўзларидаги “мим” ҳарфи равий сифатида олинган. Аслида *занам* сўзидаги “мим” бошқа сўзлар билан қофиядош қилиш мақсади билан келтирилган.

---

[208] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 99.

[209] Равий сўзи “рива” сўзидан ясалган бўлиб,боғлаш учун ишлатиладиган “арқон” маъносини англатади.

Таъсис. Мумтоз поэтикага оид рисолаларнинг аксариятида таъсис “алиф” (о) ҳарфи билан ифодаланиши айтилади[210]. Таъсис равийдан олдин келувчи ҳарф саналади. Равийдан олдинги бир мутаҳаррик ҳарфдан олдинги о унлиси (алиф) таъсис ҳарфи сифатида келтирилади. Масалан, *мо̲ҳир – зо̲ҳир, о̲шиқ – мувофиқ, ро̲ҳат – ғорат* сўзларидаги о унлиси таъсис саналади. Абу Абдуллоҳ Хоразмий таъсисни *фаъал* сўзидаги “алиф” эканлигини айтади[211]. Қайс Розий таъсис ҳарфи қофиянинг асоси эканлигини таъкидлайди. *Таъсис* сўзининг моҳияти ҳам “асос” деган маънони англатади. Таъсис қофиянинг чегараси саналади. Таъсисдан олдин жойлашувчи ҳарфлар қофия билан алоқа қилмайди. Яъни энг охирги уланиш сифатида таъсис ҳарфи оҳангни (қофия) юзага келтиради. Фахри Исфаҳоний ҳам таъсисдан олдинги ҳуруф равий билан, қофия билан алоқа қилмаслигини айтади[212]. Демакки, оҳангдорликни таъминлаб берувчи энг охирги чегара сифатида таъсис ҳарфи белгиланади.

Қайс Розий жуда кўп ажам (форс) шоирлари таъсис ҳарфини билмасликларини, қофияда унинг иштироки муҳим эмас деб ҳисоблашларини таъкидлайди[213]. Бироқ Абдураҳмон Жомий “Рисолаи қофия” асарида “ажам шуароси араб шуаросига хилоф равишда таъсисни нафақат зарур, балки таҳсинга сазовор ҳисоблаш”ини айтади[214].

Фалак дар соя бар ҳаво̲сил,
Замин ро бар тўти кард ҳо̲сил. *Абул Фарож Руни*.[215].

Берилган байтдаги қофиядош сўзлар таркибидаги таъсис тўлиқ қўлланган, оҳангдошликни ҳосил қилишда асосий

---

[210] “Ал-Мўъжам”, “Меъёр ул-ашъор”, “Меъёр ул-жамоли”, “Рисолаи қофия”, Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарида таъсис сифатида алиф ҳарфи келиши айтилади.

[211] Айн ҳарфидан олдинги алиф назарда тутилган.

[212] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.62

[213] Носириддин Тусий ва Фахри Исфаҳоний ҳам ажам шоири таъсисга эътибор қилмасликларини айтадилар.

[214] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.304.

[215] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.138.

вазифани бажарган. Асарда кейинги намуналар сифатида ажам шоирларининг таъсисга у қадар эътиборли эмасликлари акс этган байтлар келтирилади.

Ки ро дони ту андар кули олам,
Жину фарзонайи мақбули муқбил.

Фахри Исфаҳоний ҳам *оқил, ғофил, муқбил* сўзлари қофиядош сўз сифатида келтирилган байтларни таҳлилга тортади. *Оқил, ғофил* сўзларидаги таъсиснинг ўрни ва қўлланиши аниқ, бироқ бу сўзларга қофиядош сўз сифатида келтирилган *муқбил* сўзида таъсис мавжуд эмас. Исфаҳоний "баъзан лозим бўлмаса ҳам, лозим кўрилади" *(лузум ма ла ялзам)* шаклида *муқбил* сўзини қофиядош сўз сифатида келтирилганини айтади. Демак, агар шоир шу сўзни қофиядош сўз сифатида келтиришни лозим кўрса, келтираверади.

Бу жуз мадҳу саное шоҳе одил,
Сухан ҳаргиз нагўяд марди оқил.
Агар олам мусаххар кард нашгуфт,
Кил алҳақ ҳам жавонбахт аст муқбил.

Воҳид Табризий ҳам таъсис сифатида келтириладиган бу икки ҳолатга алоҳида муносабат билдиради[216]. *Оқил* ва *жоҳил* сўзлари қофиядош сўз саналса, о (алиф) ҳарфи таъсисдир. Араб адабиёти назариясига кўра *оқил – жоҳил* сўзларига қофиядош сўз сифатида *муқбил* ва *мушкил* сўзлари келтирилса, бу хато ҳисобланади. Матлаъда о (алиф) ҳарфи таъсис сифатида келтирилса, шеърда бошдан оёқ шу қофиядошликка риоя қилиниши шарт. Ажам шеъриятида эса бу хатолик саналмайди[217]. Фахри Исфаҳоний таъсис ва дахилнинг мавжудлиги шеърга зийнат бағишлашини айтади.

Заҳи дийдори ту фоле саодат,
Ту ро ме зибат ойине саёдат[218].

[216] Вахид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.79.

[217] Оқил ва жоҳил сўзлари билан муқбил ва мушкил сўзлари шеър мисраларида қофиядош сўз сифатида ишлатилаверади.

[218] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с 57.

Келтирилган байтдаги “те” ҳарфи равий саналса, “дол” ҳаракатли ундоши дахил бўлиб, дахилдан олдинги о (алиф) таъсисдир.

Носириддин Тусий ҳам равийдан олдинги бир мутаҳаррик ҳарфдан олдинги алифни таъсис эканлигини таъкидлайди. Намуна тарзида *ҳомил – жоҳил* сўзларини келтиради. Демак, “лом” равий бўлса, бир мутҳаррик ҳарф сифатида “мим” ва “ҳе” ҳарфи дахил, о (алиф) таъсис саналади[219].

“Фунун ул-балоға” муаллифи Аҳмад Тарозий таъсисга “тўққуз ҳуруфнинг оғози” дея таъриф беради. “Фунун ул-балоға”да қофия ҳарфлари тартиби бошқа рисолаларга нисбатан фарқли. Мавжуд арабий, форсий рисолаларда равийдан кейинги қофия ҳарфи сифатида таъсис изоҳланса, Аҳмад Тарозий таъсисни қофия ҳарфларининг сўнгиси сифатида келтиради. Олим алифдан бошқа ҳарф таъсис бўла олмаслигини таъкидлаб, *олим – ҳоким* сўзлари мисолида тушунтиради.

Чун сенда бор, эй ҳур, ченин шаклу шамойил,
Валлоҳки, пари кўрса бўлур жон била мойил.

Ушбу байтдаги о унлиси (алиф) таъсис бўлса, “йо” (й) ҳарфи дахил, “лом” (л) ҳарфи равий саналади. Тарозий таъсиснинг икки турини келтиради: 1. Муттасил 2. Мунфасил. Таъсиснинг муттасил турида “алиф” бир сўз таркибида келади, яъни *оқил* сўзидаги о унлиси каби. Таъсиснинг мунфасил турида “алиф” икки сўз таркибида келади: *дарёдил* сўзидаги о унлиси каби.

Араб ва ажам шоирлари ўртасида таъсисга муносабат турлича бўлиб, араб шоирлари ғазал қофиясида таъсиснинг муттасил турини ишлатишса, бошдан охир шу қофия тизимига амал қиладилар. Агар таъсиснинг мунфасил туридан фойдаланишса, бу қоида қатъий эмас, яъни таъсиснинг муттасил ва мунфасил турлари қофиядош сўз таркибида келишига рухсат бор. Бироқ форс шоирлари таъсис ҳарфига у қадар эътибор бермаганликлари боис бу хоҳ муттасил, хоҳ мунфасил бўлсин, унинг иштирокига тўлиқ амал қилмаганлар.

[219] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 110.

Бироқ “асар муссаҳонинг иттифоқида таъсиснинг аъмоли шарт” бўлиши керак. Чунки чиндан таъсис шеърга зийнат беради. Аҳмад Тарозий қофиядош сўзлар таркибида қофия ҳарфларининг ўзаро бирикиб кела олиш имкониятини кўрсатиш мақсадида махсус қисм тартиб берган. “Фасл” сарлавҳаси остида келтирилган бу қисмда таъсиснинг бошқа ҳарфлар билан бирика олишини кўрсатиб берган:

1. Таъсис, дахил, қайд, ва равий: *монанд – хишованд.*

Келтирилган қофиядош сўзларда қайд, таъсис, дахил ҳарфларининг хусусиятлари бузилмаган. Яъни равийдан олдин турувчи сукунли ҳарф – қайд, бир мутаҳаррик ҳарф – дахил, мутаҳаррик ҳарфдан олдинги “алиф” (о) – таъсис. Бироқ таъсис қоидасига кўра бир мутаҳаррик ҳарф равийдан олдин туриши керак. Улар орасида сукунли ундошнинг иштироки манбаларда келтирилмаган. “Фунун ул-балоға” муаллифи қофиянинг чегараси сифатида таъсис белгилангани боис таъсисга қадар бўлган жараённи таҳлилга тортган.

2. Таъсис, дахил, ридф, равий: *ҳомун – қонун.*

Ҳомун – қонун қофиядош сўзлардаги “нун” – равий, “вов” (у) – ридф, ҳаракатли “мим” – дахил, “алиф” (о) – таъсис.

3. Таъсис, дахил, ридф, қайд, равий: *омухт – восухт*[220].

Аҳмад Тарозий қофиядош сўзлар сифатида келтирган *омухт - восухт* сўзларидаги “те” ҳарфи – равий, “хе” ҳарфи – қайд, “вов” (чўзиқ у унлиси) – ридф, ҳаракатли “син” – дахил, “алиф” (о унлиси) – таъсис саналади.

Абдураҳмон Жомий ҳам “алиф” ҳарфи таъсис саналишини таъсис ва равий ўртасида бир мутаҳаррик ҳарф восита бўлишини таъкидлайди.

Эй он ки лоф мезанй з дил, ки ошиқ аст.
Тўбй лак, ар забони ту бо дил мувофиқ аст.

Камол Исфаҳоний[221].

---

[220] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 70.

[221] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.304.

Мисрадаги *ошиқ – мувофиқ* сўзларидаги о (алиф) таъсис саналади.

Атоуллоҳ Ҳусайний келтирган таъриф ҳам бошқа рисола муаллифлари таърифи билан айнан: мутаҳаррик ҳарф таъсис ва равий ўртасида восита бўлади, асосан “алиф” – о унлиси таъсис вазифасини бажара олади.

Надорам давр аз он хуршеди хо̲вар,
Бажуз хили хиёлаш ёр-у йо̲вар[222].

Дахил. Қофия ҳарфлари орасида дахил таъсис ҳарфи билан узвий боғлиқ саналади. Табиийки, дахил ҳам равийдан олдин келувчи ҳарф саналади. Дахил “киритилган” деган маънони англатиб, икки мажбурий ҳарф: равий ва таъсис ўртасида келади. Шамс Қайс Розий ва Атоуллоҳ Ҳусайний бу ҳарфни икки ҳарф ўртасида “ёпиб қўйилгани” учун ҳарфи *хайил* сифатида ҳам номлашади. Дахил таъсис билан боғлиқ бўлгани учун ҳам Абу Абдуллоҳ Хоразмий бу ҳарфни алоҳида изоҳлаб ўтирмаган. “Ички ҳарф”[223] сифатида баҳоланган дахил таъсис билан бирга келади[224]. *Оқил* ва *жоҳил* сўзларидаги таъсис (о – “алиф”) ва равий (“лом”) ўртасидаги бир ҳаракатли ҳарф (“қоф” ва “ҳе”) дахил саналади. Қофиядош сўзлардаги дахил ўзаро бир хил ҳарф бўлиши шарт эмас[225]. Бироқ дахил ҳарфининг бир хил ҳарф ҳолати қофия мукаммаллигини таъминлаб беради. Дахил ҳарфининг иштироки шеър оҳангдорлигини таъминлаб беради[226]. Носириддин Тусий дахилни таъсис билан бир бутунликда тушунтиради. Таъсис сифатида келтирган *ҳомил* ва *жоҳил* сўзларидаги “мим” ва “ҳе” ҳарфларини дахил сифатида

---

[222] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.48.

[223] Н.Ю.Чалисова дахилга “ички ҳарф” деб таъриф беради. Қаранг: Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.374.

[224] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 101.

[225] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.139.

[226] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.63.// Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393.-С.

изоҳлайди[227]. “Фунун ул-балоға”да ҳам дахилнинг ўзаро ҳар хил ҳарф шаклида бўлиши айтилади.

Эй бўлди сенинг шаънинга ҳусн ояти нозил,
Йўқтур париву ҳурда бу шаклу шамойил.

Мисралардаги қофиядош *нозил – шамойил* сўзларидаги “зе” (з) ва “йо” (й) ҳарфлари дахил саналади.

Эй зоти ту бо зуҳури олам,
Чун хилқати Мустафову Одам[228].

Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарида дахилга қисқа таъриф берилган. Таъсис ва равий ўртасида “воқиъ бўлган” бир мутаҳаррик ҳарф дахил эканлиги таъсис изоҳида келтирилган байт асосида тушунтирилган[229]. Демак, *ошиқ* ва *мувофиқ* сўзларидаги “шин” ва “фе” ҳарфлари дахил саналади. Воҳид Табризий ҳам дахилни таъсис таърифида изоҳлаб ўтади. *Оқил* ва *жоҳил* сўзларидаги “қоф” ва “ҳе” ҳарфлари дахил эканлигини таъкидлайди[230].

Атоуллоҳ Ҳусайний дахил ўзаро бир хил – такрор бўлиши ажам шоирлари томонидан қабул қилинмаганини айтади[231].

Қайд. Қофия ҳарфлари орасида қайд равийдан олдин келадиган ҳарфлар сирасига киради. “Кишанланган” деган маънони англатувчи қайд ҳарфи рисолаларда ундош ҳарф шаклида бўлиши айтилади. Бошқа ҳарфлар ўзгарса ҳам, қайднинг қофиядош сўзлар таркибида бир хил ҳарфдан иборат бўлиши сабаб равийга кишанлаган маъносида “қайд” номи билан аталган[232]. Шамсиддин Қайс Розий равийдан олдинги сукунли ҳарф қайд саналишини айтади. Олим бу ўринда чўзиқ унлиларни бундан мустасно эканлигини таъкидлайди. Қайд

---

[227] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 110.

[228] Олам ва адам сўзларидаги лом (л) ва дол (д) ҳарфлари дахил саналади.

[229] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.305.

[230] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.79.

[231]Таъсис фақат “алиф”дан иборат бўлиши шарт қилиб белгиланган бўлса, равий ва таъсис ўртасидаги мутаҳаррик ҳарфнинг айнан бир хил ҳарф шаклида бўлиши қатъий қилиб белгиланмаган.

[232] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –42 с

сифатида кела оладиган 10 ҳарф рисолаларда мисоллар асосида келтирилади.

1. “Бо” (б) - ابر (абр) – كبر – (кабр)
2. “Хе” (х) – بخت(бахт) – رخت (рахт)
3. “Ре” (р) – سرد (сард) – ذرد (зард)
4. “Зе” (з) – دزد (дузд) – مزد (музд)
5. “Син” (с) – مست (маст) - دست (даст)
6. “Шин” (ш) – دشت (дашт) – تشت (ташт)
7. “Ғайн” (ғ) – نغز (нағз) – مغز (мағз)
8. “Фе” (ф) – رفت (рафт) – كفت (кафт)
9. “Нун” (н) – بند (банд) – كمند (каманд)
10. “Ҳойи ҳаввaз” (ҳ) – مهر (меҳр) – چهر (чеҳр)

Шамс Қайс Розий бу ўн ҳарф қайд сифатида келишини қатъий қоида сифатида келтиради[233]. Абдураҳмон Жомий ҳам ажам олимлари орасида ўнта ҳарфнинг қайд сифатида кела олишини таъкидлайди.

Гар ҳуруфи қайдро гиранд ёд,
Нест дар лафзи Ажам аз даҳ зиёд.
“Бо”у “хо”у “ро”ву “зо”ву “син”у “шин”,
“Ғайн”у “фо”ву “нун”у “ҳо” бошад яқин[234].

Атоуллоҳ Ҳусайний бу 10 ҳарфнинг қатъий белгиланиши фақатгина форс адабиётида тегишли эканлигини таъкидлаб, араб адабиётида бу ҳарфлар сони кўп эканлигига ишора қилади.

Абр-у тахт-у дард-у базм-у маст-у гашт,
Нағз-у гуфт-у панд-у гулчеҳр-у хуш аст.

Атоуллоҳ Ҳусайний хоҳ форс-тожик бўлсин, хоҳ араб адабиётида бўлсин, қофиядош сўзлар таркибидаги қайднинг бир хил ҳарфдан иборат бўлишини қатъий қоида сифатида келтиради.

Чи Миср-у чи Шом-у чи бар-у чи баҳр,
Ҳама рустойанд-у Шероз шаҳр[235].

---

[233] Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.133.

[234] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.304.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Ал-мўъжам”да келтирилган адабий парчаларнинг аксарияти бошқа рисолаларда ҳам келтирилади[236].

Аҳмад Тарозий “баъзилар”[237] қайд сифатида белгиланган ўн ҳарф орасида “айн”ни ҳам келтиришларини айтади. “Айн”нинг қайд сифатидаги иштирокини *маъз – наъз* сўзлари мисолида тушунтиради. Тарозий ажам олимлари томонидан қатъий қилиб белгиланган 10 ҳарфнинггина қайд сифатида кела олиши назарий жиҳатдан нотўғри эканлигини исботлаб беради. Агар қофия араб сўзларидан ташкил топса, бу ўн ҳарфдан ташқари бошқа ҳарфлар ҳам қайд сифатида кела олиши мумкин: *атр – сатр, мажд – нажд, тахт – бахт, садр – бадр, аср – қаср, саъд – раъд, ақд – нақд, қалб – калб, намл – ҳамл, фирдавс – қавс, Вайс – Қайс*[238].

Қофия ҳарфлари орасида қайд ва ридфнинг ўрни бир хил: улар равийдан олдин жойлашадилар. Шунинг учун ҳам бу икки ҳарф назариясида ихтилофлар мавжуд. Қофия назариясига кўра асосан ундош ҳарфлар қайд сифатида кела олади. Демак, қайдни ридфдан фарқлаш керак бўлади. “Вов” ҳарфи قوس (қавс) – فردوس (фирда(у)вс), “йо” ҳарфи - قیس (қайс) – کیس (кайс). Арабий сўзларда бу ҳолат жуда кўп учрайди. Қайс Розий форс тилидаги сўзларда ҳам “вов” ва “йо” ҳарфининг бу шаклини кузатиш мумкинлигини, бироқ улар кўп эмаслигини, نوك (навк) ва پیک (пайк) сўзларидан бошқа намуна топа олмаганини айтади.

Ҳар вазир ва муфти ва шоир ки Ту(в)сий буд,
Жавн Низом ул-Мулк, Ғаззолий ва Фирдавсий буд.

Демак, “вов-и мазмум”, “йой-и мақсур”, “алиф-и мафтуҳ” ридф эмас, қайд саналади. Бугунги ўзбек ёзуви ҳолатида тушунтирадиган бўлсак, чўзиқ унли сифатида ўқиладиган ҳолатда(“вов” – у, “йо” – и, “алиф” - о) бу ҳарф ридф саналади.

---

[235] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.43.

[236] Жомийнинг “Рисолаи қофия” – *абр – сабр, тахт – бахт, мард – дард, базм – назм, маст – даст, гашт – дашт, мағз – наҳз, суфт – гуфт, панд – банд, чеҳр – меҳр.*

[237] Аҳмад Тарозий поэтика илмига оид асар ва муаллифлар номларини келтирмайди. “Баъзилар” изоҳи остида уларга мурожаат қилади.

[238] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 66.

Ундош ҳарф ҳолатида (“вов-и мазмум” - в, “йой-и мақсур” – й) бўлса, қайд саналади[239].

Воҳид Табризий ҳам қайд ва ридфни таққослаган ҳолда тушунтиради. Қайд ридф билан бир ўринда туради. Бироқ иккиласи бир вақтнинг ўзида иштирок этолмайди. Табризий *мард – дард, қанд – чанд* сўзларидаги “нун” ҳарфини қайд, *қон – жон, чин – дин* сўзларидаги “алиф” ва “йо” ҳарфларини ридф сифатида тақдим қилади[240].

Дахилдан фарқли ўлароқ қайд қофиядош сўзларда бир хил ҳарфдан иборат бўлиши шарт. Атоуллоҳ Ҳусайний араб ва ажам шуаросида ҳам шеър сўнгига қадар қайднинг қофиядош сўзларда бир хил бўлиши шартлигини ва талаффузидагина бироз фарқли жиҳатлар мавжуд бўлган ҳарфларнинг қайд сифатида келиши араб ва ажам шуаролари томонидан ҳам қабул қилинганини таъкидлайди[241].

Же кафт он Худованд Тинзийлу ваҳй (وحی)
Худованд амр-у Худованд наҳй (نهی)[242]

Атоуллоҳ Ҳусайнийда ҳам шунга жуда ўхшаш байт келтирилади. Унда ҳам *ваҳй (وحی) - наҳй (نهی)* сўзларидаги “ҳе” ва “ҳойи ҳавваз” қайд сифатида тақдим қилинади[243].

Фахри Исфаҳоний бошқа олимлардан фарқли зарурат туғилганда қайд турли ҳарфлар билан ифодаланиши мумкинлигини айтади.

Бололаи сўрхи бо гуле мармари,
Наврўзе дар имдое Манучеҳри.
Мурғоне забон гирифтаро,
Бекшо забони сури абри.

Ридф. Ридф ҳам равийдан олдин келувчи қофия ҳарфи бўлиб, “орқасида туриш” деган маънони англатади. Ридф равийдан олдинги чўзиқ унли бўлиб, о, у, и унлилари ридф

[239] Вов-и мазмум - фирдавс, йой-и мақсур – пайк.

[240] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.78-86

[241] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.

[242] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.134.

[243] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393.-С

сифатида кела олади. Бу уч унлининг қайддан фарқи шундаки, “алиф”, “вов” ва “йо” ҳарфлари мадд билан бирга келади.

Шамсиддин Қайс Розий форс тилида замма (“вов”), касра (“йо”)нинг икки шаклини тақдим қилади. Биринчиси машбаъа, яъни тўлиқ, иккинчиси қисман ёки юмшатилган. “Вов” ҳарфининг тўлиқ шаклда чўзиқ *у* ҳарфини ифодалай олиши *حور (ҳур) – سور (сур)* сўзларида кўзга ташланса, қисман юмшатилган шаклида *ў* ҳарфига монанд талаффуз қилинади: *روز (рўз)*. Қайс Розий касра (“йо”) ҳарфининг ҳам тўлиқ ва юмшатилган шакли борлигини айтади. Тўлиқ шакли сифатида *زنجبيل (занжабил*) сўзини юмшатилган шакли сифатида *دير (дир*) сўзини мисол сифатида келтиради[244].

Қадимги шоирлар бу икки ҳолатни алоҳида номлар билан келтиришган. Тўлиқ шаклдаги “замма” ва “касра марфуъ-и маъруф”[245], юмшатилган, тўлиқ бўлмаган “замма”, “касра марфуъ-и мажҳул”[246] номи билан аталган. Фахри Исфаҳоний ҳам бу икки ҳолатни алоҳида таҳлилга тортган, талаффуздаги фарқли ҳолатни маълум ва мажҳул, яъни маълум ва маълум бўлмаган изоҳи билан *машъаба (маъруф)* ва *малифа (мажҳул*) номи билан келтиради. “Йо” ҳарфининг маълум – *машъаба (маъруф*) шаклига

Ҳар киро бахти мушфиқ асту ҳасип,
Бошад аз жон ғуломи шоҳе лаҳип,

байтини, *малифа,* яъни мажҳул, танилмаган шаклига

Азу коҳ ёфт равнақу зеб,
Аз вужуде шаҳе ситорае наҳеб

байтини келтиради. Эътибор берилса, “йо” ҳарфи *малифа – мажҳул* ҳолатида *е* ҳарфига монанд талаффуз қилинади. Исфаҳоний икки - маъруф ва мажҳул “йо” ҳарфи ўзаро қофиядош сўзлар сифатида келтирилиши мумкинлигини таъкидлайди. Табиийки, бу фарқли жиҳат талаффуздагина кўзга ташланади.

---

[244] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.128.

[245] Маълум.

[246] Маълум бўлмаган.

Ба дил гуфтам ту боре эй дил нек-и
К-аз ман дур-и ба ёр-и ман наздики.
Дил гўфт ки бо дахан-у зулфаш умрест,
Та мисозам ба танги-ву торики. *Камол Исмоил*[247].

Байтдаги *ник-и, наздики, торики* қофиядош сўзларнинг *ник-и (нек-и)* сўзи олим томонидан "йо" – мажҳул, *наздики* ва *торики* сўзлари эса "йо"йи маъруф шакли сифатида келтирилади.

Атоуллоҳ Ҳусайний Фахри Исфаҳонийнинг фикрига қўшилади. Ҳусайний фикрининг исботи сифатида қадим форс шоирлари ижодига мурожаат қилади. Ажам шуаролари аксарияти "вов-и маъруф" ва "вов-и мажҳул"ни бир қофияда жамъ қилишга рухсат берганлар. Бироқ Жомий бу фикрга қўшилмайди. "Маъруф деб шуни айтурларки, "вов" ва "йо"дан кейин келган "замма" ва "касра" ишбоъ тамом қилур, *нур – пир* сингари. Мажҳул улдурки, бунда ишбоъ тамом қилмайдир, *шўр* ва *шер* сингари"[248]. Бир шеърда маъруф ва мажҳулни ҳеч қачон жамъ қилмайдилар". Жомий бунинг истисноси тарзида Камол Исмоилнинг байтини келтиради. Айни байт "Меъёр ул-жамоли"да ҳам келтирилган. Жомий бундай истисно ҳолат сифатида мажҳулнинг "йо" ҳарфини араб сўзларида имола қилиш орқали ҳам жамъ қилиш мумкинлигини айтади.

То моҳи рўят аз ман рух дар ҳижоб дорад,
Не дида хоб дорад, не дил шикеб дорад.

"Фунун ул-балоға"да ҳам бу уч ҳарфнинг маъруф ва мажҳул шакли алоҳида байтлар мисолида тушунтирилади. "Вов-и маъруф":

Бузулған бу менинг кўнглумни эй ҳур,
Қил эмди бир табассум бирла маъмур.

"Вов-и мажҳул":

Макўн бо ошиқони зор худ зўр,
Сулаймонро чи фахр аз куштани шўр.

---

[247] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.59.

[248] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.303.

“Йой-и маъруф”:

Эй дариғоки, ким менинг ҳолимни билмади ҳабиб,
Ким нелар қилди менинг бу хаста жонимға рақиб.

Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да қофия ҳарфлари иштирокини форсий ва туркийча байтлар мисолида тушунтиради. Аксар туркий байтлар муаллифнинг ўзига тегишли бўлиб, “туркчаси” изоҳи билан тақдим қилади. Аҳмад Тарозий ҳам “йой-и мажҳул” ва “йой-и маъруф”ни бир ғазалда ўзаро қофиядош сўз сифатида келтириш хато эканлигини айтади. Араб шоирларида уларни қофиядош сўз сифатида тақдим этиш кузатилади. Ажам шоирлари орасида ҳам бу ҳолат кўзга ташланади Аҳмад Тарозийнинг фикрича, “бу яхши эмас”:

Хожа сўзини қилибон эътимод,
Кести ажуз ўз нимасидин умид. *Мавлон Ҳайдар*.[249]

Ридф ифодаланишига кўра икки турга бўлинади. 1. Ридфи аслий 2. Ридфи зойид. Ридфнинг у, и, ва о унлилари билан ифодаланиши ридфи аслийни юзага келтирса, улар ўртасида бир ундошнинг орттирилиши ридфи зойидга асос бўлади. Атоуллоҳ Ҳусайний бу икки турни *мурдафи ба ридфи муфрад* ва *мурдаф ба ридфи мураккаб* шаклда номлайди[250]. Ридфи аслийга асосланган ридф ридфи муфрад (ёлғиз ридфли), ридфи зойидга асосланган ридфни эса ридфи мураккаб шаклда тақдим қилади[251].

Давр-у даврону амони замон,
Хисрави фармондиҳи кишваристон.
Санг ро аз нолаҳой зори дил пир хун кунам,
Дар дили он шухи нояд раҳми амо чун кунам.
Чун багулгашт баҳорони нозанин ояд бурун,
Баҳр попушаш риёҳин аз замин ояд бурун.

Атоуллоҳ Ҳусайний ридфи аслий сифатида кела оладиган “алиф” – о унлиси, “йо” – и унлиси, “вов” - у унлиси

[249] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 68.

[250] Ридфли қофия мурдаф қофия дейилади.

[251] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С. 44

иштирокидаги байтларни намуна сифатида келтиради. Олим ридфи аслийдан сўнг ридфи зойид[252]ни келтиради.

Жомий ҳам ридфи зойидга асосланган қофияни мураккаб ридфли қофия сифатида таништиради:

Аз баски танам з-оташи ишқи ту гудохт,
Натвон танам аз шамъи саҳар бозшиноҳт.

Деярли барча рисолаларда ридфи зойид сифатида олти ҳарфнинг келиши айтилади: *“нун”, “ре”, “син”, “фе”, “хе”, “шин*”[253].

Ридфи зойид шаш бувад ай зу фунун,
“Ҳо”-ву, “ро”-ву, “син”-у, “шин”-у, “фо”-ву “нун”[254].

Аҳмад Тарозий ҳам форс шуароси томонидан тақдим қилинган ридфи зойидни ҳосил қилувчи 6 ҳуруфга қофиядош сўзлардан намуналар келтиради. Бу қофиядош сўзларнинг баъзиси маъмулий, яъни асл қофия эмаслигини айтади.

Шамсиддин Қайс Розий ридфи зойидни қайддан фарқлаш қонуниятларини тақдим қилади. Агар равийдан олдинги сукунли ҳарфдан олдин чўзиқ унли келса, бу ҳарф ридфи зойид саналади. Агар равийдан олдинги сукунли ҳарфдан олдин “фатҳа”, “касра”, “замма” (ҳаракат) – қисқа унли бўлса, бундай ҳолатда сукунли ҳарф қайд саналади.

Васл. Васл равийдан кейин келувчи қофия ҳарфи саналади. “Васл” сўзи *улаш, боғлаш* деган маънони англатиб, асос ва асосдан кейинги ҳарфларни бир-бирига уловчи қисм вазифасини бажаради: *гули – мули* сўзларидаги *и* унлиси васл саналади. Равийдан олдин келувчи ҳарфлар ўзаро кетма-кет жойлашмайди, бироқ равийдан кейинги *васл, хуруж, мазид, нойира* ҳарфлари учун кетма-кетлик шарт. Қофия ҳарфлари орасида васлнинг аҳамияти катта. Чунки васлнинг иштироки қофия турининг ўзгаришига сабаб бўлади. Муқайяд қофия мутлақ қофия турига ўтади.

Араб шеъриятида васл сифатида кела олиши мумкин бўлган беш ҳарф саналади: “алиф”, “вов”, “йо”, “нун”, “ҳе”.

---

[252] Ридфи мураккаб деб номлаган.

[253] Жомий рисоласида 6 ҳарфнинг ҳар бирига қофиядош сўзлардан намуналар келтирилади: сохт – сўхт, корд – мўрд, кост – пўст, дошт – гўшт, ёфт – кўфт, монд – донд.

[254] Атоуллоҳ Ҳусайний ва Абдураҳмон Жомий рисолаларида келган.

“Алиф”:

Қафи қаблат тафаррукеи ё Сабоъҳа[255]

“Ҳо”йи мутаҳаррик:

Иффати-д-диёру маҳаллоҳо фа мақомаҳа

Бимани таабуди ғавлиҳо фархомаҳа[256]

Форс шоирлари ҳам араб шуароси сингари асосан беш ҳарфнинг васл сифатида келиши мумкинлгини таъкидлашади.

Эй жамолингдин хижил фирдавс боғининг гули,

Ташнадур лаълинг сифотин ичкали кавсар мули.

Юқоридаги байтда “лом” ҳарфи равий саналса, “йо” ҳарфи васл саналади.

Шамсиддин Қайс Розий васл сифатида кела оладиган ҳар бир ҳарф ҳолатига қараб байтлардан намуналар келтиради. “Коф”:

Дил беғам таслим кардам ман шудам назорки,

То зи ғам сайр ойид у йо хун шуд якборки.

“То” ҳарфи ИИ шахс шакли сифатида васл бўлиб келган:

Эй равшани рўз зи тоб рўят,

Торики шаб аз шагин гисуят.

“Шин” ҳарфи ИИИ шахс шакли сифатида васл ҳарфи вазифасини бажарган:

Жу ба ханда боз ёби асир даҳан тинкаш

Садаф гувҳар намояд ду лаб ақиқ рангаш.

“Ҳе” ҳарфи кўплик шакли ҳолатида васл ҳарфи вазифасини бажарган:

Эй аз бинафша сохта бар гул мисолҳо,

Бар офтоб гарда зи анбар ҳилолҳо[257].

Носириддин Тусий васлни қофиядош сўзнинг таркибий қисми сифатида беришга қарши чиқади. Олимнинг фикрича равийдан кейинги такрорлар, хусусан, васл радиф таркибида ўрганилиши керак. Агар равийга васл мутаҳаррик ҳарф воситасида уланмаса, равий сукунли ҳолатда бўлса, равийдан

---

[255]Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 61.

[256] Ўша манба. –Б.61

[257] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.140-141.

кейинги ҳарфлар қофия ҳарфлари сифатида ўрганилмайди, улар радиф саналади. Агар қофия ҳарфларини улаб турувчи (васл ҳолатида) ҳаракатлар иштирок этса[258], бу ҳарфларни қофия ҳарфлари сифатида тақдим қилиш мумкин. Бунда олим равийдан кейинги ҳарфларни қофиядош сўзларга қўшиб ёки ажратиб ёзилишини аҳамиятсиз эканлигини таъкидлайди. Бу калималар хоҳ маъно англатсин, хоҳ маъно англатмасин, улар қофияга уланмагани учун радиф эканлигини таъкидлайди[259].

Атоуллоҳ Ҳусайний радиф ва васлнинг асосий фарқи сифатида сўзга қўшилмасдан алоҳида ёзилишини кўрсатади[260]. Радиф қофиядан кейин келувчи мустақил сўз, равий эса қофия таркибидаги грамматик шакл сифатида қофиядош сўз билан бир бутунликда бир сўз ҳолида бўлади. Ҳусайний Тусий билан баҳсга киришади. “Меъёр ул-ашъор” муаллифи асар сўнгида, ҳарфлар баҳсида васлнинг мутаҳаррик ҳолатида уланиши уни радифдан фарқлаб турувчи белгиси сифатида кўрсатади. Қуйидаги байтда “мим” ва “шин”ни радиф сифатида келтиради:

Онки дар мардимак дида ватан сохтамаш,
Қадри нашуносхт чу ашк аз назар андохтамаш[261]

Атоуллоҳ Ҳусайний бу шеър “усули”ига тўғри келмаслигини таъкидлайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий васлнинг хусусияти сифатида унинг сукунли, ёпиқ бўғин шаклида бўлишини келтиради[262].

Фахри Исфаҳоний равийга уланувчи асосий унсур сифатида васлни кўрсатади. Араб ва форс шоирлари васлга катта эътибор беришларини, ҳатто васлнинг ҳаракати сифатида келувчи ишбоънинг фарқли бўлишини нуқсон сифатида қабул қилишларини таъкидлайди.

Агарчи гашта ам дар ҳар диёри,
Надидам мисли Хисрав Шаҳриёри[263]

---

[258] Равий мутаҳаррик бўлса.

[259] Носириддин Тусийнинг фикри сўзнинг таркибий қисми, радиф ва қофия ҳарфлари қоидаларига таяниб, хулоса қилинадиган бўлса, тўғри. Аммо қофия илмига оид рисолаларда радиф алоҳида сўз эканлиги айтилиб, намуна сифатида келтирилган радифлар одатда қофиядош сўздан ажратиб ёзилган.

[260] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.43

[261] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.44.

[262]

[263] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.65.

Жомий васлни равийдан кейин келувчи ҳарф сифатида таърифлаб, “мим” ҳарфи мисолида тушунтиради.

Ман ба бӯи ту ҳавохоҳи насими саҳарам,
К-ӯ зи бӯи ту хабар дораду ман бехабарам[264]

Воҳид Табризий васлга равийнинг изидан борувчи ҳарф дея таъриф беради: *сарам – барам*[265]. “Ре” ҳарфи равий саналса, “мим” ҳарфи васлдир.

Хуруж. Васлдан кейин келувчи ҳарф хуруж деб номланади.

Ол энгдин олса ногоҳ ӯшул моҳ ниқобни,
Топмас фалакда ўзга киши офтобни[266].

Байтдаги “бо” ҳарфи равий, “нун” ҳарфи васл, “йо” ҳарфи хуруж саналади.

Носириддин Тусий форс-тожик қофиясида хуруж ҳарфи мавжуд эмаслигини таъкидлайди[267]. Носириддин Тусий асос сифатида Юсуф Азизийнинг фикрларини келтиради. Форс шеъриятида васл унли (ҳаракат) эмас. Шунинг учун ҳам хуружнинг бўлиши тўғри эмас. Юсуф Азизий Халил ибн Аҳмад ҳам араб арузи ва қофияси ҳақида муносабат билдирганда хуруж деб номланган ҳарфни келтирмаганини айтади[268]. Носириддин Тусий васл ва ундан кейинги ҳарфларнинг барчаси радиф таркибида ўрганилиши кераклигини айтади. Фахри Исфаҳоний бундай ҳолатда такрорланган сўз ва ҳарфни бир-биридан фарқлаш кераклигини айтади. Олим арабларда қофиянинг охири сифатида хуруж ҳарфи келишига ишора қилади. Форс шоирларида хуруждан кейинги мазид ва нойира ҳарфлари ҳам амалда эканлигини айтади.

Онҳо ки ба марди саховат тоқанд.
Султони жаҳону Хисраве Офоқанд[269].

---

[264] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.305.

[265][265] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.80

[266] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 63.

[267] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 105.

[268] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 113.

[269] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.69.

№	*Сўз*	*Ридф*	*Равий*	*Мажро*	*Васл*	*Хуруж*
1.	Т	О	Қ	А	Н	Д
2.	Оф	О	Қ	А	Н	Д

Воҳид Табризий Носириддин Тусийнинг васл унлидан иборат бўлмагани учун ҳам хуружнинг кела олмаслиги ҳақидаги фикрига қўшилмайди. Тўғри, васл одатда ундош ҳарфдан иборат бўлиши керак. Бундай ҳолда хуруж қўшила олмайди. Бироқ васлдан кейин келувчи қофия ҳаракатлари (унли) васл ва хуружни улаб туради. *Хамсарамаш – хамбарамаш* ўзаро қофиядош сўзларидаги “ре” – равий, “мим” – васл, “шин” – хуруж саналади. Равийдан олдинги ҳаракат – тавжиҳ, равийнинг ҳаракати – мажро, васлнинг ҳаракати эса нафоздир[270].

Шамсиддин Қайс Розий ҳам хуруж ҳарфи таърифида бу ҳарфнинг аҳамияти у қадар катта эмаслигига ишора қилади. Чунки васлдан кейинги ҳарфлар қофия чегарасидан чиқиб кетади, шунинг учун ундан кейинги, хусусан, хуруж ҳарфининг алоҳида номланиши, тадқиқи муҳим эмас[271]. “Хуруж” сўзининг маъноси ҳам айнан “ташқарига чиқиш” бўлгани учун ҳам Қайс Розий хуружни қофиядош сўз таркибида ўрганишни тўғри деб билмайди.

“Фунун ул-балоға” муаллифи хуруж сифатида кела оладиган ҳарфларга байтлар мисолида намуналар келтиради. Васл ва хуружнинг бир бутунликдаги ҳолатини кўрсатиб беради. “Ҳо” ва “алиф” ҳарфлари биргаликда васл ва хуруж сифатида кела олиши мумкин:

Дило, дар роҳи ту бинам хатарҳо

“Нун” ва “дол” ҳарфи биргаликда васл ва хуруж ҳарфи бўла олади: *гузаранд – нигаранд.*

Хабарат нист ки халқи з-хамат бархизанд[272].

---

[270] Вахид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.80.

[271] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.143.

[272] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 64.

Жомий васлдан кейин келувчи ҳарф хуруж деб номланишини айтиб “мим” ҳарфи хуруж сифатида келган байтни намуна сифатида келтиради.

Мо ҳеч касони кўи ёрем,
Мо сўхтагони хомкорем

Атоуллоҳ Ҳусайний хуружнинг такрори қофия назариясида муҳим аҳамиятга эганлигини алоҳида таъкидлайди[273].

Мазид. Хуруж ҳарфидан кейин келувчи ҳарф қофия илмида мазид номи билан келтирилади. “Мазид” сўзи “қўшилган, зиёд қилинган” деган маънони англатиб, хуруждан кейинги қўшилган ҳарфга нисбатан ишлатилади. Араб шеъриятида хуруж охирги ҳарф сифатида келтирилиб, хуруждан кейинги ҳарфлар ҳам хуруж номи билан аталади. Бироқ форс шеъриятида хуруждан кейинги ҳарф мазид деб номланади. Форс шеъриятида хуруждан кейинги ҳарфларнинг қўшилиши форс тилининг морфологик хусусиятидан келиб чиққан. Форс тилининг бой энклитик тизими бу ҳарфларнинг қўшилишига сабаб бўлган[274]. Атоуллоҳ Ҳусайний “мазид” сўзининг маъносидан келиб чиққан ҳолда хуружга бир ҳарфнинг қўшилиши, зиёд қилиниши натижаси ўлароқ мазид деб номланганига ишора қилади[275].

Ин дил ки ба зулфи дилбари бастимаш
Ҳарчанд гусаст боз пайвастимаш.
Алқисса, зи бас ба пой-у афқандим,
Чун шише ба даст-и хиш бишкастимаш[276].

Рубоийда келтирилган *бастимаш – пайвастимаш – бишкастимаш* ўзаро қофиядош сўзларидаги “шин” ҳарфи мазид сифатида келган.

№	*Сўз*	*Қайд*	*Равий*	*Васл*	*Хуруж*	*Нафоз*	*Мазид*
1.	Пайва	с	Т	И	м	А	ш
2.	Бишка	с	Т	И	м	А	Ш

[273] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.. Б.Сирус ҳам форс-тожик шеъриятида хуружнинг такрори муҳим аҳамиятга эга эканлигига урғу беради.

[274] Н.Ю.Чалисова. Комментарий.// Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.376.

[275] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.

[276] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.

Ҳусайн Воиз Кошифий мазид ҳам васл ва хуруж сингари ундош ҳарф шаклида бўлиши кераклигини айтади[277]. Бироқ эсдан чиқармаслик керакки, чўзиқ унли сифатида ишлатиладиган “вов”, “алиф”, “йо” ҳарфлари васл, хуруж, мазид ва нойира ҳам бўлиб кела олади.

Аҳмад Тарозий ҳам мазидни “ажам ихтироидир” деб келтиради.

Тилар кўнглум юзунг кўрса будур лнинг хаёлоти,
Муяссар бўлса бу давлат, бўлур зоҳир камолоти.

Тарозий келтирган байтдаги *хаёлоти – камолоти* қофиядош сўзларидаги “йо” ҳарфи мазид деб номланади.

№	*Сўз*	*Ридф*	*Равий*	*Васл*	*Хуруж*	*Мазид*
1.	Хай	О	Л	о	т	и
2.	Кам	О	Л	о	т	и

Чун бар сарви сеҳи барги гуласташ,
Чу ман ҳар су хазорон булбуласташ[278].

Байтдаги қофиядош сўзлардаги “шин” ҳарфи мазид саналади.

№	*Сўз*	*Ридф*	*Равий*	*Мажро*	*Васл*	*Хуруж*	*Нафоз*	*Мазид*
1.	Г	у	л	А	С	т	а	ш
2.	Булб	у	л	А	С	т	а	ш

Абдураҳмон Жомий мазидни “хуружга пайванд” ҳарф сифатида таърифлаб, “шин” ҳарфи мисолида тушунтиради.

Ало айнайҳи айнуллаҳ, чи чашмони сиёҳасташ,
Чи мижгони синоносо, чи мардафган нигоҳасташ[279].

№	*Сўз*	*Ридф*	*Равий*	*Мажро*	*Васл*	*Хуруж*	*Нафоз*	*Мазид*
1.	Сий	О	ҳ	А	с	т	а	ш
2.	Ниг	О	ҳ	А	с	т	а	ш

[277] Kamal ad-din Husayn Va-iz Kashifi. Badai-al-afka- fi san-i al-ash’ar (Novыe misli o poeticheskom iskusstve) Izdanie teksta, predislovie, primechaniya i ukazateli R.Musulmankulova. – M.: Nauka, 1977.

[278] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 65

[279] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.305.

Воҳид Табризий *дилбарам аст – дар хварам аст* қофиядош сўзлари мисолида мазидни хуруждан кейин келувчи ҳарф эканлигини айтиб ўтади. Қофидош сўз сифатида келтирилган сўзларда 4 қофия ҳарфи (равий, васл, хуруж, мазид) ва 3 қофия ҳаракати (тавжиҳ, мажро, нафоз) иштирок этган:

№	*Сўз*	*Тавжиҳ*	*Равий*	*Мажро*	*Васл*	*Нафоз*	*Хуруж*	*Мазид*
1.	Дилб	А	Р	А	м	а	с	т
2.	Дар хв	А	Р	А	м	а	с	т

Нойира. Қофия ҳарфларининг сўнгги нойира бўлиб, “қочиш, ён томонга оғиш” деган маънони англатади. Қайс Розий оловнинг айнан “нор” деб аталишига ишора қилади. Олов алангаланганда, ҳар томонга оғиб ёниш хусусияти шунга ишора қилади.

Чекармен бу тамаъ бирла ҳамиша макру олингни,
Магар топқуймен бер коми дил бирла висолингни[280].

№	*Сўз*	*Ридф*	*Равий*	*Мажро*	*Васл*	*Хуруж*	*Мазид*	*Нойира*
1.		О	л	И	н	г	Н	и
2.	Вис	О	л	И	н	г	Н	и

Дар мадҳаде шоҳе жузҳо сохтанист,
Не наики мужаллод пардохтанист[281].

№	*Сўз*	*Ридфи зойид*	*Равий*	*Мажро*	*Васл*	*Хуруж*	*Мазид*	*Нойира*
1.	Со	Х	Т	А	н	и	С	т
2.	Пардо	Х	Т	А	н	и	С	т

Нойира охирги ҳарф бўлиб, қофиядош сўз таркибида бир нечта келиши мумкин. “Фунун ул-балоға”да нойиранинг икки ҳарф шаклига мисол келтирилади:

Чандон хурим ғам ба чанг оваримишон

Байтдаги “*оваримишон*” сўзидаги “алиф” ва “нун” биргаликда нойира саналади. Ёки

Он маҳ, ки ба чашми меҳр дидастемаш
Аз жумлаи некувон гузидастемаш[282].

[280] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 65.

[281] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.71.

Воҳид Табризий мазиднинг “изидан” келувчи ҳарф сифатида нойирани изоҳлайди. Қофиядош сўзлардан намуна келтириб, нафақат нойира, балки қофиядош сўз нечта ҳарф ва ҳаракатдан иборат эканлигини ҳам таҳлил қилади.

№	*Сўз*	*Тавжиҳ*	*Равий*	*Мажро*	*Васл*	*Хуруж*	*Нафоз*	*Мазид*	*Нафоз*	*Нойира*
1.	Г	у	с	И	С	Т	А	м	а	ш
2.	Б	у	с	И	С	Т	А	м	а	ш

Воҳид Табризий қофиядош сўзлар 5 ҳарф (равий, васл, хуруж, мазид, нойира) ва 3 ҳаракатдан (тавжиҳ, мажро, нафоз) иборатлигини айтади[283].

Фахри Исфаҳоний нойирадан кейин келувчи ҳарфга ҳам этибор қаратади. Олимнинг таъкидлашича, нойирадан кейин ҳарф келса, ***нойима*** деб номланади[284].

Аҳмад Тарозий қофия ҳарфлари ҳақида маълумот бергандан сўнг қофия ҳарфларининг бир сўзда жамъ бўлган ҳолатини кўрсатиш мақсадида махсус “Фасл”ни тақдим қилади.

Равийдан кейинги ҳарфлар иштироки асосида

1. Фақат равий: *гул – булбул.*
2. Равий ва васл: *гулаш – булбулаш.*
3. Равий, васл, хуруж: *гулҳо – булбулҳо.*
4. Равий, васл, хуруж, мазид: *гулаташ – булбулаташ.*
5. Равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *гулҳойаш – булбулҳойаш*[285].

I. Қайддан кейинги ҳарфлар иштироки асосида

1. Қайд, равий, васл: *гуфтам – суфтам*[286].

---

[282] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.306.

[283] Васлнинг ҳаракати нифоз деб номланиб, васлдан кейин келувчи хуруж, мазид, нойира ҳарфларининг ҳаракати ҳам умумий ҳолатда нифоз деб юритилади. Шунинг учун ҳам Воҳид Табризий мазиднинг ҳаракати сифатида келган нифоз (а унлиси)ни қайта номлаб ўтирмаган.

[284] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.72.

[285] Бир сўз таркибида равийдан кейин келувчи барча қофия ҳарфлари иштирок этиши мумкин.

2. Қайд, равий, васл, хуруж: *гуфтамаш – суфтамаш.*

3. Қайд, равий, васл, хуруж, мазид: *гуфтастам – суфтастам.*

4. Қайд, равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *гуфтамашон - суфтамашон*

II. Ридфдан кейинги ҳарфлар иштироки асосида

1. Ридф ва равий: *камол – хайол.*

2. Ридф, равий, васл: *камолаш – хайолаш.*

3. Ридф, равий, васл, хуруж: *камолот – хайолот.*

4. Ридф, равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *камолатаст – хайолатаст.*

III. Таъсисдан кейинги ҳарфлар иштироки асосида

1. Таъсис, дахил, равий: *комил – восил*[287].

2. Таъсис, дахил, равий, васл: *комилаш – восилаш.*

3. Таъсис, дахил, равий, васл, хуруж: *комилҳо – восилҳо.*

4. Таъсис, дахил, равий, васл, хуруж, мазид: *комилҳош – восилҳош.*

5. Таъсис, дахил, равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *комилҳост - восилҳост*

IV. Ридф ва қайддан кейинги ҳарфлар иштироки асосида[288]

1. Ридф, қайд, равий: *сохт – пардохт.*

2. Ридф, қайд, равий, васл: *сохтам – пардохтам.*

3. Ридф, қайд, равий, васл, хуруж: *сохтим - пардохтим.*

4. Ридф, қайд, равий, васл, хуруж, мазид: *сохтимаш - пардохтимаш.*

5. Ридф, қайд, равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *сохтамашон – пардомашон.*

V. Таъсис, дахил, қайддан кейинги ҳарфлар иштироки асосида

1. Таъсис, дахил, қайд, равий: *монанд – хешованд*[289].

---

[286] Қайднинг ёлғиз ўзи равийсиз кела олмайди. Чунки равий қофия таркибидаги асос ҳарф саналади. Қайд ва равий иштирокидаги қофиядош сўзлар ҳам мавжуд: *гуфт - суфт.* Бироқ Аҳмад Тарозий қайд, равий, васл иштирокидаги сзга мисол келтирган.

[287] Таъсис ва дахил бир-бирини тақозо қилувчи ҳарфлар саналади.

[288] Аҳмад Тарозий ридфи зойидни қайд сифатида берган.

[289] Аҳмад Тарозий қайд ҳарфидан олдин жойлашувчи ҳарфларни ҳам дахил ва таъсис сифатида берган. Мумтоз қофияга оид рисолаларнинг барчасида равийдан олдинги мутаҳаррик ҳарфдан олдин жойлашган “алиф” (о) таъсис сифатида изоҳланган. Яъни дахил ва равий ўртасидаги ундошнинг орттирилиши борасида илмий-назарий қарашлар мавжуд эмас. Қайд ҳарфи таърифида ҳам қайддан олдин жойлашувчи қисқа унли (ҳаракат)га қадар эътибор қилинган, холос.

2. Таъсис, дахил, қайд, равий, васл: *монандаш – хешовандаш.*

3. Таъсис, дахил, қайд, равий, васл, хуруж: *монандаст – хешовандаст.*

4. Таъсис, дахил, қайд, равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *монандасташон – хешовандасташон.*

VI. Таъсис, дахил, ридфдан кейинги ҳарфлар иштироки асосида[290]

1. Таъсис, дахил, ридф, равий: *ҳомун – қонун.*

2. Таъсис, дахил, ридф, равий, васл: *ҳомунаш – қонунаш.*

3. Таъсис, дахил, ридф, равий, васл, хуруж: *ҳомунаст – қонунаст.*

4. Таъсис, дахил, ридф, равий, васл, хуруж, мазид: *ҳомунҳош – қонунҳош.*

5. Таъсис, дахил, ридф, равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *ҳомунҳост – қонунҳост.*

VII. Таъсис, дахил, ридф, қайддан кейинги ҳарфлар иштироки асосида

1. Таъсис, дахил, ридф, қайд, равий: *омухт – восухт*[291].

2. Таъсис, дахил, ридф, қайд, равий, васл: *омухтам – восухтам.*

3. Таъсис, дахил, ридф, қайд, равий, васл, хуруж: *омухтамаш – восухтамаш.*

4. Таъсис, дахил, ридф, қайд, равий, васл, хуруж, мазид, нойира: *омухтастамаш – восухтастамаш.*

Қофия ҳарфлари жамъ бўлган бу каби қофиядош сўзларни байтда келтириш жуда қийин. Аҳмад Тарозий айтганидек, бир неча қофия ҳарфлари жамъ бўлган қофиядош сўзлар камчиликдан холи бўлмайди.

Гў онки, то ман ин ҳунар *омухтастамаш,*
Дар ҳар дақиқа лаҳзае *восухтастамаш.*

---

[290] *Ҳомун – қонун* қофиядош сўзлардаги “нун” – равий, “вов” (у) – ридф, ҳаракатли “мим” – дахил, “алиф” (о) – таъсис.

[291] Аҳмад Тарозий қофиядош сўзлар сифатида келтирган *омухт* ва *восухт* сўзларидаги “те” ҳарфи – равий, “хе” ҳарфи – қайд, “вов” (чўзиқ у унлиси) – ридф, ҳаракатли “син” – дахил, “алиф” (о унлиси) – таъсис саналади.

2.3. Қофия ҳаракатлари тадқиқи

Қофия ҳаракатлари қофия ҳарфлари билан бирга келадиган “фатҳа”, “касра”, “замма” (а, и, у) ҳаракатларидан иборат бўлиб, мумтоз қофия илмида қофия ҳарфларининг оҳангдошлиги билан бирга қофия ҳаракатларининг ҳам такрорига алоҳида эътибор беришган. Ҳаракатлардаги фарқли жиҳатлар қофия нуқсонлари сифатида тақдим қилинган. Деярли барча рисолаларда “Қофия ҳаракатлари” қисмида ҳаракатлардаги ихтилофлар, нуқсонлар билан бир бутунликда тушунтирилади.

Шамсиддин Қайс Розий, Фахри Исфаҳоний, Аҳмад Тарозий, Воҳид Табризий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам қофия ҳаракатлари олтита эканлигини таъкидлайдилар.

1. Расс
2. Ишбоъ
3. Ҳазв
4. Тавжиҳ
5. Мажро
6. Нафоз.

Носириддин Тусий эса қофия ҳаракатларининг беш турини келтиради: ҳазв, тавжиҳ, мажро, ҳаракати мажҳула, ҳаракати васл[292].

Аҳмад Тарозийда олти ҳаракат номланишида фарқли жиҳатлар кўзга ташланади: итлоқ, ҳудуд[293], расс, ишбоъ, тавжиҳ, нифоз[294].

Расс. Таъсисдан олдинги ҳаракат расс дейилади. Расс одатда “фатҳа” (а унлиси) билан ифодаланади. Таъсис олдидаги “фатҳа” кўринишидаги ҳаракат[295] – расслдир. Чунки таъсис ҳарфи (“алиф”) “фатҳа”дан бошқа ҳаракат билан бирлаша олмайди. “Расс” сўзи “бошланиш” деган маънони англатади.

---

[292] Носириддин Тусий бешинчи ҳаракатни васлга боғлайди. Равийдан кейинги ҳаракатни назарда тутади. Васлни эса радиф таркибида ўрганиш кераклигини айтади.

[293] Олтинчи ҳаракат *ҳудуд* номи билан келтирилади. Бироқ қофия ҳаракатларига бағишланган қисмда *ҳазв* деб берилади.

[294] Олим араб шуаросидаги номлар асосида келтиради.

[295] Абу Абдуллоҳ Хоразмий. Мафотиҳ ул-улум. // Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” асарида поэтика. –Т., 2001. – Б.37.

Қайс Розий қофиянинг бошланиши маъносида расс атамаси танланганига ишора қилади[296].

Расс, ишбоъу ҳазву тавжиҳ аст,
Боз мажро баъдаст нафоз[297].

Аксарият рисолалар расс ҳаракатининг таърифи билан бошланади. Бироқ Аҳмад Тарозий рассни бешинчи ҳаракат сифатида изоҳлайди. Таъсиснинг "моқабли", олдинги ҳаракати расс деб номланишини айтиб, *фозил – оқил* сўзлари мисолида тушунтиради. Ҳар бир ҳаракатнинг ихтилофи қофиядаги айб(нуқсон)ларни юзага келтиради. Қофия айблари қофия ҳаракат ва ҳарфлардаги турличалик асосига қурилади. Бироқ таъсиснинг ҳаракати, яъни рассда ихтилоф йўқ. Чунки таъсис ҳарфи - алифдан олдинги ҳаракат фатҳа бўлиши талаб қилинади. Жомий ҳам расс "фатҳадан бошқа ҳаракат эмасдир" деб таъкидлайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам расс ҳаракатига қисқа таъриф беради. Алиф-и таъсиснинг ҳаракати сифатида расс келтириб, таъсиссиз расс, расссиз таъсис бўлмаслигини таъкидлайди.

Дойим дили ман ҳаст ба руйат мойил,
Ҳаргиз нашавад меҳри ту аз дили зойил.
Хуршид-и рух ту хубтар мибинам.
Ҳоло ки шуда ғубор хатат ҳойил. [298].

Араб ва ажам олимлари таъсисни қофиянинг бошланиши сифатида белгилашганидек, расс ҳам қофия ҳаракати сифатида қофиянинг асоси -боши саналади.

Ишбоъ. Ишбоъ дахилнинг ҳаракати саналади. Равийдан олдинги ҳаракат сифатида тақдим қилинади. Абу Абдуллоҳ Хоразмий таъсис ва равий ўртасида турувчи ҳарфнинг ҳаракатланиши ишбоъ эканлигини таъкидлайди[299]. Таъсис,

---

[296] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: "Восточная литература" РАН, 1997. –С.145.

[297] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.47 // Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.73.// Kamal ad-din Husayn Va-iz Kashifi. Badai-al-afka- fi san-i al-ash'ar (Novыe misli o poeticheskom iskusstve) Izdanie teksta, predislovie, primechaniya i ukazateli R.Musulmankulova. – M.: Nauka, 1977.

[298] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.45.

[299] Абу Абдуллоҳ Хоразмий. Мафотиҳ ул-улум. // Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "Мафотиҳ ул-улум" асарида поэтика. –Т., 2001. – Б.37.

дахил, ридф, қайд равийдан олдин жойлашади. Бу тўрт ҳарфдан учтаси: таъсис, ридф, қайд сукунли, дахил эса мутаҳаррик бўлади. Демак, *оқил – жоҳил* қофиядош сўзлардаги “касра” (и унлиси) ишбоъ саналади. “Фатҳа”, “касра”, “замма” ҳам ишбоъ сифатида кела олади. Бироқ “касра”нинг ишбоъ(и унлиси) сифатида келиши кўпроқ учрайди.

Бигзашт моҳи рўза ба хайру мубора̲ке,
Пур кун қадаҳ зи бодаи гулбарги рова̲ке.

Байтдаги *мубораке – роваке* қофиядош сўзлардаги “коф” – равий, “ро” ва “вов” – дахил, “алиф”(о унлиси) – алиф-таъсис, “фатҳа” (а унлиси) ишбоъдир.

Эй кушта маро наргиси шўхат бо тағофул,
Зулфи ту гирифтаст зи сар расми татовул[300].

Тағофул – татовул қофиядош сўзлардаги “фе” ва “вов” ҳарфининг ҳаракати “замма” (у унлиси) ишбоъдир.

Фахри Исфаҳоний ажам шоирлари ишбоъга эътибор бермасликларини айтади. Яъни уларда ишбоънинг ихтилофи бўлса ҳам, қофиядош сўз сифатида қабул қилаверишади.

Аҳмад Тарозий ҳам ишбоъни “равийи мутлақнинг ҳаракатидир” деб изоҳлайди. Намуна сифатида *гулаш – дилаш* қофиядош сўзларини келтиради[301]. Демак, эътибор қилинса, равийдан олдинги ҳаракат турлича (замма (у) ва касра (и), бу қофия айби сифатида кўрсатилади. Бу нуқсон қофия илмида ижоза дейилади. Халил ибн Аҳмад бу нуқсонни айб сифатида келтирмайди, ишбоънинг ихтилофи илмда қабул қилинганига ишора қилади. Бироқ Ахфаш ишбоъ ҳаракатида турличаликни (ижоза) қофия айби сифатида тақдим қилади.

Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам ишбоънинг қофиядош сўзлар таркибида ҳар хил келиши олимлар томонидан қофия айби сифатида белгиланишини таъкидлайди. Олим ишбоънинг асосий вазифаси сифатида дахилни тўлдириб туришини келтиради. Дахилнинг қайд ва ридфдан асосий фарқи шуки, у қофиядош сўзлар таркибида ўзгаришга юз тутиши мумкин.

---

[300] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.306.

[301] Аҳмад Тарозий равийдан олдинги ҳаракатни назарда тутган.

Қайд ва ридф эса айнан такрор бўлиши керак. Ишбоънинг ҳам дахил каби ўзгаришга учраши одатий ҳол сифатида қабул қилинган.

Ей подишоҳи вақти чу вақтат фаро расид,
Ту нез бар гадойе муҳлат баробарий.
Марди гумон мабар ки бар панже аст-у зўри каф,
Бо нафс дигар бароий доим ки шотирий

Саъдий Шерозийдан келтирилган ушбу байтдаги *баробарий – шотирий* қофиядош сўзлардаги “бо” ва “те” ҳарфлари дахил бўлса, уларнинг ҳаракатлари ишбоъ саналади. Ишбо сифатида келган ҳаракатлар турлича: “фатҳа” (а унлиси) ва “касра” (и унлиси)дан иборат. Атоллоҳ Ҳусайний ишбоъ сўзининг маъносини дахилни тўлдириб туришига қараб белгиланганини таъкидлайди. .

Ҳазв. “Ҳазв” сўзи “тенглик” деган маънони англатади. Фахри Исфаҳоний “ҳазв” сўзини тушунтиришда “икки хабарни баробар қилиш” маъносини келтиради. Шамсиддин Қайс Розий, Фахри Исфаҳоний, Жомий, Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний ҳазвни ридф ва қайддан олдинги ҳаракат эканлигига ишора қиладилар. Носириддин Тусий ва Аҳмад Тарозий эса ҳазвни “ридфнинг моқаблининг ҳаракати” сифатида таърифлайдилар, қайднинг ҳаракати сифатида келтирмайдилар.

Атоуллоҳ Ҳусайний ридф ва қайддан олдинги ҳаракатнинг ҳазв бўлиб келишига ўз ижодидан намуна келтиради.

Чашмаҳо созам равон аз дийдаҳо ҳар навбаҳор,
То ғазолам бар канор-и чашмайи гирад қарор.

Навбаҳор – қарор қофиядош сўзлардаги “алиф”(о унлиси) ридфи аслий саналса, ундан олдинги, “ҳо” ва “ре”нинг ҳаракати ҳазвдир.

Дар ларза шуд аз субат-и сармо ме(и)ҳр,
Нилуфар шуд рух-у бутон-и гулче(и)ҳр.
Бар чарх мапандор кавокиб кион-ҳо,
Йах поре чандаст бар ийн тос-и сипе(и)ҳр[302].

[302] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.

Рубоийдаги қофиядош сўзлар *меҳр – гулчеҳр – сипеҳр* сўзларидаги “ҳо” - қайд, қайддан олдинги “мим”, “чим”, “пе”нинг ҳаракати (касра - и) ҳазвдир.

Одатда ҳазв бир хил ҳаракатдан ташкил топади. Ҳазвнинг ихтилофи камдан кам кузатилади.

Эй беҳиммат бар осмонат даст,
Осмон бо улу қадр ту баст.
Беҳтар аз гувҳар ту даст қазо,
Ҳеч бироя бар замоне нист[303].

Қофиядош сўзлардаги “фатҳа” ва “касра”нинг ҳазв сифатида келиши, қофия нуқсони сифатида баҳоланмайди[304]. Бироқ Аҳмад Тарозий бу араб шуаросида айб эмаслигини, ажам шоирлари эса бу ҳолатга нуқсон сифатида муносабат билдиришларини айтади.

Ҳар вазири, муфтийи шоир ки у Ту(в)сий бувад,
Чун Низомулмулк Ғаззолийу Фирдавсий бувад[305].

Қофиядош сўзлардаги “вов” ридф ва қайд вазифасини бажарган[306], ридф ва қайддан олдинги ҳаракат “замма” (у унлиси) ва “фатҳа” (а унлиси) ҳазвдир.

Тавжиҳ[307]. “Юзини бурмоқ” маъносини билдирувчи тавжиҳ равийдан олдинги ҳаракат сифатида тушунтирилади. Бунда равийнинг сокин ёки мутаҳаррик бўлишининг аҳамияти йўқ. Бироқ Аҳмад Тарозий равийи муқайяднинг моқаблининг ҳаракати тавжиҳ дейилишини таъкидлайди: *бар – дар* қофиядош сўзлардаги равий(“ре”)дан олдинги “фатҳа” (а унлиси) тавжиҳдир. Тарозий тавжиҳдаги ихтилоф, яъни нуқсонлар ижоза дейилишига урғу беради.

Шамсиддин Қайс Розий тавжиҳ сўзи маъносидан келиб чиққан ҳолда унинг вазифасини белгилайди. Агар равий

---

[303] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.146.

[304] Жомий ҳазф ҳаракатидаги фарқли ҳолатни камчилик сифатида қабул қилинмаслигини айтади.

[305] Бу байт ридф ҳарфи изоҳида “Ал-мўжам”да ҳам келтирилади.

[306] “Тусий” сўзида ридф, “Фирдавсий” сўзида “вов” ҳарфи қайд вазифасини бажарган.

[307] Шамсиддин Қайс Розий, Воҳид Табризий “таужиҳ” шаклида келтиришади. Мумтоз поэтикага оид тадқиқотларда Н.Ю.Чаличова, Р.Мусулманькулов, Б.Сирус тадқиқотларида ҳам “таужиҳ” шаклида келади.

сукунли бўлса, “юзини ўзидан олдинги ҳарфга буради”, агар равий мутаҳаррик бўлса, равийдан сўнг васл келса, тавжиҳ васл томонга бурилади: *носирий – муштарий – соҳирий*.

Фахри Исфаҳоний тавжиҳда равийнинг мутаҳаррик бўлиши муҳимлигини таъкидлайди. Абдураҳмон Жомий эса равийнинг сокин ва васлли бўлиши тавжиҳга таъсир қилмаслигини айтиб, ҳар иккала ҳолатга ҳам намуна келтиради.

Эй, мусулмонон, фиғон аз жаври чархи чанбарӣ
В-аз нифоқи Тиру қасди Моҳу сайри Муштарӣ.

Байтдаги *чанбарӣ – Муштарӣ* қофиядош сўзлар таркибидаги “ре” ҳарфи равий, равийдан олдинги “фатҳа” (а унлиси) тавжиҳ, “йо” эса васл саналади.

Атоуллоҳ Ҳусайний тавжиҳ ҳаракатидаги баъзи муаммоли ҳолатга эътибор қаратади. Равийдан олдинги ҳаракат ишбоъ ҳам, тавжиҳ ҳам бўлиши мумкин. Дахилнинг ҳаракати сифатида ишбоъ ҳам равийдан олдин жойлашади. Демак, ишбоъ ёки тавжиҳ ҳаракатини белгилаётганда дахил мавжуд-мавжудмаслигига ва таъсиснинг иштирокига эътибор қаратиш лозим. Агар равийдан олдин дахил иштирок этса, бу ҳаракат ишбоъ саналади[308]. *Гул – мўл* сўзларидаги “замма”, *дар - бар* сўзларидаги “алиф” ишбоъ бўла олмайди, у тавжиҳ саналади.

Воҳид Табризий қофия таркибидаги ҳарфларни таҳлили қилаётганда *гусистамаш – бусистамаш* сўзи мисолида қофия ҳарфлари ва ҳаракатларини тақдим этади. Демак,

№	*Сўз*	***Тавжиҳ***	*Равий*	*Мажро*	*Хуруж*	*Нафоз*	*Мазид*	*Нафоз*	*Нойира*
1.	Г	**У**	С	И	Т	А	М	А	Ш
2.	Б	**У**	С	И	Т	а	М	А	Ш

Мажро. Равийнинг ҳаракати мумтоз қофия илмида мажро номи билан аталади. “Мажро” сўзи “канал, дарёнинг оқиш йўли” каби маъноларни англатади. Демак, равийдан кейинги ҳаракат сифатида қофия таркибидан чиқиб кетиш маъносида ишлатилади: *парастира – хастира* сўзидаги “те” ҳарфи равий саналса, равий ва васлни улаб турувчи “касра” (и унлиси)

[308] Дахилнинг мавжудлиги таъсисга қараб белгиланади.: *мойил-жоҳил.*

мажродир. Агар эътибор қилинса, равийдан кейинги ҳаракат билинар-билинмас талаффуз қилинади.

Дўсто, гир дўсти, гир душмани

Ушбу мисрадаги “йо” мажро вазифасини бажарган. *Душмани* сўзидаги равий – “нун” ҳарфига ёрдамчи сифатида иштирок этган[309].

Аҳмад Тарозий қофия таркибидаги олти ҳаракатни изоҳлашда мажрони бошқа ном остида келтиради[310]. Олти ҳаракатнинг дастлабкиси сифатида **итлоқ**ни тақдим этади. Итлоқ ҳам мажро сингари равийнинг ҳаракатига нисбатан ишлатилади: *гулаш – булбулаш* сўзидаги “лом” равий, равийдан кейинги “фатҳа” (а унлиси) итлоқдир.

Мумтоз қофияга оид барча рисолаларда мажронинг ихтилофи нуқсон сифатида қабул қилинмаслиги айтилади. Табиийки, унинг олдида келувчи равийнинг ҳар хиллиги қофиянинг асосий ва қўпол нуқсонларидан бири сифатида кўрсатилади.

Нафоз. Нафоз васл, хуруж, мазиднинг ҳаракати сифатида келтирилади. “Нафоз” сўзи луғатларда “буюртма асосидаги ҳаракат” маъносини билдиради. Унинг вазифаси ҳам айнан. Яъни заруратга қараб равийдан кейин жойлашувчи қофия ҳарфларининг ҳаракатлари сифатида келади. “Фунун ул-балоға” ва “Рисолаи қофия”да васл ва хуружнинг ҳаракати ёки сукуни сифатида берилади.

То чанд ба санглоҳи ғам афканийам,

В-аз санги ситам шишаи дил бишканийам[311].

Байтда келтирилган *афканам – бишканийам* қофиядош сўзларидаги “йо”нинг ҳаракати “фатҳа” (а унлиси) нафоз саналади. Жомий нафозни васлни хуружга пайванда қилувчи ҳаракат эканлигига ишора қилади. Ажам шоирлари васлнинг

---

[309] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.148.

[310] Мажро билан бир хил хусусиятга эга бўлгани боис “мажро ўрнида” деган бирикмани ишлатдик.

[311] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.306.

мутаҳаррик бўлишига эътибор қаратмайдилар. Одатда қофия ҳарфлари васл, хуруж, мазид сукунли бўлиши таъкидланади[312]. Демак, васлдан кейинги барча ҳарфларнинг ҳаракатлари умумий тарзда нафоз номи билан аталади. Атоуллоҳ Ҳусайний қофияда нафознинг такрорланиши, келишини зарурат сифатида баҳолайди. Фахри Исфаҳоний васл, хуруж, мазид, нойирадан кейин келувчи ҳаракатни ***инфоз*** атамаси билан аталишини келтиради.

Кўриниб турибдики, қофия ҳарф ва ҳаракатлари қофия асосини белгилаб берувчи асосий унсурлардир. Поэтикага оид рисолаларнинг деярли барчасида қофия ҳарф ва ҳаракатлари тадқиқ этилган. Қофия турлари ва қофия ҳарфларига асосланадиган бадиий санъатларнинг деярли барчаси қофия ҳарфларига боғлиқ бўлгани боис қофия ҳарф ва ҳаракатлари рисолалар таркибининг асосини ташкил қилади. Қофия илмига оид, маълум ижодкор шеъриятининг қофия тизимига оид тадқиқотларда қофиянинг мурдаф, муассас, муқайяд, мужаррад турлари қофиянинг тузилишига кўра турлари сифатида келтирилади[313]. Бироқ қофия илми назариясига оид арабий, форсий, туркий манбаларнинг ҳеч бирида улар алоҳида турлар сифатида келтирилмайди. Қофия ҳарфлари изоҳида уларнинг иштирокига қараб қофия номлари тақдим қилинади.

2.4. Қофия айблари (нуқсон)га оид назарий қарашлар такомили

Араб ва ажам шоирлари қофия ҳаракатлари ва ҳарфларидаги ноўхшашликларни қофия айблари сифатида келтиришади. Одатда қофия айблари (нуқсонлари) қофия ҳаракатларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Камдан кам ҳолатда қофия ҳарфлардаги ихтилофлар қофия айблари сифатида келтирилади.

---

[312] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.149.

[313] А.Рустамов. Қофия нима?– Тошкент: Фан, 1976. – 40 б.// Қофия структурасига оид бир “назария” ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. № 3 / 1976.// Навоийнинг бадиий маҳорат. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. -Б.73-102. //У.Тўйчиев. Қофия ва унинг назариясига оид// Адабиёт назарияси. 2-том. -Т.: Фан, 1979. -Б.368-385. // М.Акбарова. Алешр Навоий ғазалларида қофия. -Т.: Фан., 1993. 27 б..//Д.Юсупова. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. Дарслик. -Т.: Академнашр. 2020. 289-297.

Чунки шоирлар қофия ҳарфларининг ихтилофини жуда катта камчилик сифатида баҳолашган. Шунинг учун ҳам одатда қофия ҳарфларида ҳар хиллик учрамайди. Мумтоз қофияга оид арабий, форсий, туркий рисолаларда қофия айблари махсус “бўлим”, “фасл”, “ҳарф”ларда изоҳланган. Абу Абдуллоҳ Хоразмий “Шеърий нуқсонлар”, Шамсиддин Қайс Розий “Шеърий нутқда қофиядаги нуқсонлар ҳақида”, Носириддин Тусий “Дар уюби қавофия”[314], “Дар уюби қавофи порси”[315], Жомий “Фасл”[316] Фахри Исфаҳоний “Қофия айблари” Атоуллоҳ Ҳусайний “Рисола дар қофия” асарининг 7-қисми (7-ҳарф)ни қофия айблари тадқиқига бағишласа, “Фунун ул-балоға” ва “Бадое ул-афкор” рисолаларида қофия ҳаракатлари таркибидаги камчиликлар сифатида қофия нуқсонлари изоҳи берилади. Рисолаларнинг аксариятида қофиянинг 4 нуқсони таърифи келтирилади:

1. Иқво
2. Икфо
3. Синод
4. Ийто

Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий, Фахри Исфаҳоний қофиянинг тўрт нуқсонига қўшимча тарзда уч қофия нуқсонини изоҳлайди:

5. Муноқаза
6. Тазмин
7. Тахлиъ

Аслида қофия айби сифатида келтирилган муноқаза, тазмин, тахлиъ қофиядан кўра кўпроқ шеърий жанрлар билан боғлиқ камчиликлар саналади[317].

Иқво[318]. **“**Иқво” сўзининг маъноси манбаларда турлича изоҳланади. Бу сўз араб тилида اقوا – “ўралган арқонни ечиш”,

[314] 5-фаслида
[315] 10-фаслида
[316] 7-фаслида
[317] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 190.
[318] Қофия айблари номларининг кетма-кетлиги рисолалардаги тартиб асосида танланди.

“арқонни тескари томонга буралиши”[319], “ипни қайта бериш”[320] маъноларида ишлатилади. “Иқво” сўзи лексик жиҳатдан “тугаган заҳира” маъносини ҳам билдиради[321]. Луғатларда “холи қилмоқ”, “тарк қилмоқ” маъносида ҳам келади. Б.Сирус уни ақво деб атайди[322]. Рисолаларда ҳазв ва тавжиҳнинг ноўхшашлиги иқво сифатида келтирилади. Қиёсий тадқиққа тортган манбаларнинг аксариятида ҳазв[323] ҳаракати изоҳида қуйидаги байтдаги қофиядош сўзлар намуна сифатида келтирилади:

Ҳар вазир ва муфтий ва шоир ки у Тусий буд.

Жўн Низомулмулк ва Ғаззолий ва Фирдавсий буд.

Байтдаги қофиядош сўзлар *Тусий* – *فردوسی طوسی* сўзидаги “замма” (у унлиси) *Фирдавсий* сўзидаги “вов”дан олдинги “фатҳа” (а унлиси) бу ҳолатни юзага келтирган[324].

Аз ғуса ҳижрон ту дил бур дорам,

Пайваста аз он дийда ба хун тар дорам[325].

Байтда қофиядош сўзлар сифатида тақдим қилинган *бур (بر)* ва *тар (تر)* сўзларидаги равийдан олдинги ҳаракат, яъни тавжиҳнинг турли ҳаракатлар билан ифодаланиши қофия айби сифатида иқво саналади[326].

Араб шоирлари мажро, равий ҳаракатидаги ноўхшашликни ҳам иқво номи билан аташган[327]. Бироқ форс шоирлари равийдан кейинги ҳаракатдаги турличаликни жуда катта камчилик сифатида баҳолаб, бундай сўзларни ўзаро қофиядош сўз сифатида келтириш нотўғри эканлигини таъкидлашган.

---

[319] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.160.

[320] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.73

[321] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.

[322] Сирус Б. Қофия дар назми тожик. Сталинбод, 1955.

[323] Ҳазв - ридф ва қайддан олдинги ҳаракат.

[324] *Тусий* сўзидаги “замма” ридфдан олдинги ҳаракат, *Фирдавсий* сўзидаги “фатҳа” қайддан олдинги ҳаракат сифатида ҳазв саналади.

[325] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.148.

[326] “Ал-мўъжам”, “Меъёр ул-жамоли”, “Бадое ул-афкор”да иқвонинг изоҳланиши, байтлари айнан.

[327] “Ал-мўъжам”, “Меъёр ул-жамоли”, “Бадое ул-афкор”.

Чунки равийдан кейинги ҳарф ва ҳаракатларнинг такрори муҳим саналади.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий иқво сифатида *мунзилу – манзили* қофиядош сўзларни келтиради. Қофиядош сўзларга изоҳ чоғида “алиф”, “вов”, “йо”лар ўртасидаги ихтилоф жуда оғир эканлигини айтиб, иқводан кўра нуқсони кўпроқ эканлигини таъкидлаб, “исрофдир” деб таъриф беради.

Носириддин Тусий “Дар уюби қавофия”, “Дар уюби қавофи порси” сарлавҳалари остида қофия ихтилофларини тушунтирар экан, уларнинг илмий атама сифатидаги номларини келтирмайди. “Қофия айбларидан бири”, “иккинчиси” сўзлари орқали уларнинг хусусиятларини очиб беради. Форс шоирлари қофия айблари орасида тўрт қофия нуқсони устида баҳс юритадилар. Тусий уларнинг дастлабкиси сифатида ридф билан боғлиқ айбни келтиради[328]. Ридф билан боғлиқ нуқсоннинг икки турини фарқлайди. 1. Ҳазвнинг ихтилофи: *мард – дурд – вирд* қофиядош сўзлардаги “фатҳа” (а унлиси), “замма” (у унлиси), “касра” (и унлиси)нинг ўзаро номувофиқлиги форс шоирлари томонидан қофия айби сифатида келтирилади. Ёки мутлақ қофия сифатида келадиган *даста – руста – баста* сўзларидаги ҳаракатлар ҳам иқво саналади. 2. Ридф ва махраждаги ҳарфдаги нуқсон: *зоҳиртар – кабеҳтар* сўзларидаги ридф ва “ре” ва “ҳо”даги турличалик қофия айби сифатида кўрсатилади. Бироқ бу каби ҳолатлар камдан кам учрайди. *Дур – шўр; шир – шеър* сўзларини ҳаракатлардаги ихтилофлар форс шоирлари шеърларида кўп учрайди. Тусий иккинчи турдаги қофия айбларини тўрт турга бўлган ҳолда тақдим қилади. Уларнинг биринчиси сифатида тавжиҳдаги ихтилофни келтиради. *Ахтар – унсур – шоир* сўзлари ўзаро қофиядош сўзлардаги ҳаракатларнинг ихтилофи қофия айбини юзага келтирган. Олим “ре” – равий мутҳаррик бўлса, бу сўзлардаги равийдан олдинги “фатҳа”, “касра”, “замма” тавжиҳ бўла олмаслигини, бу сўзлар қофияда “муртафеъ - муртад” бўлишини, қофиядош сўз сифатида олинмаслигини айтади.

[328] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 127.

Аҳмад Тарозий ҳазв ҳаракати изоҳида унинг ихтилофи иқво деб номланишини айтади. “Ул ридфнинг моқаблининг ҳаракатидир, нетокким, *тус* ва *кус* ё *зайн* ва *дайн*. Ва мунинг ихтилофин иқво ўқурлар”[329]. Араб шоирлари ҳазв ҳаракатининг ихтилофини айб сифатида қабул қилмаганликларини, ажам шоирларида эса бу айб – нуқсон эканлигини айтади. Олимларнинг ридфдаги “вов” ҳарфининг ихтилофини қабул қилганликларини таъкидлаб, Мавлоно Асадийнинг *Тусий - Фирдавсий* сўзлари қофиядош сўзлар сифатида келтирилган байтини келтиради[330]. Бироқ Аҳмад Тарозий тавжиҳнинг ихтилофини ижоза деб номлайди.

Жомий ҳам иқво ҳазв ва тавжиҳнинг ихтилофи эканлигини айтиб, *дур – давр, жаст –жуст, пур – бар* қофиядош сўзлар мисолида тушунтиради.

Атоуллоҳ Ҳусайний иқвонинг икки шаклини тақдим қилади[331]:

1. Қофиядош сўзлардаги ҳазвларнинг турли ҳаракатлар билан ифодаланиши: *дод – дид (داد - دید);*
2. Қофиядош сўзларнинг бирида ҳазвнинг иштирок этиши, иккинчисида иштирок этмаслиги: *дуд – давр (دور - دور).*

Икфо. “Икфо” сўзи луғатда “хоҳлаган нарсасидан юз буриш”, “тескари қилмоқ” деган маънони англатади[332]. Икфо араб ва ажам шоирлари томонидан қофиядаги асосий нуқсонлардан бири сифатида қубул қилинган. Икфо равийдаги ноўхшашлик асосида юзага чиқади. Бу сўзнинг луғавий маъноси ҳам шунга ишора қилади. Қофия оҳангдорлигини таъминловчи асосий унсур равий саналади. Демак, равийдаги ихтилоф қофия илмида жиддий нуқсон сифатида қаралади. Абу Абдуллоҳ Хоразмий икфони ноаниқ қофия сифатида таърифлайди. Икфо талаффузига кўра яқин ҳарфларнинг ҳар хиллиги эканлигини таъкидлайди. Хоразмийда икфо қофия айблари орасида энг охиргиси сифатида изоҳланади. Икфо

---

[329] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 73.

[330] Бу байт юқорида келтирилган.

[331] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.59.

[332] Б.Сирус икфони “акфо” номи билан келтиради.

назарияси Хоразмийга қадар яшаб ижод этган араб филологлари асарларида ҳам учрайди: Атама Юнус ибн Ҳабиб, Абу Амр ибн Аъла (ВИИИ аср) ва Халил ибн Аҳмад, Ибн Мўътаззнинг устозлари Муфаддал (ХИИИ аср) ва Мубаррад (ИХ аср).

Рў бажон ор андарин кор эҳтиёт,
Зонги жуз бар ту надорам эътимод[333].

Байтда келтирилган *эҳтиёт – эътимод* қофиядош сўзлардаги “то” ва “дол” ҳарфлари равий саналади. Равийда ихтилофлар бўлса-да, ўзаро ўхшаш товушлар (ҳуруфи мутақориб) қофия оҳангдорлигини таъминлаган.

Гуфти ки: бо мухолиф ту зийн сибас маро,
Набуд беҳиж ҳоли беамре ту ҳадис.
Рафти-йу роз гуфти бо душманони ман,
В-он кас, ки гўшдори ту буд он ҳама шанид[334].

Байтда *ҳадис – шанид* сўзлари ўзаро қофиядош сўзлар сифатида келтирилган, “се” ва “зол” ҳарфлари равий сифатида олинган. Эътибор берилса, қофиядош сўзларда оҳангдорлик сезилмайди. Равийдаги икки ноўхшаш ҳарфларнинг равий сифатида келиши қофия сифатида олинмаслиги керак. Бундай назм шаклини шеър сифатида баҳолаш тўғри эмас[335].

Носириддин Тусий ҳам икфо равийнинг ихтилофи эканлигини қисқа қилиб тушунтириб беради.

Жомий ҳам бу каби ихтилофда талаффузда яқинлик сезилиши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Араб ва ажам ҳарфларини бир қофияда жамъ қилиш “бағоят номақбул иш эканлиги”га ишора қилади[336].

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг икфо ҳақидаги қарашлари Қайс Розий ва Жомий фикрлари билан ўхшаш. Ҳусайнийнинг фикрига кўра қофия айблари орасида икфо шеъриятда кўп

---

[333] Бу байт “Ал-мўжам”, “Меъёр ул-жамоли”, “Бадое ул-афкор” асарларида келтирилган.

[334] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.160. // Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirҷaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.–

[335] Қайс Розий “нун” ва “жим” ёки “бо” ва “дол” нинг қофиядош сўз таркибида равийга олиниши тўғри эмаслигини таъкидлайди.

[336] Рак –саг, чап – тараб, каж – газ, поча – хожа сўзларидаги араб ва жам ҳарфларини равий сифатида келтириш нотўғри эканлигини таъкидлайди.

учрайди. Сабоҳ – сипоҳ (**صباح - سپاه**)қофиядош сўзларидаги равийнинг турли ҳарфлар билан ифодаланиши қўпол хатолардан бири саналади. Бу ҳолат, айниқса, шоирларнинг арабча ва форсча сўзларни қофиядош сифатида келтирилганида кўзга ташланади: *тараб – чап, сарача – хожа, каж – каз, саг – шак*[337]. Қофиянинг асосини таъминлаб берувчи асосий унсур – ҳарф равий саналади. Шунинг учун ҳам равийдаги ихтилоф қофияда кечирилмас айб саналади. Шамсиддин Қайс Розий ва Атоуллоҳ Ҳусайний қофиядаги бу хусусиятни муҳим санаганликлари боис ҳам икфо қофиядаги муҳим нуқсонлардан бири эканлигини, бундай сўзлар қофиядош бўла олмаслигини таъкидлайдилар.

Синод. “Синод” сўзи “фарқланиш” деган маънони билдиради. Баъзи манбаларда бу сўз “дўстона бўлмаслик” [338], “ишонч билдириш”, “қўлга олиш” маъноларида ҳам келиши айтилади. Шамс Қайс Розий бу сўзнинг маъносини “ихтилоф” деб атайди. Синод ридфнинг ихтилофига нисбатан ишлатилади. *Замон – замин* сўзларидаги “алиф” ва “йо” ҳарфи рифд саналади. Ёки *зиндагоне – гузине* сўзларида ҳам “алиф” ва “йо” ҳарфи рифддир. Абу Абдуллоҳ Хоразмий синодни “нотўлиқ” қофия сифатида келтиради[339]. Қудама ибн Жаъфарнинг фикрича, синод бу икки қофия шаклларининг ўзгаришидир[340].

Араб шеърларида ҳазв ва таъсис ҳаракатидаги ноўхшашлик синод сифатида келтирилади. Форс шеъриятида эса синод ридфнинг ихтилофи эканлиги айтилади.

Куни нохуш ба мо бар зиндагоне,
Агар аз мо дами дури гузине[341].

Зиндагоний – гузине сўзидаги “алиф” ва “йо” ҳарфлари ридф бўлиб, улардаги ноўхшашлик синодни юзага келтирган.

Аҳмад Тарозий араб шуароси олдида ридфнинг ўзгариши “раво” эканлигини, ажам шоирлари эса бунга айб сифатида

---

[337] Бу қофиядош сўзлар Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарида ҳам келтирилган.

[338] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 109.

[339]

[340] Красковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке// Избранные сочинение. Т.2. –М.-Л. 1956. –С.360-373.

[341] “Ал-мўъжам”, “Меъёр ул-жамоли”, “Бадое ул-афкор”.

қарашларини таъкидлайди: *уд – ид*. Араб шоирлар қофиядош сўзлар таркибида ридф сифатида “вов” ва “йо”нинг келишини жоиз деб билганлар[342]. Шунинг учун ҳам бу каби қофияланиш тарзи араб шеърларида жуда кўп учрайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний синод ридфнинг ихтилофи эканлигини таъкидлаб, *дод – дуд – дид* қофиядош сўзлари мисолида тушунтиради.

Ийто. “Ийто” сўзи луғатларда “суворий бўлмоқ” маъносида келади. Р.Мусулманкулов ийтони “оёқости қилиш” маъносида ишлатади[343]. Мумтоз қофия илмида ийто бир қофияни икки марта қўллаш асосига қурилади. Араб ва ажам шоирлари қофияни қайта қўлланишини қофия айби сифатида баҳолашган. Бу ўринда Атоуллоҳ Ҳусайний радд ул-матлаъ билан ийтони фарқлаш кераклигини айтади. Радд ул-матлаъ санъатида мисра ёки байт тўлиқ ҳолда ғазал ёки қасида, қитъанинг хоҳлаган ўрнида айнан такрорланишига асосланади. Ийто эса бир қофиянинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бошқа бир мисрада айнан такрорланишига асосланади[344]. Қофия турларидан бири – шойгон қофия айнан ийто асосига қурилади.

Дар шеъри ман найоби масруқу мунтаҳил,
Дар назми ман набийни ийтойи шойгон[345].

Мумтоз қофияга оид барча рисолаларда ийтонинг икки тури фарқланади[346].

1. Ийтойи жалий

2. Ийтойи хафий

1. Ийтойи жалий. Ийтонинг ийтойи жалий турида қофиянинг такрори очиқ бўлади.

Дар ин замона бути нист аз ту некутар,
На бар ту бар шамани аз раҳити мушфиқтар.

---

[342] Амуд – амид сўзлари. А.Жомий. “Рисолаи қофия”.

[343] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. - М., 1989. - С. 110.

[344] Кейинчалик манбаларда қофиянинг такрор келиши радд ул-қофия бадиий санъатига асос бўлгани келтирилади. Ваҳолангки, бу мумтоз қофияга оид рисолаларда камчилик сифатида баҳоланади.

[345] Ушбу байт Рашидиддин Вотвотнинг қасидасидан олинган бўлиб, Ҳусайн Воиз Кошифий “Бадое ул-афкор” асарида келтирган.

[346] Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асари бундан мустасно.

Байтда қофиядош сўз сифатида келтирилган *некутар – мушфиқтар* сўзларидаги “тар” сўзининг такрори қофияни юзага келтирган асосий унсур саналиши билан бирга икки мисрада айнан такрорланган.

Ба гити зи обу оташ тизтар нист,
Ду хон анду ду султони ситамгар.
Ту ро Семурғ-у тийр газ набояд,
На Рахши жоду-йу Золи фусунгар.

Ситамгар – фусунгар қофиядош сўзлардаги “гар” шакли икки мисрада айнан такрорланган.

Ту он шабранг тозийро бамайдон, чун барангизи,
Адуро худ бинварди, ба-дон тиғи балогустар.
Ва андак рўзгор, ай шаҳ, ду чизам дод бахти ту:
Йаке лафзе хират рутбат, дувум табъи саногустар[347].

Аҳмад Тарозий ҳам ийтойи жалийга намуна сифатида *некутар – машаққатар* сўзларини келтиради[348]. Жомий эса *некутар – зеботар* қофиядош сўзлар асосида ийтойи жалийни изоҳлайди[349]. Ийтойи жалийда қофия тўлиқ такрорланмайди, қофиядош сўзларнинг қисмлари такрорланади: *сарача – гиламча, дард манд – ҳожатманд, фусунгар – ситамгар, маҳбубан – ошиқан* каби. Атоуллоҳ Ҳусайний ийтойи жалийнинг келиши шеърда катта бир нуқсон эканлигини айтади. Араб ва ажам шоирлари ийтойи жалийнинг қўлланашини танқид қилганлар. Фақат зарурат юзасидан, ҳажман катта бўлган қасида ва ғазалларда байтлари бир-биридан узоқда бўлган ҳоллардагина қўллашга рухсат берганлар. Бунда қасида ёки ғазал 20-30 байтдан кўпроқ бўлиши керак. Шамсиддин Қайс Розий ҳам ийтойи жалий форс шоирлари томонидан қўпол нуқсон сифатида қабул қилинишини айтиб, қасида узун, 23 байтдан ташкил топсагина ийтойи жалийнинг

[347] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.162.

[348] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 74.

[349] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.309.

қўлланишига рухсат этилганини таъкидлайди. Бунда қасида икки ёки ундан ортиқ матлаъдан иборат бўлади[350]. Бундай ҳолатда қофиянинг такрори бошқа бир қисмда қўллангани боис ҳам қабул қилинган.

Атоуллоҳ Ҳусайний Қайс Розий келтирган фикрга ойдинлик киритади. Қасида ва ғазалда ийтойи жалийнинг қўлланиш ўрни бор: қасидада 12-14 байтддан кейин, ғазалда эса ҳар 7 байтдан кейин ийтойи жалий қўлланиши мумкин[351].

2.*Ийтойи хафий.* Ийтойи хафий “яширин, беркитилган ийто” маъносини билдиради. Ийтонинг бу турида қофия таркибидаги баъзи қўшимча ҳарфлар такрорланади. Энг асосийси, бу қўшилган ҳарфларни бемалол алоҳида ажратиш мумкин.

Эй гули рухсори ту бурда зи рўйи гул об,
Сўҳбати гулзорҳо карда ба бўят гулоб[352].

Шамсиддин Қайс Розий қофияси бошдан оёқ ийтойи хафий нуқсонига эга бўлган бир нечта қасидаларни келтиради. Рашидиддин Ватвотнинг ўзи таъкидлаганидек, “дар назми набини ийтойи шойгон” шаклидаги қасидасини таҳлилга тортади. Қасидадаги *посбон – дийдабон – меҳрибон; меҳргон – худойгон – роягон – шойгон* қофиядош сўзлардаги ихтилофларни ийтойи хафий эканлигини айтади.

Аҳмад Тарозий ийтойи хафийга *гулоб - селоб, гулзор - лолазор, доно - бино* сўзларини намуна сифатида келтиради.

Жомий байтдаги *гул об – гулоб* сўзларидаги об(сув) сўзининг такрорини ийтойи хафийга намуна сифатида келтиради[353].

Зиҳи замири мунирад зиҳобе фазлу карам,
Зи файзи килк ту жорист обе фазлу карам.

---

[350] Маълумки, қасида бир неча қисмлардан иборат бўлади: насиб (ташбиб), гурезгоҳ, мадҳ ва мамдуҳ. Ҳар бир қисмнинг алоҳида матлаъси бўлади.

[351] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.

[352] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.309.

[353] Байтдаги гул об – гулоб сўзлари ўзаро шаклдош бўлиб, қофиянинг такроридан кўра икки, турли маънога эга сўзни ҳосил қилган. Бу эса тажнис санъатини юзага келтирган.

Ҳусайн Воиз Кошифий Шамсиддин Қайс Розийнинг фикрларини айнан келтирган ҳолда Анворий ва Амир Муиззийнинг қасидаларини ийтойи хафийга намуна сифатида тақдим қилади.

Ба хоки пойи ту сад бор беш таъна задаст,
Сипиҳр, тахти Сулаймону тожи Қисрийро
Ба ҳар чи муфтийи ройат қалам ьа даст гирифт,
Қазо чу об нависад жавоби фатвийро[354].

Атоуллоҳ Ҳусайний ийтойи хафий ҳақидаги назарий қарашларни аниқ ва очиқ изоҳлайди. Амру нахий (буйруқ) сўзлар *биё* ва *маё* сўзлари ҳам ийтойи хафийга намуна бўла олишини айтади. Бироқ нафйи-у исбат (тасдиқ-инкор) сўзлардан *бирафт – нарафт* сўзлари ийтойи хафий бўлолмаслигини, бу икки қофиядош сўзлардаги камчилик аниқ кўриниб турганини таъкидлайди.

Муноқаза[355]. Муноқаза қофия айби сифатида Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий ва Фахри Исфаҳоний рисолаларида келтирилади. “Муноқаза” сўзи “қарама-қаршилик” деган маънони англатади. Муноқаза танақуз номи билан ҳам ишлатилади. Шеърий нутқда биринчи мисрадаги фикр иккинчи мисрадаги фикр билан мос бўлмаслиги, фикрий қарама-қаршиликка учраши муноқазани юзага келтиради.

Дарамаш бахшаму ки бўса надҳад жавр кунад,
Бидирам жома ки бўса нафурашад бадирам[356].

Биринчи мисрада шоир ёрнинг бўсаси учун дирҳам бағишлашини айтади. Иккинчи мисрада эса ёрнинг бўсасини сотиб олмоқчилигини маълум қилади. Аммо ёр бўсасини пулга сотмоқчи эмас. Демак, байт моҳияти дирҳам бермоқчи бўлсам, ёр бўса бермайди, сотиб олай десам, сотмайди мазмунида фикрий қарама-қаршилик Шамс Қайс Розий айтмоқчи, танақузга асос бўлган.

---

[354] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirҷaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 3212

[355] Муноқаза (танақуз) қофиядан кўра маъно билан боғлиқ нуқсонларга яқин туради.

[356] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.166.// Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.73

Ҳижроне ту бо марг баробар кунам,
Аз марг батар бошад ҳижрон ту доне.

Байт мазмунига эътибор қилинса, биринчи мисра ва иккинчи мисра моҳияти бир-бирига тескари: ҳижронинг мен учун ўлим билан баробар (1-мисра), ҳижронинг мен учун ўлимдан баттар (2-мисра).

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида муноқаза (танақуз) “Маъноға тақалувчи айблар” қисмида келтирилади. Танақусни мутаноқис деб ҳам аташларини таъкидлаб, юқоридаги “Ҳижроне ту бо барг” деб бошланувчи байтни келтиради[357].

Қайс Розий ва Фахри Исфаҳонийда Анворийдан бир байт келтирилади:

Эй малак, ту ро арсайи олам сари куйи,
Аз мулке ту то мулки Сулаймон сари муйи.

Шоир биринчи мисрада маъшуқанинг олами бутун оламдан ҳам улуғ, буюк эканлигига ишора қилади. Иккинчи мисрада эса Сулаймон мулкидан кичик эканлигини айтади. Биринчи мисрадаги моҳият иккинчи мисра моҳиятига зид ҳолатда келтирилади. Эътибор берилса, муноқаза қофия айбидан кўра маънога тақалувчи айб эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Тазмин. Тазминнинг икки тури мавжуд бўлиб, биринчи тури тўлиқ ҳолатда маъно (**ثمام معنى**) билан боғлиқ бўлади. Биринчи мисра иккинчи мисра билан маъно жиҳатидан узвий алоқада бўлади. Бундай байт музамман **(مضمن)** байт сифатида келтирилади. Тазмин кўпроқ араб шеъриятида қўлланилади. Тазминнинг ўзига хос хусусияти шундаки, шоир бошқа (бегона) сўз, мисра ёки байтни ўз шеърида ишлатади. Моҳият жиҳатидан мустақил маънога эга бўлган мисра ёки байт шеърда маълум тартибга бирлаштирилганда, бир мазмун остида бирлашади. Агар келирилган мисра ёки байт ўз ўрнига тушса, маъқул кўрадилар, аммо мос тушмаса, шеърдаги қўпол айб сифатида эътироф этадилар.

Намуд тиғ-и ту осор-и фатҳу гуфт фалак:
Чунин намоянд шамшир-и хусравон осор.

[357] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 263.

Масалан, “Ал-мўъжам”да келтирилган юқоридаги байтдан Анворий ўз ижодида фойдаланган ва бу байт шеър моҳиятига мос тушганлиги айтилади.

“Ал-мўжам”да тазминнинг кейинги тури сифатида *тавқиф* келтирилади. Мисра ёки байтда келтириладиган бирикма ёки мисра шаклидаги бегона бўлаклар мисра ўртасида учраши, бу ҳолат байт мазмунига ва бадииятига катта таъсир кўрсатиши айтилади.

Шоир биринчи байтининг маъноси иккинчи байтга боғлиқ бўлиши тазминнинг асосий хусусиятларидан бири саналади. Бундай байтни музамман байт дейишади. Бу ҳолатни олимлар шеърдаги камчилик сифатида баҳолашади. Чунки олимлар шеърдаги ҳар бир байт мустақил бўлишини, маъно ва тартиби жиҳатидан бир-бирига муҳтож бўлмаслиги кераклигини таъкидлайдилар. Байтлар бир-бирига қанча кўп муҳтож бўлса, шеърдаги айби ҳам ортаверади. Шамсиддин Қайс Розий бу ҳолат кўпроқ араб шеъриятида учраши, сўзнинг бир бўлаги биринчи мисра, қолган бўлаги иккинчи мисранинг қофияси сифатида келишини таъкидлаб, намуна сифатида қуйидаги байтни келтиради.

لم ابک للا ظعان و لت ام لرس

م مقفر او حس منهم و درس

Байтда “ **لرسم** лирасми” сўзи икки қисмга ажратилган. Биринчи мисра бошланғичида **لم**, иккинчи мисра бошланғичида “ **م**-мим”, мисра сўнгида **درس** шаклида тақсимлаган. Шамсиддин Қайс Розий бу ҳолатни шеърдаги бемаънилик сифатида баҳолайди. Форс шеъриятида бундай ҳолат биргина Сўзанийнинг қитъасида учрашини айтади:

Шормон бод мажлис-и мустав

фий-и мушриф

Ҳамид-и дин ал-Жав

ҳарий он садр к-аз

Жавоҳир-и ал

фоз-и у аҳл-и донишу дав.

Сўзанийнинг бу қитъаси бошдан оёқ шу шаклда ёзилган. Шамсиддин Қайс Розий тазмин шеър айби бўлмаслиги учун

байтлардаги маънолар ўзаро мос, уйғун шаклда бўлиши кераклигини уқтиради.

Атоуллоҳ Ҳусайний тазминни шакл ва маънога бирдек боғлиқ санъат сифатида келтиради. Олим бу борада Шамсиддин Қайс Розийнинг тазминга шеър айби сифатида муносабатда бўлишини таҳлил қилади. “Ал-мўжам”да келтирилган назарий фикрлар билан бирга байтларни ҳам намуна сифатида тақдим қилади. Ҳусайний араб олимларидан бири Ибн ал-Асирнинг “Масалу-с-соир”да тазминга оид фикрларини тақдим қилиш орқали тазмин шеър айби эмаслигини исботлайди. “Назмнинг икки байти ёки насрнинг икки фасли, яъни бўлаги орасинда биринчисининг маъноси иккинчисисиз тугамаган ҳолда воқиъ бўлур. Муни баъзилар айб ҳисоблаган бўлсалар ҳам, айб эмастур, зероки мундоқ боғланишу алоқадорлиқ ойатта, Қуръон бўлакларинда ва фусаҳо ашъори-ю аларнинг хутбаларинда кўптур. Агар айб бўлса эрди, бу ўрунда воқиъ бўлмас эрди”[358].

Тахлиъ. “Тахлиъ” “озод бўлиш”, “қўлни кесиш” маъноларида ишлатилади. Бевосита “озод этиш” маъноси шеърга оид вазифасини бажарса, “қўлни кесиш” маъноси эса тахлиъ зиҳофи билан боғлиқ ҳолат сифатида тақдим қилинади. Шеър ҳеч қандай вазн, рукний бўлинишлар ва тўхтамларга риоя қилинмаган ҳолда мустақил яратилади. Қайс Розий бундай шеър шаклига қадим шоирлар ижодидан байт келтиради.

Эй бути ман жаро ҳаме сўзи маро,
Пас ҳар даме мизаниям бегунаҳ

Такаллуфи қофия. Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадоеъ ус-саноъ” асарида “Маъноға тақалғучи айблар” сарлавҳаси остида ***такаллуфи қофия***ни келтиради. Олим такаллуфи қофияни санъат сифатида эмас, камчилик сифатида кўрсатади. Такаллуфи қофия маънога фойдаси бўлмаган ҳолда фақатгина қофия учун сўзларни келтиришга асосланади.

Гаштам зи хумор бетаҳаммул,
Боз ойу биёр, бода, эй гул.

Ушбу байтнинг иккинчи мисрасида келган *эй гул* сўзининг байт мазмунига алоқаси йўқ. Шоир бу сўзни *бетаҳаммул*

[358] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 250.

сўзига қофиядош сўз сифатида келтирган, холос. Атоуллоҳ Ҳусайний бу каби ҳолатлар ўз замонаси шоирлари ижодида кўп эканлигини таъкидлайди. Ҳатто радиф ҳам шеър мазмунига мос тушмаслиги мумкинлигини айтиб, қуйидаги рубоийдаги радифни ***мутакаллиф радиф*** сифатида баҳолайди:

Ийдасту ҳазор ошиқ-и зор имрўз,
Гаштанд умидвор аз ёр имрўз.
Дил чанд кашад зи заҳр-и чашмат талхий?
Ийдий деҳаш аз лаъл шакарбор имрўз?

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, темурийлар даврига оид рисолаларда қофия айблари сифатида баҳоланган иқво, икфо, синод, ийто умумийлик асосида изоҳланса-да, баъзи ўринларда рисола муаллифлари ўзаро баҳсга киришади. Араб ва ажам шоирлари томонидан камчилик сифатида баҳоланган ва раво кўрилган нуқсонлар ўзаро қиёсий ўрганилади. Шамисддин Қайси Розий ва Атоуллоҳ Ҳусайний қофияга оид камчиликларга қўшимча равишда маънога таъсир қилучи нуқсонларни ҳам бир бутунликда тадқиқ этадилар. Жомий, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний рисолаларда келтирилган байтлар араб, форс адабиётдан олинган бўлса, “Фунун ул-балоға” муаллифи аксарият намуналарни туркий адабиётдан келтиради.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Темурийлар даврида яратилган қофияга доир рисолаларда келтирилган қофия, радиф, ҳожиб, қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия айблари билан боғлиқ қарашларга қуйидагича хулоса ясаш мумкин:

1. Темурийлар даври қофияшунослари ўз рисолаларида қофиянинг назарий масалаларини ёритишда қофия тавсифини келтиришдан бошлаган. Гарчи қофияга берилган таърифларда умумий жиҳатлар кўзга ташланса-да, қофиянинг хусусиятини белгилашда фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида қофия мисра сўнгидаги сўз эканлигига ишора қилинади. Унинг шаклан ва оҳанг жиҳатидан мос бўлиши кераклигини айтилмайди. Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида қофия мисра сўнгидаги

оҳангдош сўз эканлиги аниқ таъриф асосида келтирилади. Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарларида қофия таърифи ихчам шаклда келтирилган бўлса, Атоуллоҳ Ҳусайний қофиянинг ўрни ва қонуниятларини тўлиқ ишлаб чиққан ҳолда, уларни ўзидан олдинги рисолалардаги камчиликларни тузатган ҳолда тақдим қилади.

2.Форс тилидаги рисолаларда шеърнинг асоси сифатида вазн асосий мезон қилиб белгиланган бўлса, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида шеърнинг асоси сифатида қофия тақдим этилади.

3. Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида равий ва васлга уланмаган (сукунли)ҳарфлар радиф сифатида баҳоланади. Аҳмад Тарозий, Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий рисолаларида радиф қофиядан ташқаридаги алоҳида сўз эканлигини айтилади, берилган намуналарда радиф алоҳида сўз сифатида намоён бўлади. Васл ва қофиянинг васлдан кейинги ҳарфлари таърифида келтирилган байтларда ҳарфларнинг бир-бирига уланган ҳолати (қофия ҳаракатлари воситасида) акс этган қофиядош сўзлар келтирилади. Демак, рисола муаллифлари Тусий келтирган қонуниятни рад этмаган ҳолда байтларни тақдим этадилар. Улар ҳам қофияга уланган қисмни алоҳида сўз (баъз калима) сифатида қабул қилганлар.

4. Қофия ҳарф ва ҳаракатлари таърифида Фахри Исфаҳоний ва Ҳусайн Воиз Кошифий Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асаридан ижодий фойдаланиб, ёзганликлари кўзга ташланади. Рисолаларда келтирилган байтлар бир-бирига ўхшаш.

5. Темурийлар даврига оид рисолаларда қофия ҳарф ва ҳаракатлари сони ва талқинида тафовут сезилмайди. Бироқ Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида қофия ҳарфлари 5 та деб келтирилади. Тусий васлдан кейинги ҳарфлар форс шеъриятида радиф сифатида олиниши кераклигини айтади. Аҳмад Тарозий, Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий рисолаларида қофия ҳарфлари 9 та келтирилиб, тавсифланади.

6. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарида дахилнинг ўзаро бир хил ёки ҳар хил ҳарфдан иборат бўлувчи турлари фарқлаб тушунтиралади.

7. Аҳмад Тарозий қофиядош сўзлар таркибида қофия ҳарфлари ва ҳаракатларининг бир вақтнинг ўзида қайси бирлари иштирок эта олиш имкониятини кўрсатиб берувчи илова тақдим қилинади.

8. Шамсиддин Қайс Розий ридфнинг икки шаклини ридфи аслий ва ридфи зойид деб номлаган бўлса, темурийлар даври қофияшунослигига оид манбаларда ридфнинг бу икки шакли ридфи муфрад ва ридфи мураккаб сифатида тақдим қилинади.

9. Қофия ҳаракатлари қофия ҳарфлари билан бирга келадиган “фатҳа”, “касра”, “замма” (а, и, у) ҳаракатларидан иборат бўлиб, мумтоз қофия илмида қофия ҳарфларининг оҳангдошлиги билан бирга қофия ҳаракатларининг ҳам такрорига алоҳида эътибор беришган. Ҳаракатлардаги фарқли жиҳатлар қофия нуқсонлари сифатида тақдим қилинган. Деярли барча рисолаларда “Қофия ҳаракатлари” қисмида ҳаракатлардаги ихтилофлар, нуқсонлар билан бир бутунликда тушунтирилади.

1. Қофия ҳаракатлари ва сони темурийлар даврига оид рисолаларда ўхшаш бўлса-да, “Фунун ул-балоға”да Аҳмад Тарозий қофия таркибидаги олти ҳаракатни келтиришда мажрони бошқа ном остида келтиради. Олти ҳаракатнинг дастлабкиси сифатида итлоқни тақдим этади. Итлоқ ҳам мажро сингари равийнинг ҳаракатига нисбатан ишлатилади.

8. Рисолаларнинг аксариятида қофиянинг 4 нуқсони (икво, икфо, синод, ийто)таърифи келтирилади.Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий, Фахри Исфаҳоний қофиянинг тўрт нуқсонига қўшимча тарзда уч қофия нуқсонини (муноқаза, тазмин, тахлиъ)изоҳлайди. Қофия айби сифатида келтирилган муноқаза, тазмин, тахлиъ қофиядан кўра кўпроқ шеърий жанрлар билан боғлиқ камчиликлар саналади.

III БОБ. ҚОФИЯ ТУРЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАСНИФИ

3.1. Қофиянинг тузилишига кўра турлари

Шамсиддин Қайс Розий “Ал-Муъраб фи меъёр ул-ашъор ал-араб” асарида араб шеъриятида қофиянинг ўттиз беш тури мавжудлигини таъкидлайди. Бу қофия турлари қофия ва сўзнинг турли хусусиятлари келиб чиққан ҳолда ажратилган. Қофиянинг дастлабки тури қофиядош сўзлар таркибида сўз ва грамматик шаклларнинг иштирокига кўра аслий, маъмулий, ва шойгон қофия туридир. Бу қофия турлари мумтоз қофияга оид рисолаларда тўлиқ шаклда изоҳланмайди. Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асарида аслий, Носириддий Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” ва Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида аслий, маъмул ва шойгон, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия”сида шойгон ва маъмулий қофия тури, Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарида қофияи маъмул, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Шам Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли” асарларида шойгон қофия турларининг назарий асослари келтирилади. Қофиянинг шойгон ва маъмулий турлари асосан, қофиядаги нуқсонларнинг иштирокига қараб белгиланади. Қофия айблари сифатида белгиланган ийтойи жалийнинг иштироки қофиянинг шойгон қофия турини шакллантиради. Қофия айблари сифатида кўрсатилган бу нуқсонлар кейинчалик бадиий санъат сифатида такомиллашган.

Аслий қофия. Аслий қофияда қофиядош сўзлар асл асосдан ташкил топиши талаб қилинади: *макон – жон – шон* шаклида. Аслий қофияда равий ҳам қофиядош сўзнинг асосида жойлашади: *ҳубоб – гулоб, ҳабиб – рақиб, ҳур – нур, гул – мўл* каби сўзлар аслий қофия саналади.

Бузулғон бу менинг кўнглумни, эй ҳур,
Қил эмди бир табассум бирла маъмур.

Байтдаги *ҳур – маъмур* қофиядош сўзлар асл асосдан ташкил топган, “ре” ҳарфи равий сифатида қофия оҳангдорлигини таъминлаб берган.

Бар омад нилгун абри зи руйи нилгуни дарё,
Чу ройи ошиқони гардон, чу табъи бедилон шайдо[359].

“Фунун ул- балоға”да келтирилган Мавлоно Сафиддин қаламига мансуб ушбу байтдаги қофиядош сўзлар (*дарё - шайдо*) таркибан бир сўз ҳолида, икки қофиядош сўз таркибида “алиф” (о унлиси) равий сифатида қофиядош сўзларни боғлаб турибди.

Бар хи жашм мастишон,
Рон залиф ҳамжун шаштишон[360].

Байтдаги *“мастишон - шаштишон”* қофиядош сўзлардаги қофиядошлик асосларнинг ўзида содир бўлган. Яъни *маст – шашт* сўзлари асл калима сифатида ўзаро қофиядошликни юзага келтира олган. “Те” ҳарфи равий сифатида қофиядошликни таъминлаб берган.

Маъмулий қофия. Қофияи маъмулийни қофияи аслий билан ўзаро қиёсий изоҳланганда, фарқли жиҳатлари кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам барча рисолаларда бу икки қофия таққослаб тушунтирилган. Қофияи маъмулийда қофиядош сўзлар таркибан асос ҳолида бўлмай, ажрала олади. Яъни қофиядош сўзларнинг асослари эмас, қўшилган шакллар оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилади. Равий асл калимада эмас, унга қўшилган шакллардан танланади. *Рост – пайдост* сўзлари ўзаро қофиядош сўзлар саналса, “те” ҳарфи равий саналади. Сўзлар таркибига эътибор қилинса, *рост* сўзидаги “те” асосда(аслий қофия), *пайдост* сўзидаги “те” эса қўшилган “*аст*” шаклидан олиниб, бу сўзлар қофиядош сўз сифатида тақдим қилинган. *Рост* ва *пайдо* сўзлари ўзаро қофиядош бўла олмайди. Бу қофиядошлик *рост* сўзидаги “те”(қофияи аслий), *пайдост* сўзидаги “те” (қофияи маъмулий) орқали амалга оширилган. Ёки *пордам - афшордам* сўзларидаги *пордам* (қофияи аслий) ва *афшордам* (қофияи маъмулий) сўзларида ҳам айни хусусият кўзга ташланади[361].

---

[359] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 57.

[360] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.82.

[361] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 125.

Аслида бу каби ҳолатлар қофиядаги нуқсонлар сифатида тақдим қилинади. Бироқ Аҳмад Тарозий қуйидаги ҳолатларда қофияи маъмулийни қабул қилиш раво эканлигини айтади. 1. Масдар 2. Мозеъ 3. Музориъ 4. Амри робита.

1. Масдар ҳолатида[362]: *гуфтан – суфтан; нўшидан – жўшидан*. Бу қофиядош сўзларнинг бир ғазалда ўзаро қофиядош бўлиб келиши камчилик сифатида қабул қилинмайди. Чунки ҳар икки қофиядош сўзда ҳам равий сўзнинг нафси (асос)да эмас, асосдан кейин қўшилган шаклларда қўлланган[363]. Бироқ қофияи аслий ва қофияи маъмулийни бир ғазал таркибида ўзаро қофиядош қилиш олимлар томонидан хато эканлиги айтилади[364].

2. Музориъ ҳолатида[365]. *Барад – дарад, занад – танад, мекашад – мечашад* қофиядош сўзлардаги “дол” ҳарфи равий сифатида асосдан кейинги шаклларда қўлланган боис бундай қофия қофияи маъмулий сифатида келтирилади. Бу қофиядош сўзлар *рад – бад, санад – жад* каби қофияи аслий билан бир қофия сифатида ишлатилиши қофиядаги камчилик сифатида кўрсатилади.

3. Амр ҳолатида[366]. *Сипор – гузор, риз – ҳиз, сур – дур* каби сўзлар амр ҳолатидаги сўзлар сифатида тақдим қилинади. Бу сўзлардаги “ро” ва “зе” ҳарфи *кор – бор, роз – дароз, ситез – тез, навруз – феруз* каби қофияи аслий таркибидаги “ро ” ва “зе” ҳарфлари билан бир бутунликда равий сифатида олиниши ва бир қофия атрофида бирлашиши айб саналади[367]. Бироқ бу сўзлар фаолият маъносида келса, қофияи аслий билан қофиядош сўз сифатида тақдим қилинса, жоиз: *жонсипор – раҳгузор, корсоз- тангудоз, хунрез – дилсўз* каби. Ёки бу қофиядош сўзлар масдар (ноаниқ шакл) ҳолатида ҳам аслий

---

[362] Масдар ҳолати феълнинг ноаниқ шакли бўлиб, қилмоқ – билмоқ шаклида ишлатилади.

[363] Феълнинг ноаниқлик шаклини ҳосил қилувчи -ан (моқ).

[364] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 57.

[365] Феълнинг ҳозирги-келаси замон шаклида

[366] Феълларнинг буйруқ шаклида

[367] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 57.

қофия билан ўзаро қофиядош сўз сифатида қабул қилинади: *парҳез – ситез, шакиб – фириб* каби.

4. Робита ҳолатида[368]. *Доност – биност, жуст – худрист* каби сўзлардаги “те” ҳарфи равий сифатида *аст* боғламаси таркибида қўлланган. Бу қофиядош сўзлар *рост – кост, дўст – пўст, баст – маст* каби аслий қофиялар билан қофиядошликни ҳосил қила олмайди.

Қофияи аслий ва қофияи маъмулийни бир қофиядош сўзлар сифатида қабул қилиш қофиядаги энг асосий камчилик сифатида кўрсатилади. Бироқ қасида ва маснавий жанрларида бундай қофия турлари учраса, камчилик сифатида қабул қилинмаган. Бу ҳажм билан боғлиқ. Қасиданинг ҳажми 20 байт қилиб белгиланган, маснавийнинг ҳажми эса чекланмаган. Табиийки, қофиядош сўзларнинг миқдори қасида ва маснавийнинг ҳажмига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳажман йирик ва қофиядош сўзлар кўпроқ талаб қилинадиган жанрларда бу ҳолат камчилик сифатида қаралмайди. “Сўзга қофияни келтурмак керак бу душвордур. Вале сўзни қофияга келтурмак осон”. Шунинг учун ҳам қофиядош сўз сифатида маъмулий қофия келтирилса ҳам, раводир.

Баду гўфт Комус: К-эй пур хирад,
Дилат яксар андешаи бад барад.

“Шоҳнома”дан келтирилган ушбу маснавийдаги *хирад – барад* қофиядош сўзлар икки: аслий ва маъмулий қофиядан таркиб топган. Достон (маснавий) жанридаги асарда бу икки турдаги қофияни бир бутунликда тақдим қилишга рухсат бор.

Бироқ ғазал, қитъа, рубоийда маъмулий қофиянинг келиши инкор қилинган. Рубоий тўрт мисрадан иборат. Шоир уч ёки тўртта қофиядан фойдаланади, холос. Қитъанинг энг кам ҳажми икки байт қилиб белгиланган. Ғазалнинг ҳам энг оз шакли беш байт бўлиши айтилади. Бу жанрларда қофиянинг аслий шакли талаб қилинади. Аҳмад Тарозий биргина ҳолатда ғазалда маъмулий қофиянинг қўлланишига рухсат борлигини айтади. Баъзан шакл мазмунга дахл қилади. Берилаётган мазмунга аслий қофия топилмаса, маънони зое кеткизмаслик

[368] Алоқа шакли.

мақсади билан ғазалда ҳам маъмулий қофияни қўллашга ижозат берилган.

Абдураҳмон Жомий қофия икки қисмдан иборат бўлишини таъкидлаб, уларни маъмул (амалдаги)[369] ва ғайри маъмул каби турларга бўлади. Олим ғайри маъмул қофия икки сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлишига ишора қилади.

Дар оинаи рўи ту, гар гўям рост,
Анвори тажаллии илоҳй пайдост.

Рост – аслий қофия бўлса, *пайдост* – маъмулий қофиядир.

Бартофтаст бахти маро рўзгор даст,
З-онам намерасад ба сари зулфи ёр даст.

Рўзгор– маъмулий қофия, *ёр* – аслий қофия саналади.

Хасми шутур дилат ро қурбон кунад ҳаме,
З-он рўи саъди зобеҳ ошихта корд аст[370].

Байтдаги *корд аст* сўзидаги “дол”ни *аст* сўзига қўшиб ўқиш орқали қофия ҳосил қилинган.

Шойгон қофия. Бу қофия турида ҳам маъмулий қофия тури каби равий асосда эмас, асосдан кейинги шакллар таркибида келади. Яъни ўзаро оҳангдош бўлмаган сўзларнинг асосдан кейин қўшилувчи шакллар орқали қофиядошлиги таъминланади. Воҳид Табризий “шойгон” сўзи “мажлис” маъносида ишлатилишини таъкидлайди[371]. Бироқ “шойгон” сўзи луғатларда “сазовор”, “лойиқ”, “шоҳларга хос” маъноларида келтирилади. Бунда қофиядош сўзлар асосдан кейинги ҳарфларнинг иштирокига қараб белгиланади. Демак, бу қофиядош сўзлар аслан, асосдаги товушлар уйғунлигига кўра эмас, қўшимчалардаги оҳангдошликка қараб лойиқ кўрилади.

Жон – жаҳон қофиядош сўзларидаги икки сокин ҳарф: “алиф” – ридф, “нун” эса равий саналади. Бу қофиядош сўзлар аслий қофия саналади. Вазифаси жиҳатидан икки сокин ҳарф

[369] Жомий маъмул қофия изоҳини келтирмайди. Ғайри маъмул қофия изоҳидан билиб олиш мумкинки, бу ўринда аслий қофия назарда тутилган.

[370] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.310.

[371] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.84.

биргаликда кўпликни билдиради. *Ошиқон – толибон*[372] сўзларида ҳам бу ҳарфларнинг вазифаси бир хил. Аммо бу ҳарфлар асосда эмас, шакллар таркибида келган. Иккинчи ҳолат эса “дол” ва “нун” ҳарфининг бирикувидан ҳосил бўлади: *қанд – чанд* (аслий қофия) сўзларидаги “нун” – қайд, “нун” эса равийдир. *Баранд – диханд* сўзларидаги “нун” ва “дол” ҳарфи ҳам худди шу вазифани бажарган[373].

Атоуллоҳ Ҳусайний шойгон қофия турини изоҳлашда Шамсиддин Қайс Розий асарига мурожаат қилади. Бу икки олим бундай қофия турига *дўстон – ёрон* сўзларини намуна сифатида келтирадилар[374]. Бу икки сўзнинг асослари қофиядош бўла олмайди. Бироқ “алиф” ва “нун” ҳарфлари оҳангдорликни таъминлаб бергани боис ҳам “нун” охирги тиргак товуш - равий сифатида олинади. Маъмулий қофия туридан фарқли ўлароқ шойгон қофия турида маълум ҳарфларнинг бирикуви белгилаб берилган:

1. “Алиф” ва “нун” ҳарфининг бирикуви: *мардумон – суханон* қофиядош сўзлардаги “алиф” ва “нун” ҳарфлари бевосита қофиядош сўзларни шакллантирган. Бу қофиядош сўзларни *жон – жаҳон* (аслий қофия) сўзлари билан бир ғазалда ўзаро қофиядош сўз сифатида келтириш камчилик сифатида кўрсатилади.

2. “Ҳо” ва “алиф” бирикуви: *сарҳо – дилҳо*. Демак, бу қофиядош сўзларни ҳам *ато – жудо* (аслий қофия) сўзлари билан ўзаро қофиядош сўз сифатида ишлатиш олимлар томонидан рад этилган.

3. “Йо” ва “дол” бирикуви: *равид -шавид*. Бу қофиядош сўзлардаги “йо” ва “дол” ҳарфи 2-шахс (мухотиб)шакли сифатида қўшилган. Бу қофиядош сўзлар *жовид – ийд* (аслий қофия) сўзлари билан ўзаро қофиядош сўз сифатида келтирилмайди.

---

[372] Ушбу қофиядош сўзлардаги “алиф” ва “нун”нинг бирикуви кўплик маъносини ифодалаган.

[373] Бу қофиядош сўзлар “Жамъи мухтасар”да келтирилган. Бироқ бу қофиядош сўзлардаги “нун” ва “дол” ҳарфлари асосда келмаган.

[374] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.162 // Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Техрон. ҳ.1393. –С.56.

4. “Нун” ва “дол”нинг бирикуви: *равaнд – баранд*. Қофиядош сўзлар таркибидаги “нун” ва “дол” 3-шахс (муғойиб)шакли сифатида қўшилган. Бу қофиядош сўзлар *қанд – савганд* (аслий қофия) сўзлари билан бир қофия тизимига жамлана олмайди.

5. “Йо” ва “мим” бирикуви: *бўрим – хўрим.* Қофиядош сўзлар таркибидаги “йо” ва “мим” ҳарфлари 1-шахс (мутакаллим) шакли сифатида қўшилган. Бу қофиядош сўзлар *рим – сим* (аслий қофия) сўзлари билан қофиядош сўз сифатида олинмайди.

Воҳид Табризий ҳам шойгон қофия хусусида тўхталганда, уларни алоҳида турга ажратган ҳолда тақдим қилади:

1. Шойгони муғойяба: *дўранд – субўранд.*
2. Шойгони мухотиба: *чамид – дамид.*
3. Шойгони мутакаллима: *нўшим – пўшим*[375].

Шойгон қофия ва аслий қофияни бир шеър тизимида жаъм қилиш барча ажам олимлари томонидан камчилик сифатида кўрсатилади. Бироқ Аҳмад Тарозий қасида ва маснавий таркибида бу икки қофия турини ўзаро қофиядош сўз сифатида ишлатилиши мумкинлигини айтади. Шоирлар бу ҳолатни ўзларига раво кўрсалар (*лузуми ма ла ялзум*), қўллайверадилар.

Ба рўйи дўст ки рўяш ба чашми ман нигарид,
Ба хок пош ки он раҳ ба чашми ман сипарид.
Баноё гузаштан аз он дур нишон би чашм аст,
Чу чашм нис шуморо, ба чашми ман гузарид.

Байтда келтирилган *нигарид – сипарид – гузарид* қофиядош сўзларидаги “йо” ва “дол”нинг бирикуви шойгони мухотибани юзага келтирган.

Фахри Исфаҳоний шойгон қофияни икки турини келтиради: хафий ва жалий. Исфаҳоний қофиясиз (аслий қофия) рубоийни намуна сифатида келтиради:

Дар бох чу омад гули рангин берун,
Андуҳи ки нам аз дили ғамгин берун.
Кардан низоре ро арусони чаман,
Сарҳо зи дари чаҳое чубин берун[376].

[375] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.84-85.

Рубоийдаги қофиядош сўзлар: *рангин – ғамгин – чубин* аслида ўзаро қофиядош бўла олмайди. Уларнинг оҳангдошлиги “йо” ва “нун” ҳарфи воситасида юзага чиққан.

Қофияшунослар равийнинг мутаҳаррик ва сокин ҳолда келишига қараб қофиянинг мутлақ ва муқайяд турини фарқлайдилар. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳеч бир рисолада қофия мутлақ қофия ва муқайяд қофия турлари сифатида изоҳланмайди. Қофиянинг бу тури равий ҳарфи изоҳида равийи мутлақ ва равийи муқайяд шаклида берилади. Шамсиддин Қайс Розий ҳам қофия турларини келтираётган муқайяд равий ва мутлақ равий сифатида изоҳлайди. Носириддин Тусий араб шуароси қофиянинг икки турини фарқлаганини айтиб, мутлақ ва муқайяд қофия деб номлайди. Демак, қофия равийнинг мутаҳаррик ва сокин шаклда келиш хусусиятига кўра икки турга бўлинади. Жомий “Рисолаи қофия”нинг 6-фаслини мутлақ ва муқайяд қофия тури изоҳига бағишлайди[377]. Фахри Исфаҳоний ҳам мутлақ ва муқайяд қофияни алоҳида қофия тури сифатида таснифлайди. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарининг бешинчи қисми равийи мутлақ ва равийи муқайяд изоҳига бағишланган.[378]

1. Мутлақ қофия- равийи мутлақ.

Равийнинг мутаҳаррик ва сокин бўлиши равийи мутлақ ва равийи муқайяд қофия турини белгилаб беради. Агар равий мутаҳаррик бўлса, равий мутлақ дейилади:

Эй лабингдин хижил Миср шакари,
Кўрса сени нетар фалак қамари.

Байтдаги *шакари – қамари* қофиядош сўзлардаги “ре” ундоши равий, “йо” - и унлиси васл сифатида равийи мутлақни юзага келтиради.

Зулфи нигор гўфт ки ман аз қир чанбарам,
Шаби сурати шибҳи сифати мушк пайкарам[379].

---

[376] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.73

[377]

[378] Атоуллоҳ Ҳусайний бу қисмни “Равий турлари” сифатида номлайди. Мутлақ ва муқайяд қофияни равийнинг тури сифатида тақдим қилади.

[379] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 60.

Чанбарам – пайкарам қофиядош сўзидаги “ре” ундоши равий ва равийдан кейинги ҳаракат ва васлнинг жойлашуви равийи мутлақ саналади. Шамсиддин Қайс Розий равийи мутлақнинг 12 тури мавжудлигини айтади[380]:

1. Мутлақи мужаррад қофия
2. Қайдли мутлақ қофия
3. Ридфли мутлақ қофия
4. Хуруж ва мазидли мутлақ қофия
5. Хуруж, мазид, нойирали мутлақ қофия
6. Қайд ва хуружли мутлақ қофия
7. Қайд, хуруж ва мазидли мутлақ қофия
8. Қайд, хуруж, мазид, нойирали мутлақ қофия
9. Ридф ва хуружли мутлақ қофия
10. Ридф, хуруж, мазидли мутлақ қофия
11. Ридф, хуруж, мазид, нойирали мутлақ қофия.

1. Мутлақи мужарраднинг дастлабки тури сифатида ***итлоқ ҳарфли равийи мутлақ*** изоҳланади. Итлоқ атамаси “Фунун ул-балоға”да қофия ҳаракати сифатида келтирилади. Бироқ Шамсиддин Қайс Розий итлоқни алиф-и итлоқ сифатида, яъни қофия ҳарфи сифатида тақдим этади. Итлоқ фақат “алиф” ҳарфига нисбатан ишлатилган бўлиб, араб шоирлари томонидан қабул қилинган.

Эй шаб, чунин дароз набуди-у сарамадо,
Аз ту бидид нист на шеъри на фирқадо. 154 бет

Байтда *сарамдо - фарқдо* қофиядош сўзларидаги “алиф-и итлоқ” маъно англатмайди. Замонавий шоирлар бу каби маъно англатмайдиган ҳарфларнинг келишини қофия айби сифатида кўрсатадилар. Форс адабиётидаги бу ҳолат қофия нуқсони сифатида қаралади**.** Мутлақи мужарраднинг иккинчи тури сифатида васл билан бирга келган ***васлли мутлақ қофия*** кўрасатилади:

Дўсто гир дўсти гир душмани.

Мисрадаги *душмани* сўзидаги “нун” равий, “йо” васл, равийдан олдинги ҳаракат ҳазв, равийнинг ҳаракати мажродир.

2. Қайдли мутлақ қофия.

[380] Қайс Розий равийи мутлақнинг 12 тури мавжуд деб келтирса-да, санаш чоғида уларнинг 11 турини келтиради.

Охир дар зуҳд-у тавба дар бастам,

В-аз банд қабули ийн ва он растам.

Байтда келтирилган *бастам - растам* қофиядош сўзлардаги “то” – равий, “син” қайд, “мим” эса васл саналади.

3. Ридфли мутлақ қофия. Ридфли мутлақ қофия, яъни равийи мутлақ икки шаклда келади. Бу эса ридфнинг икки (ридфи аслий, ридфи зойид) тури билан боғлиқ.

На гуфти казин бас кунам дўстдори.

Дўстдори сўзидаги “алиф” (о унлиси) ***ридфи аслий*** бўлиб, “ре” ҳарфи равий, “йо ” ҳарфи васлдир.

Эй Ҳумой, ҳиммат сар бар фалак афрохта.

Афрохта сўзидаги “те” равий, равийдан олдинги “хе” ундоши ***ридфи зойид*** бўлиб, “ҳо” ҳарфи васл сифатида равийи мутлақ сналади.

4. Хуружли мутлақ қофия.

Санамо то бакаф ишва-у ишқи ту дарим.

Дарим сўзидаги “мим” ҳарфи хуруждир.

5. Хуруж ва мазидли мутлақ қофия.

Зи онж Ҳақ дар диласташ,

Ҳар че хоҳад ҳосиласташ.

Дилситаш – ҳосилситаш қофиядош сўзлардаги “лом” ҳарфи равий, “син” ҳарфи васл, “те” ҳарфи хуруж, “шин” ҳарфи эса мазид саналади.

6. Хуруж, мазид, нойирали мутлақ қофия.

То кай бехун дийда ва дил парваримшон,

То кай зи ро раванд ва барое оваримшон.

Парваримшон – оваримшон қофиядош сўзларидаги “ре” ҳарфи равий, “йо” ҳарфи васл, “мим” ҳарфи хуруж, “шин” ҳарфи мазид, “алиф” ва “нун” ҳарфи нойирадир.

7. Қайд ва хуружли мутлақ қофия.

То зан табари кай дил зи меҳрат растаст,

Ё аз талаб ту фориғ-у оҳистаст.

Растит – оҳистат қофиядош сўзидаги “то” ҳарфи равий, равийдан олдинги “син” ҳарфи қайд, равийдан кейинги “син” эса васл, “то” ҳарфи хуруждир.

8. Қайд, хуруж, мазидли мутлақ қофия.

Чеҳраи дил банди лола рангисташ,

Ғамзайи дил дуз жуз хадангисташ.

Рангисташ – хадангисташ қофиядош сўзлардаги “коф” ҳарфи равий, “нун” ҳарфи қайд, “син” ҳарфи васл, “те” ҳарфи хуруж, “шин” ҳарфи мазид саналади.

9. Қайд, хуруж, мазид, нойирали мутлақ қофия.

Савдои ту аз сийна фуру рафтанист,

В-онке сухан ту низ но гуфтинист.

Рафтинист – гуфтинист қофиядош сўзидаги “те” равий, равийдан олдинги “фе” ҳарфи қайд, “нун” ҳарфи васл, “йо” ҳарфи хуруж, “син” ҳарфи мазид, “те” ҳарфи нойирадир.

10. Ридф ва хуружли мутлақ қофия. Бу қофия тури ҳам ридфнинг турига қараб икки турга бўлинади.

Дар жаҳон гар ҳич йоре дорами.

Дорами сўзидаги “алиф” – ***ридфи аслий***, “ре” ҳарфи равий, “мим” ҳарфи васл, “йо” ҳарфи эса хуруж ҳарфи саналади.

Дил доғи ту дорад арна бафурухтами,

Дар дийда туйи ва в-гарна бардухтами.

Бафурухтами – бардухтами қофиядош сўзлардаги “те” ҳарфи равий, “хе” ҳарфи ***ридфи зойид***, “мим” ҳарфи васл, “йо” эса хуруждир.

11. Ридф, хуруж, мазидли мутлақ қофия.

Чун сўрхи гули шукуфта рихонисташ,

Бар сўрхи гул зи мушки нишонисташ.

Рихонисташ – нишонисташ қофиядош сўзлардаги “нун” равий, равийдан олдинги “алиф” ридфи аслий, “син” васл, “те” хуруж, “шин” эса мазид саналади.

Рух жу моҳ орастасташ,

Киса зон бар хавостасташ.

Орастасташ – хавотасташ қофиядош сўзлардаги “те” ҳарфи равий, равийдан олдинги “син” ридфи зойид, иккинчи “син” васл, иккинчи “то” ҳарфи хуруж, “шин” эса мазид саналади.

12. Ридф, хуруж, мазид, нойирали мутлақ қофия.

Гар лутф Ҳақ йорастами,

Жуз ишқи-у корастами.

Йорастами – корастами қофиядош сўзлардаги “ре” ҳарфи равий, равийдан олдинги “алиф” ридфи аслий, “син” васл, “те” хуруж, “мим” ҳарфи мазид, “йо” ҳарфи эса нойирадир.

Гар дил аз ғам ёр на бардохтанистиш,
Бо у баҳма ужуҳ дар сохтанистиш[381].

Бардохтанистиш – сохтанистиш қофиядош сўзлардаги биринчи “те” равий, равийдан олдинги “хе” ҳарфи ридфи зойид, “нун” васл, “син” ҳарфи васл, “те” хуруж, “йо” ҳарфи мазид, “шин” ҳарфи эса нойирадир.

Абдураҳмон Жомий мутлақ равий сифатида равийга васлнинг пайванд бўлганини асосий хусусият сифатида келтиради[382]. *Сарварий – дилбарий* қофиядош сўзлардаги “йо” ҳарфи васл сифатида мутлақ равийни шакллантирган.

Атоуллоҳ Ҳусайний мутлақ равийнинг 24 шакли борлигини таъкидлайди. Олим Шамсиддин Қайс Розийдан фарқли ўлароқ, қофия ҳарфлари шаклида эмас, қофиядош сўзлар мисолида тушунтиради.

1. *Шаби – таби* – мутлақи мужаррад равий;
2. *Собирам – шокирам* - таъсисли мутлақ равий;
3. *Ёрам – ғамхўрам* – ридфли мутлақ равий;
4. *Шитофтим – ёфтим* - мураккаб ридфли мутлақ равий;
5. *Даштий – каштий* – қайдли мутлақ равий[383].

Фахри Исфаҳоний ҳам мутлақ қофиянинг 5 шакли хусусида тўхталиб, баъзиларини байтлар мисолида изоҳлайди[384].

1. Тавжиҳ ва васлли мутлақ қофия

Токи бошад давр чархе хабаре,
Токи бошад сайре меҳро ховаре.

---

[381] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.152.

[382] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.308.

[383] Атоуллоҳ Ҳусайний рисолада васл, хуруж, мазид, нойирали мутлақ равийли қофия турига бир-бир мисоллар келтиради. Шу асосда бундай қофия турини 24 сифатга эга эканлигини таъкидлайди.

[384] Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли (Кия Садек). Теҳрон. 1337. – с.73

Хабаре – ховаре қофиядош сўзлардаги равийнинг ҳаракати тавжиҳ, равийдан кейинги “йо” васл сифатида мутлақ қофияни шакллантирган.

2. Васлли мутлақ қофия

Хисраве Аъзам Жамолиддин ки ҳаст,

Дар Риёзе Хисраве сарви сиҳи.

3. Қайд ва васлли мутлақ қофия

Бололаи сўрхи бо гуле мармари,

Наврўзе дар имдое манучеҳри[385].

Манучеҳр сўзидаги “ҳо” ҳарфи қайд, “ре” равий, “йо” васлдир.

2. Муқайяд қофия – равийи муқайяд

Араб ва жам шоирлари орқасида равийи муқайяд равийи мутлақка нисбатан камроқ қўлланган. Равийнинг муқайяд шаклида қофиядош сўз равий билан тугалланади, яъни равийдан кейин қофия ҳарф ва ҳаракатлари иштирок этмайди. Рисолаларда равийи муқайяднинг уч тури келтирилади:

1. Мужарради муқайяд равий.

Зиҳи баҳо, ту даврони чархи ро мафхар.

Мисрадаги *мафхар* сўзи қофиядош сўз сифатида келтирилади. Сўз таркибидаги “ре” равий, равийдан олдинги унли(“хе”нинг ҳаракати) тавжиҳ саналади.

2. Ридфли муқайяд равий.

Эй баҳасти дода гийти ро камол.

Камол сўзида “лом” равий, равийдан олдинги “алиф” эса ридфи аслийдир.

Аз сар меҳр ту дилам бархост.

Бархост сўзидаги “те” ҳарфи равий, “алиф” – о унлиси ридфи аслий, “син” эса ридфи зойид саналади.

3. Қайдли муқайяд равий.

Ҳастам ба жамолат орзуманд[386].

Орзуманд сўзидаги “дол” ҳарфи равий, “нун” эса қайддир.

---

[385] Бу байт рисоаланинг қайд ҳарфи таърифида ҳам келтирилган.

[386] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.153.

Абдураҳмон Жомий ҳам “Рисолаи қофия”да равий ҳарфи сокин бўлса, васл унга пайваста бўлмаса, бундай қофияни муқайяд қофия деб номлашларига ишора қилади. *Сарвар – дилбар* қофиядош сўзлар таркибидаги равий (“ре” ҳарфи) сокин.

Атоуллоҳ Ҳусайний равийи муқайяд қофия турининг 6 кўринишини келтиради:

1.*Гул – мул* қофиядош сўзлари асосидаги мужарради равийи муқайяд қофия;

2.*Оқил – комил* - қофиядош сўзлари асосидаги таъсисли равийи муқайяд қофия;

3.*Восил – ҳосил* - қофиядош сўзлари асосидаги мужарради равийи муқайяд қофия[387];

4.*Кор – бор* - қофиядош сўзлари асосидаги ридфли равийи муқайяд қофия;

5.*Рехт – гирехт* - қофиядош сўзлари асосидаги мураккаб ридфли равийи муқайяд қофия;

6.*Дард – мард* - қофиядош сўзлари асосидаги қайдли равийи муқайяд қофия.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қофия қонуниятларидаги нуқсонлар қофиянинг маълум турларини шакллантирган. Рисола муаллифлари ўз даври шеърияти ва ўзидан олдинги шеърият мисолида қофия ҳарф ва ҳаракатларининг тизимли қўлланганини кўрсатиб берганлар. Равий қофиянинг асос - таянчи сифатида тадқиқ этилиб, унинг иштирок этиш-этмаслиги, ундан олдин ва кейинги ҳарф ва ҳаракатларнинг бевосита унга боғлиқлиги, равий асосидаги қофия турларининг шаклланиши каби ёндашувлар рисолаларнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

[387] Атоуллоҳ Ҳусайний муқайяд қофиянинг икки ва учинчи шаклига таъсисли қофияни намуна сифатида келтиради. Олим бу икки қофиядош сўзлар гарчи муассас қофия - таъсисли бўлса-да, бир-биридан фарқ қилишини таъкидлайди. *Оқил – комил* қофиядош сўзлардаги дахил бир хил товушдан иборат эмас: “қоф” ва “мим”. *Восил – ҳосил* – қофиядош сўзлардаги дахил эса бир хил товушдан иборат: “син”. Атоуллоҳ Ҳусайний дахилнинг бир хил товушдан иборат бўлишини алоҳида шакл сифатида келтиради. Бошқа манбаларда бу ҳақда муносабатлар мавжуд эмас. Манбаларда дахилнинг ўзаро бир хил ёки ҳар хил товушдан иборат бўлиши ихтиёрий эканлиги айтилади.

3.2. Қофия ҳарфларининг иштирокига кўра қофия турлари

Қофия ҳарфларининг жойлашуви қофиянинг ўзак таркибига кўра турларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Қофиядан олдин жойлашувчи ридф, таъсис, қайд – қофия ҳарфлари қофиянинг ўзак таркибига кўра мужаррад, муассас, мурдаф, муқайяд турларини ҳосил қилади. Арабий, форсий ва туркий тилдаги рисолаларнинг ҳеч бирида мужаррад, муассас, мурдаф, муқайяд қофия турлари алоҳида сарлавҳа остида келтирилмайди. Бу қофия турлари қофия ҳарфлари изоҳи қисмида келтирилади. Фақат Носириддин Турсийнинг “Меъёр ул-ашъор” асаридагина “Қофия наъвлари” сарлавҳаси остида қофиянинг барча турлари араб ва форс шоирлари ижоди мисолида ўзаро қиёсий ўрганилади[388]. Олим арабларда равийнинг ҳолатига қараб қофиянинг икки: мутлақ ва муқайяд тури борлигини таъкидлайди. Араблар “моқабли равий”га кўра қофиянинг 3 турини фарқлашларини келтиради: мужаррад, мурдаф, муассас. Бироқ рисоланинг “Форс шоирлари наздида қофия турлари” сарлавҳали қисмда қофия форс адабиёти икки хил: мужаррад ёки мурдаф бўлишини таъкидлайди. Воҳид Табризий қофия ҳарфлари ва ҳаракатларини изоҳлаш мақсадида алоҳида қисм (“Қофия ҳарф ва ҳаракатларини тушунтириш учун мисоллар”) келтиради[389]. Бу қисмда қофиядош сўзлар таркибида кела оладиган қофия ҳарф ва ҳаракатларини бир бутунликда тақдим қилади. Шу ўринда қофиянинг мурдаф, мужаррад ва муқайяд қофия турларига ишора қилади. Араб бўлмаган (ажам - форс) шоирлар ижодида қофиянинг уч тури амалда эканлигини таъкидлайди. Рисолада гарчи уч қофия тури борлиги айтилса-да, таъсис ва дахил ҳарфи шарҳида таъсис иштирок этган қофия муассас қофия деб номланишини таъкидлайди. Аҳмад Тарозий қайд ҳарфи изоҳида қайд ҳарфи иштирок этган қофияни олимлар муқайяд

[388] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 115.

[389] Вохид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.81-84.

деб номлашларини таъкидлайди, холос[390]. Демак, “Фунун ул-балоға” асарида қофия турлари сифатида муассас, мурдаф, мужаррад, муқайяд қофия турлари ажратилмаган. Абдураҳмон Жомий эса таъсис ва ридф ҳарфи изоҳида мурдаф ва муассас қофияни тушунтиради.[391]. Фахри Исфаҳоний қофиянинг шойгон қофия турини келтириш билан чекланади. “Меъёр ул-жамоли” ва “Бадое ул-афкор” асарларида қофиянинг бу турлари келтирилмайди. Атоуллоҳ Ҳусайний эса “Рисола дар қофия”да таъсис, ридф, қайд ҳарфлари изоҳида қофия турларини қофия ҳарфларига боғлаб тушунтиради.

1. **Муассас қофия.** Қофиянинг муассас қофия тури таъсис ҳарфи изоҳи билан боғлиқ. Таъсиснинг иштироки муассас қофия турини ҳосил қилади. Муассас қофия тури дастлаб Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида келтирилади.

Эй руйи ту офтоби олам,
Ангуштнамойи насли одам.

Байтдаги *олам - одам* қофиядош сўзларидаги “алиф” ҳарфи таъсис, табиийки, таъсис дахил ҳарфи билан бирга келади. Демак, “лом” ва “дол” ҳарфлари дахил саналади. Барча байтларда таъсис – “алиф” ҳарфининг келишига тўлиқ риоя қилиниши муассас қофия турини юзага келтиради.

Эй он ки лоф мезаний аз дил, ки ошиқ аст.
Тўбӣ лак, ар забони ту бо дил мувофиқ аст.

Ошиқ – мувофиқ қофиядош сўзлардаги о унлиси – таъсис ҳарфи саналади.

Носириддин Тусий муассас қофия турини изоҳлашда мутлақ ва муқайяд қофия тури билан бир бутунликда тақдим қилади: мутлақи муассас ва муқайяди муассас. Олим муассас, мурдаф, мужаррад қофия турини 9 ҳолатдаги шаклини тақдим қилади.

---

[390] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 66.

[391] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2006. –Б.304.

а) мутлақи муассаси мавсули маҳраж[392]. *Соҳибуҳо – котибуҳо* қофиядош сўзлардаги “бо” ҳарфи равий, равийдан кейинги ҳарфларнинг иштироки мутлақ қофия турини ҳосил қилган. Асос таркибидаги “алиф” ҳарфи таъсисдир.

б) мутлақи муассаси мавсули ғайримахраж[393]. *Соҳибо – котибо* қофиядош сўзларидаги васлнинг иштироки мутлақ қофия турини шакллантирган.

с) муқайяди муассас. *Розий -ҳомий* қофиядош сўзлар таркибидаги “ре” равий, қофиядош сўзлар равий билан тугаганлиги сабабли муқайяд, асос таркибидаги “алиф”нинг иштироки муассас қофия турини ҳосил қилган.

Воҳид Табризий *оқил – жоҳил* қофиядош сўзлари мисолида муассас қофия, равий, дахил, таъсис, расс, ишбоъ каби қофия ҳарф ва ҳаракатларини изоҳлайди.

2. **Мурдаф қофия.** Мурдаф қофия тури ридф ҳарфининг иштироки билан боғлиқ. Мурдаф қофия тури барча рисолаларда ридф ҳарфи изоҳида келтирилади[394]. Шамсиддин Қайс Розий мурдаф қофиянинг ридфи аслий ва ридфи зойидга асосланган турларини алоҳида изоҳлайди.

Шаби ошиқат Лайлатулқадраст
Чун ту бийрун куни рух аз жалбоб.

Жалибоб сўзидаги “бо” ҳарфи равий сифатида белгиланиб, равийдан олдинги “алиф” – о унлиси ридфи аслий саналади.

Гули сад барк-у мушк-у анбар-у сиб
Ёсамин сафид-у маврид базиб.
Ийн ҳама яксаа тамом шудаст,
Назди ту, эй буте, малукфириб.

Ридфи аслий сифатида “алиф”, “йо” ва “вов” ҳарфлари чўзиқ унли вазифасини бажарган ҳолатда кела олади. Шамсиддин Қайс Розий юқоридаги байтда “йо” ҳарфининг (и унлиси) ридфи аслий сифатида ҳолати ва унинг мурдаф қофияни шакллантиришга намуна сифатида келтиради.

Носириддин Тусий мурдаф қофия турини уч шаклини тақдим қилади:

---

[392] Махраж(асос)га тўғридан тўғри уланган
[393] Махраж (асос) таркибига кирмаслигига ишора қилган.
[394] Қофия ҳарфлари бўлимида ридф ҳарфи изоҳи келтирилган.

а) мутлақи мурдафи мавсули махраж. *Жамолуҳо – хаёлуҳо* қофиядош сўзларида қофиянинг ўзак таркибига кўра мурдаф қофия тури, равийнинг мутаҳаррик ёки сокин ҳолатига кўра мутлақ қофия тури иштирок этганини кўриш мумкин.

б) мутлақи мурдафи мавсули ғайримахраж. *Жамоло – хаёло* қофиядош сўзлардаги “алиф”нинг ҳолати асосга боғланмаганини кўрсатиб турибди.

с) муқайяди мурдаф. *Жамол – хаёл* ўзаро қофиядош сўзлари равийнинг сокинлик ҳолатига кўра муқайяд қофия турини ҳосил қилган.

Жомий ҳар қандай ридфни ўз ичига олувчи қофияни мурдаф қофия деб “ўқийдилар” шаклида изоҳ келтиради. Жомий айни ўринда радиф ва ридф тушунчаларини фарқлаш кераклиги, мурдаф ва мураддаф қофия бир тушунча эмаслигига эътибор қаратади. “Мурдаф сўзидаги “ре” сукунли, “дол” эса мутаҳаррик эканлигини айтади. “Рисолаи қофия”да ридфи аслий ва ридфи зойиднинг иштироки мурдаф қофиянинг икки турини ҳосил қилиши байтлар асосида тушунтирилади.

1.*Муфрадли мурдаф қофия*. Ридфли бу қофия турида равий ва ридфнинг ўртаси сукунли ҳолатда бўлади.

Эй аз гунафша сохта гулбаргро ниқоб,

В-аз шаб табончаҳо зада бар рўи офтоб.

2.*Мураккаб ридфли мурдаф қофия.* Бу қофия тури ридфи зойид асосида ҳосил бўлади. Равий ва ридфи аслий ўртасида бир ундош ҳарф восита бўлса, бундай қофия тури мураккаб ридфли мурдаф қофия сифатида келтирилади.

Аз баски танам з-оташи ишқи ту гудохт,

Натвон танам аз шам-и саҳар бозшиноҳт.

Воҳид Табризий мурдаф қофия 3 ҳарф асосида юзага келишини айтади: “алиф”, “йо”, “вов”. “Қофия ҳарф ва ҳаракатлари изоҳи учун намуналар” қисмида ридфи аслий, яъни “алиф”, “йо”, “вов” ҳарфи асосида шаклланган қофия турларини мурдаф қофия сифатида келтиради.

1.“Алиф” ҳарфи билан ифодаланган мурдаф қофия: *жом – ком.*

2.“Вов” ҳарфи билан ифодаланган мурдаф қофия: *ҳур – дур.*

3.“Йо” ҳарфи билан ифодаланган мурдаф қофия: *нагин – хушажин.*

Воҳид Табризий ридфи аслий билан ифодаланган сўзларни мурдаф қофия номи билан келтиради. Бироқ ридфи зойид асосидаги қофиядош сўзларга нисбатан мурдаф қофия атамасини қўлламайди. Шунчаки уларни “ридфи аслий ва ридфи зойиднинг иштирок этиши” номи билан келтиради: *дашт – кашт; бохтастамаш – сохтастамаш.*

3. **Муқайяд қофия**. Қайд ҳарфи иштирок этган сўзларнинг қофияланиши муқайяд қофия турини ҳосил қилади[395]. Қайд равийдан олдин жойлашади. Равий ва қайд ўртасида бирор ҳарфнинг келишига рухсат этилмайди. Қайд сокин ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам Аҳмад Тарозий қайдни “сокину-л-қайд” деб атайди.

Солди ўсрук кўзунгуз тавбау тақвоға шикаст,
Бўлди олам юзунгуз даврида шуршидпараст[396].

Бу қофия турини мурдаф қофия (ридфи зойидли) билан фарқлаш лозим. Ридфи зойид ридфи аслий билан бирга иштирок этади, ридфи зойид ридфи аслий ва равий ўртасида кела олади: *рост – кост* каби. Муқайяд қофияда эса қайддан олдинги ҳарф мутаҳаррик бўлади: *ақд – нақд, фирдавс – қавс* каби.

Наврўз даромад, эй Манучеҳри
Бололаи сўрхи ва бо гули хамри.
Мурғони забон гўфта ро яксар,
Бекушоди забони сури ва амри[397].

Байтда келтирилган *хамри - амри* қофиядош сўзлардаги “мим” ҳарфи қайд бўлиб, бундай қофия муқайяд қофия сифатида келтирилади.

Ёри мо сарви баланд аст, бигуйим баланд,
Паст гуфтан сухан аз бими рақибон то чанд.

Ёки

---

[395] Равийи муқайяд билан адаштирмаслик керак.

[396] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 66.

[397] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.133.

Чу Зуҳра вақти сабӯҳ аз уфуқ бисозад чанг,
Замона тез кунад нолаи маро оҳанг.

Воҳид Табризий ҳам қофиянинг уч туридан бири сифатида муқайяд қофия эътибор қаратади, чанд – қанд, мард – дард қофиядош сўзлари асосида қайд ҳарфи изоҳи билан бир бутунликда тушунтиради.

4. **Мужаррад қофия.** Мужаррад қофия равийдан олдинги қофия ҳаракатларининг келишига асосланади. Равийдан олдинги тавжиҳнинг келиши мужаррад қофия турини ҳосил қилади. Бунда дахилнинг ҳаракати ишбоъ билан тавжиҳни фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ишбоъ дахилнинг ҳаракати бўлиб, дахил таъсис ҳарфи билан ёнма-ён ҳолатда юради: *моҳир – Тоҳир* каби. Мужаррад қофия турида эса дахил ва таъсис иштирок этмайди: *шакар – заҳар* сўзлари каби. Мужаррад қофия тури Носириддин Тусий ва Воҳид Табризий рисолалардагина изоҳланади. Носириддин Тусий мужаррад қофияни уч турга бўлиб ўрганади[398]:

1. Мутлақи мужаррари мавсули махраж. *Зарабаҳа – хатабаҳа* қофиядош сўзларидаги “ҳе” ҳарфи равий, “бо”нинг ҳаракати тавжиҳ саналади.

2. Мутлақи мужарради мавсули ғайримахраж. *Задабо – хатабо* қофиядош сўзлар таркибидаги равийдан кейинги “алиф” асос таркибига кирмагани боис ғайримахраж сифатида келтирилган.

3. Муқайяди мужарради. *Кар – хатар* қофиядош сўзлар таркибидаги “ре” ҳарфи равий, “коф” ва “те”нинг ҳаракати тавжиҳ сифатида мужаррад қофияни ҳосил қилган.

Носириддин Тусий рисоланинг “Форс шоирлари наздида қофия наъвлари” сарлавҳали қисмда ҳам мужаррад қофиянинг мутлақ ва муқайяд қофия билан бир бутунликдаги 8 кўринишини фарқлаб беради. Улардан тўрттаси мутлақ қофия шаклида, тўрттаси эса муқайяд қофия шаклида келади. Олим юқорида келтирилгани каби мутлақ қофиянинг асосдан ташқари ва асосга бириккан ҳолатдаги кўринишларини ҳам тақдим қилади.

[398] Носир ад-Дин Туси. Ми’йар ал-аш‘ор. — Теҳрон, 1325.- Б. 115-124.

Писаре – хабаре қофиядош сўзлар тавжиҳ (“се” ва “бо”нинг ҳаракати) иштироки асосида мужаррад қофияни ҳосил қилган бўлса, васлнинг иштироки мутлақ қофия турини шакллантирган. *Писари ман – хабари ман* қофиядош сўзлари ҳам қофиянинг ўзак таркибига кўра мужаррад қофия турини шакллантирса, “ман” шакли ғайримахраж сифатида асосдан ташқари эканлигини кўрсатади.

Абдураҳмон Жомий мутлақ ва муқайяд равий изоҳида мужаррад қофия турига мурожаат қилади. Олимнинг фикрига кўра ридф ва қайддан холи қофия тури мужаррад қофия сифатида келтирилади. “Ва муқайяд равийким, қофия таркибида ундан бошқа ҳарф бўлмаса, уни мужаррадли муқайяд дерлар, *сарвар* ва *дилбар* каби. Агар бошқа ҳарф мавжуд бўлса, ушбу ҳарфга қараб ридфли ёки қайдли муқайяд деб атарлар”[399].

Воҳид Табризий қофия ҳарф ва ҳаракатларини байтлар мисолида изоҳлаганда мужаррад қофиянинг мутлақ ва муқайяд тури, улардаги ҳарф ва ҳаракатларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратади. Муқайяди мужаррад қофия турига *сийм-у саҳар – сар* қофиядош сўзларини намуна сифатида келтиради. Мужаррад қофиянинг мутлақ турида васл, хуруж, мазид ва нойира иштирокидаги қофиядош сўзлар қатнашган байтларни тақдим қилади.

1. Васлли мужжарад қофия: *насими саҳари – сипари.*

2. Васл, хуружли мужаррад қофия: *соҳибқадам аст – муҳтарам аст.*

3. Васл, хуруж, мазидли мужаррад қофия: *гуласташ – булбуласташ.*

4. Васл, хуруж, мазид, нойирали мужаррад қофия: *хамсарастамаш – чокарастамаш.*

Қофиянинг мурдаф, муқайяд, муассас, мужаррад каби турлари қофия ҳарфлари ва ҳаракатларининг иштирокига қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам темурийлар даврига оид

[399] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.308.

рисолаларда қофиянинг бу турлари алоҳида эмас, қофия ҳарф ва ҳаракатлари таркибида ўрганилган.

3.3. Қофия қисмлари иштирокига кўра турлари

Қофия қисмлари иштироки қофиянинг бошқа бир турини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Араб ва ажам шоирлари қофиядош сўзлар таркибидаги сукунли ва мутаҳаррик ҳарфларнинг жойлашиш ўрнига қараб қофияни алоҳида турларга ажратганлар. Қофиядош сўзлар бир мутаҳаррик ва бир сокин, икки мутаҳаррик ёки уч мутаҳаррик ва бир сокин ҳолатида ёки уч мутаҳаррик ёки тўрт мутаҳаррик ва бир сокин ҳолатида бўлиши мумкин. Қофиядош сўзлардаги бу қисмлар турлича бўлиши мумкин. Қофиядош сўз таркибидаги сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг миқдори қофиянинг қисмлари, баъзи манбаларда тақтиълари жиҳатига кўра ажратилади. Шу нуқтаи назардан бу қофия турлари вазн билан ўзаро уйғун ҳолатда тақдим этилади.

Араб шоирлари томонидан қофия қисм(тақтиъ)лари таркибига кўра 5 тургa ажратилган ҳолда ўрганилган.

1. Мутаковис
2. Мутарокиб
3. Мутадорик
4. Мутавотир
5. Мутародиф

Мумтоз қофияга оид рисолаларнинг деярли барчасида қофиянинг беш тури изоҳланади. Фақат Аҳмад Тарозий форс шуароси томонидан қўшилган 3 тур изоҳини ҳам келтиради.

1. Мутавосий
2. Мутарожиҳ
3. Мутазойид

Носириддин Тусий қофиянинг бу турини “қофия қисмлари” атамаси билан атайди. Олим бу қофия турларини номларининг сўнгги ҳарфларини бирлаштирган ҳолда СБКТР қисқартамаси билан беради. Китобхоннинг хотирасида сақланиши мақсади билан уларнинг сўнгги ҳарфларини жамлаб кўрсатади.

Қофиянинг бу тури аруз вазни билан уйғун ҳолда тадқиқ этилади. Мисра сўнгидаги сабаб, ватад ва фосиланинг

иштироки қофиядош сўзлар қисмларини ташкил қилади. Сабаб, ватад, фосила иштирок этган қисмлар қофия турлари билан бирга вазний ҳолатини ҳам белгилаб беради.

Шамсиддин Қайс Розий ҳам “Ал-мўъжам” асарида дастлаб араб шеъриятидаги қофиянинг бу тури хусусида ихчам маълумот келтиради. Олим араб шеъриятидаги қофиянинг 35 тури ҳақида махсус рисола ёзганига ишора қилади[400]. Қофиянинг асосий беш тури изоҳини байтлар мисолида тушунтиради.

Абдураҳмон Жомий ҳам “Рисолаи қофия” асарида юқоридаги қофиянинг беш турини изоҳлайди. Фақат бу изоҳ жуда ихчам шаклда келтирилади. Жомий бу қофия турларининг қисмлари таркибини санаб ўтади, холос, байтлар келтирилмайди.

Мутародиф, мутавотир, мутадорик мехон,
Мутарокиб, мутаковис лақаби қофия дон[401].

Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадое ул-афкор” асарларида қофиянинг бу тури ҳақида маълумотлар келтирилмайди. Атоуллоҳ Ҳусайний “Рисола дар қофия”нинг олтинчи қисмида қофиянинг тақтиъ эътиборига кўра турларини келтиради. Олим анъанавий шаклда қофиянинг ҳижо эътиборига кўра 5 турини тақдим қилади[402].

Мутародиф бувад онга мутавотир дигар,
Мутадорик, мутарокиб, мутакофис бингар.

1. **Мутавотир** (“пайдар-пай”, “кетма-кет”). Қофиянинг мутавотир тури изоҳи “Фунун-ул-балоға” ва “Рисолаи қофия”да дастлабки тур сифатида келтирилади. Шамсиддин Қайс Розий ва Носириддин Тусий рисолаларида мутаковис қофия тури биринчилардан бўлиб изоҳланади. Мутавотир қофия қофия қисмлари эътиборига кўра қофиянинг тўртинчи қофия тури эканлиги айтилади. Бу қофия турида қофиядош сўздаги равий сокин ҳолатда якунланади, равийдан олдинги ҳарф мутаҳаррик

[400] Ал-Муъраб фи меъёр ашъор ал-араб.

[401] Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. (Таржимон Д.Юсупова). –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нариёти. 2006. –Б.308.

[402] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С. 55.

ҳолатда бўлади. Яъни сабаби хафиф[403]дан иборат бўлади, фаъ (-)вазнида бўлади. *Ахтар – анбар* қофиядош сўзларнинг охирги бўғини, оҳангдорликни таъминлаб турган қисми бир мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан иборат. “Ре” ҳарфи равий сифатида сокин ҳолатда турибди.

Сўзидин рашк олур, шаккар юзидин ҳам чаману гул,

-

Кўзидин уфтонур наргис, сочидин тўлғонур сунбул.

-

Байтдаги *гул – булбул* қофиядош сўзлардаги *гул* сўзи ва *булбул* сўзининг иккинчи қисми сабаби хафифдан иборат.

Соқий, барафруз ишаб чароғи мажлис.

-

Хилват бесоз холи аз зоҳиди мусаввис.

-

Атоуллоҳ Ҳусайний сабаби хафифи иштирокидаги қофияга қуйидаги байтни келтиради.

Шакар даҳано ғаме надорий,

Дайр оданийи мағона даркаш.

-

Шамсиддин Қайс Розий “мутавотир” сўзининг “вақти-вақти билан такрорланмоқ” маъносини келтириб, бу қофия турининг ўзига хос хусусияти сифатида сукунли ҳарфга боғланишини кўрсатади. Бошқа қофия қисмларида мутаҳаррик ҳарфдан сўнг яна мутаҳаррик ҳарф келади. Шамсиддин Қайс Розий форс шеъриятида мутавотир қофия тури 11 ўринларда учраши мумкинлини айтади. Бу ҳолат рукнлар билан боғлиқ бўлиб, бу рукнларнинг охирги жузви сабаби хафифдан иборат бўлади.

Мафоийлун - مفاعيلن.
V - - -
- *Фоилотун* - فاعلاتن
- *V* - -
- *Фаилотун* - فعلاتن
V V - -

[403] Жузвларнинг уч туридан бири сабаб (арқон) деб номланиб, унинг енгил (сабаби хафиф) шакли бир сокин ва бир мутаҳаррик ҳарфдан иборат бўлади: (-)

- *Фаулун* - فعولن
  V - -
- *Мафъувлун* - مفعولن
  - - -
- *Фаълун* - فعلن
  - -
- *Фоилотун фаъ* -فع فاعلاتن
  - V - - -
- *Фаилотун фаъ* - فعلاتن فع
  V V - - -
- *Мафоийлун фаъ* - مفاعيلن فع
  V - - - -
- *Муфтаилун фаъ* - مفتعلن فع
- V V - -
- *Мафъувлун фаъ* - مفعولن فع
  - - - -

2. **Мутародиф** (“бир-бирининг маънодоши”, “ридфли”). Бу қофиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, қофия қисмлари мутаҳаррик ҳарфдан сўнг икки сокин ҳарфнинг келишидан ташкил топади. “Фунун ул-балоға”да сабаби мутавассит (~) бу қофия турини шакллантириши айтилади. Атоуллоҳ Ҳусайний эса содда услубда тушунтиради: икки ҳарфнинг ёнма-ён келиши мутародиф қофия турига асос бўлади. *Мухтор – ағёр* қофиядош сўзлари таркибига эътибор қилинса, “алиф” ва равий – “р*о*” ҳарфи сокин ҳолатида турибди. *Таъбир – тафсир* қофиядош сўзлардаги “йо” ва “ре” ҳарфи ҳам икки сокин ҳарф сифатида мутародиф, яъни ридфли қофия турини шакллантирган. Бу қофиядош сўзлар қофия ҳарфларининг иштирокига кўра таҳлили қилинса, равийдан олдинги ридфнинг иштироки мурдаф қофия (ридфли) турини ҳосил қилганини кўриш мумкин.

Шамсиддин Қайс Розий мутародиф қисмли қофия тури форсларда машҳур эканлигига ишора қилади.

Ди бомдоди ийд кай бар садри рўзгор.
~

Мисрадаги *рўзгор* сўзининг сўнгги ҳижоси “алиф” ва “ре” сокин ҳолатда.

Қамар бўлди юзунг давринда машҳур,

~

Қошингдин ҳам қамуғ меҳроби маъмур.

~

Байтда келтирилган *машҳур – маъмур* қофиядош сўзлар сўнги икки сокин ҳарф (“вов” ва “ре”) билан тугаган.

Мисли жоми порсиён ҳаст,

Лаб дар ёди мурғи дабу тумор.

~

“Фунун ул-балоға”да келтирилган Хоқонийнинг ушбу байти келтирилган *тумор* сўзи таркибида ҳам “алиф” ва “ре” ҳарфи сокин ҳолатда.

Атоуллоҳ Ҳусайний *дилнавоз – боз* ўзаро қофиядош сўзлари асосида қофиянинг мутародиф турини тушунтиради:

Ҳаст песҳи мо лабат оби ҳаёт ей дилнав**оз**,

~

Омада ҳамчу ҳубоби аз вай брун табхола б**оз**.

~

Шамсиддин Қайс Розий мутародиф қофия ажам шеъриятида 11 ҳолатда қўлланиши мумкинлигини айтади:

-*Мафувлон - مفعولان*

- - ~

-*Фоилон - فاعلان*

- *V* ~

-*Фаилон - فعلان*

V V ~

-*Фаувлон - فعولان*

V - ~

-*Фаълон - فعلان*

- ~

-*Мафоийл - مفاعيل*

V - ~

-*Фаул - فعول*

V ~

-*Фоъ - فاع*

~

-*Мафоийлон* - مفاعيلان

V - - ~

-*Фоилиййон* - فاعلييان

- *V* - ~

-*Фаилиййон* - فعلييان

V V - ~

Шамсиддин Қайс Розий бу қофия турининг мутародиф деб номланишини сукунли ҳарф, яъни ридф ўзидан кейинги ҳарфнинг ҳам сукунли ҳолатда келишини талаб қилишида деб изоҳлайди.

3. Мутадорик (“етишувчи”, “орқадан келиб қўшилувчи”, “бир-бирини топиб олган”, “бир-бирига яқин”). Бу қофия турида қофия қисмлари ватади мажмуъ ***(V-)***, яъни икки мутаҳаррик ҳарф ва бир сокин ҳарфдан иборат бўлади. *Мухтасар – мўътабар* ва *мумтаҳан - ёсуман* қофиядош сўзлар якуни икки мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан иборат.

Баном Худованди жон -у хирад.

V -

Мисрадаги *хирад* сўзи икки мутаҳаррик ва равийнинг (“дол”) сокин ҳолатидан ташкил топган.

Чу қаду ораз фикридин қилсам, видои анжуман,

V -

Қабримдин ўтгуси басе сарви сиҳиву настаран.

V -

Байтда келтирилган *анжуман – настаран* қофиядош сўзлардаги “жим”, “мим”, “те”, “ре” ҳарфлари ҳаракатли, равий – “нун” сокин ҳолатда келтирилган.

Чандон бигирям бар дари он бевафо шому саҳар,

V -

К-аз оби чашмам оварад сарве аз онжо сар ба дар[404].

V -

Ватади мақрундан ташкил топган ушбу қофия қисмлари форс шоирлари ижодида беш ўринда қўллана олади:

[404] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 54

1. Фоилун - فاعلن
- V –

2. Мустафъилун - مستفعلن
- - V -
3. Мафоилун - مفاعلن
V - V -
4. Фаулун фаъал - فعولن فعل
V - - V -
5. Мафоийлу фаъ - مفاعيل فع
V - - V -

4. **Мутарокиб** (“бандли”, “боғланган”, “отнинг устида ўтирмоқ”). Мутарокиб қофия қисмлари фосилаи суғродан ***(VV-)*** иборат бўлади, яъни уч мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан ташкил топган қофиядош сўзлар бир бутунликда қофиянинг мутарокиб қофия турини шакллантиради. Аҳмад Тарозий мутарокиб қофия қисмлари фаалан вазнида ёзилишини таъкидлайди.

Аз ишқи ту ман дар жаҳони самарам.
V V -

Мисрада келтирилган *самарам* сўзидаги “син”, “мим”, “ре” ҳарфлари мутаҳаррик, равий – “мим” сокин ҳолатда, қофия қисмлари фосилаи суғродан иборат.

Ё Раб, эл ичинда эҳсон-у ато бўлди адам,
V V -
Ё магар ер юзида қолмади ҳеч аҳли карам.
V V -

Ёки

Хоки пойи ту аз он рўз ки омад ба назар,
V V -
Дийдаҳо миннати сурма нақашинданди дигар.
V V -

Атоуллоҳ Ҳусайний қофиянинг мутарокиб турига ўз ижодидан намуна келтиради:

Ей Атоий дил-у дин рафт зи мо суйи адам,
V V -

Дар дили мо чу рақам баст сар зулфи санам[405].

V V -

Мутарокиб қисмли қофия шакли ажам шоирлари ижодида тўрт жузв ҳолатида учрайди:

1. Фаилун - فعلن

V V –

2. Муфтаилун - مفتعلن

- V V -

3. Мафъувлу фаал - مفعول فعل

- - V V -

4. Мафоийлу фаал - مفاعيل فعل

V - - V V -

5. **Мутаковис** (“мўл-кўллик”, “кўплик”). Мутаковис қисмли қофия турида қофиядош сўзлар таркиби тўрт мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан иборат бўлади, яъни қофия қисмлари фосилаи кубро (***VVV-)***дан ташкил топади. Шамсиддин Қайс Розий ва Аҳмад Тарозий бу қофия қисмлари фаилатун[406] вазнида эканлигини таъкидлайдилар: *шакари ман – жигари ман*.

Гар ёри ман ғам дилам бихуради

V V V -

Зийн беҳтараки беҳоли ман нигаради[407].

V V V -

Байтдаги қофиядош сўзлар таркибига эътибор қилинса, тўрт ҳарф мутаҳаррик ва равий – “йо” сокин ҳолатда турганини кўриш мумкин. Бу байт Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарида ҳам келтирилган. Олим қофиянинг мутаковис турини изоҳлашда “Ал-мўжам” ва “Меъёр ул-ашъор” асарларига мурожаат қилади. Рисолаларда келтирилган байтларни намуна сифатида келтиради.

Нисбат эмас тишинга гавҳари Адан.

V V V -

---

[405] Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.57.

[406] Мустафъилун рукнидан ҳосил қилинган.

[407] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.150.// Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. – Теҳрон. ҳ.1393. –С.57

Ҳеч ўхшамас юзунгга ҳам гули чаман.

V V V -

Аҳмад Тарозий мутаковис қисмли қофия турига Мавлоно Ироқийдан байт келтиради:

Доғи неҳад ҳусни ту бар рухи қамар,

V V V -

Оташ занад лаъли ту дар дили шакар[408].

V V V -

Шамсиддин Қайс Розий ва Абдураҳмон Жомий мутаковис қисмли қофия тури форс шеъриятида учрамаслигини таъкидлайдилар.

Аҳмад Тарозий ажам фузалолари томонидан қофия қисмларининг беш турига қўшимча уч тур ихтиро қилинганини таъкидлаб, “Фунун ул-балоға”да уларни бирма-бир изоҳлайди. Аҳмад Тарозий келтирган уч қофия турларининг барчаси қофия қисмларининг охирги ҳижоси ўта чўзиқ ҳижо[409]билан тугалланишига асосланган.

1. **Мутавосий.** Мутавосий қисмли қофия тури ватади касрат ***(V ~)*** жузвидан ташкил топади. Қофия қисмлари икки мутаҳаррик ва икки сокин ҳарфдан ташкил топади, яъни фаъол вазнида бўлади: *дилситон*[410] *– шўд ниҳон.*

Эй жамолингдин топибтур ҳусн ҳар дам эҳтиром,

V ~

Мубтало бўлди ғами ишқинг била ҳар хосу ом.

V ~

Ёки

Эй пардаи муаззаму бануйи рўз(и)гор.

V ~

Эй пиши офтоби гарм абри соядор.

V ~

“Фунун ул-балоға”да келтирилган ушбу байтдаги *рўзгор – соядор* қофиядош сўзлар қисмлари мутародиф қофия қисмлари

---

[408] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 56

[409] Икки сокин ҳарфнинг ёнма-ён келиши.

[410] “Фунун ул-балоға”нинг А.Ҳайитметов ва Ҳ.Болтабоева нашрларида “дилистон” шаклида ёзилган. Аслида “дилситон” бўлса, вазн ва қофия қисмлари жиҳатидан мос тушади.

билан жуда ўхшаш. Шамсиддин Қайс Розий *рўзгор* сўзи қофия сифатида келган байтни мутародиф қофия турида намуна сифатида келтиради[411]. Мутародиф қисмли қофия тури сабаби мутавасситга асосланган боис *рўзгор* сўзининг иккинчи жузви (~) айнан мутародиф қофия турига тўғри келади. Аҳмад Тарозий имола ҳодисаси орқали “зе” ҳарфини “касра” билан талаффуз қилиш орқали ватади касратни ҳосил қилган бўлса керак. *Рўзгор* сўзига қофиядош сўз сифатида келтирилган *соядор* сўзи *рўзгор* сўзидан фарқли имола ҳодисасиз ҳам айнан мутавосий қисмли қофия турига тўғри келади. “Йо” ҳарфининг “фатҳа” билан келиши мутаҳаррик ҳарфни ҳосил қилган.

2. **Мутарожиҳ.** Мутарожиҳ қисмли қофия тури уч мутаҳаррик ва икки сокин ҳарфдан ташкил топади. Аҳмад Тарозий бу мутарожиҳ қофия тури фаулот **(VV~)** вазнида ёзилишини таъкидлайди: *нақши жаҳон – бориганрон.*

Ол энгин босса енги бирла ўшул жавҳари жон,
V V ~
Кўзларим шул дам этар ер юзини лолас(и)тон.
V V ~

3. **Мутазойид.** Мутазойид қисмли қофия тури тўрт мутаҳаррик ва икки сокин ҳарфнинг келишига асосланади, яъни фаилатон ***(VVV~)*** вазнида ёзилади: *эй шаҳи жаҳон – дар дили касон.*

Пинҳон тутар розинг ки бу дили ҳазин,
V V V ~
Сақлар они пайваста чун дури самин
V V V ~

Ёки

Бо ин қаду рафтор, эй шаҳи жаҳон,
V V V ~
Жо кардаи чу рух дар дили касон.
V V V ~

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қофиянингг тақтиъ эътиборига кўра тури бевосита аруз вазни билан боғлиқ. Аҳмад

[411] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.152.

Тарозий тақдим этган 3 тур тақтиъ эътибори билан форс ва туркий шеъриятга хос. Чунки форс ва туркий шеъриятда одатда мисра сўнги ўта чўзиқ ҳижолар билан якунланади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Темурийлар давридаги туркий ва форсий рисолаларда қофия турларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Темурийлар даврига оид рисолаларда қофия турлари қонуниятлари қатъий тизим асосида ишлаб чиқилган. Қофиядош сўзлар таркибида сўз ва грамматик шаклларнинг иштирокига кўра аслий, маъмулий, ва шойгон қофия турлари махсус тадқиқ этилган. Бу қофия турлари қофия ҳаракатлари ва айблари қисми таркибида ўрганилган. Қофия турлари мумтоз қофияга оид рисолаларда тўлиқ шаклда изоҳланмайди. Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асари аслий, Носириддий Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” ва “Фунун ул-балоға”да аслий, маъмул ва шойгон, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисола дар қофия” асарида шойгон ва маъмулий қофия тури, Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарида аслий ва қофияи маъмулий, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Шамс Фахри Исфаҳонийнинг “ Меъёр ул-жамоли” асарларида шойгон қофия турларининг назарий асослари келтирилади.

2. Гарчи рисола муаллифларининг аксарияти Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асаридан таъсирланиб, ўз рисолаларини яратган бўлсалар-да, қофиянинг турларини белгилашда ўз ёндашувларини тақдим қилганлар. Қофия турларининг номланишида ҳам фарқли хусусиятлар кўзга ташланади. Аслий қофия Жомий томонидан маъмул қофия сифатида маъмулий қофия эса ғайри маъмулий истилоҳи остида келтирилади.

3. Аҳмад Тарозий қофиянинг аслий, маъмулий ва шойгон турларини туркий тил қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқади.

4. Олимлар томонидан равийнинг мутаҳаррик ва сокин ҳолда келишига қараб қофиянинг мутлақ ва муқайяд тури фарқланади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳеч бир

рисолада қофиянинг бу тури мутлақ қофия ва муқайяд қофия сифатида изоҳланмайди. Равий ҳарфи изоҳида равийи мутлақ ва равийи муқайяд шаклида берилади. Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий, Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний қофия турларини келтирганда бу икки турни муқайяд равий ва мутлақ равий сифатида изоҳлайдилар.

5. Атоуллоҳ Ҳусайний “Рисола дар қофия” асарида васл, хуруж, мазид, нойирали мутлақ равийли қофия турининг 24 сифатга асосланган ҳолатини байтлар мисолида тушунтиради.

6. Қофиянинг мурдаф, муқайяд, муассас, мужаррад турлари темурийлар даврига оид рисолаларда қофия тури сифатида изоҳланмайди. Бу қофия турлари – номлари қофия ҳарфлари изоҳи қисмида келтирилади. Рисола муаллифлари қофия ҳарфларининг иштирокига кўра бу қофия турларини тақдим қиладилар.

7. Қофия тақтиъларининг иштирокига кўра турлари қофия назарияси келтирилган рисолаларда қофиянинг асосий турлари сифатида келтирилади. Қофия ва вазн уйғунлиги қофиянинг асосий қонунияти сифатида қофия ҳарф ва ҳаракатларига нисбатан муҳим жараён сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам қофия ҳарф ва ҳаракатларидан олдин қофиянинг тақтиъ эътиборига кўра турлари изоҳланади.

8. Шамсиддин Қайс Розий “Ал-мўжам” асарида қофиянинг тақтиъ этиборига кўра турларини бериш баробарида бу қофия турлари қайси рукнларнинг охирги жузфи бўла олиш мумкинлигини ҳам кўрсатиб беради. Бу орқали қофиянинг бу турлари қайси вазнларда кела олиши мумкинлигини билиш мумкин бўлади.

9. Қофия тақтиъларининг иштирокига кўра турлари қофия назариясига бағишланган рисолаларнинг барчасида араб шоирлари томонидан тақдим этилган бешта: мутаковис, мутарокиб, мутадорик, мутавотир, мутародиф турлари келтирилади. Аҳмад Тарозий беш турга 3 тур қўшган ҳолда (мутавосий, мутарожиҳ, мутазойид), уларни бирма-бир изоҳлайди.

IV БОБ. ҚОФИЯ ИЛМИНИНГ БАЙТ, АРУЗ ВА БАДИИЙ САНЪАТГА МУНОСАБАТИ

4.1. Байтлар такомилида қофиянинг ўрни

Адабий тур ва жанрлар мазмун ҳамда шаклий хусусиятларга кўра бир-биридан фарқланади. Жанрлар учун қонуният сифатида белгиланган вазн ва қофия тартиби уларни бошқа жанрлардан ажратиб туради. Лирик жанрлар таркибидаги байтларнинг номланишида ҳам бу ҳолат кўзга ташланади. Вазн ва қофия, радиф, ҳожибнинг ишлатилиши байт номланиши ва унинг хусусиятини белгилаб беришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Поэтикага оид рисолаларда қофиянинг ўрни, турлари, қофиянинг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилувчи радиф ва ҳожибларнинг иштироки асосидаги байтлар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан поэтикага оид рисолаларда қофияга асосланган қуйидаги байтлар таҳлилга тортилади:

1. Муздаваж байт
2. Мусарраъ байт
3. Муқаффо байт
4. Мураддаф байт
5. Маҳжуб байт
6. Мужаммаъ байт

Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарининг 6 бўлимини наср ва назмга оид бадиий санъатларга ажратган бўлиб, бўлимни икки қисмга бўлган ҳолда таҳлил қилади. Биринчи қисм илми бадиъга бағишланган бўлса, иккинчи қисмда бадиият таъсири натижасида шаклланган байтлар тадқиқ этилади. Носиридин Тусий, Рашидиддин Ватвот, Воҳид Табризий, Аҳмад Тарозий, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий радиф ва ҳожибнинг ўзига хос хусусиятларини келтириш асносида мураддаф ва маҳжуб байтга тўхталади. Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадоеъ ус-саноеъ” асарининг “Шуаро орасинда амалда бўлған баёниға муҳтож бўлғон баъзи алфоз баёнида” қисмида қофияга асосланган байтларни таҳлилга тортади.

1.***Мусарраъ байт.*** Мусарраъ байт тасриъ санъати асосига қуриладиган байт бўлиб, “Ал-мўъжам”, “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, “Бадоеъ ус-саноеъ” асарларида алоҳида сарлавҳа остида таҳлилга тортилган. “Тасриъ” луғатда “икки қанотли эшик ясамоқ” деган маънони англатади. Мусарраъ эса “икки қанотли эшик” маъносини англатади. Тасриъ санъатининг хусусиятидан келиб чиқиладиган бўлса, байт мисраларини икки қисмга бўлган ҳолда ички қофиянинг келтирилиши “икки қанотли эшик” маъносига айнан мос тушади.

Атоулллоҳ Ҳусайний мусарраъ байтни қасида жанри мисолида тушунтиради[412]. Қасиданинг бошланғич қисми – матлаъда икки мисра ўзаро қофияланади. Матлаъ – мусарраъ байт саналади. Олим мусарраъ байт қасиданинг исталган ўрнида кела олиши ва гарчи матлаъ шеърнинг биринчи байтига нисбатан ишлатилса-да, қолган ўринларда келса ҳам, матлаъ сифатида номланишини таъкидлайди[413].

Шамсиддин Қайс Розий эса мусарраъ байтнинг хусусияти сифатида мисра сўнгги (аруз ва зарб) вазн ва қофия жиҳатдан ўзаро мос тушишини келтиради.

Тартиби мулк-у қоида ҳилм-у расми дод,
Мафъулу // фоилату // мафоилу // фоилон.
Абдулҳамид Аҳмад Абдулсамад ниҳод.

Байтда келтирилган *дод – ниҳод* қофиядош сўзлардаги “алиф” ва “зол” ҳарфи ридф ва равий сифатида қофия ва оҳангдорликни ҳосил қилган. Байт музориъи мусаммани ахраб вазнида ёзилган бўлиб, мисранинг охирги рукни фоилон сифатида “алиф” ва “зол” чўзиқ ҳижо вазифасида ўзаро мос тушган.

Шамсиддин Қайс Розий ва Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам қасидада матлаъ бўлишини қатъий қоида сифатида келтирадилар. Агар қасидада матлаъ, яъни мусарраъ байт бўлмаса, бундай жанрдаги асар қасида эмас, қитъа бўлишини айтадилар. Шамсиддин Қайс Розий мусарраъ байт билан

---

[412] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.271.

[413] Ғазал ёки қитъа бошдан оёқ шу шаклда – байт мисралари ўзаро қофияли шаклда ёзилса, зебқофиятайн санъати сифатида ўрганилади.

маснавийнинг қофияланишини ўзаро қиёсий ҳолатда таҳлил қилади. Мусарраъ байт ва маснавий байтларининг фарқли жиҳатларини тушунтиради. Мусарраъ байт қасида, ғазал, туюқ, рубоий каби жанрларда бўлади. Бу жанрларнинг қолган байтлари қофия ва вазн жиҳатидан мусарраъ байтга боғлиқ бўлади. Маснавийдаги байтлар эса ўзаро мустақил тарзда қофияланади. Шамсиддин Қайси Розий мусарраъ байтнинг вазни ҳам ўзаро мутаносиб бўлишини таъкидласа, Атоуллоҳ Ҳусайний бу фикрга қўшилмайди. Қасида ва рубоийнинг дастлабки мусарраъ байтлари фақатгина қофияда тенг бўлиши, вазндаги тенглик лозим эмаслигини айтади.

Шамсиддин Қайс Розий "Ал-мўжам"да қасида қисми: насиб, қасд, гузиргоҳ, мамдуҳ қисмларда алоҳида келган мусарраъ байтларни таҳлил қилади.

Эй андалиби жонҳо товус-и баста зийвар,
Бекшой ғунчайи лаб бисарой ғунна тар[414].

Рашидиддин Ватвот "Ҳадойиқ ус-сеҳр"нинг сўнгги қисмида мусарраъ байтга қисқа таъриф беради. Рашидиддин Ватвот ҳам мусарраъ байтни қасида матласи мисолида тушунтиради.

2.***Муздаваж байт***. "Музадаваж" сўзи "издивож" сўзининг сифатдош шакли бўлиб, "жуфтлашмоқ" деган маънони англатади. Байтдаги ҳар икки мисранинг ўзаро қофияланишини жуфтлашишга қиёслашади. Муздаваж байт ҳам қофия асосига қуриладиган байт бўлиб, тасриъ санъатига асосланади. Муздаваж байт "Ал-мўъжам" ва "Бадоеъ ус-саноеъ"да атрофлича ёритилган бўлиб, мусарраъга асосланиши айтилади. Бироқ бу байтнинг мусарраъ байтдан фарқи шундаки, байтлар бир-бирига боғлиқ бўлмай, байт мисралари ўзаро мустақил қофияланади. Одатда муздаваж байт маснавий шаклида бўлади.

Ки ҳар чанд бад кардан ***осон*** буд,
Бақир жоми азу жон ***Хуросон*** буд.

[414] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: "Восточная литература" РАН, 1997. –С.293.

Чу би ранж боши-у бокиза ***рой,***
Аз он баҳра ёби баҳра ду ***сарой***[415]***.***

Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам маснавий шаклидаги байтлар муздаваж байт эканлигини таъкидлаб, маснавийнинг маъноси ҳам “муздаваж” сўзи билан ўхшаш эканлигига ишора қилади[416].

3.***Муқаффо байт.*** Муқаффо байтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, байтнинг охирги мисрасида қофия келтирилади. Биринчи мисрада эса қофияга риоя қилинмайди. Атоуллоҳ Ҳусайний нима сабабдан байт мисралари ўзаро қофияланмаган сўзга нисбатан айнан муқаффо атамасининг қўлланишини шундай изоҳлайди: “Бу ном анинг учундирким, алар қошинда ҳақиқий қофия охирғи мисрададур ва биринчи мисрада иккинчи мисра қофиясиға мувофиқ қилиб келтирганларига нисбатан (бу номни) қўлламоқлари ўхшатиш ҳукмидадир”[417].

Муқаффо байт лирик жанрларнинг деярли барчасида учрайди. Ғазал, қитъа, қасида, таржиъбанд, таркиббанд каби жанрларда матлаъдан кейинги байтлар муқаффо байтлар саналади. Туюқ, рубоий каби жанрларнинг 2-байти муқаффо байт шаклида бўлади. Муаммо, луғз, таърих жанрлари бир байт ҳолида бўлса, шоир ихтиёрига қараб мусарраъ ёки муқаффо байтдан иборат бўлиши мумкин.

Шамсиддин Қайс Розий муқаффо байтдаги мисралар ўзаро қофияланмаса ҳам, вазн жиҳатидан тўғри келиши мумкинлигини таъкидлайди. Олим қофияланмаган байтларнинг вазний мутаносиблиги ва фарқли жиҳатларини бирма-бир таҳлил қилади.

Зиҳи сарафрози ки бо пойгоҳат,
V - -// V - - // V - - // V - -
Муяссар нишад чарх-и ро дастиёри.
V - - // V - - // V - - // V - -

---

[415] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.292.

[416] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.272.

[417] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.272.

Мутақориби мусаммани солим вазнида ёзилган ушбу байт мисраларида *пойгоҳат – дастёри* сўзлари ўзаро қофиядош эмас, бироқ фаувлун (В - -) рукнига мос тушади.

Ёки

Аё подшоҳ, шариат ки ҳаст,

-

Зи авсофи ту қосир афкори ман.

-

Байт мисраларида бу ҳолат қонуният эмас, яъни, албатта, мисралар сўнгидаги сўзлар тўлиғича рукнга мос тушиши шарт эмас. Олим бу ўринда шеър бошдан оёқ бир хил вазнда ёзилиши кераклигига ишора қилади. Қасида ёки қитъа неча байт бўлишидан қатъи назар барча байтлар: мусарраъ ёки муқаффо байтлар бир тизим асосида шакллантирилиши керак. Ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган мусарраъ байтнинг кейинги қофияланмаган муқаффо байтлари ҳам мафоийлун/ мафойилун/ мафоийлун/мафоийлун рукнига тўлиқ мос тушиши керак.

Атоуллоҳ Ҳусайний муқаффо байтлар радиф билан бирга келса, муқаффо мураддаф байт деб номланишини таъкидлайди[418].

4. **Мужаммаъ байт.** “Мужаммаъ” сўзи “тажмиъ” сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, “яхшилаб жамъ қилмоқ” деган маънони англатади. Бундай байтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, шоир икки мисрани қофиядош шаклда келтиради. Бироқ бу қофиядошлик сунъий (ёлғончи) ҳолатда бўлади. Байт бир қарашда мусарраъ байт кўринишида бўлади. Бироқ биринчи мисрада келтирилган қофия маъно жиҳатдан байт мазмунига мос тушмайди. “Биринчи мисра охирида маъно жиҳаттин лозим бўлмаган бир лафзни келтирурлар ва анинг ўрнинда келтирилса, маъноға мувофиқроқ ўзга алфоз бўлур, натижада эшиткучи ул сўзни эшитканда биринчи мисранинг қофияси иккинчи мисранинг қофиясиға тўғри келсун учун келтирилган бўлса керак деб тасаввур қилур”.

---

[418] Радифнинг ишлатилишига қараб ҳар қандай байт: мусарраъ, муздаваж, муқаффо, мужаммаъ байтлар мусарраъи мураддаф, муздаважи мураддаф, муқаффоъи мураддаф, мужаммаъи мураддаф байт номи билан келтирилади.

Бувад дар кўй-ки жонон бим-и қатлу меравам шайдо,
Ки мардум дар бало беҳтар, ки бошад бим-и бало[419].

Биринчи мисрадаги *шайдо* сўзи бир қарашда *бало* сўзи билан қофиядошдек туялади. Биринчи мисрани ўқиган китобхон иккинчи мисрада бошқа қофиядош сўзларни: *расво* ёки *ғамво* каби сўзларни кутади. Бироқ иккинчи мисрада кутилган қофиядош сўзга дуч келинмайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний мужаммаъ байтнинг бу хусусиятини мусарраъ байт кўринишидаги байтлар билан боғлаб тушунтиради.

Шамсиддин Қайс Розий мужаммаъ байтни муқаффо байт таркибий қисмида келтириб, муқаффо байтларда ҳам мужаммаъ байт бўлиши мумкинлигини айтади.

Басаҳаргоҳон ногоҳ баман боди насим,
Бўйи дилдори ман овард ҳам аз суйи шамол[420].

Биринчи мисрадаги *насим* сўзи сунъийлик асосида келтирилган бўлиб, ўқиётган китобхон кейинги мисрада унга мос равишда *наъим* ёки *муқим* каби қофиядош сўзларни кутади. Бундай байтларда биринчи мисра сўнгидаги сўз асосий қофияга таъсир кўрсатмайди.

Мужаммаъ байт муқаффо байтдаги асосий қофия билан ҳам содир бўлиши мумкин. Асосий қофия сифатида келтирилган сўзда байт мазмунига тушмаслиги асносида бу ҳолат юз беради.

5. **Мураддаф байт**[421]. Мумтоз поэтикага оид рисолаларнинг деярли барчасида радиф қофия унсури сифатида ўрганилади. Қофиядан кейинги такрорланувчи сўз радиф бўлиб, радиф ишлатилган байтлар олимлар томонидан мураддаф байт номи билан аталади. Аҳмад Тарозий айтганидек, шеърда радифнинг келтирилишига бошдан оёқ амал қилинади. Мураддаф байтлар мусарраъ, муздаваж, муқаффо, мужаммаъ байтлар билан бирга қўллана олади.

---

[419] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.272.

[420] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.297.

[421] Радиф қисмига қаранг.

Зулф аз рухи дилистон ***барандоз,***
Расми гулу гулистон ***барандоз.***
Йек ханда фидойи оламий кун,
Бунёди ғам аз жаҳон ***барандоз.***

Ушбу байтлардаги *барандоз* сўзи радиф бўлиб, мураддаф байт сифатида номланади.

Агар радиф икки қофия билан бирга келса, бундай байт зулқофиятайн мураддаф байт саналади.

Олса ниқоб, юзи қамарни хижил ***қилур,***
Тўкса жўллоб сўзи шакарни хижил ***қилур***[422]**.**

6. **Маҳжуб байт**[423]. Асосий қофиядан олдин такрорланиб келувчи сўз ҳожиб саналади. Аҳмад Тарозий “радифнинг икки қофия орасида келиши” ҳожиб эканлигини таъкидлайди. Ҳожиб ишлатилган байтлар маҳжуб байт дейилади. Ҳожиб асосий қофия ва радифга таъсир кўрсатмагани боис мусарраъ, муздаваж, мужаммаъ, муқаффо, мураддаф байтлар билан бирга қўланаверади.

Фитна шўд балойи сарв аз қадди ёр ***андар*** Эрам,
Зишт шўд аз руйи нику нигор ***андар*** санам.

Гар алам, кардаст бар дибойи рух, зулфи сиёҳ,
Халқа аз баҳр че дорад сад ҳазор ***андар*** алам.

Байтдаги *Эрам – санам – алам* сўзлари асосий, *ёр – нигор – ҳазор* сўзлари ички қофия бўлиб, *андар* сўзи ҳожиб саналади. Бундай байтлар маҳжуб байт сифатида келтирилади.

7. **Ҳарора шеър**[424]. Ҳарора шеър атамаси “Фунун ул-балоға” да келтирилган бўлиб, бошқа манбаларда унинг таърифига дуч келинмайди. Аҳмад Тарозий шеърнинг асоси сифатида қофияни тақдим қилган бўлса-да, қофиясиз шеър ҳам бўлишини маълум қилади. Ҳарора шеър байтлар қофиясизлигига асосланувчи махсус жанр бўлиб, радиф қофия вазифасини

[422] Аҳмад Тарозий бу байтдаги қофияларни зулқофиятайн – икки қофия билан бирга келса деб изоҳ беряпти. Бироқ байтда учта сўз ўзаро қофиядош бўлган: ниқоб – жўллоб, юзи – сўзи, камарни – шакарни. Иккитадан ортиқ қофиядош сўзлар манбаларда зулқавофий атамаси остида келтирилади.

[423] Ҳожиб қисмига қаранг.

[424] Шеър таркибидаги байтларнинг тўлиқ қофиясизлигига асосланган учун байтларга муносабати қисмида келтирдик.

бажаради. Қофия ва радиф шеър оҳангдорлигини таъминловчи асосий унсур бўлиб, олим томонидан тақдим қилинган бундай шеърларда радифнинг ўзи қофия вазифасини ҳам бажаради. “Фунун ул-балоға”да келтирилган ҳарора шеър намунаси - ғазалда радифнинг ёйиқ шакли қўлланган. Шунинг учун ҳам радифнинг ўзи шеърдаги қофиянинг иштирокига ҳожат қолдирмаган.

Эй сўзи қанду ирни мўл, ***дасти манасту доманат,***
Зулфи бинафша, юзи гул, ***дасти манасту доманат.***

Зуҳраву Ой, Муштарий, ҳуснунгки, бўлди муштари,
Қайдаки бўлсанг, эй пари, ***дасти манасту доманат.***

Қилмағил асру кўп ситам хаста кўнгулга, қил карам,
Бўлса қиёмат, эй санам, ***дасти манасту доманат.***

Мунчаки ўртадинг мени, эй кўзи шўхи кофари,
Яъники қўйғамен сени ***дасти манасту доманат.***

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вазн, қофия, бадиий санъатлар, ҳожиб ва радифнинг ўз ўрнида қўлланиши байтлар ва шеърларнинг номланишига асос бўлади. Аҳмад Тарозий тақдим қилган ҳарора шеър – қофиясиз шеърдаги радифнинг иштироки бевосита қофия ўрнида кела олгани боис бундай шеърлар туркий шеъриятда мавжуд эканлигини кўрсатади.

4.2. Қофия асосига қуриладиган бадиий санъатлар тадқиқи

Бадиий матн бутунлиги бу уч илм (аруз, қофия, бадиий санъатлар)нинг уйғун ҳолатдаги кўринишида акс этади. Шу сабабли аруз илми таҳлилида қофия, қофия илми тадқиқида бадиий санъатлар ва аруз вазни қоидалари, назариялари бир-бирини тақозо этади. Қофия қисм(тақтиъ)ларининг ўрнига кўра турлари аруз рукнлари, жузвлари билан боғлиқ бўлса, илми бадиъдаги шаклий бадиий санъатларнинг аксарияти қофия илми билан боғлиқ. Шу жиҳатдан қофияга асосланадиган бадиий санъатлар қофиянинг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилган. Илми бадиъга оид рисолаларнинг аксариятида бадиий

санъатлар турларга ажратилмаган ҳолда тадқиқ этилган бўлсада, маълум бир тизим асосида дастлабки рисолалар анъаналари асосида бадиий санъатлар тартиб ва кетма-кетлиги шаклланиб, миқдор жиҳатидан кенгайиб борган. Атоуллоҳ Ҳусайний биринчилардан бўлиб, бадиий санъатларни шаклий, маънавий, ва муштарак каби турларга ажратган ҳолда тақдим қилди. Қофия тадқиқига бағишланган рисолаларнинг аксариятида бадиият илми тадқиқ этилган бўлиб, қофия асосига қурилган бадиий санъатлар шу қисмда келтирилган. Ибн Муътаззнинг “Китоб ул-бадиъ”, Абу Ҳилол ал-Аскарийнинг “Китоб ал-синотайн”, Абду-л-Қаҳир Журжонийнинг “Китоби асрор-у-л-балоға”, Имом Наср бин Ҳасан Марғинонийнинг “Маҳосин ул-калом”, Муҳаммад ибн Умар Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, Шарафиддин Ромий Табризийнинг “Ҳадойиқ ул-ҳақойиқ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарлари илми бадиъ назариясига бағишланган бўлса, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум”, Ибн Рашиқнинг “Ал-Умда фи маҳосин аш-шиър ва адабиҳ ва нақдиҳ”, Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” рисолаларда қофия ва илми бадиъ, Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аруз ва қавофий”, Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисолаларда илми аруз ва қофия илми, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” ва Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарларида уч илм: қофия, аруз ва илми бадиъ назарияси тадқиқи келтирилган. Бу манбаларда қофия асосида юзага чиқадиган бадиий санъатлар атрофлича ёритилган.

1. ***Тарсиъ.*** Бадиий санъатларга оид деярли барча рисолаларда уларнинг таснифи тарсиъ санъати билан бошланади. Маълумки, тарсиъ байт мисраларидаги барча сўзларнинг ўзаро қофия жиҳатидан мос келишига асосланган санъатдир. Бу санъатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, байт мисраларидаги барча сўзлар (биринчи мисра иккинчи мисрадаги сўзлар билан) ўзаро қофиядош бўлиши шарт. Бу эса тарсиъ санъати асосида ёзилган байтларда бир эмас бир неча қофия турлари иштирок эта

олишини кўрсатади. Баъзи араб олимлари бу санъатни сажънинг тури сифатида баҳолашади ва уни тажнисли тарсиъ санъатининг баёнида келтиришади. Атоуллоҳ Ҳусайний бошқа форс тилида яратилган рисолалар сингари тарсиъ санъатини дастлабки санъат сифатида асарнинг бошланғичида келтиради.

Зи рўяш мунфаъили гулҳо, фитода бўстон дарҳам,
Ба кўяш муттасили дилҳо кушода, дўстон ҳуррам[425].

1.	***Зи рўйаш***	***мунфаъи ли***	***Гулҳо***	***фитода***	***бўстон***	***дарҳам***
2.	***Ба кўйаш***	***муттаси ли***	***Дилҳо***	***кушода***	***дўстон***	***ҳуррам***
	Аслий қофия, мутадорики, мужаррад и мутлақ қофия	Аслий қофия, мутадорики мужаррад и мутлақ қофия	Аслий қофия, мутародифи мурдафи мутлақ қофия	Аслий қофия, мутавосийи мурдафи мутлақ қофия	Аслий қофия, мутародифи мурдафи муқайяд қофия	Аслий қофия, мутавотири мужаррад и муқайяд қофия

Чунон вазид зи бўстон насими фасли баҳор,
Казон расид ба ёрон шамими васли нигор.

Ушбу байт мисралари таркибидаги сўзлар ҳам ўзаро қофиядош бўлиб, қофиянинг турли навъларини шакллантирган.

Ба жафо-йи рақиб додам тан,
Ба вафо-йи ҳабиб шодам ман.

Байт мисраларидаги барча қофиядош сўзлар сукунли ҳолатда бўлмаса ҳам, аксарият сўзларда шу тартибга риоя қилинган: *жафо – вафо, рақиб – ҳабиб, тан – ман* каби.

Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида ҳам бадиий санъатлар тавсифи тарсиъдан бошланади. Муаллиф дастлаб араб, сўнг форс тилидаги байтлардан намуналар келтиради. Аҳмад Тарозий Рашидидин Ватвотнинг тарсиъ санъати қонуниятига айнан мос тушувчи қуйидаги байтини намуна сифатида ҳавола қилади.

Ҳеч дарди ба ту, эй мояи дармон мирсод,
Ҳеч карди ба ту, эй чашми ҳайвон мирсод[426].

[425] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 36

Ушбу байтдаги қофиядош сўзлар ҳам бир неча қофия турларини юзага чиқарган. *Дарди – карди* қофиядош сўзлари аслий, мутародифи муқайяди муқайяд қофия турини ҳосил қилган бўлса, *дармон – ҳайвон* қофиядош сўзлари аслий, мутародифи мурдафи муқайяд қофия турини юзага келтирган. Шоир оҳангдорликни юзага келтириш мақсади билан қофиядош сўзлар билан бирга ҳожибни ҳам маҳорат билан ишлатган. Байтдаги "*ба ту*" сўзи ҳожиб вазифасини бажарган.

Тарсиъ санъатида қофиянинг ҳар доим ҳам тўла мос тушмаслиги ҳолати учрайди. Бу ҳолат қофия илмидаги уюби қофиядаги баъзи ҳодисаларга дахлдор. Хусусан, баъзан мисралардаги сўзлар айнан қофиядош бўлмай, кўмакчи ёки радифнинг такрори оҳангдошликни юзага келтириши мумкин. Бу ҳолат қофия илми назариясида таъкидланган. Мисраларда айни ҳолат учраса-да, фан арбоблари буни тарсиъ санъатига мисол сифатида тан олишади.

Кас фиристод ба сатр андар айём маро,
Ки, макун ёд ба шеър андар бисёр маро[427].

Баъзи ўринларда қофия туфайли вазнда ихтилофлар кузатилиши мумкин, бундай ҳолат ҳам тарсиъ санъати қонуниятига зид эмас. Атоуллоҳ Ҳусайний қофия талаби билан вазннинг бузилиш ҳолати акс этган парчаларни Рашидиддин Ватвотнинг қасидаси мисолида тушунтиради.

Эй, мунаввар ба ту нужум-и жалол,
Вей, муқаррар ба ту русум-и камол.
Бўстоне-ст садр-и ту зи наъим,
В-осмоне-ст қадр-и ту зи жалол.

Байтдаги *наъим* сўзи *жалол, камол* сўзлари билан ўзаро қофиядош бўла олмагани боис вазнда ихтилофлар кузатилган.

Атоуллоҳ Ҳусайний баъзи сўзлардаги вазний ва кўмакчилардаги ихтилофлар араб ва ажам олимлари томонидан камчилик сифатида баҳоланмаслигини айтади. Кўмакчиларнинг

---

[426] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 80.

[427] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 36.

такрори ва радиф тарсиъ санъати билан ўзаро мутаносиб тарзда оҳангдорлик таъминлаб беради.

Кас фиристод ба сатр андар айём маро,
Ки, макун ёд ба шеър андар бисёр маро.

Рудакийнинг ушбу байтидаги *андар* сўзи ҳожиб, *маро* сўзи эса радиф сифатида ритм мусиқийлигини таъминлаб берган.

"Ҳадойиқ ус-сеҳр"да келтирилишича, муаллифнинг ушбу қасидаси бошдан-оёқ тарсиъ санъатига асосланган мусарраъ қасидадир. Атоуллоҳ Ҳусайний Рашидиддин Ватвотнинг ушбу қасидасини "араб-у ажамдаги" бошдан-оёқ мусарраъ шаклида ёзилган ягона қасида эканлигига ишора қилади. Шуни эътиборга олиш керакки, айни байт "Фунун ул-балоға" асарида фақат тўрт байт ҳажмда келтирилган. Шамсиддин Қайс Розийнинг "Ал-Мўъжам" асарида эса ушбу қасиданинг тўлиқ (10 байт) шаклини ўқиш мумкин. Шамсиддин Қайс Розий тарсиъ санъатини изоҳлаш асносида Қуръони каримдан келтирилган парчалардан сўнг ушбу қасидани намуна сифатида тақдим этади. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Бадоеъ ул-афкор" асари ҳам тарсиъ санъати тавсифи билан бошланади. Кошифий тарсиъ *шамшир, тож ва камарларга ўрнатиладиган гавҳар* маъносини англатишини таъкидлаб, ўз истилоҳий маъносидан келиб чиқиб, байтга "гавҳар" сифатида қадалишини айтади. Олим тарсиънинг тажнисли иштиқоқ асосидаги турига намуналар келтиради.

Рухи рангин-у гули раъно,
Лаби ширин-у мули ҳамро.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарсиъни иштиқоқ билан бирга келган ҳолати, яъни иштиқоқли тарсиъ тадқиқи бошқа рисолаларда учрамайди. Кошифий икки: тарсиъ ва иштиқоқ санъатини бир бутунликда зулнавъайн (икки навъли)санъат сифатида келтирилади:

Сафойи сафвати рўят сифоти гулистон дорад,
Ҳавойи жаннати кўят ҳаёти жовидон дорад[428].

[428] Ушбу байт Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-санойиъ" асарида ҳам келтирилган. Ҳусайн Воиз Кошифий ушбу байтни тарсиънинг иштиқоқ билан бирга қўлланиши изоҳлашда келтирса, Ҳусайний кўмакчилардаги ихтилофларни кўрсатиш мақсади билан тақдим қилади.

Биринчи мисрадаги *сафо, сифвати, сифот* сўзлари ўзаро бир асосдан ясалган бўлиб, иштиқоқ санъатига асос бўлган.

Тарсиъ санъатининг тажнисли тарсиъ тури ҳам қофия, радиф масаласи билан боғлиқ санъат сифатида илми бадиъга оид рисолаларда таҳлилга тортилган[429]. Атоуллоҳ Ҳусайний тарсиъ бошқа бир санъатлар билан қўшилганда, мазмун-моҳият ва бадиийлик юксак даражада бўлишини таъкидлайди.

Дар мушк гусу-фи ту, бут чинаст ҳар то торро,
Бар рашк оҳу-йи Тобут Чинаст мар Тоторро.

Тарсиъ санъатининг ўзига хос хусусияти шундаки, мисралардаги ҳар бир сўз ўзаро қофиядош бўлгани боис байтда қофиянинг бир нечта турлари иштирок эта олади. Масалан, байтдаги *дар – бар* қофиядош сўзи мутавотири муқайяди мужаррад қофия турини, *мушк - рашк* қофиядош сўзлари эса мутародифи муқайяди муқайяд қофия турини ҳосил қилган.

Агар иккинчи мисра биринчи мисрадаги сўзлар билан тажнисли бўлса, байт мукаммал шаклга эга бўлади.

Най орий, мудомам маёвар ба ман!
Наёрий мудомам, май овар ба ман![430]

(Мазмуни: Агар доим ёр бўлмасанг, менинг қошимга келма! Менинг оғир пайтимда менга шароб келтирмасанг, уни мен учун олиб келма!)

Шеъриятда мисраларнинг ўзаро тарсиъ ва тажнис асосида битилиш ҳодисаси камдан кам учрайди. Шунинг учун ҳам рисола муаллифлари бундай асарни ҳам сурат, ҳам мазмун жиҳатидан етук асар сифатида баҳолашади[431].

Биморам-о корзор-о ту дармони,
Бим орам-о коре зор-о ту дармони[432].

---

[429] “Ал-мўъжам” ва “Фунун ул-балоға”да тарсиъ турлари келтирилмаган

[430] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 38.

[431] Рашид ад-дин Ватват. Хада’ик ас-сеҳр фи дақа’ик аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985.// Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 36.// Koshifӣ Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorӣ. Badoe’u-l-afkor fӣ sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirҷaloluddini Kazzozӣ.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 85s.

[432] Koshifӣ Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorӣ. Badoe’u-l-afkor fӣ sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirҷaloluddini Kazzozӣ.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 85 s.

Ҳусайн Воиз Кошифий жуда кўп ўринларда “Ал-мўъжам ва “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асаридаги байтлардан унумли фойдаланган. Рашидиддин Ватвот бошқа рисоалардан фарқли ўлароқ тарсиъ санъати изоҳида арабий байтларга кўпроқ мурожаат этади. “Ҳадойиқ ус-сеҳр”да “Тарсиъ мат-тажнис” сарлавҳаси остида тарсиънинг тажнис билан бирга қўлланиши байтлар мисолида тушунтирилади.

Гуйам ке бар отешам хами гардоне,
Гуйам кей бар-е оташам хами гердони[433].

Қофияга асосланадиган бадиий санъатлардан бири ***таштир*** бўлиб, “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида изоҳланади[434]. Рисолаларнинг аксариятида таштир санъати ҳақида маълумот учрамайди. Таштир санъатининг ўзига хос хусусияти шундаки, байтнинг ҳар икки мисраси икки бўлакка бўлинган ҳолда ички қофия келтирилади. Бунда мисралардаги ички қофиялар ўз доирасида, яъни мисраларнинг орасида содир бўлади. Биринчи мисрадаги қофия иккинчи мисрадаги сўзлар билан қофиядош бўлиши шарт эмас.

То дар саф-и ***ушшоқ-и у*** пайваста бошам ***сурхрў***,
Ҳар лаҳза резам аз ***басар*** бар рўй-и худ хун-и ***жигар.***

Байтда келтирилган ички қофиялар сажъи мутавозийга асосланган, яъни қофия ва вазн жиҳатидан ўзаро мувофиқ тарзда қўлланган.

Таштир санъатининг кейинги шакли сажъи мутарраф, яъни қофия жиҳатидан мос тушиб, вазн жиҳатидан ихтилофлар асосида юзага келади.

Будам аз ишқи ту ***зор***-у гаштам аз ҳажрат ***низор***,
Як раҳ аз баҳри ***худо*** // бихром эй маҳ суйи ***мо.***

Бу мусажжаълик ҳолати икки мисрада зоҳир бўлса ҳам, уларнинг бир-бирига алоқаси бўлмай, ўзаро мустақил қофияланадилар. Баъзан икки мисрадаги ички қофиялар ҳар хил: бири сажъи мутавозий, иккинчи мисрадаги ички қофия сажъи мутаррафга асосланади.

---

[433] Рашид ад-дин Ватват. Хада’ик ас-сеҳр фи дақа’ик аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985. -Б. 88.

[434] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 68.

Зи жаври ***ҳабиб,*** // жафойи ***рақиб,***
Дилам шуд ***фигор,*** // танам шуд ***зор***

Демак, байтнинг 1-мисрасидаги *ҳабиб – рақиб* сўзлари вазн ва қофия жиҳатидан мос тушган, иккинчи мисрадаги қофиядош сўзлар қофия жиҳатидан тартибланган бўлса-да, вазнида ихтилофлар учрайди.

Зи жавр-и ***нигорам*** хушам з-онки ***дорам***.
Зи дийда ***шаробе,*** зи сийна ***кабобе.***

Ушбу байтда эса биринчи мисрада сажъи мутарраф, иккинчи мисрадаги қофиядош сўзларда эса сажънинг мутавозий тури қўлланган.

Тажзия санъати ҳам байт мисраларининг ички қофиядошлигига асосланадиган бадиий санъатлардан биридир. “Тажзия” сўзи “бўлак-бўлак қилмоқ” деган маънони англатади. Тажзиянинг таштир санъатидан фарқи шундаки, биринчи мисра ярмининг иккинчи мисра ярми билан мусажжаъ ҳолатда бўлишига асосланади.

Чу рафтий ***нигоро,*** надорам зо ҳажр,
Ба тан ҳеч ***ёро***, ба дил ҳеч сабр[435].

Мисрадаги *ҳажр – сабр* қофиядош сўзлари асосий қофия бўлиб, мисра ўртасидаги *нигоро – ёро* сўзлари ўзаро ички қофияга асосланадиган тажзия санъатини юзага келтирган.

Тасмит санъати бевосита ички ва асосий қофияни бирлаштириб турувчи санъат сифатида келтирилади. Шамисиддин Қайс Розий қасиданинг беш мисраси ўзаро қофияланиб, олтинчи мисраси алоҳида қофияланиш шаклига эга санъатга нисбатан тасмит атамасини қўллайди[436].

Хезид-у хаз оридки ҳангоме ***хазонаст***,
Боди хунак аз жониб-и Хворазм ***визонаст,***
Он барг резон бинки бар он шох-и ***ризонаст,***
Гуйийки яке бираҳане ранг***разонаст,***

---

[435] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 3

[436] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.262.

Деҳқон батаажжуб саре ангушт ***казонаст,***
К-андар чаман-у боғ на гул монду на *гулзор*[437].

Агар бандаги мисралар кичрайиб борса, табиийки, қофиялар сони ҳам шунга мослашади.

Аё соқий-ул **мудом**, маро боде деҳ ***мудом,***
Сумин бўй-и **лолафом** ки то ман дар ин ***мақом,***
Занам як нафас **ба ком** ки, касро зи хосу ***ом,***
Дар ин манзил, эй **ғулом**, умид-и қарор *нист.*

Мураббаъ шаклидаги ушбу байтнинг 3 мисраси ўзаро қофияланган бўлиб, тўртинчи мисра асосий қофия сифатида бандларни улаб туради. Атоуллоҳ Ҳусайний жуда кўп ўринларда "Ал-мўъжам"да келтирилган байтлардан унумли фойдаланган. Ушбу байт ҳам "Бадоеъ ус-саноеъ"да келтирилган бўлиб, Ҳусайний Қайс Розийдан фарқли тасмитнинг тўртинчи навъи сифатида бу шеърни тўрт мисра ҳолида эмас, саккиз мисра ҳолида тақдим қилади.

Аё соқий-ул мудом,
Маро боде деҳ ***мудом,***
Суман бўй-и лолафом
Ки то ман дар ин ***мақом,***
Занам як нафас ба ком
Ки, касро зи хосу ***ом,***
Дар ин манзил, эй ғулом,
Умид-и қарор *нист.*

Кейинчалик тасмит санъати асосида ёзилган шеърлар мусамматлар сифатида банддаги мисраларнинг миқдорига қараб мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мустаснеъ ва муашшар каби шеър шаклларига ажралган.

Рашидиддин Ватвот "Ҳадойиқ ус-сеҳр"да бу санъатни тасмит атамаси остида эмас, мусаммат санъати сифатида келтиради[438]. Рашидиддин Ватвот мусамматни бир байтни 4 тенг бўлакка бўлиб, уч бўлагини ўзаро бир қофия атрофида

[437] Бу мусаддас "Бадое ус-саноеъ"да ҳам келтирилган.

[438] Рашид ад-дин Ватват. Хада'ик ас-сеҳр фи дақа'ик аш-ши'р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985. -Б. 146.

бирлаштириб, тўртинчи бўлакда асосий қофия келтиришга асосланадиган санъат сифатида таърифлайди.

Эй сорбон манзил *макун* жуз бар диёр-и ёр-и ***ман***,
То як замон зорий *кунам* бар рабъу атлолу ***диман***,
Рабъ аз дилам *пурхун кунам* // хоки диман ***гулгун кунам,*** //
Атлолро *Жайҳун кунам* // аз оби чашми ***хештан***.

Агар эътибор қилинса, байт мисралари ички қофияга ҳам эга, шунинг учун Рашидиддин Ватвот бундай шеър шеъри мусажжаъ деб номланишига ишора қилади. Олимнинг таъкидлашича, одатда байт 3 бўлакка бўлиниб, қофияланади, 4-бўлак асосий қофия билан боғланади. Мусажжаънинг учдан ортиқ бўлакка бўлиниши ҳам қабул қилинган, бироқ учталиги машҳур. Мусамматларнинг турлари сифатида келтириладиган бу шеър шакллари асосан форс адабиётида тараққий этган. Араб адабиётида эса тасмит санъати байтдаги мисраларнинг сажъланишига асосланади.

Форс адабиётида эса бу ҳолат бошқача, яъни одатда форс шоирлари 6 мисралик шеърнинг беш мисрасини ўзаро қофиядош шаклда келтириб, олтинчи мисрадаги қофияни бандларни улаб турувчи асосий қофия сифатида келтирадилар. Форс шуароси орасида мусамматнинг айни шакли машҳур ва маълум. Рашидиддин Ватвот келтирган юқоридаги ички қофияга асосланган (байтнинг тўрт бўлакка бўлиниши) шеърни форс шоирлари мусажжаъ шеър сифатида тан олишган.

Омаде бонге ҳорус моаззенэ мейҳо регон,
Собхе ноҳостин немуд руй бе наззорегон,
Ке бекетаф барфеканд чодоре бозорегон,
Руй бемашриқи неход ҳосраве сайёрегон,
Боде фароз оварид чорае бечорегон,
Қуму ли-шурби-с-сабуҳ йа маъшара-н-уммийин

Олти мисрадан иборат ушбу шеърнинг олтинчи мисраси араб тилида келтирилган бўлиб, юқоридаги беш мисра билан қофиядош эмас.

“Бадоеъ ус-саноеъ” асарида тасмит лафзий санъатлардан бири сифатида келтирилади. Атоуллоҳ Ҳусайний дастлаб “тасмит” сўзининг истилоҳий маъносини келтиради. Байт ва мисралардаги жузвларнинг қофияланиши, бир тизимга

тизилиши “тасмит” сўзининг моҳиятини англатади. Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам тасмит санъатининг асосий хусусияти сифатида мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман каби шеър шаклларининг мисралар ва бандлараро қофияланишини келтиради.

Аз оташи ғам сўхтам, гар ба *нигоҳе,*
Ин ғамзадаро шод куний нест *гуноҳе,*
Мурдам зи ғами ҳажр, худороки, чу *моҳе*
Бинмой шабе рўю халосам кун аз ин ***ғам!***

Атоуллоҳ Ҳусайний тасмит санъатининг 4 навъига мисол келтиради. Бу мисоллар банд мисралардаги ички қофия ва бандларни боғлаб турувчи асосий қофияга асосланувчи мураббаъ, мухаммас, мусамман шеър шакллари асосида берилган. Муаллиф учлик(мусаллас), еттилик(мусаббаъ), тўққизлик(мустаснеъ) каби мусаммат турларига мисол топмагани сабабли юқоридагилар билан чекланганини таъкидлайди.

Араб олимлари тасмитнинг 2 турини келтирадилар. Биринчи тури ***тасмити тақтиъ*** деб номланиб, сажъланган жузвлар тақтеъдаги жузвлар билан тенг келади. Масалан:

Ба ***пирий*** чи ***гирий*** вазирию ***мирий,***
V - - // V - - // V - - // V - -
Фақирий, ҳақирий, асирий гузин ту!
V - - // V - - // V - - // V - - *(мутақориби мусаммани солим)*

Биринчи мисрадаги *пирий, гирий, мирий* сўзлари қофия ва тақтиъ(В-) жиҳатидан айнан мос тушса, иккинчи мисрадаги *фақирий, ҳақирий, асирий* сўзлари ҳам ўзаро қофия ва тақтиъ (V--) жиҳатидан мутаносиб. Тасмитнинг иккинчи тури ***тасмити батақайюз*** деб номланиб, бу турда сажъланган сўзлар тақтиъ жиҳатидан мос тушиши шарт эмас.

Макун ***гашт-и бўстон***, марав ***қўй-и жонон,***
V - - // V - - // V - - // V - ~
Бикаш ***по бадомон,*** ба кунже нишин.
V - - // V - - // V - - // V - ~ *(мутақориби мусаммани мусаббағ)*

Атоуллоҳ Ҳусайний Халил ибн Аҳмаднинг мусаммат шеър ҳақидаги фикрларини келтиради. Халил ибн Аҳмад мусаммат

шеър сифатида бир ёки бир неча байтнинг садри маштур[439] ёки манҳук[440] тарзда қофияланиши ва байтларни бошқа байтлар билан бирлаштирганда асосий қофияга мос тушгани сабаб яхлит бир қасида шаклига келишига асосланишини таъкидлайди. Атоуллоҳ Ҳусайний Халил ибн Аҳмад назариясига таянган ҳолда мусамматнинг икки турини келтиради:

1. Бир ёки бир неча байт садрида маштур бўлган мусаммат.

Би-ҳамдил-л-лоҳки, шуд **ҳосил** жаҳонро равнақ-и **комил**,
Зи фарр-и рофат-и **шомил** зи адл-и хусрави- одил.

Шаҳ-и Ғозийки дар **ҳайжо** дарояд чун **ҳизбаросо**,
Шаванд аз бийм-и у **аъдо** чу рубаҳ хойифу отил.

Сипеҳр-и салтанат **султон** Ҳусайн он сафдар-и **майдон**,
Ки, ном-и Рустам-и **дастон** зи достонаш шуд ботил...

Атоуллоҳ Ҳусайний ушбу шеърни байт (ғазал)ҳолида тақдим қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, дастлаб мусамматлар ички қофияга асосланган шеър бўлиб, кейинчалик қофияланган ўринлар алоҳида мисра шаклига келтирилиб, мусаммат шакллари пайдо бўлган. Ушбу шеър ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб, мусажжаъ байтлар саналади. Байтлар таркибидаги ички қофиялар маштур (шатр) зиҳофи қонуниятидан келиб чиққан ҳолда алоҳида мисра шаклига келтирилса, яъни ҳазаж баҳрининг асл - мафоийлун рукни байтда 8 маротаба қўлланиб, мусамман ҳолатида турган бўлса, унинг ярми қисқартирилса, ҳар икки рукн ўзаро қофияланиши керак.

Би-ҳамдил-л-лоҳки, шуд **ҳосил,**
V - - - // V - - -
Жаҳонро равнақ-и **комил**,
V - - - // V - - -
Зи фарр-и рофат-и **шомил,**
V - - - // V - - -

[439] Маштур байт шатр (зиҳоф номи) қилинган, яъни асл вазндаги рукнларнинг ярмини қисқартириш асосига қурилади.

[440] Манҳук байт асл рукнларнинг олтидан бири тўрт маротаба камайтириш асосида юзага чиқади.

Зи адл-и хусрави- *одил*.
V - - - / V - - -

Шаҳ-и Ғозийки дар **ҳайжо,**
Дарояд чун **ҳизбаросо**,
Шаванд аз бийм-и у **аъдо**
Чу рубаҳ хойифу *отил.*

2. Бир ёки бир неча байт садрида бўлган манҳук мусаммат.

Атоуллоҳ Ҳусайний бундай мусамматга ражази мусаддаси солим вазнида ёзилган ғазални намуна сифатида келтиради. Манҳук – асл рукнни олтидан бир ҳолатида келишига асосланадиган бўлса, мусаддас ҳолатидаги рукнларнинг ҳар бирида ички қофия келиши бундай мусамматнинг шаклланишига асос бўлади. Атоуллоҳ Ҳусайний манҳук байтлар кўпроқ араб шоирлари ижодида учраши, форс шеъриятида бундай байтларнинг мавжуд эмаслигини айтади.

Эй **дилрабо**, баҳр-и **худо,** як дам **биё,**
Раҳме **намо**, бар жон-и **мо к**ам кун *жафо*,

Аз дарду **ғам** ман **дам-бадам** жон **медиҳам,**
Эй **муҳташам** чандин **ситам** набвад *раво*.

Мисралар рукнларига эътибор берилса, олти *мустафъилун* рукнининг ҳар бири ички қофияга асосланган. *Жафо – раво* сўзлари асосий қофия сифатида байтларни боғлаб турган.

Эй **дилрабо**,
Баҳр-и **худо,**
Як дам **биё,**
Раҳме **намо**,
Бар жон-и **мо**
Кам кун *жафо*,

Аз дарду **ғам**
Ман **дам-бадам**
Жон **медиҳам,**
Эй **муҳташам**
Чандин **ситам**
Набвад *раво*.

Қофияга асосланадиган бадиий санъатлардан бири **зулқофиятайн** бўлиб, “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, “Бадоеъ ус-саноеъ”, “Бадоеъ ул-афкор” асарларида атрофлича ёритилган. Зулқофиятан санъатининг ўзига хос хусусияти шундаки, байт икки қофия асосида ёзилади. Рашидиддин Ватвот икки қофияга асосланган бир қанча қасидалар ёзганини таъкидлаб, улардан бирини намуна сифатида келтиради. Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам Рашидиддиннинг худди шу қасидасига мурожаат қилади[441].

Эй аз макорем-и то шоде дар ***жаҳон хабар,***
Афканде аз сиёсат-и то ***осмон сепар***.

Соҳебқирон малек-и во бар тахт-и Хусрав-и
Ҳаргез набуде мисли то ***соҳебқирон дигар***[442].

Ушбу шеърда икки қофиядош сўзлар келтирилган бўлиб, қасида, қитъа ёки ғазал бошдан оёқ шу тизимга риоя қилинган ҳолда ёзилади. Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам зулқофиятайн санъати кўпроқ қасида жанрида учрашини таъкидлаб, баъзан қофия талабига риоя қилган ҳолда маънода сусткашлик бўлишини таъкидлаб, қуйидаги ғазални келтиради:

Бода менўшам ки аз ҳижрон диле ***дорам кабоб,***
В-ар нанўшам мешавад якборагий ***корам хароб***.

Ончунон мастам зи ишқ-и ў ки доим хун-и дил,
Мехўрам аз косаҳо-йи чашму ***пиндорам шароб***.

Ҳусайн Воиз Кошифий зулқофиятайн санъати қўлланган байтлар бадиий жиҳатдан латиф ва зебо бўлишини таъкидлаб, маҳжуб қофия шакллари иштирок этган байтларни келтиради.

Эй зи эҳсон ту ораста ***айвони карам***,
В-ей ба жуд ту музайян шуда ***дивони ниъам***.

Байтда *айвони карам – дивони ниъам* сўзлари қофиядош сўзлар саналиб, байтда радиф иштирок этмаган.

Бути нор ***пистон ба даст*** оварад,
Ке дар нор-и ***бўстон шикаст*** оварад. *(мураддаф)*

---

[441] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 130-s.

[442] Рашид ад-дин Ватват. Хада’ик ас-сеҳр фи дақа’ик аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985. -Б. 142.

Ҳусайн Воиз Кошифий икки қофия ўртасида маҳжуб ишлатилган ҳолатларга ҳам эътибор қаратади[443]. Атоуллоҳ Ҳусайний бундай шеърни зулқофиятайн-и маҳжуб шеър деб таърифлайди.

Ҳар дам расадат дило ***гар*** аз ёр ***ғаме***,
Бояд нашавий ***мукаддар*** аз ёр ***даме***.
З-он рӯ ки нек бингарий, он ғамҳо,
Аз жониб-и туст ***аксар***, аз ёр ***яке***[444]**.**

Рубоийда келтирилган *гар ғаме – мукаддар даме, аксар яке* сўзлари қофиядош, улар ўртасидаги *аз ёр* – такрорий сўзи ҳожиб саналади.

Байтда қофия сонининг иштироки билан боғлиқ бўлган санъатлардан бири **зулқавофий** санъати бўлиб, “Бадоеъ ус-саноеъ”, “Бадоеъ ул-афкор” асарларида атрофлича маълумот берилган. Зулқавофий санъатининг асосий хусусияти иккитадан ортиқ қофияга асосланишидир.

Гар саъд бувад ***толиъ-у ахтар ёрат***,
Доро шавадар ***тобиъу пурзар дорат***.
В-ар з-онки надорий чу Атоий толиъ,
Ганж-и ту бувад ***дойиъу абтар корат***[445].

Ҳусайн Воиз Кошифий зулқавофий санъатини тарсиъ санъатидан фарқли жиҳатларини келтиради. Тарсиъ санъатида байт мисраларидаги барча сўзлар ўзаро қофияланса, зулқавофий санъатида байт мисраларидаги барча сўзлар қофияланмайди. Зулқавофий санъатининг радиф ва ҳожиб билан бирга келиш ҳолати “Бадоеъ ул-афкор” асарида байтлар мисолида тушунтирилган[446].

Қофия таркиби ва унинг тўғри ва тўлиқ қўлланиши билан боғлиқ санъатлардан бири ***эънот*** санъатидир. Эънот биз кўрган манбаларнинг аксариятида шу ном билан келган, бироқ

---

[443] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 130 s.

[444] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 84

[445] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.84

[446] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 130 s.

Атоуллоҳ Ҳусайний эънот санъати баъзи манбаларда ***тазйиқ, ташдид*** каби номлар билан келишини маълум қилади. “Ал-мўъжам”, “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, “Фунун ул-балоға”, “Бадоеъ ус-саноеъ” ва “Бадоеъ ул-афкор” асарларида эънот санъатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Эънот қофиядош сўз таркибида шарт бўлмаган бир ёки бир неча махсус ҳаракат ва муайян ҳарфнинг келишига асосланади. Шоир қофия таркибини мукаммал қилиш мақсадида маъноси тўғри келмаса-да, қофия таркибида ҳаракат ёки ҳарфни орттириб қўллайди. Шамсиддин Қайс Розий шоирлар бундай ҳолатни ўзларига раво кўришгани, мақбул деб билишгани (лузум ма ла ялзам) учун келтиришларини таъкидлайди.

Ҳаргиз набувад даме ҳузуру тарабам,
Ҳар лаҳза шавад зиёда ранжу таъабам.
Ҳар дам аламе дигар расад бесабабам,
Алқисса, ман аз толиъ-и худ дар ажабам.

Байтлардаги *тарабам – таъабам – бесабабам – ажабам* қофиядош сўзлари таркибидаги “бо” ҳарфи равий саналса, равийдан олдин жоиз бўлмаса-да, икки *а* ҳарфи орттирилган.

Рашидиддин Ватвот шоирлар ўз шеърларини безаш учун шарт бўлмаган ўринларда баъзан радиф, базан қофия таркибида ортиқча ҳарфни келтиришлари мумкинлигини айтиб, *китоб* ва *итоб* сўзларидаги “те”, *рақам* ва *бақам* сўзларидаги “қоф” ҳарфи эънот санъатига асос бўлганлигини таъкидлайди[447].

Шарафиддин Ромий эса эънот равийдан олдин эмас, қофиядош сўз олдидан ортиқча ҳарфининг қўшилишига асосланишини таъкидлайди: *шароб – шабоб – шитоб* сўзларидаги 3 та “шин” ҳарфининг иштироки байт ёки мисра оҳангдорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Худойи кофиринаш дар сужудаш
Гавоҳи мутлақ омад бар вужудаш[448].

[447] Рашид ад-дин Ватват. Хада’иқ ас-сеҳр фи дақа’иқ аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985. -Б. 114.

[448] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 102 s.

Ҳусайн Воиз Кошифий байтдаги *сужудаш - вужудуш* қофиядош сўзлар таркибидаги “дол” – равийдан олдинги “вов” ҳарфи ортиқча қўшилганини таъкидлайди.

Аҳмад Тарозий эънот санъатининг ҳеч бир манбада кўрсатилмаган хусусиятини келтиради. Олим эънот санъати шеър ичида бирор бир сўзнинг маълум бир сабабларга кўра такрор келишига асосланишини таъкидлайди.

З-чашмат чашми он дорам ки аз чашмам наёндози,
Ба ҳашмонат ки чашмонам з-чашмони ту минозад.

Байтда *чашм* сўзи такрор ҳолатда келган. Бу такрорларнинг барчаси ўз ўрнида ва аниқ сабаблар натижасида келтирилган. Аҳмад Тарозий Хожа Камол Исфаҳонийнинг 67 байтдан иборат қасидасидан байтлар тақдим қилади. Камол Исфаҳоний қасиданинг ҳар бир мисрасида *мўй* сўзини келтиради.

Эй ки аз ҳар сари мўйи ту дили андар вост,
Йек сари мўйи туро ҳар ду ҳажон ним баҳост.

Даҳанат йек сари мўйаст ба ҳангоми сухан,
Асари мўйи шикофи ту дар вай пайдост[449].

Аҳмад Тарозий “баъзилар қошида” эънот санъатининг қофия орасига ҳарф қўшиш хусусияти борлигини ҳам эътироф этиб, *камар – самар* сўзлари мисолида тушунтиради.

Қофияга асосланадиган санъатлардан бири **тазмини муздаваж** бўлиб, илми бадеъга оид рисолаларнинг деярли барчасида унинг хусусияти батафсил ёритилган. Шамсиддин Қайс Розий тазмини муздаважни “Ал-мўъжам”нинг бадиий санъатларга бағишланган қисмида эмас, қофия асосига қуриладиган байтлар таҳлилида тақдим қилади[450].

Тазмини муздаваж санъати байт ёки мисрадаги сажъда икки ёки ундан ортиқ оҳангдош - қофиядош сўзни ёнма-ён ҳолатда келтиришга асосланади.

[449] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 99.

[450] Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю.Чалисова. – М.: “Восточная литература” РАН, 1997. –С.291.

Дур ах рух-и фаррух-и маҳ-и меҳргусил,
Шуд нуру сурур дур аз дийдаву дил.
Рух зарду ба сийна дарду дар жон оташ,
Ман зору чунин, ёр зи корам ғофил[451].

Рубоийнинг тўрт мисрасида ҳам тазмини муздаваж қўлланган. Биринчи мисрада икки қофиядош сўз ёнма-йн келган: *рух-и фаррух*; иккинчи мисрада уч қофиядош сўз сажъни юзага келтирган: *нур-у сурур дур*; учинчи мисрада икки сўз: *зард-у – дард-у* қофиядош сўзлари ёнма-ён келган, тўртинчи мисрада уч лафз ўзаро қофиядош сўз сифатида мисра оҳангдорлигини таъминлаб берган: *зор – ёр – кор*.

Рашидиддин Ватвот бу санъат одатда насрда учрашига ишора қилиб, сажъ асосида юзага чиқишини таъкидлайди. Аксарият намуналарни араб ижодкорлари асарларидан келтиради. Форс шоирлари ижодидан қофиясиз (асосий қофия) байтларни тақдим қилади.

Зе диноргуне бид-о абре сапид,
Замин гаште заррин-о симин само[452].

Ушбу байтдаги сажъ асосидаги *бид – сапид, замин – симин* сўзлари тазмини муздаваж санъатини юзага келтирган.

Ҳусайн Воиз Кошифий тазмини муздаважнинг икки турини фарқлайди: муздаважи муфрад ва муздаважи мусанно:

Боғ-у роғ аз лола-у гул рашки фирдавс барин,
В-аз суман саҳни чаман чун жалвагоҳ ҳур айн.

Муздаважи муфрадда қофиядош лафзлар бир сўз ҳолида сажъга асос бўлади ва бу такрор бир маротаба қўлланади. Юқоридаги байтда *боғ – роғ, суман – чаман* сўзларида шу ҳолат кўзга ташланади.

Тазмини муздаважнинг иккинчи турида эса оҳангдош сўзларнинг бирикуви натижаси ҳосил қилинган сўзлар мисраларда қайта такрорланади.

Каси ки дил ба таманно ***меҳр-и чеҳр***-и ту дорад,
Ба ***меҳр-и чеҳр*** ту аз хоки тийра сар бадар орад[453].

---

[451] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.104.

[452] Рашид ад-дин Ватват. Хада’ик ас-сеҳр фи дақа’ик аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985. -Б. 117.

Атоуллоҳ Ҳусайний ва Ҳусайн Воиз Кошифий тазмини муздаваж санъати асосида келтирилган ўзаро оҳангдош сўзлар, ички қофия вазнда ҳам мутаносиб бўлса, байтнинг латофати яна-да мукаммал бўлишини таъкидлайдилар.

Чу расид фасл-и баҳор-у шуд чу баҳор-и Чин чаман аз суман,
V V - V - / V V - V - / V V - V - / V V - V -
Ба нашот-и об вазон хазон ба разон жам ой, ту баҳор-и ман.
V V - V - / V V - V - / V V - V - / V V - V -

Байт комили мусаммани солим (мутафоилун)вазнида ёзилган бўлиб, биринчи мисрадаги *чаман* ва *суман* сўзлари ҳаракат ва ҳарфлар миқдори ва вазний жиҳатдан мос, иккинчи мисрадаги *вазон - хазон - разон* сўзларида ҳам айни ҳолат кўзга ташланади.

Тавсим санъати ҳам байт ва мисралардаги қофиянинг муҳимлиги асосига қурилади. Бу санъат ҳақида “Бадое ус-саное” асарида маълумот келтирилган. Тавсим санъатида мадҳ этиладиган шахснинг исмига мос тарзда қофиядош сўзлар келтирилади.

Ба масжид азизе маро диду гуфт:
Ки эй фазлу дониш туро зебу зайн

Саводе кунам аз ту онро жавоб
Бигу равшану пок ҳамчун лужайн.

Бигуфтам дуо-йи Абулғозий, он
Амон-и замон шоҳ султон ***Ҳусайн.***

Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам мамдуҳ – мадҳ қилинувчи шахс номига мослаб келтирилган қофия тавсим санъатига асос бўлишини таъкидлаб, Абулқосим Муҳаммад номига мослаб қофия шакллантирилган байтни намуна сифатида келтиради.

Ала рағим аъодий шуд мувайяд,
Аъла ал-дин, ***Абулқосим Муҳаммад***[454].

---

[453] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 104 s.

[454] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 129 s.

Мураддаф санъати бевосита қофия билан бирга ёнма-ён келувчи радифнинг иштирокига асосланувчи санъат сифатида эътироф этилади. Рашидиддин Ватвот радиф ишлатилган байтларга нисбатан мураддаф санъати қўлланганини алоҳида таъкидлаб, "Ҳадойиқ ус-сеҳр"да санъатлар қаторида мураддафга ҳам таъриф беради[455].

Мо-ро баҳоре айш моҳанно ***конад ҳами***
Асбобе сад нешот муҳайё ***конад ҳами.***

Қофия такрорига асосланувчи санъатлардан бири "Бадоеъ ул-афкор"да қ**алб-ул қофия** номи билан келтирилади. Унга кўра мисрада келтирилган икки қофиядош сўзлар қалб санъати хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тескари қилиб ўқилганда кейинги мисрадаги қофиядош сўз ҳосил бўлади.

Ро ке сазо бувадки <u>бар дар</u> доранд,
Аз баҳр че ин гуруҳ <u>дар бар</u> доранд.
Он ро ки аз у ду даст <u>бар сар</u> доранд,
Чун даст расад, хазона <u>сар бар</u> доранд[456].

Биринчи ва иккинчи мисрадаги *бар дар – дар бар,* уч ва тўртинчи мисрадаги *бар сар – сар бар* сўзлари тескари ҳолатда қўлланиши шарти билан оҳангдошлик – қофиядошлик таъминланган.

Аҳмад Тарозий байт ва мисра оҳангдорлигини таъминловчи санъатлардан бири **мутасалсал** санъатини бевосита қофия билан боғлиқлигини кўрсатиб беради. Мутасалсал санъатининг икки тури мавжуд бўлиб, бу санъатнинг биринчи тури қофия билан алоқадор эмас. Яъни бунда биринчи байт охиридаги қофиядош сўз кейинги байтнинг бошида, иккинчи байтнинг қофияси учинчи байтнинг бошида келишига асосланади. Ғазал, қасида ёки қитъа байтларда бу санъат қўлланса, бошдан оёқ шу тизимга амал қилинади. Байтлар бир-бирига силсиладек уланиб, бир-бирига туташ бўлади.

Сендек жамол мулкида йўқ шоҳи муҳташам,
Дардинг манга даводур, они бори қилма ***кам***.

---

[455] Рашид ад-дин Ватват. Хада'иқ ас-сеҳр фи дақа'иқ аш-ши'р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985. -Б. 164.

[456] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe'u-l-afkor fī sanoe'i-lash'or. Virosta va guzordai Mirʻaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 131 s.

Камдур агарчи жафода назирингиз,
Еткур камола, бўлма муқассир вафода ҳам....

Мутасалсалнинг кейинги тури бевосита қофия билан боғлиқ. Бунда сўнгги байтни аввалги байт қофиясининг маъносига васл қиладилар.

Эй дилбари суманбар, ***пистадаҳон даҳон***,
Мукушой лаб ба таъна барин ***нотавон тавон***.

Рафт аз мани заъиф ҳижронат, эй нигор,
Чун абри навбаҳор сиришкам ***равон равон***.

Бар рўйи ҳамчу зар з-ғами ёри сиймбар,
Эй сарвқаду лоларуху ***дилситон ситон***[457].

Қофия асосида юзага чиқувчи санъатлардан бири ***тасриъ*** санъати бўлиб, бу санъат тури сажъга ўхшагани боис поэтикага оид рисолалар таркибида сажъ санъати изоҳида келтирилади. Бироқ Атоуллоҳ Ҳусайний тасриъни алоҳида санъат сифатида тақдим этади. “Саҳоҳул луғат”[458] асарида тасриъга “ат-тасриъ-тақфият ул-мирсоъ” – мисранинг қофия сифати дея таъриф берилади. Тасриъ насрдаги сажъга яқин бўлиб, Атоуллоҳ Ҳусайний унинг саккиз кўриниши (мартабаси)ни байтлар мисолида тушунтиради[459].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қофияга асосланувчи санъатлар байт мазмун ва шакли бадииятини оширувчи асосий унсурлардир. Шунинг учун ҳам қофияга асосланган бадиий санъатлар қофия назарияси таркибий қисмида эмас, илми бадеъ таркибида ўрганилган.

4.3. Вазн, бадиий санъатлар ва қофия илмининг муштараклиги

Вазн, қофия ва бадиият байт бутунлигини таъминлаб берувчи асосий ўлчовлардир. Бу уч илм узвий алоқада бўлиб,

---

[457] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 121.

[458] Х асрда араб тилида яратилган луғат бўлиб, муаллифи Абунаср Исмоил Жавҳарийдир.

[459] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.71.

бир-бирини тақозо қилади. Поэтикага оид рисолаларнинг илми бадеъга бағишланган қисмида вазн, қофия уйғунлиги асосидаги санъатлар атрофлича ёритилган. “Таржимон ул-балоға”, “Маҳосин ул-калом”, “Ал-мўъжам”, “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, “Фунун ул-балоға”, “Бадоеъ ус-саноеъ”, “Меъёр ул-жамоли”, “Бадоеъ ул-афкор” рисолаларида вазн ва қофия асосига қурилган санъатлар байтлар мисолида тушунтирилади. Мумосала, сажъ, тавсиф, тағйир, ташриъ санъатлари бевосита вазн, қофия талаби асосида юзага чиқади.

Қофия ва вазнга асосланадиган санъатлар орасида ***сажъ*** қадимий ва араб ва форс адабиётида машҳур санъатлардан биридир. Араб олимларнинг кўпчилиги сажъни насрдаги қофия сифатида баҳолашади. Улар насрий парчалар охиридаги “ҳарфлари бир-бирига яқин (қофиядош) сўз”ларнинг келиши гапларни бир-биридан ажратиб туришини таъкидлайдилар. Бироқ баъзи олимлар сажъ назмга ҳам, насрга ҳам бирдек алоқадор эканлигини таъкидлашади. Юсуф Саккокий “Мифтоҳ ул-улум” асарида сажъ “наср бўлаклари охиридаги сўзлар шеърдаги қофия каби” бўлишини айтади. Юсуф Саккокий сўз ҳуснини кўрсатиш мақсадида асжоъ[460] қаршисида Қуръони карим оят ва суралардаги каломларга мурожаат қилади.

Атоуллоҳ Ҳусайний сажънинг асосий хусусиятлари борасида батафсил маълумот келтириб, ўзигача мавжуд қарашларни ўзаро қиёсий ўрганади. Хожа Салмон Ибн ул-Асир сажънинг тўрт шарти борлигини таъкидлайди. 1. Сўз ва ибораларнинг нутққа маъқул келиши 2. Сўз таркиби маъносининг очиқлиги 3. Шакл маънога тобеъ бўлиши 4. Бўлакларда маъно такрорланмаслиги. Атоуллоҳ Ҳусайний Хожа Салмон Ибн ал-Асирнинг фикрларига қўшилмайди. Олимнинг наздида сажъ нутқ ҳуснини безовчи асосий тасвир воситасидир. Сажънинг нафосатини таъминловчи икки шарти бор: 1. Бўлаклар (ички қофия таркибидаги лафзлар) узун бўлмаслиги 2. Ички қофия сифатида келтирилган сўзлар шакли ва маъносида тенглик бўлиши.

[460] “Мифтоҳ ул-улум” асарида сажъ санъати асжоъ атамаси остида келтирилади.

Атоуллоҳ Ҳусайний сажъ шартлари орасида лафзларнинг ўзаро тенглигини асосий шарт эканлигига ишора қилиб, бу сўзлар икки сўздан ошмаслиги энг мақбул ҳолат эканлигини таъкидлайди. Сажънинг бу хусусияти унинг мартабасини белгилаб беради. Бир, икки лафздан иборат сажъ энг юқори мартабада, иккитадан ортса, ўрта ёки ундан ҳам ортиб кетса, тубан мартаба эканлиги кўрсатилади. Сажъдаги ортиқчалик байт ёки мисра моҳиятига путур етказиши табиий ҳолат. Атоуллоҳ Ҳусайний каломдаги сажъни маҳбуб юзидаги холга ўхшатади[461]. Агар у кўпайса, ҳусн-у латофатни йўқ қилади.

Ажам олимлари ҳам бу борада икки тоифага бўлинадилар: сажъни насрга хос эканлигини эътироф этгувчилар ва сажъ наср ва назмга бирдек алоқадор эканлигини таъкидловчи олимлар.

Сажъ санъатини тушунишда, изоҳлашда ихтилофлар бўлганидек, унинг турлари борасида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Атоуллоҳ Ҳусайний ажам олимларининг баъзилари сажънинг 3 тури: сажъ-и мутавозий, сажъ-и мутарраф ва тарсиъ каби турларини тан олишларини эътироф этиб, уларни бирма-бир изоҳлайди, байтлар мисолида тушунтиради. Ўзининг танқидий муносабатини билдиради. Табиийки, бу ўринда сажъ санъати борасидаги ихтилофий қарашлар каби унинг турлари борасида ҳам олимлар орасида фикрий айричалик кўзга ташланади. Хусусан, баъзи олимлар сажънинг фақат насрга оидлигини таъкидлаб, тарсиъни алоҳида санъат сифатида баҳолашади. Баъзи олимлар эса тарсиъни сажънинг бир тури сифатида эътироф этадилар. Атоуллоҳ Ҳусайний бу каби баҳсли ўринларда ўзигача яратилган мумтоз поэтикага оид манбаларда келтирилган маълумотларга муносабатини билдириб ўтади. Баъзи ўринларда уларнинг фикрини рад этади. Рашидиддин Ватвот, Аҳмад Тарозий сажънинг уч: сажъ ул-мувозана, сажъ ул-мутарраф ва сажъ ул-мутавозий турларини фарқлаб тушунтиради[462]. Ҳусайн Воиз Кошифий эса сажънинг

[461] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б.104

[462] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 143.

уч турига қўшимча тўртинчи: саъжи мунфард турини келтиради[463].

Сажъи мутавозий насрдаги охирги фосиланинг қофия ва вазн жиҳатидан мувофиқлигига асосланиши айтилади. “Тавозий” сўзи луғатда “тенг бўлмоқ” деган маънони англатади. Демак, сажънинг бу турида фосилалар қофия ва вазнда ўзаро тенг бўлиши керак. Бу борада уч турдаги қарашлар мавжуд:

1. Барча фосилаларнинг охирги ҳарфи ва вазни мувофиқ бўлади.

Дўстон, вафое надидам, ҳар замон жафое кашидам.

Намунадаги *дўстон – ҳар замон, вафое – жафое, надидам – кашидам* сўзлар ўзаро қофиядош сўз сифатида ҳам вазн, ҳам қофия жиҳатидан мувофиқдир.

Ёки

Ёр аҳласт, кор саҳласт.

2. Барча сўзларда ҳам қофия ва вазнга мувофиқ сўзлар келмайди.[464].

Соликона сабил-и инқитоъ ва алойиқ пўй ва муҳаққақона далил-и иттилоъ барҳақойиқ жўй.

Атоуллоҳ Ҳусайний келтирган ушбу насрий парчада барча сўзлар ўзаро қофия жиҳатидан мос тушган, бироқ вазний жиҳатидан(ҳижолар миқдори) *соликона – муҳаққақона, алойиқ – барҳақойиқ* сўзлар мос тушмаган.

3. Насрий парчадаги охирги фосилагина қофия ва вазн жиҳатидан мос тушади.

То пой дар доман-и қаноат <u>накаший</u>, чошний-и шарбат-и озодий <u>начаший</u>.

Сажъи мутавозийнинг уч тури борасида олимлар ўртасида фикрий ихтилофлар мавжуд. Сажъи мутавозий сифатида келтирилган юқоридаги икки турни олимлар тарсиъ эканлигига

[463] Koshifī Kamoluddin Husayn Voizi Sabzavorī. Badoe’u-l-afkor fī sanoe’i-lash’or. Virosta va guzordai Mirҷaloluddini Kazzozī.-Tehron: Nashri markaz. 1369.– 100 s.

[464] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 63.

ишора қилади. Чунки бу олимлар тарсиъни алоҳида шеърий санъат сифатида эмас, сажънинг тури сифатида баҳолашган[465].

Сажъи мутавозийнинг ҳар учала шакли насрга асосланган бўлиб, бир гуруҳ олимлар сажънинг бу турини назмда ҳам учратиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Дар рўйи булбул ҳар ***саҳар*** // хандидан-и гулро ***нигар***,//
- - V - // - - V - // - - V - // - - V -
Бошадки бо аҳл-и ***назар*** // бигшояд он тунг-и ***шакар***. //
- - V - // - - V - // - - V - // - - V -

Атоуллоҳ Ҳусайний ушбу байтни сажъи мутавозий санъати ишлатилган байтга намуна сифатида келтиради. Ражази мусаммани солим вазнида ёзилган ушбу байт тўрт бўлакка бўлиниб, ҳар икки рукндан сўнг ички қофия келтирилган.

Ниҳон карда ба ёқут лаб-у ***даҳон***,
V - - V // V - - V // - V ~
Айон карда ба иқд-и камар ***миён***.
V - - V// V - - V// - V ~

Қариби макфуфи мақсур вазнида ёзилган ушбу байтнинг бошланғич ва охирги сўзлари сажъ асосида оҳангдорликни таъминлаб берган.

Аҳмад Тарозий сажъи мутавозийнинг биринчи мисрадаги сўзлар иккинчи мисрадаги сўзлар билан ҳарф ва вазнда мувофиқ бўлишини таъкидлайди. Бу ҳолат икки байт орасида ҳам бўлиши мумкинлигига ишора қилиб, қуйидаги байтни келтиради.

Он ки моли хазойини гети,
Ҳаст бо дасти жуди у бисёр.
Ранги кашафи сарори гардун,
Нист дар пиши табъиу душвор.

“Фунун ул-балоға”да сажънинг мутавозий тури араб тилидаги матн ва Қуръони карим оятлари мисолида тушунтирилади:

[465] Сажъи мутавозийнинг икки шакли байтдаги тўлиқ ички қофияга асосланиши тарсиъ санъати хусусияти билан бир хил бўлгани боис бу шаклларни сажъ эмас, тарсиъ санъати сифатида бериш тўғридир.

Ва-л-аъдийати ***забҳан*** *фа-л-мурийати* ***қадҳан****, фа алмуғороти* ***субҳан,*** *фаасарна биҳи* ***нақъан*** *фавасатна биғи* ***жамъан****.*

Сажънинг кейинги тури ***сажъ-и мутарраф***[466] бўлиб, бу борада ҳам олимлар икки тоифага бўлиниб, наср ва назмдаги кўринишларига қараб фикрларда тафовутлар кўзга ташланади. Атоуллуоҳ Ҳусайний бу икки турдаги олимларнинг биринчи тоифаси сажъи мутаррафни фақат насрга хос деб даъво қилувчилар, иккинчи тоифа нафақат насрда, назмдаги ички оҳангдошлик ҳам сажъи мутаррафга асос бўлишини қўллаб-қувватловчи тоифа сифатида келтиради.

Сажъи мутаррафнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда байт ёки мисрадаги ички қофиялар фақат тугаш ҳарфлари жиҳатидан (қофия) оҳангдош бўлиб, вазн жиҳатидан мос тушмайди. “Мутарраф” сўзининг маъноси ҳам бу хусусиятга мос тушади. “Мутарраф” - “атрофи, учлари бир рангда бўлиб, қолган қисми турли рангда бўлган нарса”дир.

Ҳарки, тарки маносибу молу ***авқоф*** *кунад, тавонадки, дил аз занг-и кудурат* ***соф*** *кунад*[467].

Насрий парчадаги *авқоф – соф* сўзлари фақатгина қофия жиҳатидан мос тушган.

Жон ки гулгун юзунгадур Мажнун,
Қил они шод, эй бўйи шамшод.

Байтдаги *шод – шамшод* сўзлари мисрада ички қофиядошликни юзага келтирган бўлиб, вазн жиҳатидан, ҳижоларнинг тенглиги жиҳатидан фарқ қилади.

Орадат фатҳ дар макони имкон,
Деҳадат куҳ барқарори қарор.[468]

Ушбу байт мисралари таркибида ўзаро мустақил қофияланган сўзлар мавжуд: биринчи мисрада *макон – имкон*; иккинчи мисрада *барқарор – қарор* сўзлари сажъи мутарраф

---

[466] Поэтикага оид деярли барча манбаларда сажъи мутарраф сифатида номланган сажънинг бу тури “Фунун ул-балоға”да ***ал-сажъау-т-тарафа*** номибилан келтирилган.

[467] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 64.

[468] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 145.

сифатида вазнда эмас, ҳарфлар миқдорида эмас, фақатгина қофия жиҳатидан мос тушган.

Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам сажъи мутаррафда қофиядош сўзлар вазнида ихтилофлар бўлишини таъкидлайди.

Нисор пой ту кардим жумла ***мол***-у ***манол***,
Фидо-и рўйи ту кардим жумла ***буд***-у ***набуд***.

“Бадоеъ ул-афкор”да келтирилган ушбу байтдаги асосий қофия билан уланиб кетган ички қофияларда оҳангдошлик – қофия мавжуд бўлса-да, вазнда (сабаб ва ватад) мос келмаслик ҳолати учрайди.

Сажънинг вазн билан боғлиқ тури сажъи мутавозин[469] байт ёки мисралардаги маълум сўзларнинг вазн жиҳатидан мутаносиб, ҳарфлар жиҳатидан (қофия) номутаносиблигига асосланади.

Ҳар сафар ой юзунг кўруб, хаста жоним етар фараҳ,
Ҳар кеча ёдингиз била хаста кўнгул қилур калак[470].

Ушбу байтдаги *жоним – кўнглум, етар – қилур, фараҳ – калак* сўзлари вазн жиҳатидан мос тушган.

Агар ҳузур хоҳий қаноат бояд.

Насрий парчадаги *хоҳий – бояд* сўзлари вазний жиҳатдан мутаносиб.

Ба қавл-и бадандешу ***аҳл-и ғараз***,
Муносиб набошад зи ***доно ғазаб***.

Атоуллоҳ Ҳусайний лафзларнинг вазний тенглигига байтдаги барча сўзларда риоя қилинса, байтнинг бадиий қимматини ошишини таъкидлайди.

Шуд ба кўяш он рақиб-и рўсияҳ,
Раҳ ба гулшан ёфт охир гулханий.

Рашидидин Ватвот сажъи мутавозин насрда эмас, фақат назмда бўлишини таъкидлайди. Сажънинг бу тури шоирлар орасида ***мувозана*** санъати сифатида ҳам келтирилади. Атоуллуоҳ Ҳусайний Рашидиддин Ватвот билан сажънинг бу тури борасида баҳсга киришади. Рашидидин Ватвот мувозана

---

[469] Поэтикага оид рисолаларда сажъи мутавозин, “Фунун ул-балоға”да сажъи мувозана номи билан келтирилади.

[470] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) - Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2016. –Б. 143.

санъати 2 байт орасидаги сўзларда ҳам бўлиши мумкин деган фикрни илгари суриб, қуйидаги байтни келтиради:

Онки мол-и хазойин-и гетий,
Ҳаст бо жуд-и даст-и ў бисёр.
В-онки, кашф-и саройир-и гардун,
***Нест дар пеш-и ў душвор*[471].**

Рашидиддин Ватвот 2- ва 4-байтдаги сўзлар мувозана санъатига асос бўлганини таъкидлайди. Атоуллоҳ Ҳусайний эса мувозана санъатининг асоси ҳар бир сўз ўз жуфти билан қофия таркибидаги равий билан мухолиф(турлича) бўлиши шартлигини, айни ўринда эса байтдаги сўзларда равий ўзаро мувофиқ, шунинг учун ҳам бу ўринда мувозана санъати мавжуд эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади[472]. Чиндан ҳам, ҳ*аст-нест* сўзларидаги "*т"* ундоши равий сифатида мутаносибликни юзага келтирганини кўриш мумкин.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сажъи мувозанани сажънинг тури сифатида келтириш сажъ санъати қонуниятига у қадар мос тушмайди. Чунки мувозана санъатида байт мисраларидаги сўзларда қофия, сажъ санъати асосланадиган ички қофия бўлмайди. Мувозана сўзларнинг вазний тенглигига асосланади.

Вазн ва қофияга сосланувчи бадиий санъатлардан бири ***мумосала*** санъатидир. Баъзи олимлар бу санъатни алоҳида санъат сифатида эмас, балки мувозана санъатининг бир тури сифатида қараш керак эканлигига ишора қилади. Бироқ олимларнинг бир гуруҳи мумосалани алоҳида санъат сифатида баҳолашади. Мумосала байт ёки насрдаги парчада икки сўз ўртасида вазн ва қофияланишда ёки фақат вазнда ўхшашлик бўлишига асосланади.

---

[471] Бу байт "Бадое ул-афкор" асарида ҳам келтирилади. Ҳусанй Воиз Коишифий ҳам Рашидиддин Ватвот сингари сажъи мувозанани икки байт орасида бўла олишини таъкидлаб, ушбу байтни намуна сифатида келтиради.

[472] Бу ўринда Атоллоҳ Ҳусайнийнинг фикри тўғри. Чунки мувозана санъатининг асосий хусусияти байт мисраларидаги сўзларнинг вазний тенглигига асосланади, қофия жиҳатидан эса сўзлар оҳангдош бўлиши керак эмас. Рашидиддин Ватвот келтирган байтнинг иккинчи ва тўртинчи мисралардаги баъзи сўзлар вазн ва қофия жиҳатидан мос тушган.

Узор-и нигорам бўстон-и гуласт,
Бару ҳар тараф хол чун булбуласт.

Атоуллоҳ Ҳусайний келтирган ушбу байтдаги сўзлар яхлитлигича вазн ва қофия жиҳатидан мутаносиб эмас. “Бадоеъ ус-саноеъ”да келтирилган кейинги намунада эса байт мисраларидаги баъзи сўзлар қофия ва вазн жиҳатидан, баъзи сўзлар эса қофия жиҳатидангина мос тушган, мумосалат (ўхшашлик) бўлган.

Намуд* рўй ба *ман ёру дийда ***ҳайрон*** шуд,
Рабуд ҳуш зи тан ёру офати-и ***жон*** шуд.

Байтдаги *намуд – рабуд ва ман – тан* сўзларида қофия, вазн, *рўй ба - ҳуш зи* сўзлари вазн, асосий қофия сифатида келтирилган *ҳайрон – жон* сўзлари эса қофия жиҳатидан мутаносиб.

Байтлардаги мисраларнинг ўзаро ички қофияга асосланиши асосида юзага чиқадиган бадиий санъатлардан яна бири ***ташриъ*** санъатидир. Баъзи олимлар уни ***таршиҳ, зулқофиятайн*** ҳам дейдилар. Бу санъатнинг ўзига хослиги шундаки, шоирлар шеърни икки ёки ундан ортиқ қофия асосида тузадилар, уларнинг ҳар бирида тўхталинса ҳам, янги байт ҳосил бўлади, шеърнинг моҳияти бузилмайди. Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъатни ташриъ номи билан келтиради.

Чу куний бағолат гузаре ***сўйи мо,***
Бинишин қадаре, руҳи худ ***бинамо.***
VV - / VV - / VV - / VV -

Ҳама кас дилу жон бидеҳадки хўрад,
Зи лабат шакаре, бирасон ***ҳамаро***.
VV - / VV - / VV - / VV -
Санамо, зи суккони дарат чу мане,
Набувад дигаре ба ту аз ***вафо.***
VV - / VV - / VV - / VV -

Ушбу шеър мутадорики мусаммани махбун вазнида ёзилган, рукнлар саккиз маротаба фаилун/фаилун/фаилун/фаилун шаклида келган. Асосий қофия: *сўйи мо – бинамо – ҳамаро – вафо.* Агар биринчи қофияда тўхталинадиган бўлса, мусаддас шаклга эга бўлади, яъни мисра сўнгидаги бир рукн (фаилун) кейинги мисранинг бошига ўтказилади:

Чу куни бағолат ***гузаре,***
Сўйи мо, бинишин ***қадаре.***
VV - / VV - / VV -

Ҳама кас дилу жон бидеҳад,
Ки, хўрад зи лабат ***шакаре.***
VV - / VV - / VV -

Санамо зи суккони дарат,
Чу мане набувад ***дигаре.***
VV - / VV - / VV -

Мусаддас шаклдаги байтларни бирлаштириб турувчи асосий қофиялар сифатида эса *гузаре – қадаре – шакаре – дигаре* сўзлари келтирилган. Бу каби санъатнинг ўзига хослиги шундаки, тушиб қолган бўлаклар йиғилса, ўша вазндаги байт ҳосил бўлади. Атоуллоҳ Ҳусайний буни ихтиро сифатида баҳолайди. Юқоридаги байтларда тушиб қолган бўлакларни бирлаштирамиз:

Руҳи худ бигушо бирасон,
VV - / VV - / VV -
Ҳамаро ба навоз-и вафо.
VV - / VV - / VV -

Мисралардаги ички қофиялар алоҳида вазнни ҳосил қила олади.

Ба давр-и лола-йи ҳамро биё, жоно, сў-йи саҳро,
Бикаш хуш соғар-и саҳбо, барафрўзо рух-и зебо.
V - - - // V - - - // V - - - // V - - -

Шудим охир зи ҳижронат дилафсурда, биё инжо,
Узор-и оташин бинмо, фикан оташ ба жон-и мо.
V - - - // V - - - // V - - - // V - - -

Макун чандин ту истиғно, мапушон рух зи мо, жоно,
Ниқоб зи рух фикан боло, масўз аз ғам дил-и моро.
V - - - // V - - - // V - - - // V - - -

Ушбу ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Биринчи мисрада *ҳамро – саҳбо* сўзлари биринчи қофия, *жоно*

– *барафрўзо* сўзлари иккинчи қофия, иккинчи мисрадаги *саҳро – зебо* сўзлари учинчи қофия сифатида келган. Байтдаги ҳар бир қофия шеър вазнини ўзгаришига сабаб бўлади. Айни ҳолатда мусамман шаклда турган байтда иккинчи қофиядан сўнг тўхталинса, мусаддас шаклли вазн ҳосил бўлади.

Ба давр-и лола-йи ҳамро биё, жоно,
Ба сў-йи саҳро,бикаш хуш соғар-и саҳбо!
V - - - // V - - - // V - - -

Шудим охир зи ҳижронат дилафсурда,
Биё инжо,узор-и оташин бинмо,
V - - - // V - - - // V - - -

Макун чандин ту истиғно, мапушон рух
Зи мо, жоно,ниқоб зи рух фикан боло!
V - - - // V - - - // V - - -

Байтлардаги тушиб қолган рукнлар бирлаштирилса, қофия, вазн ва маъно жиҳатидан ўзаро мос тушиб янги бир байт ҳосил бўлади.

Барафрўзо рух-и зебо: фикан оташ
Ба жон-и мо, масўз аз ғам дил-и моро.
V - - - // V - - - // V - - -

Мусаддас шаклли ушбу ғазални биринчи қофияда тўхтаб, ўқисак, унинг вазни мураббаъга ўзгаради.

Ба давр-и лола-йи ҳамро
Биё, жоно, сў-йи саҳро!
V - - - // V - - -

Атоуллоҳ Ҳусайний ташриъ санъати қўлланган бундай байтлардан янги санъат ихтиро қилиш мумкинлигини айтади[473]. Мусамман шаклли байт биничи мисрасининг охирги рукнини иккинчи мисра бошига уласа, иккинчи мисра охирги рукнини учинчи мисра бошига уласа, вазн, қофия сақланган ҳолатдаги янги шеър пайдо бўлади.

[473] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.-Б. 64.

Ба давр-и лола-йи ҳамро биё, жоно,
Сӯ-йи саҳро, бикаш хуш соғар-и саҳбо.
V - - - // V - - - // V - - -

Барафрӯзо рух-и зебо, шудим охир
Зи ҳижронат дилафсурда, биё инжо.
V - - - // V - - - // V - - -

Узор-и оташин бинмо, фикан оташ
Ба жон-и мо, макун чандин ту истиғно
V - - - // V - - - // V - - -

Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъат турини ***тафлиқу талфиқ*** деб номлашни таклиф қилади. Чунки “тафлиқ” сўзининг маъноси “ёрмоқ”дир, “талфиқ” эса “йиғмоқ”дир. Кўриниб турибдики, бу санъат турида жузвларни бир-биридан ажратиб, бошқа бирига улаш асосида янги бир байт ҳосил қилинади. Олимнинг таъкидлашича, ажам олимлари бу санъатга у қадар катта эътибор билан қаратмаганлар. Шунинг учун ҳам ажам адабиётида бу санъат асосида ёзилган қасида ёки маснуъ шеър келтирилмаган. Ташриъ сўзи луғатда “Қайта-қайта суғормоқ” деган маънони англатади. Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъатда шеърни қайта-қайта қофияга солиш асос қилиб олингани учун ҳам айни маънода қўлланганига ишора қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мувозана, тарсиъ каби алоҳида ажралиб чиққан бадиий санъатлар дастлаб сажъ санъатининг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилган. Ҳатто баъзи олимлар бу икки санъат турини бугунги кунда ҳам алоҳида санъат сифатида қабул қилишмаган.

Тўртинчи боб бўйича хулосалар

Темурийлар даврида яратилган поэтикага оид рисолаларда қофиянинг байт, вазн ва бадиият илмига муносабатини тадқиқ этиш орқали қуйидги хулосаларга келинди.

1. Темурийлар давридаги поэтикага оид рисолаларда адабий тур ва жанрлар, жанрларнинг таркибий қисми жиддий тадқиқ этилган. Бу таҳлил қофия назарияси қисмида эмас, адабий тур

ва жанрлар, бадиий санъатлар, аруз вазни билан боғлиқ ўринларда ўз аксини топган.

2. Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асариларида бадиий санъатлар билан уйғун ҳолда қофия қонуниятларига асосланган муздаваж, мусарраъ, муқаффо , мураддаф, маҳжуб, мужаммаъ байт таҳлил келтирилса, Носиридин Тусий, Рашидиддин Ватвот, Воҳид Табризий, Аҳмад Тарозий, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий радиф ва ҳожибнинг ўзига хос хусусиятларини келтириш асносида мураддаф ва маҳжуб байтга тўхталади.

3. Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида қофиясиз шеър – ҳарора шеърни таҳлилга тортади. Олим қофия шеърнинг асоси эканлигини таъкидласа-да, қофиясиз шеър мавжуд эканлигини айтиб, ҳарора шеърга намуна келтиради. Аҳмад Тарозий бу орқали радифнинг такрори – оҳанги қофия ўрнини боса олишини кўрсатиб беради.

4. Қофия, вазн бадиий санъатлар билан узвий боғлиқ бўлиб, 20дан ортиқ бадиий санъатлар бевосита қофия иштирокига асосланиши илми бадеъга бағишланган дастлабки манбалардан тортиб, темурийлар даврида яратилган поэтикага доир рисолаларда ҳам асослаб берилган. (Ибн Муътаззнинг “Китоб ул-бадиъ”, Абу Ҳилол ал-Аскарийнинг “Китоб ал-синотайн”, Абду-л-Қаҳир Журжонийнинг “Китоби асрор-у-л-балоға”, Имом Наср бин Ҳасан Марғинонийнинг “Маҳосин ул-калом”, Муҳаммад ибн Умар Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” , Шарафиддин Ромий Табризийнинг “Ҳадойиқ ус-ҳақойиқ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарлари илми бадиъ назариясига бағишланган бўлса, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум”, Ибн Рашиқнинг “Ал-Умда фи маҳосин аш-шиър ва адабиҳ ва нақдиҳ”, Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” рисолаларда қофия ва илми бадиъ, Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аруз ва қавофий”, Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисолаларда илми аруз ва қофия

илми, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” ва Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарларида уч илм: қофия, аруз ва илми бадиъ назарияси тадқиқи келтирилган).

5. Темурийлар даврида яратилган поэтикага оид рисолаларда бадиий санъатлар тадқиқи қофияга асосланувчи тарсиъ санъати изоҳи билан бошланади. Манбаларда тарсиънинг турлари бирма-бир изоҳланса-да, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” асарида тарсиънинг иштиқоқ билан бир бутунликдаги тури тавсифланади.

6. Рисолаларда тасмит санъати изоҳида фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Рисолаларда келтирилган хусусиятлар асосида ички қофияга асосланувчи тасмит санъати кейинчалик мусаммат жанрига асос бўлганлигини кўриш мумкин.

7. Тасмит санъати ҳақидаги ёндашувлар Халил ибн Аҳмад назариясига бориб туташса-да, Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида бу қарашларни кенгайтирган ҳолда араб шоирлар томонидан тақдим этилган тасмитнинг икки турини (***тасмити тақтиъ, тасмити батақайуз***) форс адабиётига мослаб тушунтиради. Араб шуароси орасида машҳур бўлган манҳук ва маштур байтларни қиёсий ўрганади.

8. Қофияга асосланувчи эънот санъати изоҳи темурийлар давридаги манбаларнинг деярли барчасида изоҳланган. Бу изоҳлар ва эънот санъатининг қонунияти, қўлланиши ўрни рисолаларда ўхшаш тарзда келтирилса, “Фунун ул-балоға” асарида эънот санъатининг ҳеч бир манбада кўрсатилмаган хусусиятини келтиради. Олим эънот санъати шеър ичида бирор бир сўзнинг маълум бир сабабларга кўра такрор келишига асосланишини таъкидлайди.

9. Поэтикага оид рисолаларнинг илми бадеъга бағишланган қисмида вазн, қофия уйғунлиги асосидаги санъатлар атрофлича ёритилган. “Таржимон ул-балоға”, “Маҳосин ул-калом”, “Ал-мўъжам”, “Ҳадойиқ ус-сеҳр”, “Фунун ул-балоға”, “Бадоеъ ус-саноеъ”, “Меъёр ул-жамоли”, “Бадоеъ ул-афкор” рисолаларида вазн ва қофия асосига қурилган санъатлар байтлар мисолида тушунтирилади. Мумосала, сажъ, тавсиф, тағйир, ташриъ санъатлари бевосита вазн, қофия талаби асосида юзага чиқади.

10.Вазн, қофияга асосланувчи бадиий санъатнинг дастлабки ва қадимийси сифатида рисолаларнинг барчасида сажъ санъати изоҳи келтирилади. Мувозана, тарсиъ каби алоҳида ажралиб чиққан бадиий санъатлар дастлаб сажъ санъати таркибида бўлганини рисолаларда келтирилган бу санъат турининг шаклланиши ва тараққиёти акс этган ўринлари орқали билиш мумкин.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Қофия назарияси, унинг илм ва фан сифатида шаклланиши, тараққиёти темурийлар даврининг илмий муҳит ва шарт-шароитларига боғлиқ. Бу даврда яратилган рисолаларда қофия назарияси, қофия илмига оид илмий-назарий ёндашувлар юқори ва мукаммал босқичга кўтарилди. Темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда қофия илмида ягона асосга таянган ҳолда қофиянинг икки назарияси: форс-тожик қофияси назарияси ҳамда ўзбек (туркий) қофияси назарияси яратилди ва тараққий этди. Бу даврда келиб қофия илми назарий жиҳатдан ёритилган олтита тугал рисола вужудга келди. Рисола муаллифлари қофия илми ривожига муайян тарзда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида қофия назариясини туркий шеършунослик қоидаларига мослаб тушунтирди. Абдураҳмон Жомий форс қофия илмини янги босқичга кўтарди. Атоуллоҳ Ҳусайний “Рисола дар қофия” асарида мавжуд қофия назариясини араб ва форс олимлари асарларини қиёсий ўрганган ҳолда, янги турларни тақдим қилди, мавжуд камчиликларни кўрсатиб, изоҳталаб ўринларни тўлдирди. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг қофия ҳақидаги рисоласи орқали темурийлар даври қофияшунослиги ўз тадрижий такомилига етди. Фахри Исфаҳоний “Меъёр ул-ашъор” асарининг 2-қисмини қофия илмига бағишлаб, қофия ҳарф ва ҳаракатлари изоҳини бойитди. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” асари қофия илмига оид манба бўлмаса-да, асарнинг “Хулоса” қисмида келтирилган қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия айбларига оид қарашлари олимнинг қофия илмида ўз ўрнини қолдириши учун асос бўлди. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида қофия илми назарияси алоҳида эмас, бадиият ва аруз илми билан уйғун ҳолда тақдим этилди.

Ушбу давр қофияшунослигига доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Темурийлар даври шеършунослигида қофия илми ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган назарий ҳодиса эмас, унинг шаклланиши ва тараққий этиши учун араб ва форс-тожик

тилидаги манбалар асос бўлган. Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аруз вал қавофий “, Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-Муъраб фи меъёр ул-ашъор ул-араб”, шунингдек, форс-тожик қофияшунослари: Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарлари ушбу давр қофия илми учун назарий асос вазифасини ўтаган. Бу даврда яратилган форсий ва туркий қофияшунослар мазкур манбалардан ижодий фойдаланган ҳолда қофия илми назариясини ривожлантирдилар: рисолаларда қофиянинг янги турлари ва қофия таркибий қисмларида ўзгаришлар вужудга келди. Туркий қофиянинг назарий асослари ишлаб чиқилди.

2. Темурийлар даврида яратилган поэтикага оид рисолаларда қофия илми қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия айблари, қофиянинг бир неча жиҳатларига кўра турлари ва қофиянинг вазн ва бадиий санъатлар билан уйғун ҳолатдаги қонуниятлари акс эттирилди. Рисолалар муаллифлари ушбу унсурларга ўз нуқтаи назарлари асосида ижодий ёндашдилар. Бу ёндашувларнинг пайдо бўлишида рисолаларнинг таркиби, яратилиши эҳтиёжи, услуби, мўлжалланган ўқувчилар аудиторияси ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

3. Форс тилидаги рисолаларда шеърнинг асоси сифатида вазн асосий мезон қилиб белгиланган бўлса, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида шеърнинг асоси сифатида қофия тақдим этилди.

4. Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида равий, васлга уланмаган (сукунли)ҳарфлар радиф сифатида баҳоланди. Аҳмад Тарозий, Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий рисолаларида радиф қофиядан ташқаридаги алоҳида сўз эканлиги айтилади, берилган намуналарда радиф алоҳида сўз сифатида намоён бўлади. Васл ва қофиянинг васлдан кейинги ҳарфлари таърифида келтирилган байтларда ҳарфларнинг бир-бирига уланган ҳолати (қофия ҳаракатлари воситасида) акс этган қофиядош сўзлар келтирилади. Рисола муаллифлари Тусий келтирган қонуниятни рад этмаган ҳолда байтларни тақдим

этдилар. Улар ҳам қофияга уланган қисмни алоҳида сўз (баъз калима) сифатида қабул қилдилар.

5. Темурийлар даврига оид рисолаларда қофия ҳарф ва ҳаракатлари сони ва талқинида тафовут кўзга ташланмайди. Бироқ Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида қофия ҳарфлари 5 та деб келтирилади. Тусий васлдан кейинги ҳарфлар форс шеъриятида радиф сифатида олиниши кераклигини айтади. Аҳмад Тарозий, Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий рисолаларида қофия ҳарфлари 9 та келтирилиб, тавсифланади. Рисола муаллифлари равий ва ундан кейинги ҳарфларга ҳаракатлар воситасида уланган ҳуруфни алоҳида ҳарф сифатида келтирадилар.

6. Қофия ҳаракатлари ва сони темурийлар даврига оид рисолаларда ўхшаш бўлса-да, “Фунун ул-балоға”да Аҳмад Тарозий қофия таркибидаги олти ҳаракатни келтиришда мажрони бошқа ном остида келтиради. Олти ҳаракатнинг дастлабкиси сифатида *итлоқ*ни тақдим этади. Итлоқ ҳам мажро сингари равийнинг ҳаракатига нисбатан ишлатилади. Аҳмад Тарозий арабий ва форсий тилдаги рисолалардаги камчиликларни тузатиб, қофия қонуниятларни туркий шеъриятга мослаб, тақдим этади.

7. Рисолаларнинг аксариятида қофиянинг 4 нуқсони (икво, икфо, синод, ийто)таърифи келтирилади. Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий, Фахри Исфаҳоний қофиянинг тўрт нуқсонига қўшимча тарзда уч қофия нуқсонини (муноқаза, тазмин, тахлиъ)изоҳлайди. Қофия айби сифатида келтирилган муноқаза, тазмин, тахлиъ каби нуқсонлар қофиядан кўра кўпроқ шеърий жанрлар билан боғлиқ камчиликлар бўлиб, шунинг сабаб темурийлар даврида яратилган рисолаларда қофия айби сифатида келтирилмайди.

8. Гарчи темурийлар давридаги рисолаларнинг аксарияти Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” асари таъсирида яратилган бўлса-да, қофиянинг турларини белгилашда ўз ёндашувларини тақдим қилганлар. Аслий қофия Жомий томонидан маъмул қофия сифатида маъмулий қофия эса ғайри маъмулий истилоҳи остида келтирилади.

9. Бугунги кун тадқиқотларида тақдим қилинаётган қофиянинг мурдаф, муқайяд, муассас, мужаррад турлари темурийлар даврига оид рисолаларда қофия тури сифатида изоҳланмайди. Бу қофия турлари – номлари қофия ҳарфлари изоҳи қисмида келтирилади.

10.Темурийлар давридаги рисолаларда қофия тақтиъларининг иштирокига кўра турлари, қофия назарияси қофиянинг асосий тури сифатида келтирилади. Қофия ва вазн уйғунлиги қофиянинг асосий қонунияти сифатида қофия ҳарф ва ҳаракатларига нисбатан муҳим ҳодиса сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам қофия ҳарф ва ҳаракатларидан олдин қофиянинг тақтиъ эътиборига кўра турлари изоҳланади.

11.Қофия назариясига бағишланган рисолаларнинг барчасида қофия тақтиъларининг иштирокига кўра турлари араб шоирлари томонидан тақдим этилган бешта: мутаковис, мутарокиб, мутадорик, мутавотир, мутародиф турлари келтирилади. Аҳмад Тарозий беш қофия турларига 3 тур(мутавосий, мутарожиҳ, мутазойид)ни қўшганган ҳолда қофия турларини бойитади.

12.Бу даврда яратилган рисолаларда қофия вазн ва илми бадеъ билан уйғун ҳолда тадқиқ этилган. Қофиянинг таъсири байт ва шеър номланишига таъсир кўрсатгани боис Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўжам” ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадое ус-саное” асарларида муздаваж, мусарраъ, муқаффо, мураддаф, маҳжуб, мужаммаъ байтлар таҳлили келтирилса, Носиридин Тусий, Рашидиддин Ватвот, Воҳид Табризий, Аҳмад Тарозий, Фахри Исфаҳоний, Ҳусайн Воиз Кошифий рисолаларида радиф ва ҳожибнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш асносида мураддаф ва маҳжуб байт тақдим қилинади.

13.Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида қофиясиз шеър – ҳарора шеърни таҳлилга тортади. Олим қофия шеърнинг асоси эканлигини таъкидласа-да, қофиясиз шеър мавжуд эканлигини айтиб, ҳарора шеърга намуна келтиради. Аҳмад Тарозий бу орқали радифнинг такрори – оҳанги қофия ўрнини боса олишини кўрсатиб беради. Аҳмад Тарозийнинг бу ёндашуви қофиясиз шеър адабиётшуносликда қабул қилиниши мумкинлигини кўрсатади.

14.Тасмит санъати ҳақидаги ёндашувлар Халил ибн Аҳмад назариясига бориб туташса-да, Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадое ус-саное” асарида бу қарашларни кенгайтирган ҳолда араб шоирлар томонидан тақдим этилган тасмитнинг икки турини (*тасмити тақтиъ, тасмити батақаййуз*) форс адабиётига мослаб тушунтиради. Араб шуароси орасида машҳур бўлган манҳук ва маштур байтларни қиёсий ўрганади. Рисолаларда келтирилган хусусиятлар асосида ички қофияга асосланувчи тасмит санъати кейинчалик мусаммат жанрига асос бўлганлигини кўриш мумкин.

15.Темурийлар давридаги манбаларнинг деярли барчасида қофияга асосланувчи эънот санъати изоҳланган. Эънот қофиядош сўз таркибида эҳтиёж бўлса, бўлмаса, бир ҳарфнинг орттирилишига асосланади. Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида эънот санъатининг ўзига хос хусусияти – байт ёки мисра ичида бирор сўзнинг маълум бир сабабларга кўра такрор келишига асосланишини келтиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қофия илми темурийлар даврида илмнинг алоҳида йўналиши сифатида ривожланди. Поэтикага доир рисолаларда қофия алоҳида илм сифатида келтирилиб, махсус илмий рисолалар, ўқув қўлланмалари яратилди. Бу соҳага илмий-назарий ва илмий-амалий ёндашув мезонлари ишлаб чиқилди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамоли”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ”, “Рисола дар қофия”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” асарлари қофия илми тараққиётида янги босқични бошлаб берди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М.. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: Ўзбекистон, 2021. -460 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндалари, Фанлар академияси аъзолари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари билан 2016 йил 30 декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 31 декабрь.
3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш –

халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 21 апрель.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

II. Матн ва манбалар:

7. Абдураҳмони Ҷомӣ. Рисолаи қофия. Осор: Иборат аз ҳашт ҷилд. Ҷ.8. – Душанбе: Адиб, 1990. – С. 141-142.
8. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. // Шарқ мумтоз поэтикаси – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 301-311.
9. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. Калькутта, 1867.

10. Абдураҳмон Саъдий. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. - Т.: 1923. - Б. 123

11. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). - Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б.

12. Абу Закарийа (ал-Хатиб) ат-Тибризи. Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи (Перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруда. – Москва: Наука, 1991. – С. 245-343.

13. Абу Закарийё (ал-Хатиб) ат-Табризий. Китоб-у-л-Ал-кафи фил аруз-у-л-қавофий. Таҳқиқ Ал-Ҳасаний Ҳасан Абдуллоҳ. 1994. -244 б.

14. Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср (Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси). Тадқиқ этувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи И.Абдуллаев. –Т.: Фан, 1972.

15. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1979. - 66 б.

16. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

17. Абу Пайҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент, 1968.

18. Абу Али Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Лирика, фалсафий қарашлар, шеър санъати. – Тошкент: 1980. – 89 б.

19. Абу Али ибн Сино. Осори мунтахаб. Чилди 2. Душанбе. 1980. –Б. 243.

20. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент: O’zbekiston, 2011. – 704 б.

21. Ал-Аскарий. Диван ал-маоний.Т.1-2. Қоҳира. 1933. (Ушбу каталогнинг рус тилидаги таржимаси А.Б. Куделинннинг “Средновековая арабская поэтика (вторая половина VIII – XI век.)” асарига илова қилинган. (–М.: Наука, 1983. –С. 231-243)

22. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Критик текст тайёрловчи И. Султон. – Тошкент, 1949.

23. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 43-98.

24. Алишер Навоий. Муҳокамат ул–луғатайн. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 7-42.

25. Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. Насойим ул-муҳаббат. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.10. – 692 б.

26. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1997. Т.13. – 284 б.

27. Арасту. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида). Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ китоби). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 194 б.

28. Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадоеъ-ус-саноеъ / Бо сарсухан, тавзеҳот ва таҳрири Р. Мусулмонқулов. – Душанбе: Ирфон, 1974. – 223 с.

29. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.

30. Атоуллоҳ Ҳусайний. Рисола дар қофия. Ба кушиш Фозил Аббосзода, Доктор Ражаб Тавҳидён. -Теҳрон. Ҳ.1393. - 71 с.

31. Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – 412 б.

32. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1990.

33. Вахид Табризи. Джам-и мухтасар / Критический текст, перевод и примечания А.Е.Бертельса. – Москва: Восточная литература, 1959. – 158 с.

34. Восифий Зайниддин. Бадоеъ ул-вақоеъ – Нодир воқеалар / Форсийдан Н.Норқулов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.

35. Гулшани адаб. Асрҳои IX-XIII . Дар панч чилд. – Душанбе: Ирфон, 1975. Ч. 1. – 432 с.

36. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират аш-шуаро. Теҳран, 1959. // Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират аш-шуара. –

Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981.

37.Дюришин Д. Теория сравнительнго изучения литературы. – М., 1979.

38.Ибн Сина. Фанни шеър / Наука Поэтики. – Душанбе, 1985. – 74 с.

39.Ибн Муътазз. Китоб ал-бадиъ / Крачковский И.Ю. Ибзбранные сочинение. Т. 6 -М. – Л. 1960. -С.345.

40.Ибн Рашиқ. Ал-Умудат фи маҳосин аш-шиър ва адабат ва нақдат. Т.2. Бейрут. ҳ.1326.

41.Камал ад-Дин Хусайн Ва-ъиз Кашифи. Бадаи- ал-афка-р фи- сана-и ъал-ашъар (Новые мысли о поэтическом искусстве). Издание текста, предисловие, примечания и указатели Р. Мусульманкулова. – Москва: Наука, 1977 .

42.Косҳифӣ Камолуддин Ҳусайн Воизи Сабзаворӣ. Бадоеʼу-л-афкор фӣ саноеʼи-ласҳʼор. Вироста ва гузордаи Мирҷалолуддини Каззозӣ.-Теҳрон: Насҳри марказ. 1369.– 387 с.

43.Кайковус. Қобуснома. –Т. 1982. –Б. 98.

44.Курамбоев К. Адабий алоқалар – миллий адабиётлар тараққиётининг қонуниятларидан бири // <http: // uzadab.ndpi.uz/ adabiy_aloqalar.html>

45.Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М.: Наука, 1978. – С.32 – 33.

46.Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 14. (араб тилида).

47.Муҳаммад ибни Умари Родуёни. Тарчумон ал-балоға. Таҳьяи матн, муқаддима ва и тавзеҳи Х.Шарифов. – Душанбе: Дониш, 1987. – 144 с.

48.Меҳмет Умар Родуянı. Тарсуманı-л-Балаğа. Ҳазırлаян Аҳмат Атаş. – İстанбул, 1949.

49.Мунтахаби “Тарҷумон-ул-балоға” ва “Ҳадоиқ-ус-сеҳр”.- Душанбе: Дониш, 1987. - 145с.

50.Муҳаммад ибн Умар ар-Родиёний. Таржумону-л-балоға. Бо таснифи муқаддима ва зайли ҳавоши ва тарожими аълом ба хомаи қавим. – Теҳрон, 1339.

51.Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғат. Иборат аз се чилд. – Душанбе: Адиб, 1988. Ч.2. – 416 с.

52.Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Ҷалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – 150 с.

53.Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четыре беседы. – Москва: Издательство Восточной литературы, 1963. – 176 с.

54.Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар / Форсий тилдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

55.Рашидаддини Ватвот. Ҳадоиқ ус-сеҳр фи дақоиқ аш-шеър / Таҳияи матн, муқаддима ва тавзеҳоти Худой Шарифов. – Душанбе: Ирфон, 1987. – 144 с.

56.Рашид ад-Дин Ватват. Сады волшебства / Памятники письменности Востока. Перевод с персидского, исследование и комментарий Н.Ю.Чалисовой. – Москва: Наука, 1985. – 327 с.

57.Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – 56 с. (форс тилида).

58.Форобий Абу Наср. Шеър санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 67 б.

59.Шамс Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли. Теҳрон. ҳ.1337.

60.Шамс Фахри Исфаҳоний. Меъёр ул-жамоли.(Кийа Садек). Важномайи форсий. Теҳрон. ҳ.1337.

61. شمس فخری . معیار جمالی. کثابخانه مجلس شورای ملی . 33 / / لغث شمس فخری. معیار جمالی. کثابخانه مجلس شورای ملی//

62.لغث شمس فخری. معیار جمالی / Persian dictionary. Being part IV of Me’yar e jamali. By Shams e Fakhri.Edited by dr. Sadegh Kia. Publications de l’universite de Tehran. № 486.

63.Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Елиотт №-127 рақамли қўлёзма).

64.Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. (Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов)– Тошкент: Хазина, 1996. – 212 б.

65.Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунну-л-балоға. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев) -Т.: МУМТОЗ СЎЗ. 2016. -244 с.

66.Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – 464 с.

67.Шарафиддин Ромий Табризий .Ҳақойиқ ал-ҳадойиқ. Саййид Муҳаммад Козим Имом -Теҳрон. 1962.

68.Ҷомй Абдураҳмон. Осори мунтахаб. Ч. 1-5. – Душанбе: Ирфон, 1964.

69.Қудама ибн Жаъфар. Нақд уш-шиър. Стамбул, 1302, изд. Аҳмад аш-Шидйақа.-Б.6.

III. Илмий-назарий адабиётлар:

70.Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хоросане. –Ташкент: Фан, 1984. – 292 с.

71.Абдунабй Сатторзода. Таърихчаи назариёти адабии форсии точикй. – Душанбе: Адиб, 2001. – 144 с.

72.Азер А.А. "Персидское стихосложение и рифма", М., 1967.

73.Азер А.А.Рифма персидского стиха. Проблема восточного стихосложения. -М. 1973.

74.Акбарова М. Алешр Навоий ғазалларида қофия. -Т.: Фан., 1993. -Б. 27.

75.Аллахвердиев Г. "Труд Хатиба Тебризи 'Китаб ал-кафи фи-л-аруз ва-л-кавафи' как источник по восточной поэтике", Баку, 1992.

76.Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 176 б.

77.Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Тошкент: Шарқ НМИУ, 2016.

78.Афсахзод Аълохон. Лирика Абд ар–Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – Москва: Наука, 1988. – 326 с.

79.Ахмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур. Жизнь и общественно-политическая деятельность. – Тошкент: Университет, 1999.

80.Амир Темур ва темурийлар даврида маданият, санъат (мақолалар тўплами). – Тошкент, 1996.

81.Амир Темур ва ҳозирги замон (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент, 2007.

82.Ахметов З. А. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964. – 460 с.

83.Arberry A. "Classical Persian Literature", London, 1958.

84.Ahmed Deif. Yessai sur le lyrisme et la critique litteraire chez les arabes, Paris, 1917// Huart, JA,serie 11, t. XI, 1918, - P.351.

85.Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. – Казань, 1972.

86.Бациева С.Н. Историко-социологический тарактат Ибн Халдуна “Муқаддима”. -М. 1965.

87.Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. –Т.: O‘zbekiston. 1995. –Б. 144

88.Бертелс Е.Э. "Литература на персидском языке в Средней Азии", // "Советское востоковедение", Вып. 5, М. — Л., 1948, с. 199 — 228.

89.Бертелс А.Е. Предисловие / Вахид Табризи. Джам-и мухтасар. Трактат о поэтике. Критич. текст, перев. и прим. А.Е.Бертелса. Отв. Ред. А.А.Стариков. - М: Наука, 1959. – 158 с.

90.Бертелс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960. – 554 с.

91.Бертелс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – Москва: Наука, 1988. – 560 с.

92.Blochmann Henry Ferdinand. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Reprint 1970 of the edition Calcutta 1872 printed in the Netherlands (Amsterdam philo press).

93.Browne Ye.G. "A Literary History of Persia from the Yearliest Times to Modern Times", Vol. 2, Cambridge, 1964.

94.Бобоев Т. Шеър илми таълими (Ўзбек шеърияти поэтикасидан сабоқлар). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 344 б.

95.Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 560 б.

96.Болдырев А.Н. Предисловие / Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей, или Четыре беседы. Под редакцией А.Н.Болдырева. – Москва: Изд.вост.лит. 1963. – С. 3-22

97.Болтабоев Н., Маһмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Икки жилдда. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2013-2016. – 476 б.; - 439 б.

98.Болтабоев Н. Адабиёт энциклопедияси. Биринчи жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z 2015.

99.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.

100. Веселовский А.Н. Историческая поэтика / Вступительная статя И.К. Горского. – Москва: Высшая школа, 1989. – 406 с.

101. М.Л.Гаспаров. Эволюция русской рифмы // Проблемы теории стиха. – Л.: Наука, 1984.

102. Гаспаров М.Л. Аристотел и античная литература. – Москва: Наука, 1978. – 230 с.

103. Гаспаров М.Л. Восток-Запад: Исследования. Переводы. – Москва: Наука, 1982. – 293 с.

104. Gladwin F. "Dissertations on the Rhetoric, Prosody and Rhyme of the Persians", Calcutta, 1801.

105. Гринцер П.А. "Литературы древности и средневековя в системе исторической поэтики" // "Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения", М., 1986.

106. Давронов С. Сохти шеъри точики. –Душанбе: Ирфон, 1976. – 25 б.

107. Давыдова Т.Т., Пронин В.А. Теория литературы. – Москва: Логос, 2003. – 232 с.

108. Daudpota U. "The Influence of Arabic Poetry on the Development of Persian Poetry. Bombay, 1934.

109. Devin DeWEESE. The Predecessors of Nava'i in the "Funun al-balagah" of S'haykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century. – Journal of Turkis'h studies, edited by Sinasi Tekin,

publis’hed at Near Yeastern Languages and Civilizations Harvard University – 2005, volume 29, P. 76.

110. Дюришин Д. Теория сравнителного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1979. – 318 с.

111. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 408 с.

112. Жирмунский Б.М. Сравнителное литературоведение. Восток и Запад. Избр. труды. – Москва: Наука, 1979.

113. Жомий ва ўзбек адабиёти (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент: Моваройннаҳр – Ал-Нудо, 2005. – 120 б.

114. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. –Т.: Фан, 2006. – 203 б.

115. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 356 б.

116. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Тошкент: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2017. – 260 б.

117. Зарринкуб. А. Нақди адабий. Теҳрон. h.1338.

118. Зехни Т. Санъати Сухан. – Душанбе : Дониш, 1979. – 324 с.

119. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоh ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика (Аруз, қофия ва бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). – Тошкент: ТошДШИ, 2001.

120. Имомназаров М. Мумтоз форс шеърияти бадииятшунослиги ва жанрлар типологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2015. – 280 б.

121. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O’zbekiston, 2006. – 320 б.

122. Капранов В.А. “Лугати фурс” Асади Туси и его место в истории таджикской (фарси) лексикографии. – Душанбе: Издателство Академии наук, 1964. – 214 с.

123. Кароматов Н. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993.

124. Кадканӣ, М.Ш. Дар бораи «Тарҷумон-ул-балоg‘а» / М.Ш. Кадканӣ// Сухани ишq.–№2.-1379.- 132 с.

125. Кийа Садек. “Меъйар-и джамали” из Шамси Фахрийи Исфахони. Веженомайи фарси. Т.4. Теҳрон, 1937.

126. Конрад Н.И. Запад и Восток (стати). – Москва: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – 496 с.

127. Корш В. Всеобщая история литературы. Т. 1. – С – Пб.: Издание Карла Риккера, 1881.

128. Котенко В.П. Компаративистика – новое направление методологии анализа научной деятелности и развития науки // Библиосфера. – М., 2007. – № 3.

129. Котетишвили В.В. "Структура персидской классической рифмы", Автореф. докт. дис., Тбилиси, 1975.

130. Köprülü M.F. "Harezmçahlar devrinde bir Turk lisancisi Muhammed bin Kays ve eseri", Türkiyat mecmuasi, Istanbul, 1928.

131. Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке // Изб. Соч. – Москва –Л.: Академия наук. Т. II . – 1956. – 712 с.

132. Крачковский. И.Ю. “Реторика” Кудамы ибн Джаъфара / Избранные сочинения. Т.2. –М. Л. 1956, - С. 372-387.

133. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – Москва: Наука, 1983. – 262 с.

134. Курбанмамедов А. Эстетика Абдурахмана Джами. – Душанбе: Ир-Дониш, 1984. – 140 с.

135. Landau J. De rythme & de raison. Paris: Presses Sorbonee nouvelle, 2013. – 292 p.

136. Liber Mafatih Al-Olum. Auctore Abu Abdallah Muhammed ibn Ahmed Yusuf al-Katib al-Khowarwzmi. Yed., indices G.V.Vloten. Lugduni Batavorum. 1895. - P.4.

137. Литературный энциклопедический словар / Под общей редакцией В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – 752 с.

138. Лотман Ю.М. Лекции по структуралной поэтике. Выпуск I. – Тарту, 1964. – 195 с.

139. Мардони Т.Н. Арабско-таджикские литературные связи. – Душанбе: Ирфон, 2006. – 398 с.

140. Мардонӣ, Тоҷиддин. Саҳифаҳое аз равобити адабии Арабу Ҷам (гузашта ва имрӯз). – Душанбе: Ирфон, 2010.

141. Mehren A. Die Rhetorik der Araber. Kopengagen und Wien, 1853.

142. Meisami J.S. Structure and Meaning in MedieVal Arabic and Persian Poetru. – London, 2003. – 507 p.

143. Мусульманкулов Р. Атауллах-и Махмуд-и Хусайни. – Душанбе: Дониш.1983. -196 с.

144. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XB вв.) – Москва: Наука, 1989. – 240 с.

145. Мусульманкулов Р. Литературно-эстетические взгляды Насриддина Туси // Актуалные проблемы философской и общественной мысли зарубежного Востока. – Душанбе, 1983.

146. Мусулмонқулов Р. Атоулло Маҳмуди Ҳусайни дар сарчашмаҳои адабӣ ва таърихӣ. Изв.ООН АН ТажССР, 1972. №2.

147. Мусулмонқулов Р. Дар барои сохт ва мундариҷаи “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор”и Кошифӣ. Изв.ООН АН ТажССР, 1973. №3.

148. Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент, 1994.

149. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент, 1993.

150. Нарзиқул М. Адабиётшиносии форси–точикй дар асрhои XIII-XIV. – Душанбе: Адиб, 2004. – 112 с.

151. Нўъмонӣ, Ш. Шеър-ул-аҷам: чопи 3 / Ш. Нўъмонӣ.– Тehрон, Ошно, 1968.

152. .Огенесян Д.А Книга поэзии и поэтов. Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истироии классической арабской поэзии. АКД. -М., 1980.

153. Османов М-Н.О. Стил персидско-таджикской поэзии ИХ–Х вв. – Москва: Наука, 1974. –267 с.

154. Османов Н.О. Из истории литературы народов Хоросана и Мавераннахра VIII-IX вв.// Советское востоковедение. – 1956. №2. – С. 105-118.

155. Полвонов Ў. Саъдуддин Тафтазоний. -Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2021. 32 б.

156. W. Pertsch. Die orientalischen Handschriften der Herzoglichen Bibliothek zu Goth, Th.1. Wien, 1859. S.14.

157. Пруцков Н. Историко-сравнителный анализ произведений художественной литературы. – Ленинград: Наука, 1974.

158. Пӯлодова Ш.С. “Тарҷумон-ул-балоға” – сарчашмаи муҳимми шеършуносӣ / Номаи донишгоҳ. № 3, 2015. -114 с.

159. Е.П.Писчурникова. Редифы и их композиционная рол в газелях Хамӣда Моманда// Вестник СПбГУ. Востоковедение и африканистика. 2017. Т. 9. Вып. 2. -С.210-219.

160. Ражабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: Ирфон, 1968.

161. Рамиз Дениз. Насирэддин Туси ученый, опередивший века. – Баку, 2013. – 404 с.

162. В.Раҳмонов. Шеър санъатлари. -Т.: Шарқ, 2020.

163. Reinert B. "Probleme der vormongolischen arabisch-persischen Poesiegemeinschaft und ihr Reflex in der Poetik", // "Arabic Poetry: Theory and Development", Wiesbaden, 1973.

164. Рейснер М.Л. "Эволюция классической газели на фарси X — XIV вв.", М., 1989.

165. Рейснер М.Л. "Газел в системе категорий классической иранской поэтики" // "Вестник Московского университета. Востоковедение", М., 1986.

166. Rieu Ch. Catalogue of the Persian manuscripts in the British Museum, vol. 11. London, 1881, p.789a.

167. Родуёни, Мухаммад ибн Умари. Красноречивый толкователь. – Душанбе: Дониш, 1987. – 143 с.

168. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳ

169. орати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.

170. Рустамов А. Қофия нима? – Тошкент: Фан, 1976.

171. Рустамов А. Қофия структурасига оид бир “назария” ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. № 3, 1976.

172. Рустамий С. Балоғат илмида лингвистик назариялар ва тил ҳодисаларининг ёритилиши. –Тошкент: Наврўз, 2017. – 170 б.

173. Рустамий С. Балоғат илми. Ўқув қўлланма. -Т. 2021.

174. Рысалиев К. Киргизское стихосложение. – Фрунзе, 1965. – 140 с.

175. Д.Самойлов. Книга о русской рифме. -М., 1982.

176. Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – 128 б.

177. Саттарзода А. Аристотел и таджикско-персидская литературная мысл (ИХ-ХВ вв). - Душанбе: Адиб, 2002. - 260 с.

178. Сатторов, А. Qадами муборак / А. Сатторов// Маориф ва маданият.–1975.–18 феврал.; . Мунтахаби “Тарҷумон-ул-балоg‘а” ва “Надоиq-ус-сеhр”.-Душанбе: Дониш, 1987. – 145 с.

179. Simidchieva M. Imitation and Innovatsion in Timueid Poetics: Kashifi’s Badayi al-afkar and Predecessors, al-Mu’jam and Hada’iq al-sihr / Iraninan Studies, volume 36, number 4, December 2003.

180. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – 65 б.

181. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.

182. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий- типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 326 б.

183. Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии. – С., 1953.

184. Сирус Б. Рифма персидского стиха. // Проблемы восточного стихосложения. -М., 1973.

185. Clinton J.W. "Shams-i Qays on the Nature of Poetry", "Edebiyat", n.s. 1, № 2, s. 101 – 128, Philadelphia, 1985.

186. Стеблова И.В. Арабо-персидсккая теория рифмы и тюркоязычная поэзия/ Тюркологический сборник. –М., 1966. – С.246-254.

187. Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Москва: Наука, 1971. – 300 с.

188. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. – Москва: Наука. 1976. – 213 с.

189. Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – Москва: Наука, 1993. – 180 с .

190. Стеблева И.В. Изучение теории восточных литератур в России: XX век. – Москва: Восточная литература, 1996. – 48 с.

191. Стеблева И.В. Изучение тюркских литератур в России: XX век. – Москва: Восточная литература, 1998. – 55 с.

192. Стеблева И.В. Жизн и литература доисламских тюрков. – Москва: Восточная литература, 2007. – 208 с.

193. Стеблева И.В. Тюркская поэтика: этапы развития: VIII-XX вв. – Москва: Восточная литература, 2012. – 200 с.

194. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 272 б.

195. Тагирджанов А.Т. Первый трактат Шамса Фахри Исфахани по персидской поэтике // Вестник ЛГУ, Сер. Ист., яз. и лит. – № 14. Вып. 3. – С. 61-66.

196. Теория жанров литератур Востока / Составител и ответственный редактор И.В. Стеблева. – Москва: Наука, 1985.

197. Теория литературы. Том первый. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – Москва: Академия, 2007. – 510 с.

198. Теория литературы. Том второй. – Москва: Академия, 2007. – 359 с.

199. Тилавалди А. Рифма и проблемы звуковой организации уйгурского стиха. – Алматы: Гылым, 1996. – 176 с.

200. Тилавалди А. Древнетюркский книжный стих. – Алматы: АГУ, 2005. - 285 с.

201. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1976. – 548 с.

202. Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари ва маҳорат масалалари. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2017. – 260 б.

203. Тоиров У. С.Саидали Қомуси қофия ва арузи шеъри ажам. Душанбе. Ирфон. 1994. – 512 с.

204. Тойсеркани К. Баҳс дар баройи китоб Ҳадойиқ ус-сиҳр фи дақойиқ уш-шеър. Теҳрон. h.1336.

205. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – Москва-Л.: Художественная литература, 1959. – 264 с.

206. Trabulsi A. La critique des Arabes. Damas, 1966.

207. Тронский И.М. История античной литературы. – Москва: Высшая школа, 1988. – 463 с.

208. Тўйчиев У. Қофия ва унинг назарияси оид // Адабиёт назарияси. II том. -Т.: Фан., 1979.

209. Туйчиева Г. У. “Поэтика” Аристотеля и взгляды Абу Райхана Бируни на литературу // Филологические науки в России и за рубежом. – СПб. : Реноме, 2012. - С. 36-39.

210. Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. – Ташкент, 2004. – 120 с.

211. Тўйчиев У. Лирик тур белгилари. Масаланинг ўрганилиш тарихига оид // Адабий турлар ва жанрлар. Иккинчи том. – Т.: Фан, 1992. – Б. 4-15.

212. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 508 б.

213. Тўйчиева Г.У. Халил ибн Аҳмад ва унинг назарияси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 50-51.

214. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 135 б.

215. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИЙ, 2018. – 308 б.

216. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – 264 б.

217. Усманов Х.К. К характеристике ритмического строя тюркского стиха // Народы Азии и Африки, 1968. – № 6.

218. Федотов О.И. Основы теории литературы. В 2 ч. Стихосложение и литературный процесс. Ч.2.– М: ВЛАДОС, 2003. – 252 с.

219. Фитрат Р.Р. Аруз ҳақида. – Таскент: Фанлар комитети нашриёти, 1936. – 76 б.

220. Фитрат А. Адабиёт қоидалари: Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 112 б.

221. Фитрат. Аруз ҳақида: Адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.

222. Фитрат А. Шеър ва шоирлиқ. Танланган асарлар. Ж. 4. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.8-9.

223. Freytag A. Darstellung der Arabischen Verkckunst. – Bonn,1830.

224. Фролов Д.В. Классический арабский стих: История и теория аруда. – Москва: Наука, 1991. – 395 с.

225. Фролов Д.В. Арабская филология. Грамматика, стихосложение, корановедение. – М.: Языки славянской культуры, 2006. – 440 с.

226. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. – 398 с.

227. Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. – Тошкент: Муҳаррир насҳриёти, 2018. – 276 б.

228. Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. Ўқув қўлланма. -Т.: МУМТОЗ СЎЗ. 2020. -204 б.

229. Хамраев М.К. Основы тюркского стихосложения (на материале уйгурской классической и современной поэзии). – Алма-Ата: Издателство АН, 1963. – 215 с.

230. Хамраев М.К. Очерки теории тюркского стиха. – Алма-Ата, 1969.

231. Ханлари П.Н. Вазни шеъри форсий. Теҳрон. ҳ.1354.

232. Холшевников В.Е. Основы стиховедения. Русское стихосложение. Ленинград, 1962. – 148 с.

233. Холшевников В.Е. Теория стиха (сборник статей). – Л.: Наука, 1968. – 316 с.

234. Чалисова Н.Ю. Ватват и его трактат “Сады волшебства в тонкостях поэзии” // Ватват. Сады волшебства. – Москва: Наука. 1985. – 327 с.

235. Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики //Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – Москва: Восточная литература. – 465 с.

236. Чаличова Н.Ю. Персидская классическая поэтика о конвенциях описания феноменов красоты. Трактат Шариф ад-Дина Рами «Собеседник влюбленных»// Памятники

литературной мысли востока. Москва ИМЛИ РАН 2004. –С. 165-250.

237. Чиллаев С.Ж. Афкори назарӣ-адабӣ ва интиқодии Сайфҷоми Ҳиравӣ дар “Ҷомеъ ус-саноеъ вв-л-авзон”. -Душанбе. 2021.

238. Шарифов М. "Шамс-и Кайс-и Рази и его литературно-критические взгляды", Автореф. канд. дис., Душанбе, 1985.

239. Шарқ мумтоз поэтикаси: Манба ва талқинлар / Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 430 б.

240. Шенгели Г.А. Техника стиха. – М.: Гослитиздат, 1960. – 312 с.

241. Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (ВИ–ХИИ вв.). – Москва: Наука, 1974. – 256 с.;

242. Шодмонов Н. Мақом назариясига доир муҳим манба. – Қарши: Насаф, 2018. – 168 б.

243. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятелности Алишера Навои. – Тошкент: Фан, 2009.

244. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. Монография. –Т.: Таълим-медиа, 2019. – Б. 37.

245. Yusupova D. Comparison of prosody used in the works by Alis’her Navoi and Abdurakhman Jami // ISJ Theoretical &Applied Science. – Philadelphiya, USA, 2019. Issue 05, Volume, 73. – P. 281–285.

246. Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтика асослари. Дарслик. -Т.: Академнашр. 2021.

247. Юсуфов У. “Бадоеъ ул-афкор”и Кошифӣ ва рушди назариёти адабӣ дар садаи XB. -Душа.нбе., 2020.

248. Qosimov A., Hamroqulov A., Xo’jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslikka kirish. – T.: Akademnashr, 2018. –

249. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 227 б.

250. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996. – 160 б.

251. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н. Жумахўжа. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2015. – 326 б.

252. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий (жанрнинг поэтикаси ва тарихи). – Тошкент: Фан, 1981. – 100 б.

253. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.

254. Ҳодизода Р.Х. Адабиёти форси тоҷик дар асрҳои XII-XIV. Ч.1. Душанбе.1976.

255. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ НМК, 1998. – 158 б.

256. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.

257. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.

258. Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. – Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.

259. Khalafallah M. Badi’. Yel.Bd 4. Leuden, 1957.

260. Haji Khalifa. Lexicon bibliographicum yet yencyclopadicum. Yedidit… Gustavus Flὺgel, Leipzig – London, vol IV, 1837, f. 205.

261. Heinrichs W. Literary theory: the problem of its yefficiency. – Arabic poetry: Theory and Development. Wiesbaden, 1977.

IV. Диссертация ва автореферatлар:

262. Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Бухаре при Саманидах. (X в.). Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1963. – 21 с.

263. Абдусатторов А. Становление и развитие рубаи в персидско-таджикской литературе. XVII-XIX вв. Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Душанбе. 1990. – 23 с.

264. Адизова И. Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 2020. 265 б.

265. Аллахвердиев Г.А. Труд Хатиба Тебризи «Китаб ал-кафи фи-л-аруз ва-л-кавафи” как источник по восточной поэтике. Автореф.дисс. ... канд.фил.наук. – Баку, 1984. – 22 с.

266. Азер А.А. Персидское стихосложение и рифма. Дисс... на соискание докт. филол наук. – Москва, 1967. – 110 с.

267. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 1997. – 20 б.

268. Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложениуа в свете экспериментальных исследований. Автореф. дисс. на соискание… канд. филол наук. – Казан, 1972. – 75 с.

269. Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени докт.филол.наук. – Казан, 1999. – 96 с.

270. Бекова Н. Алишер Навоийнинг hамд ғазаллари ва «Руҳ ул-қудс» қасидасининг бадиияти. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2003.

271. Бекмурадов А. Основные тенденции развитиуа стихосложениуа в туркменской советской поэзии. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. – Ашхабад. 1980. – 33 с.

272. Боев. Ш.Э. Стил поэзии Абу Абдуллаха Рудаки. ДИСС. на соискание ученой степени кандидата филологических наук. -Душанбе. 2018.

273. Болтабоев Н. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1996.–287 б.

274. Вахидов Р.Ж. Взаимосвязи узбекской и персидско–таджикской литератур во второй половине XV – начале XVi в. (Историко-типологический аспект): Автореферат дис. … док. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 45 с.

275. Жўраева Н.Г. Ўзбек мумтоз шеъриуатида байт ва унинг поэтикаси: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.

276. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати (ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотлари мисолида). Филол. фан. номзод ... дис. автореферати. – Тошкент, 1998. – 26 б.

277. Зикиров Х.Х. Социально-политическая филолсофия Ибн Халдуна. Авторефера диссертатсии на соискание ученой степени кандидата философских наук. -Душанбе, 2009.

278. Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул-улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми. Авт. дисс. … канд. филол. наук. – Тошкент, 1990. – 20 с.

279. Каландаров С.Х. Исмаилизм и персидско-таджикская литература X-XII вв. (К проблеме взаимодействия религиозного и художественного мышления). Дисс. на соискание док. филол. наук. -Душанбе. 2014.

280. Каримова Д.Б. Жанрово-тематические особенности арабской поэзии Джалаладдина Балхи-Руми. Дисс. на соискание док. филол. наук. -Душанбе. 2020.

281. Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Автореф. дисс. На соискание … канд.филол. наук. – Тошкент: ТашГИВ, 2002. – 24 с.;

282. Котетишвили В.В. "Структура персидской классической рифмы", Автореф. докт. дис., Тбилиси, 1975.

283. Куделин А.Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дисс... на соискание докт.филол.наук. –М., 1984, - 386 с.

284. Кулиева М. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» ас-Саккаки. Дис. …канд. филол. наук. – Баку, 1983. – 153 с.

285. Курбанов А. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достони сарлавҳалари бадиияти. Филол.фан.фалсафа д-ри.дисс.автореф. – Тошкент, 2017.

286. Курбонов Н.Ф. Лингвистические взгляды Шамса Кайса Рази. Дисс… на соискание учёной степени канд. филол. наук. – Душанбе, 2014. – 160 с.

287. Мамажонов З. Ўхшатиш асосидаги шеърий санъатларнинг назарий тавсифи ва таснифи. Филол.фан.бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.

288. Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов IX-XII веков. Дисс... на соискание докт. филол. наук. – Душанбе, 2006. – 344 б.

289. Муллахўжаева К. Алишер навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. Филол. фан. номз. дисс. -Т, 2005.

290. Мусулманкулов Р. Атауллах-и Махмуд-и Хусайни и вопросы таджикско-персидской классической поэтики. Автореф. дисс. …докт. филол. наук. – Душанбе: 1980. – 42 б.

291. Очилов Э.З. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол. фан. номз. дисс. … автореф. – Тошкент, 1994. – 26 б.

292. Пардаева И. Алишер Навоий тарихий асарлари бадииуати. Фил.фан.б.фал.док.дисс. – Самарқанд, 2018.

293. Ражабов Д.З. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати (70-80-йиллар ўзбек шеърияти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.

294. Рустамов Э. Некоторые вопросы сравнителного изучения узбекской литературы XV века с другими восточными литературами. Афтореф. дис. … док. филол. наук. – Ташкент, 1966. – 94 с.

295. Салоҳий Д. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомили// Филол.фан.док.дис. – Тошкент, 2001. – 283 б.

296. Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда ураатилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил): Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1998. – 45 б.

297. Сулаймонова Н.А. М.Замахшарийнинг “Асос ул-балоға” асарининг манбашунослик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007. – 156 б.

298. Тухлиев Б. “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба и тюркоязычный фолклор (Мотивы. Образная система. Принципы художественного изображения): Афтореф. дис. … док. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 43 с.

299. Тўйчиева Г.У. Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2019.

300. Хамидов Х. Фирдоуси и узбекская литература: Афтореф. дисс. … док. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 50 с.

301. Хамраев А.Т. Древний книжный стих и проблема тюркского аллитератsионного стиха. Автореф. дисс. ... докт. филол.н. –Алматы, 2002. – 58 с.

302. Хамраев М.К. Основы тюркского стихосложения. Авт.докт.дисс. Алматы, 1964.

303. Хўжанова Г. «Ҳибат ул-ақойиқ» поэтикаси. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2001.

304. Шарипов М. Шамси Кайси Рози и его литературно-критические мысли. Автореф. дисс. … канд.фил.наук. – Душанбе, 1985. – 24 с.

305. Шокириён М. Малые лирические жанры в поэзии Рудаки и его современников. Дисс… на соискание учёной степени канд. филол. наук. – Душанбе, 2018. – 183 с.

306. Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. докт. дисс. … – Тошкент, 1998. – 220 б.

307. Эшонқулов Н. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили («Хазойин ул-маоний» мисолида). Филол.фан.док.дисс.автореф. – Самарқанд, 2020.

308. Ғафорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадиий таҳлили. Филол. фан. бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2018. – 48 б.

309. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. . Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2019.

310. Юсуфов У.А. Взаимовлияние поэтики Араба и Аджама(IX-XV вв. Автореф. док. филол. наук. -Душанбе. 2021.

311. Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филол.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2004.

V. Интернет сайтлари:

312. https://www.goodreads.com/book/show/29185683-the-prosody-of-the-persians-according-to-saifi-jami-and-other-writers

313. https://www.researchgate.net/publication/335219749_Simidchieva--NicholsonsRumi-2010--2

314. https://search.rsl.ru/ru/record/01010354334

315. https://archive.org/details/bub_gb_mmUQRv14InIC/page/n7/mode/2up

316. https://www.academia.edu/40960100/%D0%9D%D0%B5%D0%BA%D0%BE%D1%82%D0%BE%D1%80%D1%8B%D0%

B5_%D0%B4%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BD%D0%B5%D1%82%D1%8E%D1%80%D0%BA%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B5_%D1%82%D0%B8%D1%82%D1%83%D0%BB%D1%8B_%D0%B2_%D0%9C%D0%B0%D1%84%D0%B0%D1%82%D0%B8%D1%85_%D0%B0%D0%BB_%D0%A3%D0%BB%D1%83%D0%BC_%D0%90%D0%B1%D1%83_%D0%90%D0%B1%D0%B4%D0%B0%D0%BB%D0%BB%D0%B0%D1%85%D0%B0_%D0%B0%D0%BB_%D0%A5%D0%BE%D1%80%D0%B5%D0%B7%D0%BC%D0%B8_%D0%A5_%D0%B2_ARChIVUM_EURASIAE_MEDII_AEVI_2018_24_
317. https://e-catalog.nlb.by/Record/BY-NLB-rr41271050000
318. https://search.rsl.ru/ru/record/01000072572
319. https://any-book.ru/book/show/id/72540
320. http://kitobam.com/cr/tarjumon-ul-baloghat/
321. https://rusist.info/book/7249891
322. https://any-book.ru/book/show/id/1961281
323. https://rusist.info/book/6301164
324. https://tg.wikipedia.org/wiki/%D0%AE%D1%81%D1%83%D1%84_%D0%90%D0%B7%D0%B8%D0%B7%D3%A3
325. https://tg.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%B4%D0%B0%D0%B1%D0%B8%D1%91%D1%82%D1%88%D0%B8%D0%BD%D0%BE%D1%81%D0%B8%D0%B8_%D1%82%D0%BE%D2%B7%D0%B8%D0%BA%D1%83_%D1%84%D0%BE%D1%80%D1%81%D0%B8%D0%B8_%D0%B0%D1%81%D1%80%D0%B8_15
326. http://ilm.komron.info/cr/adabijoti-asri-xv-va-ibtidoi-asri-xvi/
327. https://www.litres.ru/a-b-kudelin/arabskaya-literatura-poetika-stilistika-tipologiya-vzaimosvyazi/
328. https://www.studmed.ru/kudelin-a-b-arabskaya-literatura-poetika-stilistika-tipologiya-vzaimosvyazi_54a4f056090.html
329. https://sng1lib.org/book/3034849/7b4a6e
330. https://e-catalog.nlb.by/Record/BY-NLB-rr30729730000
331. https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/106/462.htm

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ..... 3

I БОБ. МУМТОЗ ҚОФИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

1.1. Мумтоз қофия ҳақидаги илмнинг шаклланиши..... 8
1.2. Араб тилидаги манбалар таснифи..... 24
1.3. Форс тилидаги манбаларда қофия илми тадқиқи..... 38
1.4.Темурийлар даврига оид рисолаларда қофия такомили 62
1.5. Туркий қофияшунослик ва унинг бадиий адабиётга муносабати..... 73
Биринчи боб бўйича хулосалар..... 80

II БОБ. ПОЭТИКАГА ОИД РИСОЛАЛАР СТРУКТУРАСИДА ҚОФИЯ ТАДҚИҚИ

2.1. Қофия илмида қофия, ҳожиб ва радиф масалалари..... 83
2.2.Қофия ҳарфларига оид қарашларнинг қиёсий таҳлили 96
2.3. Қофия ҳаракатлари тадқиқи..... 127
2.4 Қофия айблари (нуқсон)га оид назарий қарашлар такомили..... 134
Иккинчи боб бўйича хулосалар..... 148

III БОБ. ҚОФИЯ ТУРЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАСНИФИ

3.1. Қофиянинг тузилишига кўра турлари..... 151
3.2.Қофия ҳарфларининг иштирокига кўра қофия турлари 165
3.3. Қофия қисмлари иштирокига кўра турлари..... 172
Учинчи боб бўйича хулосалар..... 182

IV БОБ. ҚОФИЯ ИЛМИНИНГ БАЙТ, АРУЗ, БАДИИЙ САНЪАТГА МУНОСАБАТИ

4.1. Байтлар такомилида қофиянинг ўрни..... 184
4.2.Қофия асосига қуриладиган бадиий санъатлар тадқиқи 191
4.3. Вазн, бадиий санъатлар ва қофия илмининг муштараклиги..... 211
Тўртинчи боб бўйича хулосалар..... 222
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР..... 226
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 231

Ҳамроева Орзигул Жалоловна

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ПОЭТИКАГА ДОИР РИСОЛАЛАРДА ҚОФИЯ ИЛМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Монография

“Bookmany print” нашриёти
Нашриёт тасдиқнома рақами № 022246. 28.02.2022 й.
Босишга рухсат этилди: 22.07.2022.
“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{16}$
Нашриёт босма табоғи 15,5. Шартли босма табоқ 14,8.
Адади 300 нусха. Офсет усулида босилди.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-б уй.

“BOOKMANY PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-б уй.

E-mail: bookmany_print@mail.ru
t.me/ Bookmanyprint +998 99 180 97 10

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi